



ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ

**МИЛЛИЙ
ТИКЛАНИШДАН
МИЛЛИЙ
ЮКСАЛИШ САРИ**

4

«ЎЗБЕКИСТОН»



323(345.1)

М 54



ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ

МИЛЛИЙ
ТИКЛАНИШДАН—
МИЛЛИЙ
ЮКСАЛИШ САРИ



ТОШКЕНТ – «ЎЗБЕКИСТОН» – 2020

65651

УЎК 323.(575.1)

КБК 66.3(5Ў)

М 54

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев асарларининг 4-жилди тўрт бўлимдан иборат бўлиб, унинг биринчи бўлимига мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётидаги энг муҳим воқеалар муносабати билан сўзланган нутқ ва маърузалар киритилган.

Китобнинг иккинчи бўлимидан коронавирусга қарши курашга бағишланган видеоселектордаги маъруза, нутқ ҳамда мурожаатлар жой олган. Учинчи бўлимга хорижий давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари билан учрашувлардаги нутқ ва маърузалар, тўртинчи бўлимга эса юртимизда кенг нишонланиб келаётган умумхалқ байрамлари, тарихий саналар, турли халқаро анжуманлар, тадбир ва маросимлар муносабати билан йўлланган табрик ва қутловлар киритилган.

ISBN 978-9943-6481-2-8



© «ЎЗБЕКИСТОН» НМИУ, 2020

**ХАЛҚИМИЗНИНГ ҲАЁТ ДАРАЖАСИ
ВА СИФАТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА
КЎТАРИШ – ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАМИЗ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИ

Ҳурматли депутатлар ва сенаторлар!

Азиз юртдошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Жонажон Ўзбекистонимиз янги ўн йилликка қадам қўймоқда. Эришган натижаларимиз тарихга айланиб, олдимизда янги-янги ўзгаришларни амалга ошириш бўйича улкан вазифалар ва имкониятлар пайдо бўлмоқда. Шу боис, бугун Сизлар билан биргаликда мамлакатимизни 2020 йил ва келгуси 5 йилда ривожлантириш бўйича, устувор йўналиш ва вазифаларни белгилаб олишимиз лозим.

Яқинда «Янги Ўзбекистон – янги сайловлар» шиори остида бўлиб ўтган сайловлар натижасида республикамызда демократик ислохотларни юқори босқичга олиб чиқиш учун зарур бўлган янги сиёсий муҳит вужудга келди.

Сайловлар очиқ-ойдин, халқаро стандартлар асосида ўтказилишини назорат қилиш учун 50 га яқин давлатдан ҳамда 10 та халқаро ташкилотдан 825 нафар кузатувчи иштирок этди. Биринчи марта Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг 316 кишилиқ тўлақонли миссияси билан яқин ҳамкорлик қилдик.

Халқаро кузатувчилар сайловлар эркин рақобат муҳи-тида, сиёсий партиялар ўртасидаги қизғин тортишув ва баҳс-мунозаралар шароитида ўтганини, бу жараёнда оммавий ахборот воситаларининг роли сезиларли даражада ошганини алоҳида эътироф этдилар.

Барча халқаро кузатувчиларга сайлов жараёнлари ҳақидаги ҳолис фикрлари ва тавсиялари учун бутун халқимиз номидан самимий миннатдорчилик билдираман.

Биз албатта ушбу тавсияларнинг ҳар бирини чуқур ўрганиб, тегишли дастур қабул қилиб, амалиётга кенг жорий этамиз. Бу борада сайлов комиссиялари ва аҳолининг сайлов маданиятини юксалтириш, сиёсий партияларнинг ўз электорати билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, партияларнинг сиёсий фаоллигини ошириш олдимизда турган муҳим масалалардан биридир.

Шу билан бирга маҳаллий кенгашларга сайлов ўтказишнинг уч поғонали тизимини оптималлаштириш, бунда туман ва шаҳар сайлов комиссиясининг ролини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Парламент ва Марказий сайлов комиссияси сайлов якунлари бўйича режалаштирилган вазифаларни амалга ошириш учун яқин ҳамкорликда иш олиб бориши зарур бўлади.

Барча депутат ва сенаторларга, уларнинг тимсолида бутун Ўзбекистон халқига мурожаат қилиб айтмоқчиман: демократик ислохотлар йўли – биз учун яккаю ягона ва энг тўғри йўлдир. Бу борада биз ҳар куни изланишдамиз, хориждаги илғор тажрибаларни чуқур ўрганиб, ҳаётимизни, иш услубимизни янгилашга ҳаракат қилмоқдамиз.

Биз янги Ўзбекистонни халқимиз билан биргаликда барпо этамиз, деган улуғвор мақсадни ўз олдимизга қўйганмиз. Бу борада **«Жамият – ислохотлар ташаббускори»** деган янги ғоя кундалик фаолиятимизга тобора чуқур кириб бормоқда.

Ислохотларнинг амалий самарадорлигини оширишда, жойларда янги ташаббусларни илгари суришда аҳолимизнинг янада фаолроқ, янада ташаббускор бўлишига эришмоғимиз лозим.

Энг асосийси, бу ислохотлар натижасида халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиб беришимиз

лозим. Одамларимиз етарли даромад топиши учун энг қулай бизнес ва инвестиция муҳитини шакллантириб, янги-янги корхоналар ва иш жойларини кўпайтиришимиз зарур. Бу ғоят долзарб ишларни ўзимиз қилмасак, ҳеч ким бизга четдан келиб қилиб бермайди.

Халқимиз шуни яхши билиши керак: олдимизда узок ва машаққатли йўл турибди. Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, ишимизни мукамал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради. Мен бунга қатъий ишонаман ва бу фикрни сизлар ҳам қўллаб-қувватлайсизлар, деб ўйлайман.

Ўрнатилган кўшма мажлис иштирокчилари!

Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан 2019 йил – «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да салмоқли натижаларга эришдик. Барча соҳалардаги ижобий натижалар қаторида инвестициялар ҳажми ҳам сезиларли даражада ошди.

Айниқса, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 4,2 миллиард долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан – мана шу рақамга эътиборингизни қаратмоқчиман – 3,1 миллиард долларга ёки 3,7 баробар ўсди. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 37 фоизга етди.

Мамлакатимиз илк бор халқаро кредит рейтингини олди ва жаҳон молия бозорида 1 миллиард долларлик облигацияларини муваффақиятли жойлаштирди. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг кредитга доир таваккалчилик рейтинги охириги 10 йилда биринчи марта яхшиланди.

Энергетика, нефть-газ, геология, транспорт, йўл қурилиши, қишлоқ ва сув хўжалиги, ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти ҳамда бошқа катор тармоқларда чуқур таркибий ислохотлар бошланди. Саноатнинг 12 та етакчи тармоғида модернизациялаш ва рақобатдошликни кучайтириш дастурлари жадал

амалга оширилмоқда. Натижада ўтган йили иқтисодий ўсиш 5,6 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 6,6 фоизга, экспорт – 28 фоизга кўпайди. Олтин-валюта захираларимиз 2019 йил давомида 2,2 миллиард долларга ортиб, 28,6 миллиард долларга етди.

Қишлоқ хўжалигида фермер ва деҳқонларнинг манфаатдорлигини ошириш борасидаги ўрганиш ва изланишларимиз давом этмоқда. Соҳага илғор технологиялар ва кластер тизими жорий этилмоқда.

Тадбиркорликни кенг ривожлантириш ва бу соҳа учун янги шароитлар яратишга барча имкониятларимизни сафарбар этяпмиз. «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури доирасида ўз бизнесини бошлаётган оилаларга 5,9 триллион сўм кредитлар ажратилди.

Янги солиқ сиёсати доирасида иш ҳақиға солиқ юки 1,5 баробар камайтирилди. Натижада расмий секторда ишлаётганлар сони йил давомида 500 мингтага кўпайди.

Кўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга туширилди. Бунинг ҳисобидан ўтган йили солиқ тўловчилар ихтиёрида 2 триллион сўм қолди. Жорий йилда бу рақам 11 триллион сўмни ташкил этиши кутилмоқда. Бир йилда тадбиркорлар ихтиёрида шунча маблағ қолиши, албатта, уларга ўз бизнесларини ривожлантириш учун жуда катта қўшимча имкониятлар яратади.

Ислохотларимиз натижасида ўтган йили 93 мингта ёки 2018 йилга нисбатан қарийб 2 баробар кўп янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди.

Жаҳон банкининг «Бизнес юритиш» рейтингида 7 поғона кўтарилиб, бизнесни рўйхатга олиш кўрсаткичи бўйича дунёнинг 190 та давлати орасида 8-ўринни эгалладик ва энг яхши ислохотчи давлатлар қаторидан жой олдик.

Шунингдек, 86 та давлат фуқароларига визасиз ва 57 та давлат фуқароларига соддалаштирилган виза режими жорий этилиши натижасида ўтган йили юртимизга 6,7 миллион

нафар хорижий сайёҳ ташриф буюрди. Бу 2016 йилга нисбатан 4,7 миллион нафарга ёки 3,3 баробар кўп демакдир.

Мактабгача таълимни ривожлантириш борасида бошлаган ислохотларимиз натижасида ўтган йили 5 минг 722 та давлат, хусусий, оилавий болалар боғчалари ташкил этилди. Шунинг ҳисобидан фарзандларимизни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси бир йил давомида 38 фоиздан 52 фоизга кўтарилди.

2019 йилда мутлақо янгича мазмун ва шаклдаги 4 та Президент мактаби, 3 та Ижод мактаби иш бошлади. Олий таълимни ривожлантириш учун ўтган йили 19 та янги олий ўқув юрти, жумладан, 9 та нуфузли хорижий университетнинг филиали очилди. Етакчи хорижий университетлар билан ҳамкорликда 141 та қўшма таълим дастури бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Олий таълим муассасаларига жами 146 минг 500 нафар ёки 2016 йилга нисбатан 2 баробар кўп талаба ўқишга қабул қилинди.

Ишлаётган пенсионерларга пенсияни тўлиқ тўлаш тартиби жорий этилди. Ижтимоий ёрдамга муҳтож ва эҳтиёжманд аҳоли учун нафақа миқдори 2 баробар кўпайтирилди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат муассасалари билан бир қаторда хусусий тиббиёт йўналиши ҳам жадал ривожланмоқда. Даволаш фаолияти турлари 50 тадан 126 тага кўпайтирилиб, қатор имтиёзлар берилгани туфайли ўтган йили 634 та хусусий тиббиёт муассасаси ташкил этилди.

«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида 479 та қишлоқ ва овулда, шаҳарлардаги 116 та маҳаллада кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. Бунга 6,1 триллион сўм ёки 2018 йилга нисбатан 1,5 триллион сўм кўп маблағ сарфланди.

Қишлоқ жойларда – 17 минг 100 та, шаҳарларда – 17 минг 600 та, жами 34 минг 700 та ёки 2016 йилга нисбатан салкам 3 баробар кўп арзон ва шинам уйлар қурилди.

Кам таъминланган ва уй-жой шароитини яхшилашга мухтож 5 мингта оилага, жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга ипотека кредити асосида арзон уй-жой сотиб олиш учун 116 миллиард сўмдан зиёд бошланғич бадал тўлаб берилди.

Амалга ошираётган ислохотларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан муносиб баҳоланмоқда. Хусусан, дунёдаги нуфузли нашрлардан бири – «Экономист» журнали Ўзбекистонни 2019 йилда ислохотларни энг жадал амалга оширган давлат – «Йил мамлакати» деб эътироф этди. Бундай баҳо барчамизга чексиз ғурур, ифтихор ва куч бағишлайди, янги марраларга руҳлантиради, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрни қўллаб-қувватлайсизлар.

Азиз ватандошлар!

Ўтган йили амалга оширган ишларимизни танқидий таҳлил қилиб, қуйидаги хулосаларни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Биринчидан, барча даражадаги раҳбарлар, эришилган дастлабки ижобий кўрсаткичларга маҳлиё бўлиб, хотиржамликка асло берилмаслиги керак.

Янги Парламент ва ҳукуматнинг келгуси 5 йилдаги фаолиятининг пировард мақсади – Ўзбекистонда яшаётган кўпмиллатли халқимиз ҳаётини юксалтиришдан иборат бўлиши шарт.

Шу муносабат билан депутатларимизга мурожаат қилиб айтмоқчиман: сайловолди учрашувларида аҳоли томонидан кўтарилган долзарб масалаларни ҳал этиш бўйича аниқ дастур ва «йўл харитаси»ни ишлаб чиқиш ҳамда уларни мутасадди идоралар билан ҳамкорликда тўлиқ амалга ошириш зарур. Акс ҳолда сизларга ишонч билдирган сайловчилар олдида депутатнинг обрўси бўлмайди, партиянинг мавқеи тушиб кетади. Чунки бугун халқимизнинг тафаккури ҳам, дунёқараши ҳам, талаб ва эҳтиёжлари ҳам бутунлай ўзгарди. Одамларимиз ҳамма нарсага зийрак ва теран назар билан қарамоқда.

Иккинчидан, бошқарув тизими сифатини оширишда «Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак» деган асосий тамойилни амалда тўлиқ таъминлаш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз зарур.

Виртуал ва Халқ қабулхоналарига йилига 1 миллиондан зиёд мурожаат келиб тушаётгани халқ билан мулоқотни янги босқичга олиб чиқишни талаб этади.

Энди давлат идоралари раҳбарлари ва ҳокимларнинг ушбу мурожаатларни қай даражада ҳал этаётгани бўйича ҳисоботини парламент ва халқ депутатлари кенгашларида мунтазам эшитиш тизими йўлга қўйилади.

Маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадини тақсимлаш, нафақа олувчиларни адолатли белгилаш, ижро органлари раҳбарлари ишига баҳо бериш бундан буён Халқ қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатлар таҳлили асосида амалга оширилади.

Ҳар бир депутат Халқ қабулхоналари билан доимий ишлаб, ўз ҳудудида яшаётган аҳоли муаммоларини ечишда фаол иштирок этиши, одамларнинг дарду ташвишларини тинглаши керак. Шунда депутатлар ўз сайловчиларига берган ваъдалари устидан чиқади, халқнинг ишончини оқлайди, меҳрини қозонади. Шунда мен ҳам нафақат Президент, балки оддий сайловчи сифатида сизлардан жуда миннатдор бўлар эдим.

Учинчидан, биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз.

Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Шунинг учун ҳам боғчадан бошлаб олий ўқув юртигача – таълимнинг барча бўғинларини ислоҳ қилишни бошладик.

Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат,

юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда колоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади.

Шарқ донишмандлари айтганидек, «Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта кашшоқлик – бу билимсизликдир!»

Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак.

Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормокда.

Юртимиз «Халқаро ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш индекси» бўйича 2019 йилда 8 поғонага кўтарилган бўлса-да, ҳали жуда ҳам орқадамиз. Аксарият вазирлик ва идоралар, корхоналар рақамли технологиялардан мутлақо йироқ, десак, бу ҳам ҳақиқат.

Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади.

Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради. Шу билан бирга, мени жуда қаттиқ ташвишга соладиган ва безовта қиладиган энг оғир иллат – коррупция балосини йўқотишда ҳам улар самарали воситадир. Буни барчамиз теран англаб олишимиз даркор.

Давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий соҳада ҳам рақамли технологияларни кенг жорий этиб, натижадорликни ошириш, бир сўз билан айтганда, одамлар турмушини кескин яхшилаш мумкин.

Қадрли юрtdошлар!

Ҳурматли халқ ноиблари!

Мамлакатимизда илм-фанни янада равнақ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида мен юртимизда 2020 йилга **«Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»**, деб ном беришни таклиф этаман.

Биз 2020 йил номида белгиланган соҳаларни устувор даражада ривожлантириш ва ислоҳ этиш бўйича кенг кўламли ишларни амалга оширишимиз лозим. Хусусан, боғча ёшидаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини жорий йилда 60 фоизга етказишимиз зарур. Ушбу мақсадларга шу йилнинг ўзида бюджетдан қарийб 1,8 триллион сўм маблағ ажратилади.

Бу йилдан бошлаб, тарихимизда илк бора 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш тизими жорий қилинади. Бунга бюджетдан 130 миллиард сўм ажратилиб, бу жараёнда хусусий мактабгача таълим муассасалари ҳам бевосита иштирок этади.

2020 йилда бюджетдан ажратиладиган 1,7 триллион сўм маблағ ҳисобидан 36 та янги мактаб қурилиб, 211 таси капитал таъмирланади. Шунингдек, 55 та хусусий мактаб ташкил этилиб, уларнинг сони 141 тага етказилади.

Педагогик маҳорат ва малака даражасига эга бўлган, ўз ишида аниқ натижаларга эришган ўқитувчиларга юқори маош тўлаш тизимини жорий этамиз.

Мактаб ўқув дастурларини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, ўқув юкламалари ва фанларни қайта кўриб чиқиш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш, дарслик ва адабиётлар сифатини ошириш зарур.

2021 йилги халқаро баҳолаш жараёнига тайёргарлик кўриш учун 348 та таянч мактаб белгиланиб, 6 мингдан ортиқ ўқитувчининг малакаси оширилади.

Жорий ўқув йилидан бошлаб мутлако янги профессионал таълим тизими йўлга қўйилиб, 340 та касб-ҳунар мактаби, 147 та коллеж ва 143 та техникум ташкил этилади.

Кадрлар малакасини халқаро меҳнат бозори талабларига мослаштириш мақсадида миллий малака тизими ишлаб чиқилади. Ушбу тизим 9 мингга яқин касблар бўйича кадрлар тайёрлаш имконини беради.

Олий маълумот оламан, ўз устимда ишлаб, илмли бўламан, деган, юрагида ўти бор, жўшқин ёшларимизнинг тахсил олиши учун ҳамма қулайликларни яратишимиз шарт. Шунинг учун мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини 2020 йилда камида 25 фоизга ва келгусида 50 – 60 фоизга етказамиз.

Бу борада шуни унутмаслик керакки, олий таълим қамровини ошириш тўлов контрактга боғлиқ бўлиб қолмаслиги зарур. Шуни ҳисобга олиб, олий ўқув юртларига талабалар қабул қилиш давлат грантларини 2 баробар кўпайтирамиз, десам, сизлар бу фикрга қандай қарайсиз?

Қизларимиз учун алоҳида грантлар ҳам ажратилади. Хотин-қизлар қўмитаси ушбу грантлар асосида ўқитишга номзодларни танлаш ва саралаш мезонларини ишлаб чиқиши керак.

Олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларини ҳам оптималлаштириш зарур. Биз бунда асосий эътиборни ўқишга кириш жараёнларини соддалаштиришга, олий ўқув юртларида чинакам билим ва тарбия олишга қаратишимиз зарур. Мисол учун, она тили бўйича билимни баҳолашнинг миллий тест тизимини яратиш лозим. Ёшлар исталган вақтда имтиҳон топшириб, тегишли гувоҳнома олса, олий ўқув юртига ўқишга қираётган пайтда она тили бўйича қайта синовдан ўтишга ҳеч қандай эҳтиёж қолмайди.

Олий таълим стандартлари хорижий тажриба асосида такомиллаштирилади, таълим йўналишлари ва ўқитиладиган фанлар қайта кўриб чиқилади. Мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сони 2 баробар қискартирилади.

Олий таълимда ўқув жараёнини кредит-модуль тизимига ўтказиш талаб этилади. Жорий йилдан педагогик таълимнинг 6 та йўналиши бўйича ўқиш муддати 3 йил қилиб белгиланади.

Бу ишларни бошқа йўналишларда ҳам давом эттирамыз.

Олий ўқув юртларига босқичма-босқич академик ва молиявий мустақиллик берилади. Жорий йилда уларнинг 10 таси ўзини ўзи молиявий таъминлашга ўтади. Бундан ташқари, камида 5 та олий таълим муассасасини конкурс асосида танлаб, нуфузли хорижий олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорликда уларни трансформация қилишни бошлаймиз.

Мамлакатимиз учун илм-фан соҳасидаги устувор йўналишларни аниқ белгилаб олишимиз керак. Ҳеч бир давлат илм-фаннинг барча соҳаларини бирийўла тараққий эттира олмайди. Шунинг учун биз ҳам ҳар йили илм-фаннинг бир нечта устувор йўналишини ривожлантириш тарафдоримиз.

Жорий йилда математика, кимё-биология, геология каби йўналишларда фундаментал ва амалий тадқиқотлар фаоллаштирилиб, олимларга барча шарт-шароитлар яратиб берилади. Шунингдек, илм-фан соҳасида фундаментал ва инновацион тадқиқотлар учун мақсадли грант маблағларини ажратиш механизмини тубдан қайта кўриб чиқиш керак.

Илм-фан ютуқларининг электрон платформаси, маҳаллий ва хорижий илмий ишланмалар базасини шакллантириш лозим. Ҳар бир олий таълим ва илмий тадқиқот даргоҳи нуфузли чет эл университетлари ва илмий марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши шарт.

Жорий йилда «Эл-юрт умиди» жамғармаси томонидан 700 дан зиёд олимлар, профессор-ўқитувчилар чет элга илмий изланиш ва малака ошириш учун юборилади.

Келгусида грантлар миқдорини 2 баробар кўпайтириш ва тадқиқот йўналишлари кўламини кенгайтириш лозим. Жорий йилда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича туб бурилиш қилишимиз керак.

Биринчи навбатда, қурилиш, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт, геология, кадастр, соғлиқни сақлаш, таълим, архив соҳаларини тўлиқ рақамлаштириш лозим. Шунингдек, «Электрон ҳукумат» тизимини, амалга оширилаётган дастурлар ва лойиҳаларни танқидий қайта кўриб чиқиб, барча ташкилий ва институционал масалаларни комплекс ҳал этиш зарур.

Тошкент шаҳрида замонавий инфратузилмага эга бўлган «IT-парк» барпо этилмоқда. У ҳозирданок ўзининг дастлабки натижаларини бера бошлади. Бундай «IT-парк»лар Нукус, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Гулистон ва Урганч шаҳарларида ҳам ташкил этилади.

Соҳа учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида хорижий ҳамкорларимиз билан биргаликда «1 миллион дастурчи» лойиҳасини амалга ошириш бошланди.

Шунингдек, таълимнинг барча босқичларида халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган ахборот технологиялари жорий этилиши шарт.

Ўтган йили барча шаҳар ва туман марказларини юқори тезликдаги Интернетга улаш ишлари якунланганини ҳисобга олиб, яқин 2 йилда барча қишлоқ ва маҳаллаларни ана шундай тезкор Интернет билан таъминлашимиз керак.

Ҳозирги кунгача 7 мингдан ортиқ соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим муассасалари ва мактаблар юқори тезликдаги Интернетга уланган бўлса, кейинги 2 йилда яна 12 мингта муассаса тезкор Интернетга уланади. Бу вазифаларни кўзда тутган ҳолда, «**Рақамли Ўзбекистон – 2030**» дастурини ишлаб чиқишни икки ой муддатда якунлаш лозим.

Келгусида бу ишларни тизимли ташкил этишга бошқош бўлиши учун ҳукуматда – Бош вазир ўринбосари, вазирлик ва идораларда ҳамда ҳокимликларда эса – алоҳида ўринбосар лавозимлари жорий этилади.

Парламент илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғри-

сида ҳукумат, тармоқ ва ҳудудлар раҳбарларининг ҳисоботини мунтазам эшитиб бориши лозим.

Ҳурматли парламент аъзолари!

Энди 2020 йил ва кейинги йилларда иқтисодиёт соҳасида амалга ошириш зарур бўлган дастурий ва мақсадли вазифаларга тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Биринчидан, 2020 йилда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва инфляцияни жиловлаш — иқтисодий ислохотлар жараёнидаги бош вазифамиздир.

Биз шу йилдан бошлаб инфляциявий таргетлаш тизимини жорий қилишга ўтдик. Бу борада Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Марказий банк, Молия вазирлиги иқтисодий ўсиш билан инфляция ўртасида мувозанатни таъминлаши, ташқи хавф-хатарларни ҳисобга олиши зарур.

Давлат томонидан 37 турдаги маҳсулот ва хизматлар нархининг тартибга солинаётгани эркин рақобатга салбий таъсир қилмоқда. Шунинг ҳисобга олиб, энди асосий эътиборни нархларни белгилашга эмас, балки корхоналар ўртасида соғлом рақобатни таъминлаш орқали нархларни пасайтиришга ва сифатни оширишга қаратишимиз керак.

Халқаро тажрибани ўрганиб, рақобатни олиб кириш мумкин бўлган монополия соҳаларига хусусий сектор учун йўл очиш ва шу орқали рақобат муҳитини шакллантириш лозим. Бу борада табиий монополия ва рақобат тўғрисидаги қонунларни янгилаш ҳамда Иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Истеъмол бозорида озиқ-овқат маҳсулотлари нархи барқарорлигини таъминлашнинг ягона йўли — мева-сабзавот, чорвачилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш ҳамда «даладан дўконгача» бўлган узлуксиз занжирни яратишдир. Ҳукумат барча даражадаги ҳокимликлар билан ушбу вазифа ижросини тўлиқ таъминлаши керак.

Бюджет маблағларининг мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан назоратни янада кучайтириш зарур.

Жорий йилда давлат ташқи қарзининг юқори чегарасини белгиладик. Бундан буён халқаро молия ташкилотларидан олинадиган маблағларни қайтариш имконияти ва уларнинг натижадорлигига жиддий эътибор қаратилади.

Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда халқаро экспертларни жалб этган ҳолда, «Давлат молиявий назорати тўғрисида» ва «Давлат қарзи тўғрисида»ги қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқсин.

Ислохотларимизга жиддий тўсқинлик қилаётган «яширин иқтисодиёт»га барҳам берилмас экан, соғлом рақобат ҳам, қулай инвестиция муҳити ҳам шаклланмайди.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда, хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда, «яширин иқтисодиёт»нинг вужудга келиш омилларини чуқур таҳлил қилиб, унга қарши курашиш дастурини тасдиқласин.

Шунингдек, «яширин иқтисодиёт» улуши юқори бўлган алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш учун товарларни рақамли маркировка қилиш тизимини жорий этиш ишлари бошланди. Бу тизим келгусида фармацевтика маҳсулотлари учун ҳам қўлланилади. Вазирлар Маҳкамаси қиймати 200 миллион доллар бўлган, тўғридан-тўғри инвестициялар ҳисобидан амалга оширилаётган ушбу «рақамли маркировка ва онлайн касса» лойиҳасини алоҳида назоратга олсин.

Иккинчидан, иқтисодиётни юқори суръатлар билан ривожлантириш учун фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш зарур.

Жорий йилда 23 миллиард долларлик инвестициялар ўзлаштирилади ҳамда 206 та янги йирик қувватлар ишга туширилади. Жумладан, Шўртан газ-кимё комплексида синтетик суюқ ёқилғи, «Навоийазот» акциядорлик жамиятида азот кислотаси, аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилади. Янги Тошкент металлургия заводи, Тошкент метросининг Сирғали тармоғи, ер усти халқа йўлининг биринчи босқичи ишга туширилади.

2020 йилда ўзлаштириладиган инвестицияларнинг салмоқли қисми тўғридан-тўғри хорижий сармоялар ва кредитлар бўлишини алоҳида қайд этмоқчиман. Инвесторларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш, инфратузилма яратиш харажатларини қисман давлат томонидан қоплаш механизмлари жорий этилмоқда.

Шунингдек, фойда солиғини ҳисоблашда янги технологик ускуналар харид қилиш, янги объектларни қуриш ва модернизация қилиш харажатлари бўйича чегирмалар кенгайтирилди.

Мавжуд 3 мингга яқин давлат иштирокидаги корхоналарни хатловдан ўтказиб, хусусий сектор ва рақобат ривожланган йўналишлардаги корхоналарда давлат иштирокини кескин камайтириш чораларини кўриш керак.

Навоий ва Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинатлари каби йирик саноат корхоналарида янги инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш билан бирга, ушбу корхоналарни халқаро молия бозорининг тўлақонли иштирокчисига айлантириш лозим. Бунинг учун 2020 йилда халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботларни тузиш, захираларни қайта ҳисоблаш, корпоратив ошкораликни татбиқ этиш каби ишларни якунлаш зарур.

Нефть-газ соҳасидаги давлат корхоналарини бошқаришга хорижий экспертларни жалб этиб, уларнинг самарадорлигини ошириш ва харажатларини оптималлаштириш, қарз миқдорини камайтиришга эришиш лозим.

Вазирлар Маҳкамаси ана шу вазифаларни тўлиқ ҳисобга олиб, икки ой муддатда Давлат иштирокидаги корхоналарга эгалик қилиш, уларни бошқариш ва ислоҳ этиш стратегиясини ишлаб чиқсин.

Хорижий инвесторларни фаол жалб этиш мақсадида жорий йил март ойида Тошкент халқаро инвестиция форумини юқори савияда ўтказиш зарур.

Инвестиция жалб этишнинг самарали воситаларидан бири бўлган давлат-хусусий шериклик механизмларини транспорт,

энергетика, йўл, коммунал, тиббиёт, таълим каби соҳаларга кенг татбиқ этиш керак.

Ҳозирги вақтда қурилиш соҳаси иктисодиётнинг муҳим «драйвер»ларидан бирига айланди. Бу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 6 фоиздан ошгани ҳам бу фикрни яққол тасдиқлаб турибди. Ушбу тармоқни янада ривожлантириш учун қурилишга оид нормаларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш, замонавий қурилиш технологиялари ва материалларини татбиқ этиш, соҳа учун кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарур. Шунингдек, тендерлар ўтказишнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш ва соҳада ахборот технологияларини кенг жорий этиш керак.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда қурилиш соҳасини 2025 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқсин.

Учинчидан, банк тизимини ривожлантириш учун бу йил кескин чоралар кўришимиз лозим.

Афсуски, банк тизими рақамли технологияларни қўллаш, янги банк маҳсулотларини жорий этиш ва дастурий таъминотлар бўйича замон талабларидан 10–15 йил орқада қолмоқда.

2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг қўламли трансформация дастури амалга оширилади. Бу борада банкларимизнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини ошириш алоҳида эътиборимиз марказида бўлади.

Банк тизимида тадбиркорларни қўллаб-қувватлайдиган «лойиҳалар фабрикаси» фаолиятини йўлга қўйишимиз лозим.

Банкларимиз халқаро молия бозорларига чиқиб, арзон ва узоқ муддатли ресурслар олиб келиши зарур. Миллий банк ва Ипотека банк бу йил ўз евробондларини чиқариши мақсадга мувофиқдир.

Давлат улушига эга бўлган банклар босқичма-босқич стратегик инвесторларга сотилади.

Банк соҳасидаги ислохотларнинг асосий мақсади – тижорат банкларини мижоз учун ишлашга ўргатишдан иборат.

Соҳа учун замонавий кадрлар тайёрлаш мақсадида Банк-молия академияси хорижий мутахассислар билан биргаликда тўлиқ қайта ташкил этилади. Шунингдек, давлат банкларида замонавий банк амалиёти, менежменти ва хизматларини жорий этиш учун раҳбарлик лавозимларига хорижий етакчи молия институтларининг малакали мутахассисларини жалб этиш бошланди ва бу жараён изчил давом этади.

Банкларда ахборот технологияларини кенг татбиқ этиш орқали уларнинг дастурий таъминотини тубдан янгилаш лозим. Шу йил 1 июлга қадар «кредит тарихи» ахборот тизими-ни тўлиқ ишга тушириш зарур.

Аҳолида банк тизимига нисбатан ишончни шакллантириш ва банклар фаолиятига четдан аралашишга чек қўйиш керак.

Тўртинчидан, барқарор иқтисодий ўсишнинг энг муҳим гарови – рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, улар учун янги халқаро бозорлар топиш ва экспортни кўпайтириш, транзит салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш ҳисобланади.

Бу йил экспортёрларга кафиллик берадиган ва харажатларнинг бир қисмини қоплайдиган – Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда экспортни олдиндан молиялаштириш учун – Экспорт-кредит агентлиги ташкил этилади. Шунингдек, экспорт қилишда замонавий суғурта хизматлари йўлга қўйилади, автомобиль ва ҳаво транспорти харажатларини қисман давлат томонидан қоплаб бериш механизми жорий қилинади.

Ташқи савдо билан боғлиқ назорат тизими ва инфратузилмани яхшилаш зарур. Жумладан, хорижий тажрибадан келиб чиқиб, божхона постларида назоратни амалга оширадиган божхона, санитария, карантин, ветеринария ва бошқа идоралар фаолиятини ислоҳ қилиш лозим.

2020 йилда 3 мингга яқин стандартларни қабул қилиш, уларнинг сонини 10 мингга ва халқаро стандартлар билан уйғунлашиш даражасини 40 фоизга етказиш даркор. Андижон, Термиз ва Қўнғирот туманларида эркин савдо зоналарини

ташкил этиб, улар орқали чегараолди савдосини ривожлантириш зарур.

Харидоргир маҳсулотлар турларини аниқлаш, уларга бозор топиш ва сотиш билан хусусий трейдинг компаниялари шуғулланиши, бунинг учун эса, савдо фаолиятини тартибга соладиган қонун лойиҳалари тўпламини ишлаб чиқиш лозим. Бу ташқи савдо билан бир қаторда, ички бозорга ҳам тегишли.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш концепциясини ишлаб чиқсин ҳамда ана шу вазифалар ижросини таъминлаш бўйича тегишли қарорларни тайёрласин.

Маҳсулотларимизни ички ва ташқи бозорларга етказиш, уларнинг таннархини тушириш учун транспорт-логистика соҳасини ривожлантиришимиз зарур.

Темир йўл соҳасида йўловчи ва юк ташиш, эксплуатация ва хизмат кўрсатишни бир-биридан ажратиш, яъни, табиий монополия қисмини алоҳида, хусусий секторни жалб қилиш мумкин бўлган йўналишларни алоҳида ривожлантириш лозим.

Халқаро экспертларнинг хулосасига кўра, инфратузилма-ни яхшилаш, мослашувчан тарифлар қўллаш ва янги истиқболли йўналишларни шакллантириш ҳисобидан бизда транзит салоҳиятини ҳозирги 7 миллион тоннадан 16 миллион тоннага етказиш имконияти мавжуд.

Яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Аҳоли даромадларини ошириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун бизга янги-янги бозорлар керак. Бунинг учун бозор иқтисодиёти ва давр талабларига мос кўплаб қонун ва қарорларни қабул қилишимиз. Лекин, афсуски, уларни ижро этадиган кўпгина амалдорлар ҳали ҳам эскича иш услуби, расмиятчилик ва бефарқликдан қутулгани йўқ.

Очиқ бозор маҳсулот сифатини ошириш, таннархни пайсантириш, янги технологиялар олиб келишга мажбур қилади,

бозор ислохотларини жадал ривожлантиради. Содда қилиб айтсак, жаҳон ишлаб чиқариш тизимига, дунё бозори талабларига ва иқтисодий интеграция жараёнларига ҳамоҳанг бўлишимиз лозим. Мулоқот ва рақобатга тайёр бўлиш учун тармоқ раҳбарлари ўз устида тинимсиз ишлаши шарт.

Мана, нима учун бизга иқтисодий интеграция керак!

Бизнинг ташқи савдога чиқадиган юklarимизнинг 80 фоизи Қозоғистон, Қирғизистон ва Россиянинг транзит йўлаклари орқали ўтади. Шунингдек, тайёр маҳсулотларимиз экспортининг 50 фоизи, айрим товарлар бўйича эса 80 фоизи Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ҳиссасига тўғри келади.

Ана шу омилларни инобатга олиб ҳамда Россия ва Қозоғистонга ишлаш учун борган фуқароларимизга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида бугунги кунда Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ масалалар ўрганилмоқда. Биз, албатта, ушбу жиддий масалада, энг аввало, халқимизнинг манфаатларидан келиб чиқиб, унинг хоҳиш-иродасига таянамиз.

Шунинг учун халқ вакиллари бўлган депутат ва сенаторларимиз парламент палаталарида мазкур масалани атрофлича муҳокама қилиб, ўз зиммаларига масъулиятни олган ҳолда, асосланган хулосаларини айтишлари керак.

Вазирлар Маҳкамаси ушбу йўналишдаги таҳлилий ва комплекс баҳолаш ишларини яқунлаб, тегишли хулоса ва таклифларни Олий Мажлис палаталарига тақдим этсин.

Шу билан бирга, биз Жаҳон савдо ташкилоти билан бошланган мулоқотимизни ҳамда Европа Иттифоқи билан Ҳамкорлик ва шериклик тўғрисидаги янги битимни тузиш бўйича ишларни изчил давом эттирамиз. Шунингдек, биз бошқа халқаро ва минтакавий иқтисодий ташкилотлардаги иштирокимизни янада кучайтирамиз.

Бешинчидан, саноат тармоқларини узлуксиз хомашё ва замонавий инфратузилма билан таъминлаш зарур.

Иқтисодиётнинг қатор муҳим тармоқлари, жумладан, кимё, нефть ва газ, энергетика, электротехника, қурилиш ма-

териаллари, заргарлик саноатини хомашё билан таъминлаш учун, аввало, геология-қидирув соҳасини тубдан ривожлантириш лозим. Шуни ҳисобга олиб, жорий йилда истиқболли конларни аниқлаш ва мавжуд захираларни кўпайтириш учун бюджетдан 2 триллион сўм маблағ ажратилмоқда.

Давлат геология қўмитаси олдига ушбу маблағларни самарали ишлатиш орқали шу йилда янги истиқболли майдонлар ва конларни аниқлашни 35 фоизга, келгуси йилда эса 40 фоизга ошириш вазифаси қўйилади.

Давлат геология қўмитаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан бирга камида 20 та кон бўйича тайёр лойиҳалар тўпламини шакллантириб, салоҳиятли инвесторларга таклиф этиши лозим. Шунингдек, Қўмита углеводородлар ва уларнинг захиралари бўйича ҳисоб-китоб юритиш, тоифага ажратиш ва бошқаришнинг халқаро тизимини амалиётга жорий этиши керак.

Иқтисодий юксалишни таъминлаш учун барча қулайликларга эга бўлган замонавий инфратузилма барпо этиш ниҳоятда зарур.

Биз кейинги 3 йилда йўл қурилишига – 9,8 триллион сўм, сув тармоқларига – 4,6 триллион сўм, электр тармоқларига – 18,2 триллион сўм, табиий газ таъминотига – 1,2 триллион сўм маблағ ажратдик. Бу рақамлар ушбу тармоқлар учун сўнгги 10 йилда сарфланган маблағлардан бир неча баробар кўпдир. Лекин, шунга қарамадан, замонавий инфратузилма яратиш, мавжуд тизимни модернизация қилиш учун бундан бир неча ўн баробар кўп маблағ талаб этилади.

Қанчалик қийин бўлмасин, биз ҳар йили Инвестиция дастури доирасида катта маблағ ажратиб, бу йўналишдаги ишларни албатта жадал давом эттирамиз. Бунга қўшимча равишда республика ва маҳаллий бюджетларнинг прогноздан юқори тушумларининг ярмини инфратузилма объектларини ривожлантиришга йўналтириш – Молия вазирлиги ва ҳокимлар учун жорий йилдаги асосий вазифалардан бири бўлиши керак.

Қонунчилик палатаси Ҳисоб палатасини жалб этган ҳолда, ушбу маблағларнинг мақсадли ва самарали ишлатилишини жойларга чиқиб, мунтазам равишда ўрганиб бориши мақсадга мувофиқдир.

Олтинчидан, бизнес муҳитини янада яхшилаш биз учун энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолади.

Жаҳон банкининг «Бизнес юритиш» рейтингда энг яхши 50 та мамлакат қаторига кириш бўйича барча ташкилий-ҳукукий чора-тадбирларни қабул қилдик. Ҳукумат ушбу тадбирларнинг амалий ижросини самарали ташкил этиши зарур.

Яқинда қабул қилинган янги Солиқ кодексига мувофиқ, бу йилдан бошлаб кўплаб янгиликлар амалиётга жорий этилмоқда. Жумладан, солиқ турлари 13 тадан 9 тага камайтирилди. Солиқларни тўлаш муддатини узайтириш ёки бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат бериш бўйича енгиллаштирилган механизмлар киритилди.

Биринчи марта тадбиркорларга ички бозорда сотган маҳсулоти бўйича қўшилган қиймат солиғининг бир қисmini қайтариш тартиби жорий этилмоқда. Ҳозиргача бу тартиб фақат маҳсулот экспорт қилинганда қўлланар эди. Бунинг ҳисобидан тадбиркорлар ихтиёрида 3,4 триллион сўм ёки ўтган йилга нисбатан 2,5 баробар кўп маблағ қолади.

Энди тадбиркор томонидан тўланган ортиқча солиқ ўз муддатида қайтарилмаса, унга Марказий банкнинг асосий ставкаси бўйича бюджетдан фоиз тўланади. Бунинг аҳамиятини мана шу залда ўтирган ва «ойнаи жаҳон» орқали менинг сўзларимни эшитаётган тадбиркорлар, ўйлайманки, ҳаммадан кўра яхши тушунади.

Солиқ кодекси нормаларини ҳар бир солиқ ходими, тадбиркорлар ва солиқ тўловчилар пухта ўзлаштириши, бунинг учун уларни мунтазам равишда ўқитиш зарур.

Солиқ хизмати ходимлари дунёқарашини тубдан ўзгартириш ва малакали кадрларни тайёрлаш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси қошида Фискал институтини ташкил этишни таклиф

киламан. Бу жараёнга катта тажрибага эга бўлган нуфузли хорижий экспертларни жалб этиш зарур.

Шу билан бирга, тадбиркорларни кўп қийнайдиган соҳа – лицензиялаш ва рухсатномалар бериш тартибларини жиддий ўзгартирамиз. Очик айтиш керак, мавжуд 280 га яқин лицензия ва рухсатномалар орасида фаолият турлари ҳисобини юритиш, маблағ ундириш ёки шунчаки назорат қилиш учун жорий қилинганлари ҳам бор. Бу эса тадбиркорларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Шу сабабли Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Бизнес-омбудсман 2020 йил 1 мартга қадар лицензия ва рухсатномалар бериш асосларини тубдан қайта кўриб чиқиб, уларнинг сонини камида 2 баробар қисқартириш бўйича аниқ таклиф киритсин. Шунингдек, «Кичик ва ўрта бизнес тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарур. Унда кичик ва ўрта бизнес мезонлари ҳамда бу соҳа вакилларини рағбатлантириш механизмлари назарда тутилиши керак.

Бу йил ҳар бир ҳудудда тадбиркорларга ер участкаларига оид маълумотларни очик ва ҳаққоний етказиш бўйича янги тизим жорий этамиз. Унга кўра, тадбиркорнинг фаолият юритиши учун зарур бўлган бўш ер майдонлари, бино ва иншоотлар, уларнинг қиймати ва шартлари ҳақидаги тўлиқ харитани исталган вақт ва ҳудудда онлайн тартибида олиш имконияти яратилади.

Хабарингиз бор, бундан 2 йил олдин корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишга нисбатан эълон қилинган мораторийнинг муддати тугади. Лекин, бу яна эски усулда ёппасига текшир-текширларни бошлаб юбориш мумкин, дегани эмас. Кимгадир ёкадими-йўқми, биз бунга йўл қўймаймиз. Барча назорат идоралари раҳбарлари шуни кулоғига яхшилаб қўйиб олсин.

2020 йилнинг биринчи чорагида, илғор тажрибалар асосида, барча даражадаги назорат қилувчи идораларда янги замонавий тизим жорий этилиши шарт. Ана шу тизим орқали ҳар

бир корхона ва тадбиркор бўйича алоҳида-алоҳида иш олиб бориб, уларнинг қонуний фаолият юритишини таъминлаш, текширишни эса энг сўнгги фавқулодда чора сифатида адолатли ўтказиш лозим. Мазкур масала юзасидан, назорат идораларининг раҳбарлари парламент олдида ҳар чоракда шахсан ҳисобот бериб боради.

Банкротлик борасидаги ҳозирги тартиб-тамойиллар корхоналарни тугатиш ва мол-мулкдан тушган маблағлар ҳисобидан қарзларни қоплашни назарда тутди. Шунинг учун сўнгги 3 йилда атиги 3 та корхонада санация қўлланган, холос. Энди бундай қоидадан бутунлай воз кечиб, тўловга қобилиятсиз корхоналарни энг илғор хорижий тажриба асосида соғломлаштириш бўйича янги тизим жорий этамиз.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини таъминлашда Олий Мажлиснинг иккала палатаси ҳам таъсирчан парламент назоратини йўлга қўйиши зарур.

Тадбиркорлик соҳасида ижтимоий хавфи катта бўлмаган айрим жинойт турларини жинойт тоифасидан чиқариш сиёсатини изчил давом эттиришимиз лозим. Жумладан, сохта тадбиркорлик, рақобатчининг обрўсини тушириш каби қилмишлар учун жиноий жавобгарлик бекор қилинади. Шунингдек, божхона қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ жинойтни биринчи марта содир этган, лекин тўловларни тўлаган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш керак.

Юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти аъзоларига «жиноий уюшма» деган айблов қўйиб, уларга оғир жазо тайинлаш каби аллақачон умрини ўтаб бўлган тартибларни бекор қилиш вақти етди. Бунинг оқибатида юзлаб тадбиркорлар қанчадан-қанча азият чекиб, моддий зарар кўраётганларини инобатга олсак, бу ўзгаришларнинг қандай катта аҳамиятга эга экани яққол аён бўлади.

Олий суд, Бош прокуратура, Бизнес-омбудсман, Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги 2020 йил 1 апрелгача ана шу масалалар бўйича тегишли қонун лойиҳасини пухта ишлаб чиқиши лозим.

Еттинчидан, иктисодиётимиз ривожини, аҳоли бандлиги ва даромадлари ўсишини таъминлайдиган энг муҳим соҳалардан бири бўлган қишлоқ хўжалигини стратегик ёндашувлар асосида тараққий эттириш зарур.

Тармоқдаги ҳозирги ўсиш суръатлари бизни мутлақо кониктирмайди. Бу борада бозор механизмларини кенг жорий этиб, фермер ва деҳқонлар манфаатдорлигини оширмас эканмиз, биз кутган сезиларли ўзгариш бўлмайди. Шу боис пахта ва ғалла етиштиришга давлат буюртмасини бекор қилиб, ушбу маҳсулотларни бозор тамойиллари асосида харид қилиш тизимига босқичма-босқич ўтамиз. Агар бу йўлдан бормасак, фермер ва деҳқонларимиз маҳсулот етиштиришда эркин бўлмайди, улар ўзлари кутганларидек манфаат кўрмайди, ҳокимларнинг эса иш услуби ўзгармайди.

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасини ислоҳ қилиб, аграр соҳанинг бошқа тармоқларига ҳам арзон кредитлар ажратиш йўлга қўйилади.

Келгусида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги соҳа корхоналарига кўрсатма бериш, ресурсларни тақсимлаш, режа белгилаш каби эски иш усулларида мутлақо воз кечиши зарур. Бунинг ўрнига вазирлик сервис ташкилотига айланиши, хусусий агросаноат ташкилотларига ер ҳолатини аниқлаш, экин турлари ва уруғни тўғри танлаш, зараркунандаларга қарши курашиш, молиявий кўмаклашиш, маҳсулот бозорини топиш бўйича хизмат кўрсатиши керак.

Аграр тармоқда фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш билан бирга, пахта ва ғалла етиштиришни кластер шаклига босқичма-босқич ўтказиш бўйича изланишларимизни давом эттирамиз.

Мева-сабзавот, шoliчилик, чорвачилик, ипакчилик каби бошқа тармоқларда ҳам бугунги кун талабига жавоб берадиган кластерларни ташкил этиш ишларини давом эттирамиз.

Бу йил 2 миллиард долларлик, кейинги 5–7 йилда эса 3–4 баробар кўп мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш

учун маҳсулот етиштиришни кескин кўпайтириш чораларини кўриш зарур.

Парламентимиз ушбу ислохотларимизнинг ҳуқуқий асоси бўлган «Кооперация ва кластерлар тўғрисида»ги янги қонунни тезроқ қабул қилса, ушбу катта режа ва ниятларимизга мос иш бўлур эди.

Бу йил мева-сабзавотчилик, узумчилик, уруғчилик, чорвачилик, агро-логистикани ривожлантириш, сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, илмий тадқиқот ишлари, соҳа учун малакали кадрларни тайёрлашга 3 триллион сўм маблағ йўналтирамиз. Чорвачилик, қоракўлчилик, балиқчилик, паррандачилик каби соҳаларда наслчиликка алоҳида эътибор қаратилиб, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги механизмлари татбиқ этилади.

2020 йилда 44 минг гектар ерда ёки ўтган йилга нисбатан қарийб 4 баробар кўп майдонда сувни тежайдиган технологияларни жорий этамиз. Бунинг учун давлат бюджетидан 300 миллиард сўм субсидия ажратилади. Шунингдек, сув хўжалиги объектларини бошқариш жараёнларини, сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш тизимини автоматлаштириш зарур. Ушбу масалалар Сув хўжалигини ривожлантириш концепциясида ўз аксини топиши керак. Вазирлар Маҳкамаси жорий йил 1 апрелга қадар ана шу концепция лойиҳасини тасдиқлаш учун киритсин.

Саккизинчидан, туризмни иқтисодиётнинг стратегик тармоғига айлантириш биз учун устувор вазифа бўлиб қолади.

Ҳукумат олдидаги энг муҳим вазифалардан бири – жорий йилда юртимизга келадиган туристлар сонини 7,5 миллионга етказишдан иборат.

Маълумки, қатор нуфузли хорижий оммавий ахборот воситалари 2020 йилда Ўзбекистонни саёҳатга албатта бориш тавсия этилган мамлакатлар қаторига киритди. Биз бундай имкониятдан унумли фойдаланишимиз керак.

Катта салоҳиятга эга бўлган зиёрат ва тиббиёт туризмини ҳам жадал ривожлантириш зарур.

Юртимизда 8 минг 200 дан зиёд маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, туризм маршрутларига уларнинг атиги 500 таси киритилган.

Ҳукумат уч ой муддатда зиёрат ва анъанавий туризмни ривожлантириш мумкин бўлган маршрутлардаги объектлар сонини 800 тага етказиш бўйича чора-тадбирларни белгиласин.

Яна бир вазифа – ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон моддий маданий мероси ва Номоддий маданий мероси рўйхатида Ўзбекистондаги янги объектларни киритишни тезлаштириш лозим.

Жорий йилда янги замонавий меҳмонхоналарни қуришга давлат бюджетидан 200 миллиард сўм субсидия ажратиб, туризм инфратузилмасини жадал ривожлантириш зарур.

Тўққизинчидан, урбанизация жараёнларини жадаллаштирган ҳолда, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш керак.

Ана шу ишлар доирасида 7 та йирик шаҳар – Андижон, Бухоро, Самарқанд, Қарши, Фарғона, Наманган, Нукусга туташ бўлган 12 та йўлдош шаҳарча танлаб олиниб, уларни ривожлантириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Ана шу вазифа билан боғлиқ яна бир масала шуки, асосий ишчи кучи яшайдиган ва иш ўринлари яратилаётган ҳудудларимиз ўртасида тафовут мавжуд. Бунинг ечими – ички миграцияни эркинлаштиришдан иборат.

Шу боис, парламент ва ҳукумат 2020 йил 1 апрелга қадар прописка тизимини ислоҳ қилиш бўйича халқаро тажрибани ўрганиб, аниқ таклифларни ишлаб чиқиши лозим.

Уй-жой қурилишига хусусий секторни фаол жалб қилмасдан туриб, аҳолининг уй-жойга бўлган талабини тўлиқ таъминлаш мумкин эмас. Шу сабабли янги ипотека тизими жорий этилмоқда.

Бу борада вилоятлардаги шаҳарлар ва Тошкент шаҳрида 18 мингга яқин ҳамда қишлоқларда 4 мингга уй-жой хусусий сектор томонидан қурилади. Давлат банклар ўртасида соғлом рақобатни таъминлаш мақсадида уларга қарийб 4 триллион сўм маблағларни аукционлар орқали ажратади.

Кам таъминланган аҳолини қўллаб-қувватлаш мақсадида шаҳарларда 16 минг оилага уй-жой олиш учун бошланғич бадал ва кредит фоизини қоплашга бюджетдан 1 триллион сўм субсидия ажратилади.

Менинг энг катта ниятим шуки, Ватанимиз ичра ҳар «бир инсон ўзининг «кичик ватани»га — уй-жойига эга бўлса, биздан халқимиз ҳам, Яратган ҳам рози бўлади.

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Охириги уч йилда «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» деган тамойил асосида, халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш бўйича олиб бораётган кенг кўламли ижтимоий ислохотларни давом эттирамиз. Бунинг учун **биринчи навбатда** аҳоли фаровонлигини ошириш ва унинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш — биз учун бош вазифалардан бири бўлиб қолади.

Худудларда, айниқса, қишлоқларда аҳолининг аксарият қисми етарли даромад манбаига эга эмаслигидан хабарингиз бор. Ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд. Турли ҳисоб-китобларга кўра, улар тахминан 12–15 фоизни ташкил этади. Бу ўринда гап кичкина рақамлар эмас, балки аҳолимизнинг 4–5 миллионлик вакиллари ҳақида бормоқда.

Баъзи одамлар ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам пулини тўлаш ёки уларнинг миқдорини ошириш орқали ушбу муаммони ҳал этиш мумкин, деб ўйлайди. Бу — бир томонлама ёндашув бўлиб, муаммони тўла ечиш имконини бермайди.

Камбағалликни камайитириш — бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳияти-

ни тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир.

Шунинг учун Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотлар билан бирга Камбағалликни камайтириш дастурини ишлаб чиқишни таклиф этаман. Бу борада халқаро меъёрлар асосида чуқур ўрганишлар ўтказиб, камбағаллик тушунчаси, уни аниқлаш мезонлари ва баҳолаш усуллари қамраб олган янги методологияни яратиш лозим. Шунингдек, Фарғона водийсининг 22 та қишлоқ туманида аҳоли ўртасида замонавий ишбилармонлик ва бизнес кўникмаларини шакллантириш бўйича бошланган ижобий тажрибани барча ҳудудларда босқичма-босқич жорий этишимиз керак.

Жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга оид тадбиркорлик ташаббусларини, айниқса, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият бериш зарур. Шу мақсадда аҳоли ва тадбиркорларга, микромолия хизматлари ва молиявий ресурсларга, давлат харидларига кенг йўл очиб берилади. Бундай чоралар орқали одамларимизда тадбиркор бўлишга иштиёқ ва ишонч ортади, улар кўпроқ даромад олишга интиладиган бўлади.

Шу билан бирга, ҳамма ҳам тадбиркор бўла олмайди. Шу сабабли ижтимоий банд бўлмаган одамлар билан тизимли иш олиб бориб, уларни касбга қайта тайёрлаш орқали муносиб иш жойи билан таъминлаш лозим. Ушбу мақсадлар учун 700 миллион доллар жалб қилинади.

Биз янги иш ўринларини яратадиган тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз, таъбир жоиз бўлса, уларни елкамизда кўтаришимиз керак.

Вазирлар Маҳкамасига икки ой муддатда ижтимоий тадбиркорлик асослари ва уни рағбатлантириш чоралари тўғрисида тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш топши-

рилади. Шунингдек, ҳукумат жорий йилда давлат дастурлари доирасида ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш орқали 500 мингта янги иш ўрни яратишни таъминлаши зарур.

Шу муносабат билан бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: ҳар бир тармоқ, соҳа, вилоят ва туманда яратилган тадбиркорлик субъектлари ва янги иш ўринлари, ана шу тузилмалар раҳбарлари фаолиятини баҳолашда энг асосий мезон бўлади.

Йил давомида бюджет тизими ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори инфляция даражасидан юқори миқдорда оширилади.

Ижтимоий нафақа тўлашнинг мукаммал тизимини жорий этиш, жумладан, кам таъминланган оилаларга кўмак кўрсатиш қамровини кенгайтириш, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишини таъминлаш зарур. Шунингдек, нафақа тайинлашдаги мезонларни қайта кўриб чиқиш ва уларни белгилашда очиқ ва адолатли тизим яратиш, бу борада маҳалланинг иштирокини танқидий қайта кўриб чиқиш лозим. Умуман олганда, аҳоли ижтимоий нафақа бўйича битта идорага мурожаат қилганидан кейин ўша идоранинг ўзи бир кунда ҳамма ҳужжатларни тайёрлаб, масаланинг ечимини топиши керак.

Фуқароларимиз пенсияга чиқиши учун фақат پاسпорти билан бориб, мурожаат қилиши кифоя бўладиган тизим яратилади. Бунинг учун, биринчи навбатда, давлат архиви тизими электрон шаклга ўтказилиши керак.

Жорий йилда кексалар, жумладан, ёлғиз кексалар билан ишлаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича яхлит ва таъсирчан тизим яратиш зарур. Бу тоифа учун ажратилаётган ижтимоий тўловлар миқдори ҳам қайта кўриб чиқиши керак.

«Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланган ёшларнинг ижтимоий мослашуви, хусусан, уларни иш билан, келажакда уй-жой билан таъминлаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш

зарур. Чунки бундай фарзандларимиз уларнинг ғамхўри, меҳрибони, ортидаги суянчи давлат ва жамият эканини доимо қалбдан ҳис қилиб туриши шарт.

Ногиронлик, дафн маросими, боқувчисини йўқотганлик бўйича нафақалар, иш пайтида майиб бўлганлик учун товоқ пули каби тўловларни қайта кўриб чиқиб, «Ижтимоий суғурта тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқиш зарур.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш концепциясини ишлаб чиқиши, юқорида қайд этилган йўналишлар бўйича устувор вазифаларни белгилаши лозим.

Иккинчидан, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича ислохотларимизни ҳам қатъият билан давом эттирамиз.

Шифокорларнинг жамиятдаги ўрни ва мақомини кучайтириш, халқимиз ўртасида уларга нисбатан ҳурматни ошириш, ушбу касб эгалари учун муносиб меҳнат шароити яратиш ва даромадини кўпайтириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўришимиз даркор.

Давлат тиббиёт ташкилотлари ва аҳолини дори воситалари, тиббиёт буюмлари билан таъминлашга ўтган йилга нисбатан 1,3 баробар кўп ёки қарийб 1,5 триллион сўм ажратилади. 281 та тиббиёт муассасасини қуриш ва таъмирлашга бюджетдан 1,1 триллион сўм сарфланади. Шунингдек, 17 та ихтисослашган илмий-амалий тиббиёт муассасасини бошқаришда замонавий менежмент механизмларини жорий этиш зарур.

Давлат-хусусий шериклик асосида хусусий тиббиётни янада ривожлантириш, соғлом рақобатни кучайтириш, биринчи навбатда, ихтисослашган тиббиёт марказларига хорижий инвесторларни жалб этиш чораларини кўриш даркор.

Гематологик ва вирусологик ёрдам сифатини ошириш, бу турдаги даволаш қийин бўлган беморларга тиббий хизмат кўрсатишни тубдан ислох этишнинг вақти келди.

Қон ва вирусли касалликларни барвақт аниқлаш, даволаш учун малакали гематолог, вирусолог ва иммунолог тайёрлаш, дори-дармон ва тиббиёт техникаси учун маблағларни кўпайтиришимиз керак.

Ихтисослашган марказлар ва уларнинг филиалларида, шунингдек, Тошкент шаҳридаги тиббиёт муассасаларида шу йил электрон тиббий карталарни жорий этиш даркор.

Соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштиришни тубдан ислоҳ қилиш мақсадида бу йил мажбурий тиббий суғуртага оид қонунларни қабул қилиш ва уларни амалга ошириш бўйича барча ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозим.

Ушбу тизимни жорий йилда Сирдарё вилоятида тажриба сифатида қўллаш бошланади.

Дори воситалари ҳаракатини назорат қилиш, контрафакт маҳсулотлар айланишига чек қўйиш ва дориларнинг реал нархини онлайн тартибида кузатиб бориш тизимини яратиш ҳам долзарб вазифадир.

Учинчидан, биз бу йил хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни янги босқичга кўтарамиз.

2020 йилда 5,5 минг нафар хотин-қизнинг кичик бизнес йўналишидаги лойиҳаларига 100 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредит берилади. Бунинг учун банкларга давлат бюджетидан ресурс ажратамиз. Бундан ташқари, 1 минг 576 нафар хотин-қизга янги уй-жойларга эга бўлиши учун бюджет ҳисобидан бошланғич бадал тўлаб берилади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож опа-сингилларимизни Хотин-қизлар тадбиркорлик марказларида 5 та муҳим ташаббус доирасида қисқа ўқув курсларида ўқитиш ташкил этилади.

Мамлакатимиздаги туб ўзгаришлар, ёшларга оид давлат сиёсатини янада ривожлантиришни кун тартибига қўймоқда. Ёшлар билан ишлаш самарадорлигини баҳолаш бўйича ягона кўрсаткичлар ишлаб чиқиш, ёшлар сиёсатини баҳолаш миллий индексини жорий этиш керак.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи «Ўзбекистон ёшлари – 2025» концепциясини ишлаб чиқиши, унда маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказишнинг амалий чора-тадбирлари белгиланиши зарур.

Жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда ҳеч ким четда турмаслиги, «Ўз болангизни, ўз уйингизни, ўз Ватанингизни кўз қорачиғидек асранг!» деган шиор одамларимиз қалбидан чуқур жой олиши керак.

Жамиятимизда аҳоли, айниқса, ёш йигит-қизларимизнинг маънавий ва маърифий савиясини доимий юксалтириш – биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

Шу боис, «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган дастурий ғоя асосида, ёшларни она юртга садокат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик, ахлокий фазилатларни шакллантириш – ўта шарафли вазифадир.

Ёшлар бўйича Қорақалпоғистон Республикасидан бошланган янги ташаббусимизни бутун мамлакатимиз бўйича амалга оширамыз. Мен вилоят раҳбарларини, жойлардаги барча жамоатчиликни ушбу масалага жиддий эътибор беришга чақираман.

Тўртинчидан, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш керак.

Бу борада ҳудудларда аҳоли, айниқса, ёшларимиз учун янги оммавий спорт объектларини қуриш зарур. Бу йил 269 та футбол, волейбол, баскетбол ва бадминтон майдонлари, 178 та бокс, кураш, фитнес ва гимнастика спорт заллари, 32 та теннис корти қуриш бўйича салкам 500 миллиард сўмлик лойиҳалар амалга оширилади.

Ёшлар орасида иқтидорли спортчиларни селекция қилишнинг «ташқилот – туман (шаҳар) – ҳудуд – республика» босқичларидан иборат тўрт босқичли тизими жорий этилади.

Бу йил Токиода бўлиб ўтадиган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида спортчиларимиз муносиб иштирок этиши учун

ҳукумат ва Миллий олимпия қўмитаси барча шароитларни яратишлари зарур.

Бешинчидан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик ҳолатни яхшилашга эътиборни кучайтиришимиз керак.

Аввало, Орол фожиаи оқибатларини юмшатиш бўйича бошлаган мисли қўрилмаган ишларимизни давом эттириб, денгизнинг қуриган тубида ўрмонзорларни кенгайтириш, Нукус, Урганч ва Хива шаҳарлари атрофида «яшил белбоғ»лар барпо этишимиз лозим.

Ишлаб чиқариш жараёнини экологик назорат қилиш тизимини такомиллаштириш, экологик аудит ўтказиш тартибини қайта қўриб чиқиб, хусусий аудиторлик фаолиятини жонлантириш ҳам муҳим вазифадир.

Ҳукумат саноат ривожининг экологияга таъсирининг олдини олиш бўйича 2025 йилгача мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин. Шунингдек, нуфузли халқаро экспертларни жалб этган ҳолда, жорий йил 1 октябрга қадар Экология кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиши лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳар бир ҳудуд ва корхона бўйича экологияни яхшилаш, чиқиндиларга доир ишлар юзасидан дастурлар ишлаб чиқиши ва уларнинг ижросини таъминлаши шарт.

Олтинчидан, маданият ва санъат муассасаларига алоҳида эътибор қаратиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чораларини қўриш зарур.

Жорий йилда бюджет маблағлари ҳисобидан 22 та театр ва маданият объектлари қурилади ва реконструкция қилинади. Шунингдек, давлат-хусусий шериклиги асосида 20 та маданият маркази ва истироҳат боғлари фаолияти йўлга қўйилади.

Кинематография соҳасида бадиий жиҳатдан етук асарлар яратиш, замонавий киноиндустрияни ривожлантириш, жумладан, янги кинотеатрлар қуришни таъминлаш лозим.

Жорий йилда давлат буюртмаси асосида кино маҳсулотлари ишлаб чиқаришни молиялаштириш такомиллаштирилади.

Шу боис, Кинематографияни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини ҳамда «Кинематография тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқишимиз лозим.

Бундан ташқари, бу йил маданий ҳаётимиздаги муҳим воқеа – Шаҳрисабз шаҳрида иккинчи Халқаро мақом фестивалини муваффақиятли ўтказишимиз керак.

Шунингдек, 2020 йилда халқимиз тарихининг мураккаб дамларида маърифат машъаласини баланд кўтариб чиққан улуғ аллома ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 145 йиллик таваллуд санаси кенг нишонланади.

Умуман, биз жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади.

Мухтарам юртдошлар!

Ҳар томонлама мукамал ва самарали бошқарув тизимини яратиш – олдимизда турган улкан вазифаларни бажаришнинг асосий шартидир.

Биз парламентнинг қонун ижодкорлиги, парламент назоратини самарали ташкил этиш механизмлари билан боғлиқ барча масалаларни куни кеча Олий Мажлисида бўлиб ўтган учрашувларда атрофлича ва чуқур муҳокама қилиб олдик.

Шу билан бирга, қуйидаги долзарб масалаларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Биринчидан, жойларда ижро ва вакиллик органларининг давлат бошқарувидаги роли ва масъулиятини янада ошириш зарур.

Ҳокимлар охириги 3 йилда уларга берилган кенг ваколатлардан қанчалик самарали фойдаланаётганини, вазирлик ва идораларнинг ҳудудий тузилмалари фаолияти самарадорлигини назорат қилиш бўйича янги тизим яратиш шарт.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: нима учун Бош вазирдан бошлаб ҳукуматнинг барча аъзолари, вилоят ҳокимлари парламентга ҳисобот беради-ю, вилоят ва туманлардаги раҳбарлар ўз фаолияти ҳақида маҳаллий кенгашларга ҳисобот бермаслиги керак? Шунинг учун вилоят ва туман ҳокимлари ўз дастурлари ва уларнинг ижроси тўғрисида вилоят кенгашларида ҳисобот берадиган тизим жорий қилинади.

Айни вақтда фармонлар, қарорлар, концепция ва стратегияларда белгиланган индикаторлар ва мақсадли параметрларнинг ижроси бўйича ҳокимлар ўз ҳудудларидаги оммавий ахборот воситалари ва жамоатчиликка мунтазам ахборот бериб боришлари зарур бўлади.

Ишнинг самарасини ошириш мақсадида маҳаллий вакиллик органлари фаолиятида Кенгаш сўрови институтини жорий этишни таклиф қиламан.

Яна бир муҳим масала. Амалдаги қонун ҳужжатларида ҳокимликларнинг 300 га яқин вазифа ва функциялари назарда тутилган. Шундан 175 таси, мазмун-моҳиятига кўра, ҳокимларнинг асосий вазифалари тоифасига кирмайди ва турли идораларнинг функцияларини такрорлайди. Бу эса, иш сифати ва ижро интизомига салбий таъсир кўрсатиши табиий.

Шу сабабли Олий Мажлис Сенатига, Адлия вазирлигини жалб этган ҳолда, шу йилнинг биринчи ярмида ҳокимларнинг ваколатларини қайта кўриб чиқиш ва уларга хос бўлмаган ҳамда бир-бирини такрорлайдиган функцияларни тегишли органларга ўтказишни таъминлаш бўйича таклиф тайёрлаш топширилади.

Иккинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фукаролик жамиятининг бошқа институтлари бугунги кунда аҳолини ўйлантираётган муаммоларга давлат идоралари эътиборини қаратиб, ўзларининг асосланган таклифларини бериб боришлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Бунинг учун мамлакат ва ҳудудлар даражасида нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ижтимоий шерикликни кенг

йўлга қўйиб, грантлар ва ижтимоий буюртмаларни кўпайтиришимиз керак. Вазирлик ва идоралар ҳам бир четда томошабин бўлиб ўтирмасдан, бундай ижтимоий ҳамкорлик ишларини кенгайтириши лозим. Шунинг учун Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг фаолиятини такомиллаштириш даркор.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда алоҳида қизиқиш уйғотадиган ўта муҳим масалаларга доир қарорларни қабул қилишда жамоатчилик билан маслаҳатлар, жамоатчилик эшитувларини ўтказиш мажбурийлигини аниқ белгилаш керак. Жамоатчилик маъқул деса – маъқул, номаъқул деса – номаъқул бўлади.

Жамоатчилик назоратини янада кучайтириш, давлат ва жамият ўртасида ўзаро яқин ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жамоатчилик палатасини ташкил этишни таклиф қиламан.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларини бажаришда парламент, ҳукумат ва фуқаролик жамияти институтларининг амалий ҳамкорлигини йўлга қўйиш, бу масала бўйича мунтазам равишда парламент ва жамоатчилик эшитувларини ташкил этиш лозим.

Ҳурматли депутат ва сенаторлар!

Бугунги кунда ислохотларимиз самараси кўп жиҳатдан тўртта муҳим омилга – яъни, қонун устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши қатъий курашиш, институционал салоҳиятни юксалтириш ва кучли демократик институтларни шакллантиришга боғлиқ.

Қонун устуворлиги ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги асосий вазифалар ҳақида Конституция кунига бағишланган тантанали маросимда батафсил тўхталиб ўтганимиздан яхши хабардорсиз.

Бу борада қуйидаги қўшимча вазифаларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Аввало, суд мустақиллигини тўлиқ таъминлаш — энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиши зарур.

Яна бир бор айтмоқчиман — дастлабки терговда давом этиб келаётган қонун бузилиш ҳолатларини фақат ва фақат судларнинг ҳақиқий мустақиллигига эришиш орқали бартараф этиш мумкин.

Бу борада қабул қилган қонуний чора-тадбирларимиз аниқ натижалар бера бошлади. Ушбу ижобий ўзгаришларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг судьялар мустақиллиги бўйича махсус вакили Диего Гарсия-Саян жаноблари ҳам алоҳида эътироф этди.

Ўтган 3 йилда 1 минг 989 нафар, 2019 йилнинг ўзида 859 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди. Шунингдек, 2019 йилда 3 минг 81 нафар шахс суд залидан озод қилинган бўлса, 2 минг 623 нафар фуқарога асоссиз қўйилган моддалар айбловдан чиқарилди ва ўзгартирилди.

Судьяларимизнинг адолатни ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида оқлов ҳукмларини чиқараётгани, ҳеч шубҳасиз, суд-ҳуқуқ соҳасидаги энг катта ютуғимиздир. Мен, Президент сифатида судьяларнинг бундай жасорати ва қатъиятини бундан кейин ҳам тўлиқ қўллаб-қувватлайман.

Энди суд орқали инсонларнинг ҳуқуқи тикланганини эътироф этиш билан чекланиб қолмасдан, нима сабабдан судгача бўлган тергов жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган, деган саволни ҳам кўндаланг қўядиган, тазйиқлар учун жавоб берадиган вақт келди.

Эски тузумдан қолган ва ҳануз давом этаётган суд қарорларини прокуратура томонидан чақириб олиб, ўрганиш амалиётини чеклаш лозим. Энди фақат иш юзасидан шикоят келиб тушган ҳолдагина прокурор суд қарорини олиб ўрганиши мумкин.

Суд раислари томонидан судьяларнинг фаолиятини баҳолаш ва уларга нисбатан интизомий иш кўзғатиш бўйича ваколатларни қайта қўриб чиқиш керак.

Давлат идоралари мансабдорлари шуни чуқур англаб олсин: судларнинг мустақиллигини таъминлаш масаласи бундан буён ҳам шахсан Президентнинг каттиқ назоратида бўлади. Суд оstonасига қадам қўйган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак. Акс ҳолда, буюк немис файласуфи Иммануил Кант айтганидек, «Адолат йўқолган пайтда, ҳаётнинг қадрини белгилайдиган бошқа ҳеч нарса қолмайди».

Бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур. Ўзбекистонда судьялар қонунларнинг толмас ҳимоячилари, адолатнинг мустаҳкам устунлари бўлиши лозим.

Олий суд, Судьялар олий кенгаши, Адлия вазирлиги уч ой муддатда юқорида билдирилган таклифларни амалиётга жорий этишни назарда тутадиган қонун лойиҳасини киритсин.

Иккинчидан, суд-ҳуқуқ соҳасига доир асосий қонун ва кодекслар бундан деярли 20–25 йил олдин қабул қилинган бўлиб, ҳозирги давр талабларига жавоб бермайди.

Шу сабабли парламент яқин йилларда Фуқаролик, Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижро, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларни янгитдан қабул қилиши мақсадга мувофиқдир. Бу борада, аввало, тергов ва суд амалиётига инсон ҳуқуқлари соҳасидаги илғор стандартларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Қонунчиликни янгилашдан мақсад — фақат қонун қабул қилиш эмас, аксинча, янги қонунлар эртага одамларга қандай амалий наф бериши, уларнинг ҳаётини қандай енгиллаштириши ҳақида бош қотиришдан иборат бўлмоғи лозим.

Учинчидан, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш соҳасидаги ислохотларни янги босқичга кўтариш зарур.

Биз ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш бўйича жиддий ислохотларни амалга оширмоқдамиз. Бироқ, очик тан олиш керак, ушбу идоралар ҳали халқчил тузилмага, фуқароларнинг чинакам ҳимоячисига айлангани йўқ.

Тизимда жамоат тартибини сақлаш, жиноятларга қарши курашиш ва давлат хизматларини кўрсатиш фаолиятига доир аниқ мезонлар белгиланмаган. Шу сабабли ислохотларни давом эттириб, ички ишлар идораларини одамларимизнинг оғирини енгил қиладиган тузилмага айлантириш зарурлигини яна бир бор такрорлаш ўринли, деб биламан.

Бу масала янги парламент, хусусан, Сенат олдидаги беш йиллик вазифа бўлиб, бунинг учун барча ташкилий-ҳуқуқий асосларни яратиш ва амалий чоралар кўриш лозим.

Ички ишлар органлари учун барча даражадаги раҳбарларнинг малакасини ошириш ва мақсадли тайёрлаш тизимини ташкил этиш зарур.

Тўртинчидан, афсуски, жамиятимизда коррупция иллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда.

Бу ёвуз балонинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди.

Тадбиркорлар ханузгача ер ажратиш, кадастр, қурилиш, лицензия, божхона, банк, давлат харидлари каби соҳаларда коррупцияга дуч келаётганини Президент номига келиб тушаётган кўплаб мурожаатлар ҳам, матбуот ва ижтимоий тармоқлардаги чиқишлар ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча катламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, «ҳалоллик вакцинаси» билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак.

Ана шу вазифалар ижросини тизимли ташкил этиш мақсадида парламент ва Президентга ҳисоб берадиган, коррупцияга қарши курашишга масъул бўладиган алоҳида орган ташкил этишни таклиф этаман.

Президент Администрацияси Олий Мажлис палаталарининг тегишли кўмиталари билан биргаликда уч ой муддатда тегишли фармон лойиҳасини ишлаб чиксин.

Бешинчидан, фуқаролик масалаларига оид қонунчиликни такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида навбатдаги муҳим қадам қўйиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Айниқса, мамлакатимизда узок вақтдан бери яшаб келаётган, лекин Ўзбекистон фуқароси деган ҳуқуқий мақомга эга бўла олмаётган минглаб юртдошларимизнинг ана шу муаммосини қонуний ҳал этиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чораларни кўриш вақти келди, деб ўйлайман. Хусусан, 1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва шундан буён истиқомат қилаётган шахсларга Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги автоматик тарзда берилиши даркор. Шу тариқа 50 мингга яқин юртдошларимизнинг фуқаролик билан боғлиқ узок йиллардан буён ечилмасдан келаётган муаммолари ҳал этилади.

Вазирлар Маҳкамаси бу масалани Олий Мажлис Қонунчилик палатаси билан ҳамкорликда кўриб чиқиб, жорий йил 1 майга қадар тегишли қонун лойиҳаларини тақдим этиши лозим.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Биз жамиятда миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни изчил давом эттирамиз. Бу борада 30 июль – «Халқаро дўстлик куни» муносабати билан юртимизда биринчи марта «Дўстлик ҳафталиги»ни ва «Дўстлик» халқаро форум-фестивалини ўтказишни тақлиф этаман.

Мамлакатимизда **«жаҳолатга қарши – маърифат»** деган эзгу ғоя асосида ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини, тинчлик ва дўстлик каби олижаноб мақсадларга хизмат қилишини тарғиб этиш кун тартибимиздаги доимий масалалардан бири бўлиб қолади.

Жорий йилда ҳадис илмининг султони Имом Бухорий, калом илми асосчиси Абу Мансур Мотуридий ва унинг давомчиси

Абу Муин Насафийнинг ҳаёти, илмий меросига бағишланган ҳамда диний бағрикенглик мавзуларида халқаро илмий-амалий конференциялар ва бошқа тадбирлар ташкил этилади.

Имом Бухорий бобомизнинг Самарқанддаги ёдгорлик мажмуасини бу мўътабар зотнинг мусулмон дунёсидаги улуғ мақомига мос равишда мутлақо янги лойиҳа асосида қайта барпо этиш ишларини ҳам бошлаймиз. Шунингдек, буюк аллома Баҳоуддин Нақшбанд бобомизнинг 700 йиллик таваллуд айёмини юқори савияда ўтказишимиз керак.

Сизларга маълумки, кейинги йилларда юртимизда олиб борилаётган инсонпарвар сиёсат туфайли тўғри йўлдан адашган, билиб-билмай хатога қўл урган фуқароларни соғлом ҳаётга қайтариш бўйича муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилда ҳам диний экстремистик йўлга кириб қолганидан чин дилдан пушаймон бўлган шахсларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш, уларни жамиятга мослаштириш бўйича ишлар давом эттирилади.

Жаҳонда шиддат билан ўзгараётган нотинч ва мураккаб вазият, турли можаролар жонажон Ватанимиз хавфсизлигини, эл-юртимизнинг осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда мавжуд таҳдид ва хатарларга муносиб жавоб беришга доим тайёр туришимизни тақозо этмоқда.

Президент ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг яқинда ўтказилган мажлисида бу борадаги устувор вазифалар ва амалий чора-тадбирларни белгилаб олдик. Қуролли Кучларимиз ушбу вазифаларни самарали адо этади, деб ишонаман.

Биз Ўзбекистон ташқи сиёсатини фаоллаштириш юзасидан бошлаган кенг қўламли ишларни, миллий манфаатларимизга жавоб берадиган, очиқ, прагматик ва чуқур ўйланган ташқи сиёсат йўлини давом эттирамиз. Олис ва яқиндаги барча давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини, узоқ муддатли ва кўп қиррали шерикликни янада кучайтирамиз.

Бу борада куйидаги устувор жиҳатларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Биринчи. Марказий Осиё минтақасидаги мамлакатлар билан барча соҳаларда ўзаро дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик руҳидаги муносабатларни мазмун ва сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишимиз зарур.

Иккинчи. Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Америка Қўшма Штатлари, Япония, Жанубий Корея, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Европа Иттифоқи ва Осиё мамлакатлари билан сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар алоқаларни янада ривожлантиришга алоҳида аҳамият берамиз.

Учинчи. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Туркий кенгаш ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар доирасида кўп томонлама ҳамкорликни жадаллаштиришни давом эттиришимиз зарур.

Орол муаммосини ҳал этишда халқаро ҳамкорликни кучайтириш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан тузилган Орол денгизи минтақасида инсон хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўп томонлама Траст фондига катта ишонч билан қараймиз.

Биз Ўзбекистоннинг 2021–2023 йиллар мобайнида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо бўлиши масаласини изчил илгари суриш ниятидамиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни ишлаб чиқишни таклиф этган эдик. Жорий йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форумини ёшлар ҳуқуқларига бағишлаб ўтказиш ва унда ушбу конвенция лойиҳасини муҳокама этишни таклиф қиламан.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияни қабул қилишни ҳам тезлаштиришимиз керак.

Тўртинчи. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида фаолиятимиз самарасини янада оширишимиз зарур.

Ўзбекистоннинг 2020 йилда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига раислик қилиши биз учун тарихий аҳамиятга эга. Биз Ҳамдўстликда савдо-иқтисодий ва транспорт-транзит соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш, ташкилот томонидан қабул қилинган қарорларнинг амалий натижадорлигини ошириш ва аъзо давлатлар ўртасида гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун барча салоҳият ва имкониятларни ишга соламыз.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти билан муносабатларни ривожлантириш – Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим йўналиши бўлиб қолади.

Бундан ташқари, жорий йилда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Марказий Осиё, Европа Иттифоқи ва Осиё мамлакатлари билан олий даражадаги икки томонлама ва кўп томонлама тадбирлар ўтказилиши кутилмоқда. Ташрифлар доирасида мамлакатимиз манфаатларига хизмат қиладиган истиқболли лойиҳалар ва дастурлар қабул қилиниши кўзда тутилган.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган мамлакатимиздаги хорижий дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакилларига ўзимнинг чуқур миннатдорчилигимни билдираман.

Ҳурматли ватандошлар, азиз меҳмонлар!

2020 йилда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланади.

Бизнинг мард, енгилмас ва олижаноб халқимиз буюк Ғалабани таъминлашга беқиёс ҳисса қўшгани билан барчамиз ҳақли равишда фахрланамиз. Бу қонли урушда жами 1,5 миллиондан зиёд Ўзбекистон фарзандлари тинчлик ва озодлик учун мардона жанг қилгани, уларнинг ҳар уч нафаридан

бири ўз яқинлари бағрига қайтмагани, эл-юртимизнинг фронт ортида кўрсатган жасоратини халқимиз ҳеч қачон унутмайди.

Биз уруш ва фронт орти фахрийларини фақатгина байрамларда эмас, балки доимо эъзозлаб, ардоқлашимиз, уларнинг соғлиги ҳақида ҳар куни, ҳар соатда ўйлашимиз лозим. Жорий йилда уларга ҳар томонлама эътибор янада кучайтирилади. Жумладан, мамлакатимизнинг энг яхши санаторийларида уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш учун қулай шароитлар яратамиз.

Уруш йилларида халқимиз кўрсатган ҳақиқий жасорат ва матонатни кино, театр санъати, бадий-публицистик асарлар, илмий тадқиқотлар орқали кўрсатиш, аҳоли, айниқса, ёшларимизга таъсирчан тарзда етказиш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида муҳташам Ғалаба боғи бунёд этилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Хотира ва кадрлаш куни ва Ғалабанинг 75 йиллигини ҳар томонлама муносиб ва юқори савияда нишонлаш учун тайёргарлик ишларини пухта ташкил этишимиз керак.

Муҳтарам юртдошлар!

Биз бундан уч йил олдин мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтариш мақсадида буюк ишларни бошлаганмиз. Халқимизнинг ақл-заковати, куч-қудрати ва салоҳиятига таяниб, бу йўлда дастлабки, лекин ўта муҳим ва салмоқли натижаларга эришмоқдамиз. Энди ана шу ютуқларимизни мустаҳкамлаб, янада дадил ва улкан қадамлар ташлашимиз шарт. Чунки юртимиздаги ислоҳот ва ўзгаришлар жараёни ортга қайтмайдиган тус олиб, ҳал қилувчи паллага кирмоқда.

Самарадорлик ҳаммамиз учун бош талаб, асосий мезонга айланмоқда. Бу борада 2020 йил барчамиз учун алоҳида синов ва масъулият йили бўлади. Энди кечаги ютуқ ва марралар бизни сира кониктирмайди. Нега деганда, бугунги Ўзбекистон кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас.

Амалий натижа билан мустаҳкамланган, ўз меваси, ҳосилини бераётган ислохот одамларнинг қалбига, юрагига тез кириб боради. Ва бундай ислохотни, бундай шиддатли жараёни ҳеч ким, ҳеч қандай куч тўхтата олмайди.

Энг муҳими, ислохотларимиз самарасини юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила бугун ўз ҳаётида ҳис этиши керак. Бунинг учун барча бўғиндаги раҳбарлар фоишлар, рақамлар, қоғознинг ортидан қувмасдан, ҳар бир фуқаро учун, унинг ҳаётини манфаатларини таъминлаш учун ишлаши шарт. Шунда нуроний кексаларимиз, мухтарам отахон ва онахонларимиз, ҳурматли аёлларимиз, азиз фарзандларимиз, жажжи набираларимиз, кўп миллатли бутун халқимиз биздан рози бўлади.

Бугунги Мурожаатномада баён қилинган ҳар бир мақсад ва вазифага, уларни амалга оширишга айнан шу нуқтаи назардан ёндашсак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Вазирлар Маҳкамаси ҳудуд раҳбарлари билан биргаликда Мурожаатномада белгилаб берилган барча вазифалар ижросини сўзсиз таъминлаб, ҳар чорақда Олий Мажлис олдида ҳисобот бериши зарур.

Президент Администрацияси ва ҳукумат Олий Мажлис палаталари билан биргаликда 20 кун муддатда 2020 йилга мўлжалланган давлат дастури лойиҳасини пухта тайёрлаб, тасдиқлаш учун киритсин.

Шу ўринда яна бир муҳим масалага алоҳида эътиборингизни қаратмоқчиман.

Ўтган 3 йил мобайнида Ўзбекистонда сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш, журналист ва блогерларнинг эркин фаолият юритиши ва ижод қилишлари учун ҳуқуқий асослар ва кенг имкониятлар яратилди. Бундан кейин ҳам «тўртинчи ҳокимият» вакилларининг эркин ва холис фаолият юритишлари, мамлакатимизда амалга оширилаётган жадал ислохотларни халқимиз ва халқаро ҳамжамият учун очик-ойдин ёритишлари учун барча шарт-шароитларни яратамиз.

Жойлардаги муаммо ва камчиликларни рўй-рост очиб бериш, уларни ҳаққоний ёритишларида мен профессионал журналистларни ҳамиша ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрман.

Азиз дўстлар!

Имом Бухорий бобомиз ўз китобларида келтирган муборақ ҳадисда айтилганидек, **«Барча амаллар ниятга қараб бўлади»**.

Дарҳақиқат, пок ниятлар билан бошланган хайрли ишлар албатта ижобат бўлади.

Бугун биз ҳам танти, сабр-қаноатли ва меҳнаткаш халқимиз билан бирга улуғ мақсадларни белгилаб, маррани баланд олмоқдамиз.

Олдинда бизни улкан вазифалар, катта имкониятлар кутмоқда.

Бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмайлик: биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган халқмиз. Биз – ҳеч қачон меҳнатдан қочмайдиган, қийинчиликдан кўркмайдиган, адолатни қадрлайдиган, азму шижоатли, буюк халқмиз.

Барчамиз бир тану бир жон бўлиб, якдил ва ахил бўлиб ҳаракат қилсак, ҳалол-пок бўлиб, яхши ният билан меҳнат қилсак, ҳар қандай марраларни эгаллашга, бошқача айтганда, тарихимизнинг янги саҳифасини яратишга қодир халқмиз.

Бу йўлда қандай қийинчилик ва машаққатлар бўлмасин, барчасини мардона енгиб ўтишга тайёرمىз. Бундай эзгу ишларда бизга Яратганнинг ўзи, буюк аجدодларимизнинг пок руҳлари мададкор бўлади, деб ишонаман.

Мен сизларнинг тимсолингизда, бутун халқимиз, навқирон ўғил-қизларимиз тимсолида олдимизга қўйган оламшумул мақсадлар йўлида ўзини аямасдан, фидокорона меҳнат қилаётган, қалбимга яқин, самимий инсонларни кўраман. Бугунги Мурожаатномада белгилаб берилган устувор мақсад ва

вазифаларни амалга оширишда, аввало, меҳнаткаш ва бағрикенг халқимизга ҳамда унинг муносиб вакиллари бўлган сизларга ишонаман ва таянаман.

Яна бир бор барчангизга сиҳат-саломатлик, чексиз куч-ғайрат, ютуқ ва омадлар, оилавий бахт ва саодат тилайман.

Доимо соғ-омон бўлинг!

Катта раҳмат сизларга!

2020 йил 24 январь

ПАРЛАМЕНТ ХАЛҚ ИРОДАСИНИНГ ҲАҚИҚИЙ КЎЗГУСИ БЎЛИШИ ЗАРУР

Ассалому алайкум, ҳурматли депутатлар!

Қадрли мажлис иштирокчилари!

Аввало, сизларни халқимиз ишончига сазовор бўлиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати деган юксак мақомга эга бўлганингиз билан чин дилдан муборакбод этаман.

Парламент ва маҳаллий кенгашларга ўтказилган сайловлар, Ўзбекистонимиз учун катта сиёсий имтиҳон бўлди. Халқимиз бу синовдан ёруғ юз билан ўтди, десак, муболаға бўлмайди.

Табиий савол туғилади, бу сайловларнинг асосий хусусиятлари аввало нималарда намоён бўлди?

Биринчидан, сайловлар халқимизнинг онгу тафаккури, сиёсий билими ва маданияти ўсиб, жамиятимизда демократик тамойиллар илдам қадамлар билан чуқур қарор топиб бораётганини яққол намоён этди. Ушбу сайловлар халқаро талаб ва стандартларга тўлиқ жавоб берадиган янги Сайлов кодекси асосида, **«Янги Ўзбекистон – янги сайловлар»** шиори остида ўтгани бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бизнинг амалиётимизда биринчи марта сайлов жараёнларини бошқариш бўйича автоматлаштирилган тизим ва сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати жорий этилди. Фуқароларнинг сайловда қатнашишига оид конституциявий ҳуқуқини таъминлаш мақсадида озодликдан маҳрум этилган, бироқ оғир ва ўта оғир жиноят содир этмаган маҳкумларга илк бор овоз бериш имконияти яратилди.

Энг муҳими, сайловлар очиқлик, ошкоралик ва ҳалоллик тамойили асосида ҳамда кескин курашлар остида ўтказилди.

Уларни 70 мингдан зиёд маҳаллий кузатувчи ҳамда 10 та халқаро ташкилот, 50 га яқин хорижий давлатнинг 825 нафар кузатувчиси, халқаро ва мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг 1 минг 155 нафар вакили кузатиб борди.

Хурматли йиғилиш қатнашчилари!

Қизгин сиёсий курашлар остида ўтган сайловлар натижа-сида янги парламент қуйи палатаси депутатларининг таркиби шаклланди. Уларнинг 48 нафарини аёллар, 9 нафарини ёшлар ташкил этмоқда. Бу — ёш авлод ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича олиб бораётган ислохотларимиз самараси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Сизларнинг орангизда аввалги чақириқ парламентимизда самарали фаолият кўрсатган, халқ ўртасида танилган, сайловчилар яна бир бор ишонч билдирган тажрибали 39 нафар депутатимиз ҳам борлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Фурсатдан фойдаланиб, Қонунчилик палатасининг аввалги таркибида иш олиб борган, мамлакатимиз тараққиёти учун муҳим қонунлар қабул қилишга ҳисса қўшган барча депутатларимизга миннатдорчилик билдириб, уларга сиҳат-саломатлик, янги муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Бугун ушбу залда ўтирган сиз, мухтарам депутатларнинг айримларини шахсан танийман. Кўпчилигингизни эса теле-видение, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларингиз орқали яхши биламан. Сизлар парламентимиз ҳаётига албатта янги руҳ ва мазмун олиб кирасизлар, деб ишонаман.

Азиз дўстлар!

Маълумки, бўлиб ўтган сайловда бешта партиядан кўрса-тилган номзодлар соғлом сиёсий рақобат муҳитида кураш олиб борди. Жонли телеэфирдаги дебатларда партиялар томонидан бошқа партиялар дастури жиддий таҳлил қилинди, очик танқидлар ҳам бўлди, долзарб масалалар бўйича қарама-қарши ёндашувлар илгари сурилди.

Ўзингиз айтинг, олдинги Парламент сайловларида мана шундай сиёсий жараёни — ютуқни ютуқ, камчиликни камчилик деб очик айта оладиган муҳитни тасаввур қила олармидик?

Айни вақтда, тан олиш керак, сайлов жараёнида партиялар томонидан чуқур асосланмаган айрим таклифлар ҳам билдирилди. Табиийки, улар фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлди.

Депутатликка номзодларнинг жойларда сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувларида, оммавий ахборот воситаларида билдирилган, ижтимоий аҳамиятга эга фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар, кўтарилган савол ва муаммолар — буларнинг барчаси албатта эътиборга лойиқ. Улар парламент ва ҳукумат учун келгуси беш йиллик фаолият дастурига айланиши лозим.

Таъкидлаш керакки, бу сайловлар аҳолининг сиёсий фаоллигини юксалтириб, халқимизнинг партияларга нисбатан ишончи билан бирга, талабчанлигини ҳам кучайтирди. Бу, ўз навбатида, номзодлар савиясини ошириш ва сайловчилар билан тизимли иш олиб бориш бўйича партиялар олдида ечимини кутаётган бир қатор масалалар мавжудлигини кўрсатади.

Энг муҳими, партиялар ўртасидаги сиёсий рақобат сохта обрў орттиришга эмас, балки халқимиз манфаатларига хизмат қилиши зарур. Бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим.

Маълумки, сайловолди ташвиқотларида сиёсий партиялар томонидан жамиятимиздаги долзарб муаммоларни ҳал қилиш бўйича кўплаб ваъдалар берилди. Халқимиз ана шу ваъдаларнинг амалда бажарилишини кутмоқда.

Ҳар бир депутат беш йил давомида ўз сўзининг устидан тўлиқ чиқиши, партиясининг обрўсини сақлаши учун бугундан бошлаб жиддий ҳаракат бошлаши керак. Сизлар алоҳида «йўл харитаси»ни тузиб, сайлов вақтида билдирган барча-барча ташаббусларингизни яхлит тизимга солиб, ишни пухта ташкил этсангиз, ўйлайманки, бу халқимизга ва сайловчиларингизга жуда маъқул бўлади.

Энди **«Янги Ўзбекистон — янги сайловлар — янги парламент»** деган устувор ғоя долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўйилмоқда.

Сиёсий партияларнинг куйи палатадаги фракциялари ўзларининг истиқбол режаларини аниқ белгилаб олади ва уларни тўлиқ амалга оширади, деб ишонаман.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Сайлов натижаларининг таҳлили сайлов кампанияси даврида айрим камчиликларга йўл қўйилганини ҳам кўрсатди. Масалан, Тошкент шаҳрида сайловчилар иштироки бошқа ҳудудларга нисбатан пастлиги кузатилди. Бу эса, кўпчилик йирик шаҳарлар аҳолисига хос тенденциядир. Айни вақтда мазкур ҳолат сиёсий партиялар сайловчилар билан етарли иш олиб бормаётгани, уларнинг ғоя ва дастурлари электорат ичига тўлиқ кириб бормаётганидан ҳам далолат беради.

Афсуски, бир киши томонидан бир неча сайловчи ўрнига овоз беришга уриниш ҳолатлари оз бўлса ҳам учради. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати тизими билан ишлашда ҳам камчиликлар кўзга ташланди.

Машҳур давлат ва сиёсат арбоби Теодор Рузвельт айтганидек, «Фақат ҳеч қандай иш қилмайдиган одамгина хато қилмаслиги мумкин. Хато қилишдан кўрқиш керак эмас, балки ана шу хатони такрорлашдан кўрқиш керак».

Шунинг учун янги сайланган депутатларимиз ҳозиргина зикр этилган муаммоларни атрофлича таҳлил қилиб, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш устида ҳозирдан бошлаб жиддий ўйлашлари лозим. Бу, бир томондан, улар аъзо бўлган сиёсий партияларнинг фаолиятини кучайтиришга, иккинчи томондан эса, мамлакатимизда парламентаризм тизимини ривожлантиришга хизмат қилади.

Албатта, сайлов жараёнидаги ҳар бир конунбузиш ҳолати бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан тегишли чоралар кўрилди ва кўрилади. Айни вақтда миллий сайлов тизимимизни ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан янада такомиллаштириш бўйича ҳам зарур ишларни амалга оширишимиз керак.

Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссиясининг сайлов жараёни билан боғлиқ муаммоларни ўрганиб, жорий

йилда халқаро экспертлар иштирокида форум ўтказиш ҳақидаги таклифини тўла қўллаб-қувватлаймиз. Шу билан бирга, парламент аъзолари ҳам бу жараёнда фаол катнашиб, миллий сайлов тизимимизни янада такомиллаштириш мақсадида маҳаллий ва хорижий экспертлар, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳар йили мунтазам равишда турли форумлар ўтказиб борса, ўйлайманки, бундан ишимизга фақат фойда бўлади.

Халқаро кузатувчилар томонидан билдирилган таклиф ва тавсиялар таҳлили ҳам сайлов комиссияси аъзолари ва сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш лозимлигини кўрсатмоқда. Ана шундай таклиф ва тавсияларни инобатга олган ҳолда, Аҳолининг электорал маданиятини юксалтириш концепциясини ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблайман. Шунингдек, хорижий кузатувчилар томонидан баён этилган сайловни молиялаштириш манбаларини кенгайтиришга доир тавсия бўйича парламент ўз муносабатини билдириши лозим.

Парламентга мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича комиссия тузиб, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишни тавсия этаман. Мазкур комиссия халқаро ташкилотлар ва кузатувчиларнинг таклиф ва тавсияларини чуқур ўрганиб, миллий конунчилигимиз ҳамда сайлов жараёнини такомиллаштириш бўйича аниқ вазифаларни ишлаб чиқиши лозим.

Вазирлар Маҳкамаси ва Марказий сайлов комиссиясига сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати тизимининг самарали ишлаши учун зарур чораларни кўриш топширилади.

Фурсатдан фойдаланиб, сайловларда иштирок этган барча сайловчиларга, сайлов участкалари ва округлари аъзоларига, ноёб тизим – маҳаллалар фаолларига, эртанги кунга бефарқ бўлмаган фуқароларимизга, бутун халқимизга чин қалбимдан миннатдорчилик билдираман. Шунингдек, халқаро кузатувчилар, маҳаллий ва хорижий журналистларга ҳам самимий ташаккур изҳор этаман.

Мухтарам халқ вакиллари!

Мана, ҳозиргина Сиёсий партиялар вакиллари кенгашининг таклифига асосан Қонунчилик палатасининг янги Спикери лавозимига депутат Нурдинжон Муйдинхонович Исмоилов сайланди.

Аввало шуни таъкидлаш керакки, бу раҳбар кўп йиллар давомида қонун ижодкорлиги соҳасида ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида фаолият кўрсатган. Етарли иш ва ҳаёт тажрибасига эга. У киши миллий парламентимиз тараққиётининг дастлабки босқичларидан бошлаб унинг ривожига катта ҳисса қўшган раҳбарлардан ҳисобланади.

Спикернинг меҳнат фаолиятига назар ташласак, у давлат ва халқ манфаатларини таъминлаш йўлида ўзининг бор билими ва тажрибаси, куч-ғайратини сафарбар этиб келаётганини кўрамиз. Шунингдек, бутун Қонунчилик палатаси Спикерининг янги таъсис этилган биринчи ўринбосари лавозимига депутат Акмал Холматович Саидов сайланди. Қонунчилик палатасида бу янги лавозимни таъсис этиш ҳақидаги қарор ўз вақтида ва тўғри қабул қилинган деб ҳисоблайман.

Айни вақтда янги парламент институти бўлмиш Спикернинг биринчи ўринбосари фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Авваламбор, биринчи ўринбосар Қонунчилик палатасининг халқаро парламентлараро ташкилотлар билан алоқаларини ривожлантириш, хорижий давлатлар билан парламентлараро гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштириш, Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини юксалтиришга кўмаклашиш, парламентлараро дипломатияни амалга оширишга масъул бўлиши керак.

Маълумки, Конституцияга мувофиқ, Қонунчилик палатасининг энг муҳим ваколатларидан бири — бу халқаро шартномаларни ратификация ёки денонсация қилиш ҳисобланади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг Ҳукумат томонидан изчил бажарилишини

назорат қилиш ҳам Спикер биринчи ўринбосарининг асосий вазифаси бўлиши керак.

Масалан, Қонунчилик палатаси бундан буён Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш бўйича вазирлар ҳисоботларини эшитишни йўлга қўйиши лозим.

Яна бир муҳим масала – Ўзбекистон инсон ҳуқуқларига оид 70 дан ортиқ халқаро шартномага қўшилган. Шу йўналишда БМТнинг устав органларида Ҳукуматимиз мунтазам равишда миллий ҳисоботлар бериб келмоқда.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Қонунчилик палатаси ролини ошириш, халқаро ташкилотлар тавсиялари ижросини ташкил этиш, «йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш ва ижро этиш ҳам қуйи палатанинг диққат марказида бўлиши керак.

Бугунги кунда жаҳон парламентаризмида илғор тажриба бўлмиш, яъни нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш амалиёти халқаро даражада эътироф этилаётгани сизларга яхши маълум. Шу боис, Спикернинг биринчи ўринбосари томонидан ушбу номдаги Парламент комиссияси фаолиятининг изчил мувофиқлаштириб борилиши муҳим, деб ҳисоблайман.

Хабарингиз бор, Олий Мажлис ҳузурида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти тузилган. Бу институт қонун лойиҳаларини тайёрлашда, уларни муҳокама қилишда, қабул қилинган қонунлар моҳиятини жамоатчиликка етказишда парламент аъзоларига ҳақиқий ёрдамчи бўлиши лозим.

Қонун ижодкорлиги фаолиятига илмий-инновацион омилни кенг жорий этиш ҳам бундан кейин палатанинг муҳим вазифаси бўлиб қолиши керак.

Спикернинг биринчи ўринбосари лавозимига сайланган Акмал Холматович Саидовни нафақат мамлакатимиз, балки халқаро жамоатчилик вакиллари ҳам қонунчилик соҳасида кўзга қўринган, узоқ йиллардан буён фаолият олиб бораётган

Йирик мутахассис сифатида яхши билишади. У мазкур лавозимда ўзининг бой билими, кенг дунёқараши, профессионал малакаси, ташкилотчилик ва ташаббускорлик қобилиятини Ватанимиз равнақиға сафарбар этади, деган умиддаман.

Спикернинг биринчи ўринбосари партиявийликдан холи равишда умумдавлат, умумхалқ манфаатлари йўлида иш олиб бориши лозим. Шу билан бирга, бугун Спикер ўринбосарлари этиб сайланган барча партиялар фракциялари раҳбарларини ҳам самимий қутлашға ижозат этгайсизлар.

Бир сўз билан айтганда, бугун Қонунчилик палатаси депутатлари ўзларининг муносиб раҳбарларига эга бўлди, деб айтишға барча асосларимиз бор. Халқ вакилларини жонажон Ўзбекистонимизни тараққий эттиришдек улуғ мақсад йўлида бирлаштириб, парламент фаолиятини янги босқичға кўтаришда уларға ютуқ ва омадлар тилаймиз.

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Барчамизға яхши аёнки, депутатлик — бу одамдан жуда катта интеллектуал салоҳият, тинимсиз меҳнат, изланиш ва масъулият талаб қиладиган фаолиятдир. Ўзим ҳам кўп йиллар депутат бўлиб ишлаганман, бу вазифанинг қанчалик оғир ва машаққатли, шу билан бирга, шарафли иш эканини яхши биламан.

Депутат, аввало, ҳамиша халқ дарди билан яшаши, одамларни қийнаётган муаммоларни ҳал қилиш учун фидойилик кўрсатиб бошқаларға ўрнатқ бўлиши лозим. Депутатнинг қалби, виждони уйғоқ бўлса, вазирлар ҳам, ҳукумат ҳам, парламент ҳам уйғоқ бўлади, бутун жамиятимиз уйғоқ бўлади.

Бугун биз ҳамма соҳада изланиш ва ўрганишдамиз. Изланиб яшаётган, ўз мақсади сари изчил бораётган инсон ва жамият албатта ижобий натижа ҳамда ютуқларға эриша олади.

Ҳозирги кунда — Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида олдимизда ўта долзарб ва мураккаб вазифалар турибди. Уларни муваффақиятли ҳал этиш учун аввало қонун ижод-

корлиги соҳасида ишни бутунлай янгича ташкил этишимиз керак. Бу борада айниқса қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Биринчидан, қуйи палата ҳар бир қонун лойиҳаси бўйича ҳолис баҳс-мунозара ва тортишувлар маконига, турли ижтимоий манфаатлар ўртасидаги қураш майдонига, чинакам «демократия мактаби»га айланиши зарур.

Ўтган беш йил давомида палата фаолияти сезиларли даражада жонланиб, 540 та қонун ёки 2010–2014 йилларга нисбатан 2 баробар кўп қонун лойиҳаси қўриб чиқилди. Агар 2015 йилда қабул қилинган қонунларнинг бор-йўғи 11 тасини яхлит ва янги қонунлар ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 3 баробар ошиб, 35 тага етди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бир соҳага таъдлуқли ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган бир нечта қонунлар ўрнига, ягона кодекс қабул қилиш амалиёти қарор топмоқда. Жумладан, Фуқаролик процессуал кодекси. Иқтисодий процессуал кодекс, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс, Сайлов кодекси каби муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Шунингдек, ўтган икки йилда тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунларни қабул қилишни бошладик. Масалан, «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги, «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонунларда ҳавола шаклидаги нормалар ўрнига тўғридан-тўғри ишлайдиган қоидалар белгиланди.

Айни вақтда ҳаётнинг ўзи, Ўзбекистоннинг жадал таракқиёти бу борадаги фаолиятимизни янги сифат босқичига олиб чиқишни талаб этмоқда. Жаҳондаги илғор тажрибалар асосида партиялар ўз сиёсий манфаатлари, ўз электорати манфаатларини ифода этадиган қонунларни қабул қилиш учун парламентда кизгин баҳс олиб боришлари керак. Бунинг учун парламентда кўпчиликни ташкил этадиган партия ва унга муҳолифатда бўлган партиялар ўртасида соғлом рақобат бўлиши лозим.

Албатта, Қонунчилик палатасида ҳам фракция ўзини муҳолифат деб эълон қилиши мумкин. Бу фракция қонун биринчи ўқишда кўриб чиқилгунга қадар мазкур масала бўйича қонуннинг муқобил таҳририни киритиш ҳуқуқига эга экани белгиланган. Лекин, тан олишимиз керакки, бу институт шу пайтгача самарали ишлагани йўқ.

Албатта, сиз, ҳурматли депутатлар ташаббус кўрсатиш учун ўз устингизда мунтазам ишлашингиз, ҳар бир соҳа бўйича қабул қилинган қарорда халқ манфаатлари йўлида мустаҳкам замин яратишингиз керак. Сайловчилар сизлардан ташаббус кўрсатиб, ўз муқобил фикрингизни, қатъий сиёсий иродангизни намоён этишингизни кутмоқда. Чунки ҳақиқат баҳс ва тортишувларда туғилади, деган гапда чуқур ҳаётий маъно бор.

Албатта, ҳар бир депутат маълум бир соҳага оид қонунни қабул қилишда шу соҳанинг мутахассиси сифатида фикр юритишга қодир бўлиши лозим. Чунки сизлар қабул қиладиган қонун ҳужжатлари миллионлаб одамларнинг, бутун халқимизнинг ҳаётига бевосита таъсир кўрсатади. Лекин бу таъсир ижобий ҳам, салбий ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун халқ ишончини қозонган депутатнинг хато қилишга, ўз зиммасидаги юксак масъулиятни унутишга сира ҳаққи йўқ.

Иккинчидан, депутатлар муҳокамага киритилган ҳар бир қонун лойиҳаси бўйича ўзининг мустаҳкам позициясини кўрсатган тақдирдагина, сайловчилар ишончини оқлай олади.

Ўтган чақирикда қўйи палатага киритилган ҳар бир қонун лойиҳаси бўйича жойларда жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди. Шундан сўнг 400 дан зиёд қонун лойиҳасидаги мингга яқин қоидалар фуқароларимиз билдирган таклифлар асосида такомиллаштирилди. Мисол учун, «Қасаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди.

Депутатлар қонунларни «номигагина кўриб чиқиб, бир овоздан маъқуллаш» деган эски амалиётдан воз кечиб, уларни

жиддий ва батафсил муҳокама қилишни ўрганмоқда. Аҳоли томонидан билдирилган фикрлар, танқидий мулоҳазалар инobatга олиниб, 16 та қонун лойиҳаси рад этилди ва ташаббускор идорага қайтарилди. Ҳолбуки, 2010–2014 йилларда бирорта ҳам қонун лойиҳаси қайтарилмаган эди.

Сиз, ҳурматли депутатлар, қонун лойиҳаларини биринчи навбатда халқ манфаатидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилиб, уларни танқидий кўриб чиқиш борасидаги ишларни кучайтиришингизга ишонаман.

Қуйи палата аъзолари шу пайтгача қонун лойиҳасининг концептуал масалаларидан ташқари уларнинг Конституция ва амалдаги қонунларга, қонунчилик техникасига мослигини таъминлаш билан ҳам шуғулланиб келган. Аслида депутатлар сифатсиз лойиҳаларни маромига етказиш билан банд бўлмасдан, асосий эътиборни қонунлар халқ манфаатини қанчалик ифода этишига қаратиши керак.

Шу ўринда қадимги Римнинг машҳур шоири Публилий Сирнинг бир фикрини эслаш жоиз деб биламан. «**Қонунлар кучли бўлган жойда, халқ ҳам кучлидир**», деб ёзган эди у.

Дарҳақиқат, халқ вакиллари бўлган депутатлар ўз ваколатига асосланиб, жасур, талабчан ва катъиятли бўлиши, фуқароларнинг манфаатига хизмат қилмайдиган қонунлар қабул қилинишига йўл қўймаслиги шарт.

Ҳар бир қонуннинг, таъбир жоиз бўлса, кўзи, оёғи, ижроси бўлиши лозим. Қонун қабул қилиндими, албатта, ҳаётда ўзгариш бўлиши керак.

Айни вақтда масаланинг иккинчи томонини ҳам ўйлаш керак, яъни парламентга сифатсиз қонун лойиҳаларини киритгани учун аввало ташаббускор идоралар ва Адлия вазирлигининг роли ҳамда масъулиятини ошириш зарур. Агар ташаббускор идора қонун лойиҳасининг аҳамиятини депутатлар олдида асослаб бера олмаса, Қонунчилик палатаси лойиҳани кўриб чиқишни рад этиши лозим, деб ҳисоблайман.

Учинчидан, қуйи палата депутатлари ташаббуси асосида ишлаб чиқиладиган қонунларнинг салмоғини ошириш лозим.

2015 – 2019 йилларда депутатларнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиши сон жиҳатидан ошганини таъкидлаш лозим. Хусусан, 2010–2014 йилларда 37 та қонун лойиҳаси депутатлар томонидан муҳокамага киритилган бўлса, ўтган қақриқда бу кўрсаткич 2,5 баробар ошиб, 88 тага етди. Бироқ, бундай қонун лойиҳаларининг салмоғи қуйи палатага киритилаётган лойиҳаларнинг умумий сонига нисбатан хануз пастлигича қолмоқда, яъни 16–17 фоиздан ошмаяпти. Шу сабабли депутатларимизни ўз сайловчиларининг долзарб муаммоларини чуқур таҳлил қилган ҳолда янада ташаббускор бўлишга қақираман.

Тўртинчидан, ҳурматли халқ вакиллари қонунларни қабул қилишда уларнинг келгусида ишлашини таъминлайдиган чора-тадбирларни ҳам кўриши лозим.

Қонунларда белгиланган айрим қонуности ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилинмаслиги – уларнинг амалда «ишламай қолиши»га, бу эса, фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Мисол учун, халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги қонун кучга кирганига бир йилдан ошган бўлса-да, унинг амалда қўлланиши кўплаб саволларни юзага келтирмоқда.

Шунинг учун қонунларни қабул қилиш жараёнида улар билан боғлиқ барча қонуности ҳужжатларининг ўз вақтида ва тўлиқ ишлаб чиқилишини таъминлаш – палатанинг беш йил давомидаги асосий вазифаларидан бири бўлиши лозим. Шундагина биз «қонунни қабул қилиш билан парламентнинг иши якунланди», деган эскича қарашдан воз кечамиз.

Бундан ташқари, бирон-бир қонун лойиҳасини қабул қилишда ташаббускор бўлган парламент фракцияси шу қо-

нунни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Қонунчилик палатаси йил якунига кўра жорий йилда қабул қилинган ҳар қайси қонун халқ томонидан қандай баҳолангани, қайси қонун аҳолига наф келтираётганини, қайси қонун эса ишламай турганини аниқ таҳлил қилиши ва тегишли хулосалар чиқариши лозим. Бу эса электорат билан таъсирчан мулоқотни йўлга қўйишга ва парламентимиз фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Бешинчидан, қонун лойиҳаларининг халқаро шартномаларга, халқаро рейтинглардаги ўрнимизни яхшилаш бўйича тавсияларга мослигини ўрганиш амалиётини кенг жорий этиш лозим. Чунки, халқаро шартномалар ва рейтинглар мазмунида хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси ўз аксини топган.

Юқорида баён этилган фикрлардан келиб чиқиб, хулоса қиладиган бўлсак, қонун ижодкорлиги фаолияти «қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода халқ бўлиши шарт» деган устувор тамойилга асосланиши керак.

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Қуйи палатанинг парламент назоратини амалга ошириш борасидаги фаолиятида ҳам ўз ечимини кутаётган қатор масалалар мавжуд.

Биринчи. Янги депутатлар таъсирчан парламент назоратини олиб бориш орқали халқ ишончини оқлаши зарур.

Ўтган даврда парламент назоратининг янги шакл ва механизмлари ҳаётимизга кириб келди. Жумладан, Қонунчилик палатасида ҳукумат аъзоларининг депутатлар саволларига жавобларини эшитиш тартиби – «Ҳукумат соати» институти жорий этилди. Сўнгги 2 йилда 14 марта «Ҳукумат соати» ўтказилиб, уларда 17 та вазирлик ва давлат қўмитаси раҳбарлари иштирок этди.

Бундан ташқари, 2019 йилдан бошлаб Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзодларни қуйи палата мажлисида кўриб

чикиш амалиёти йўлга қўйилди. Бироқ бундай ишларимиздан сайловчиларимиз тўлиқ рози, деб айтишга ҳали эрта.

Ҳеч кимга сир эмас, айрим мансабдор шахслар номаъқул хатти-ҳаракатлари билан жамиятда қизгин муҳокамаларга, айрим ҳолларда эса, кескин норозиликка сабаб бўлмоқда. Ана шундай вазиятларда депутатларнинг бир чеккада томошабин бўлиб туришини бундан кейин халқимиз асло қабул қила олмайди. Ахир, фуқаролар ўз вакиллари халқ фикрини ифода этиш ва улар манфаатларини ҳимоя қилиши учун сайланган-ку!

Эл-юртимиз депутатлар тимсолида қонун ва ахлоқ-одоб мезонларини бузган мансабдорларга қарши тура оладиган талабчан курашчини, халқ дардини кўркмасдан кўтариб чиқадиган ўз ҳимоячиси, ўз вакилини кўришни истайди.

Бу борада дастлабки қадамлар ташланмоқда. Расул Кушербаев, Шухрат Полвонов, Алишер Ҳамроев каби ёш ва жонқуяр депутатлар фаолияти сайловчиларга манзур бўлмоқда. Масалан, автомобилотранспорт воситаларида кундуз куни чироқ ёкиб юриш бўйича қабул қилинган қарор депутатлар ташаббуси билан ўзгартирилди.

Биз бундай ҳолатларни фақат ижобий баҳолашимиз керак. Шу тариқа биз таъсирчан парламент орқали самарали ижро ҳокимияти фаолиятини йўлга қўйишга эришамиз. Шу сабабли халқ орасида мунозарага сабаб бўлаётган муаммолар юзасидан масъул раҳбарларнинг парламент ва маҳаллий кенгашларга тушунтириш бериш тартибини йўлга қўйиш керак.

Парламент назорати натижаларидан аҳолини ўз вақтида хабардор қилиш масаласи ҳам эътиборимиз марказида бўлиши шарт. Шу муносабат билан палата мажлисларини, ҳар бир тадбир ҳақидаги ахборотни оммавий ахборот воситаларида, расмий веб-сайтларда, ижтимоий тармоқларда кенг ва тизимли ёритишни кучайтириш керак. Бундай амалиёт парламент фаолиятида нафақат очикликни таъминлашга,

балки барча давлат идоралари масъулиятини оширишга ҳам хизмат қилади.

Иккинчи. Палатанинг кўмиталари ва бошқа таркибий тузилмалари назорат-таҳлил ишларини кучайтириши лозим.

Парламент фаолиятининг роли ва амалий таъсирчанлигини ошириш мақсадида ўтган чақириқда қатор янги таркибий тузилмалар ташкил этилди. Хусусан, Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси энди ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини ислоҳ этиш ва суд мустақиллигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишга бош-қош бўлиши керак. Ушбу кўмита давлат идораларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятига баҳо бериб, раҳбарларнинг жавобгарлиги масаласини Ҳукумат олдига қўйса, ўйлайманки, жуда ўринли бўлади.

Фуқаролар соғлиғини сақлаш масалалари кўмитаси жойларда тиббиёт соҳасидаги ишлар аҳволини ўрганишга масъул этиб белгиланган. Умуман, Қонунчилик палатасига соғлиқни сақлаш тизимини назорат қилиш ишониб топширилган эди.

Афсуски, палатанинг бу борада олиб бораётган ишлари ҳали биз кутган натижани бермаяпти ва бундай ҳолат мени жиддий ташвишга солмоқда. Нега деганда, соғлиқни сақлаш тизимида ҳозирда ҳам ўз ечимини топмаган муаммолар жуда кўп. Мисол учун, соҳада давлат-хусусий шерикликни йўлга қўйишнинг ҳуқуқий асослари яратилган бўлса-да, биронта лойиҳа ишга туширилмаган. Шунингдек, онкологик, эндокринологик ва юрак-қон томир тизими касалликларини даволаш бўйича ишларнинг аҳволи талаб даражасида эмас.

Энг ачинарлиси, айрим тиббиёт масканларининг ўзи инфекция тарқалиш манбаи бўлиб қолмоқда. Хусусан, 2019 йилда шифохоналарда инфекция тарқалиши билан боғлиқ мингга яқин ҳолат қайд этилган.

Соҳадаги мавжуд аҳволнинг назорати қуйи палатага юклатилганини инобатга олиб, Спикер ва масъул қўмита парламент назоратини тизимли йўлга қўйиши, керак бўлса, уни ҳар бир тиббиёт муассасаси бўйича амалга ошириши лозим. Ана шу ўта муҳим масалада, яъни тиббий хизмат сифатини яхшилаш учун қандай қонуний чоралар қўриш, одамларни рози қилиш бўйича чинакам ташаббус ва қатъият кўрсатилса, тарихда қоладиган иш бўлур эди.

Қуйи палатада Давлат бюджети бошқармасининг ташкил этилгани бюджетни шакллантириш ва ижроси устидан самарали назорат ўрнатишга хизмат қилмоқда. Масалан, ўзини ўзи молиялаштириш тартибига ўтган олий таълим муассасалари учун ижтимоий солиқ ставкаси 25 фоиздан 12 фоизга туширилди ва уларнинг ихтиёрида 47 миллиард сўм маблағ қолдирилди. Албатта, бу – парламент назоратини кучайтириш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг дастлабки ижобий натижаси, холос.

Парламентимизнинг бу борадаги фаолиятини кучайтиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Кейинги пайтда ҳудуд ва минтақаларимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида давлат томонидан катта ҳажмдаги маблағлар йўналтирилмоқда. Лекин бу маблағларнинг тўғри ва самарали ишлатилишини назорат қилиш борасида, авваламбор, шу ҳудудлардан сайланган депутатларимизнинг иштироки деярли сезилмаяпти. Ҳолбуки, жойларда ажратилган маблағлардан нотўғри фойдаланиш, уларни талон-торож қилиш, коррупция ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Халқ вакиллари ўз ваколатига асосланиб, таъсирчан назорат ўрнатса, уларнинг ҳам, Қонунчилик палатасининг ҳам обрў-эътибори ортади. Энг муҳими, бундан эл-юртимизга амалий фойда бўлади.

Бюджетдан сарфланадиган ҳар бир сўм учун Молия вазирлиги халқ вакиллари олдида ҳисобот бериши, барча идо-

ралар давлат маблағининг аниқ мақсадлар учун ишлатилиши бўйича парламентдан ҳайиқиб туриши лозим. Шунда тартиб бўлади, шунда ҳамма депутат билан ҳисоблашадиган бўлади. Палата бу масалада қатъият кўрсатиб, электорат манфаатларини ҳимоя қилади, деб ишонаман.

Умуман олганда, ҳар бир қўмита чорак иш режаси асосида ўз фаолият йўналишидаги давлат идоралари олдида конкрет вазифаларни қўйиб, улардан қонун ва қарорлар ижроси бўйича аниқ сўров қилишига эришмоғимиз зарур.

Учинчи. Парламент ва депутат сўровининг таъсирчанлигини ошириш чораларини кўриш керак.

Ўтган чақириқда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларидаги мансабдор шахсларга 28 та ёки 2010–2014 йилларга нисбатан 7 баробар кўп парламент сўрови юборилди.

Парламент ва депутат сўровини кўриб чикмаганлик ёки кўриб чиқиш муддатини бузганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилди. Шунга қарамасдан, афсуски, айрим ҳолларда депутат сўровига раҳбарнинг ўзи эмас, балки унинг ўринбосари, ҳатто бошқарма бошлиқлари жавоб қайтармоқда.

Ўзингиз айтинг, қани бу масалада халқ вакилининг обрўси? Парламентга ва депутатга бўлган ҳурмат шуми? Бундай салбий ҳолатларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Шу сабабли парламент ва депутат сўровига вазирлик ва идоралар биринчи раҳбарларининг шахсан ўзлари жавоб бериши шартлигини қонунда белгилашни таклиф қиламан.

Тўртинчи. Сайловчи ва депутатнинг ўзаро муносабатларига ахборот технологияларини кенг жорий этадиган вақт келди. Жумладан, парламент ва депутат сўровларини шакллантириш механизмининг такомиллаштириш зарур.

Ўтган чақириқда турли масалалар юзасидан 856 та депутат сўрови юборилган. Лекин сўровларда сайловчилар манфаати қанчалик ўз аксини топди, уларнинг нечтаси фуқаролар ташаббуси асосида шакллантирилди, деган саволлар мени ўйлантирмоқда. Шунинг учун жамоавий мурожаатлар асосида

Интернет тармоғи воситасида парламент ва депутат сўровини шакллантириш амалиётини йўлга қўйиш лозим. Бу орқали биз аҳолини қийнаётган масалаларнинг парламентда кўриб чиқилишига эришамиз.

2019 йилда депутатлар томонидан 8 мингдан ортиқ хонадон, 3 мингдан зиёд ижтимоий соҳа ва 2 мингга яқин ишлаб чиқариш объектига борилиб, қарийб 150 минг фуқаро билан мулоқот ўтказилди. Одамларни ташвишга солаётган ижтимоий муаммоларни ҳал этиш мақсадида депутатлар ҳар ойнинг охири ҳафтасида ўз сайлов округида бўлишига доир тартиб йўлга қўйилди. Албатта, бу ишларни тизимли равишда давом эттириш керак.

Айни вақтда савол туғилади – ахборот технологиялари ривожланган ҳозирги кунда сайловчи ўзининг вакилига мурожаат қилиши учун унинг округга бевосита келишини кутиб ўтириши шартми? Шу сабабли халқ билан мулоқот тизимини мутлақо янги босқичга олиб чиқиб, депутатларни ўз сайловчилари билан боғлаш имкониятини берадиган электрон портал ва мобиль иловаларни ишга тушириш лозим. Токи ана шу тизим орқали сайловчи депутатнинг кундалик ишини кузатиб бориш, қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш ва улар бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириш имконига эга бўлсин. Яъни депутат фаолиятига унинг сайловчилари бевосита баҳо берсин. Ана шундагина фуқаро ва парламент ўртасида халқимиз биздан кутаётган ҳақиқий кўприк пайдо бўлади.

Бешинчи. Парламент фаолиятига аҳолини кенг жалб этиш мақсадида «Менинг фикрим» веб-портали ишини такомиллаштириш даркор.

Маълумки, биз бу портални давлат ва жамият ҳаётига оид муҳим масалаларда халқ фикрини атрофлича ўрганиш ва фуқаролар ташаббусини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этган эдик. Лекин ҳозирги кунда халқдан тушаётган таклифларни чуқур ўрганиш ва уларни муҳокама қилиш ишлари самарали йўлга қўйилганми?

Бу саволни ўртага қўяётганимиз бежиз эмас. Чунки, ҳозирги кунга қадар тушган таклифларнинг атиги 11 таси кенг муҳокамадан ўтказилиб, улар бўйича палатанинг қарорлари қабул қилинган.

Умуман олганда, жамият ҳаёти учун долзарб муаммолар кўтариладиган бўлса, уларни кенг жамоатчилик ўртасида муҳокама қилишнинг муқобил усуллари амалиётга киритиш зарур.

Бу борада «Менинг фикрим» веб-порталига тушаётган мурожаатларни телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситаларида депутатлар, мутахассислар, кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш учун кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Яна бир муҳим масала шуки, Қонунчилик палатасининг халқаро парламентлараро ташкилотлардаги иштирокини фаоллаштириш лозим.

Бугунги кунда қуйи палатанинг халқаро алоқалари кенгайиб бораётгани ҳаммамизга яхши маълум. Масалан, 2015 йилда палатада хорижий давлатларнинг парламентлари билан ҳамкорлик бўйича 9 та парламентлараро ҳамкорлик гуруҳи фаолият кўрсатган бўлса, 2019 йилда уларнинг сони 28 тага етди, шундан 24 та гуруҳ Сенат билан биргаликда тузилгани эътиборга молик. Халқаро муносабатлардаги самарали фаолият натижасида ўтган даврда парламентда 24 та чет эл делегацияси қабул қилинди.

Миллий парламентимиз қисқа муддатда кўплаб нуфузли халқаро парламентлараро бирлашмаларнинг фаол иштирокчисига айланди. Парламентлараро иттифоқ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламентлараро ассамблеяси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар Парламентлараро ассамблеяси шулар жумласидан бўлиб, бизнинг депутатларимиз ҳам мазкур нуфузли ташкилотларнинг раҳбарлик лавозимларига сайландилар.

Халқаро парламентлараро алоқаларни тизимли равишда ривожлантириб бориш бундан кейин ҳам депутатларнинг доимий эътибор марказида бўлиши зарур.

Яна бир жиҳатга алоҳида эътиборингизни қаратишни истар эдим. Афсуски, партияларимиз ўз сиёсий мақсад ва дастурларини илгари суриш ва сафларини кенгайтириш ҳақида фақат сайлов арафасидагина эслаб қоладилар. Асосан шу даврда улар ўз аъзолари билан ишлаб, уларнинг сонини кўпайтиришга интилади. Бундай ёндашув, вақтинчалик ва расмийчилик учун қилинадиган ишлар қанчалик тўғри? Бу албатта нотўғри.

Аслида сиёсий партиялар ўз аъзолари сонини кўпайтириш устида доимий ишлаши, ўз дастурларини ҳамisha такомиллаштириб, ундаги мақсад ва ғояларни қўлқўллик ҳаётга татбиқ этиб бориши керак эмасми? Шундагина партияларнинг жамиятдаги ва ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири мустаҳкам бўлади. Шунинг учун сиёсий партиялар ва уларнинг фракциялари раҳбарлари ўз фаолиятини жонлантириши, електрат ичига чуқур ва тизимли равишда кириб бориши лозим.

Янги сайланган Спикернинг биринчи ўринбосари, катта тажрибага эга ҳуқуқшунос олим сифатида ҳам, сиёсий партиялар ва фракцияларга ўз фаолиятини такомиллаштиришида доимий амалий кўмак ва тавсиялар бериб бориши зарур.

Ҳурматли дўстлар!

Бугунги кунда жонажон Ўзбекистонимиз ўз тараққиёт йўлидан жадал илгарилаб бормоқда. Ўтган уч йил давомида амалга оширган ислохотларимиз ўзининг дастлабки мевасини бера бошлади. Жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистонга қизиқиш ва эътибор, мамлакатимизнинг куч ва имкониятларига, унинг келажига бўлган ишонч тобора ортиб бормоқда. Бу эса тараққиётнинг янги босқичига чиқиш, кўзлаган мақсадларимизга етиш учун мустаҳкам замин яратмоқда, десак, адашмаган бўламиз.

Ана шундай улкан имкониятларни қўлдан бермасдан, йўлимиздан оғишмасдан, янада қатъий илгарилаб борсак,

эзгу мақсадларимизга албатта етамиз. Бу йўлда Қонунчилик палатаси, ҳурматли депутатларимиз етакчи куч бўлиб майдонга чиқишлари керак.

Халқимизнинг энг сара вакиллари сифатида сизлар бунинг учун етарли салоҳият ва шароитларга эгасизлар. Умуман олганда, депутатларимиз ўзининг юриш-туриши, маданияти, одоби ва этикаси билан барчага ибрат ва намуна бўлиши лозим. Спикер ва унинг ўринбосарлари бу муҳим масалани ўзининг алоҳида назоратига олиши шарт.

Давлат бошқаруви академияси билан биргаликда депутатларнинг малакасини доимий ошириб бориш юзасидан янгича тизим – депутатлик ўқувларини жорий этишни таклиф қиламан.

Эл-юртимиз сизларга ҳақли равишда катта умид ва ишонч билан қарамоқда. «Парламент халқ иродасининг ҳақиқий кўзгуси бўлиши зарур» деган улуғвор ғояни амалда намоён этишингизни кутмоқда. Ана шундай ишонч, ҳурмат ва эътиборга муносиб бўлиш – бу жуда катта бахт. Бағрикенг, меҳнаткаш ва олижаноб халқимизнинг ана шу ишончини ҳар биримиз ўз жойимизда амалий ишлар билан оқлашимиз керак. Бу бизнинг нафақат фуқаролик, балки, энг аввало, она Ватанимиз олдидаги фарзандлик бурчимиздир.

Ишонаманки, янги парламент таркибида ўз фаолиятини бошлаётган барча ҳурматли депутатларимиз ана шу талабни чуқур англаб, самарали фаолият олиб борадилар.

Сизларни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланганингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сihat-саломатлик, куч-ғайрат, фаолиятингизда ютук ва омадлар тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
биринчи мажлисидаги нутқ*

2020 йил 20 январь

СЕНАТОРЛИК ТАШАББУСКОРЛИК ВА ФИДОЙИЛИК ДЕМАКДИР

Ассалому алайкум, ҳурматли Сенат аъзолари!

Қадрли дўстлар!

Аввало, сизларни сайловларда ғолиб бўлиб, сенатор деган юксак номга сазовор бўлганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, Олий Мажлис юқори палатасининг аввалги таркибида самарали фаолият олиб борган сенаторларга барчамизнинг номимиздан миннатдорчилик билдираман.

Албатта, олий вакиллик органи аъзоси бўлиш ҳар бир сенатор учун нафақат катта шараф, балки улкан масъулият ҳам эканини барчангиз яхши тушунасиш.

Сенатор — бу аввало халқ ва давлат ишончини қозонган инсон. У чуқур билим, бой ҳаётий тажрибага эга бўлган, тинимсиз меҳнат қилиб, ташаббус кўрсатиб яшайдиган, халқ манфаатларини доимо биринчи ўринга қўйиб, ўз тақдирини эл-юрт тақдири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кўрадиган шахсдир.

Биз сизларнинг тимсолингизда ана шундай етук ва фаол шахсларни тасаввур қиламиз.

Таъкидлаш жоизки, Сенатнинг янги таркиби анча юқори профессионал даражада шаклланди. Буни Сенат аъзоларининг 20 нафарини иқтисодчилар, 19 нафарини муҳандислар, 13 нафарини педагоглар, 7 нафарини ҳуқуқшунослар, 6 нафарини тиббиёт ходимлари, 5 нафарини агрономлар, 4 нафарини журналистлар ҳамда 12 нафарини жамоат ташкилотлари вакиллари ташкил этгани, уларнинг орасида 16 нафар фан

доктори, 12 нафар фан номзоди мавжудлиги ҳам тасдиқлайди. Шунингдек, Сенат аъзоларининг салкам 25 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлиб, бу эса юқори палатанинг фаолияти янгича ёндашув ва қарашлар асосида ташкил этилишидан далолат беради.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Жонажон Ўзбекистонимиз ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйган кейинги уч йил Сенат учун ҳам ўзига хос туб янгиланиш ва ўзгаришлар даври бўлди. Сенат томонидан кўриб чиқилган қонунлар сони қарийб 230 тага етгани ва шундан 190 та қонун сўнгги уч йилда маъқуллангани ушбу йўналишда катта иш қилинганини кўрсатади. Бу борадаги ижобий ўзгаришлар нафақат қонунларнинг сони, балки уларнинг сифати билан ҳам боғлиқ, десак, тўғри бўлади.

Шу ўринда Сенат қўмиталари томонидан муҳим ташаббуслар илгари сурилгани ва улар кўплаб долзарб масалалар ечимига хизмат қилганини таъкидлаш лозим. Мисол учун, Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитасининг суғурта бозори самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлари мазкур соҳани такомиллаштиришга оид муҳим қарорларда ўз ифодасини топди.

Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳам кенг жамоатчилик томонидан билдирилган таклифларни инобатга олиб, муҳим ташаббусни илгари сурди. Ҳозирги вақтда шу асосда тўй ва маросимлар ўтказишни тартибга солиш бўйича амалий чора-тадбирлар ҳаётга жорий этилмоқда. Энг муҳими, уларни халқимиз қўллаб-қувватламоқда.

Бундан ташқари, Сенатда ички ишлар ва ташқи ишлар вазирларининг ахборотларини эшитиш амалиёти йўлга қўйилди. Сенатнинг ялпи мажлисларида вилоят ҳокимларининг ҳисоботларини эшитиш тартиби жорий этилгани парламент назорати соҳасидаги катта амалий натижа, дейиш мумкин.

Шунингдек, халқаро муносабатлар соҳасидаги ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган ҳамкорлик ифодаси сифатида Сенатда 25 та парламентлараро гуруҳ ва 2 та комиссия фаолияти йўлга қўйилди.

Ҳурматли сенаторлар!

Юқори палата ишининг самарадорлигини ошириш мақсадида яқин ва узоқ истикболда қуйидаги муҳим вазифаларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблайман.

Биринчидан, аҳолини қийнаётган муаммоларни ҳал этишининг самарали тизимини яратишимиз лозим.

Уч йил олдин сенаторлар томонидан, бевосита жойларга чиққан ҳолда, ҳудудлардаги муаммоларни ўрганиш ва маҳаллий кенгашларда муҳокама қилиш амалиёти йўлга қўйилди. Бироқ, ҳозирча бу биз кутган натижаларни берди, деб айта олмаймиз. Жойларда ҳали жуда кўп муаммолар ўз ечимини кутиб турибди. Масалан, йўл қурилиши соҳасида жами 184 минг километр бўлган автомобиль йўлларининг 70 минг километри ёки 38 фоизи қайта қуришга муҳтож.

Одамларнинг энг кўп эътирозига сабаб бўлаётган коммунал хизмат соҳасини оладиган бўлсак, бу борада ҳам бир қатор муаммолар кузатилмоқда. Масалан, мавжуд 633 та қозонхонанинг 25 фоизи ҳамда 4 минг километр иссиқлик тармоғининг 75 фоизи яроқсиз аҳволда.

Энг ачинарлиси, республикамизда марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси атиги 68 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида 60 фоиздан ҳам паст бўлиб қолмоқда.

Шаҳарсозлик соҳасида мамлакатимизда 1 минг 200 та аҳоли пунктидан фақат 232 таси ёки 19 фоизи бош режасига эга. Соғлиқни сақлаш соҳасида республикамиз бўйича 13 мингта умумий амалиёт врачлари ва тор йўналишдаги мутахассислар етишмайди.

2019–2020 ўқув йилида умумтаълим мактабларида 2 минг 700 дан ортиқ педагог кадрларга эҳтиёж мавжуд бўлса,

мактабларнинг жиҳозланиш даражаси 79 фоизни ташкил этмоқда. Шу билан бирга, 3 мингта мактабда ичимлик суви ташиб келтирилади, 261 та мактаб эса сув билан таъминланмаган.

Меҳнатга лаёқатли аҳоли ўртасида ишсизлик даражаси 8,9 фоизни, аёллар ўртасида 12,5 фоизни ташкил этади. Мамлакатимизда ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида 2 минг 400 та меҳнат ярмаркаси ўтказилган. Шунга қарамасдан, иш излаганларнинг жуда кам қисми ишга жойлаштирилган.

Албатта, узок вақт давомида халқ билан яқиндан мулоқот қилинмагани, унинг дарду ташвишларини атрофлича ўрганиб, хал этиш чоралари кўрилмагани оқибатида мана шундай ижтимоий муаммолар тўпланиб қолгани ҳеч кимга сир эмас. Биз бу масалаларнинг ечимини топиш мақсадида муҳим дастурлар қабул қилиб, шу асосда катта ишларни амалга ошираётганимиздан, ўйлайманки, барчангиз хабардорсиз. Бу муаммоларни тўлиқ бартараф этиш учун албатта вақт керак, улкан маблағ ва куч-имкониятлар зарур. Марказда ва жойларда ижро органларининг бутун фаолияти ана шу масалаларга қаратилаётгани ҳам сизларга яхши маълум.

Ўз навбатида, сенаторларимиз ҳам бу борада ташаббус ва ташкилотчиликни ўз қўлларига олиб, аниқ таклифлар киритсалар, айти муддао бўлар эди. Шу боис, Сенатнинг ҳар бир қўмитаси ўз фаолият режасини ҳудудий муаммолардан келиб чиқиб шакллантириши лозим.

Айниқса, Сенатнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш бўйича тасдиқланган индикаторларга эришилиши устидан мониторинг олиб бориши мақсадга мувофиқдир. Чунки, юқорида санаб ўтилган барча муаммолар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадлари билан ҳамоҳангдир.

Шунингдек, ўрганилган масалалар бўйича бевосита жойларга бориб, вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида Сенат кенгаши ва қўмиталарининг сайёр мажлисларини ўтказиш зарур. Бу амалиёт аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш имконини беради.

Иккинчидан, ислохотларимизнинг бутунги босқичи Ҳукумат, барча вазирлик ва идоралар ҳамда ҳокимликлар олдига кескин талаблар қўймоқда. Бу талаблар қонунларда, Президент фармонлари ва қарорларида, турли давлат ва ҳудудий дастурларда ўз ифодасини топган.

Шунинг учун вазирлик ва идоралар раҳбарлари кўпроқ ҳудудларда бўлиб, жойлардаги долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар ечими юзасидан тегишли чора-тадбирларни белгилаб олмоқда. Лекин, уларнинг ижросини ким назорат қилади? Албатта, халқ ишончига сазовор бўлган сенаторлар бу борада асосий ташаббускор бўлиб, масъулиятни ўз зиммасига олишлари зарур.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Сенат вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ҳокимларнинг мазкур чора-тадбирлар ижроси юзасидан ҳисоботини мунтазам муҳокама қилиб бориши лозим. Бу жараёнда ҳисобот шунчаки ҳисобот учун бўлиб қолмаслиги керак. Аксинча, ҳисоботлар муҳокамасидан сўнг муайян соҳа ёки ҳудудда аниқ ўзгаришлар бўлиши зарур.

Ўйлайманки, парламент назорати натижалари асосида фаолияти қониқарсиз, деб топилган раҳбарларнинг лавозимда қолиш ёки қолмаслик масаласи бўйича Сенат томонидан Ҳукумат олдига масала қўядиган ва таъсирчан чоралар кўрадиган вақт келди.

Амалдаги қонунларга асосан Сенат парламент назорати натижалари бўйича ҳатто Ҳукумат аъзосини истеъфога чиқариш тўғрисида Президентга таклиф киритиши мумкин.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз, ҳурматли Сенат аъзоларига мурожаат қилиб айтмоқчиман: аниқ таҳлил ва асослар билан киритилган таклифларни мен кўриб чиқишга тайёрман.

Учинчидан, ёшлар ва таълим масалалари Сенатнинг доимий эътиборида бўлиши керак.

Абдулла Авлониёнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир», деган сўзларини такрор ва такрор айтишдан чарчамайман. Нега деганда, бу фикр бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини унутмаслигимиз лозим.

Ёшларимиз кимнинг авлодлари эканини чуқур англашлари керак. Айни вақтда бугунги ислоҳот ва ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлмаётганини билишлари зарур.

Яқинда ёшлар билан бўлиб ўтган учрашувда жорий йилда ёшларга оид давлат сиёсатида туб бурилиш ясаш бўйича улкан мақсадларни белгилаб олдик. Хусусан, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни иш билан таъминлаш, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаши учун шароит яратиш, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, айниқса, хотин-қизларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг муаммолари билан мунтазам равишда шуғулланиш, қиз болаларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, шунингдек, маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ вазифалар ижросини Сенат назорат қилиб, мутасадди раҳбарларнинг ёшлар муаммоларини ҳал этиш борасидаги фаолиятига оид ҳисоботларини эшитиб, тегишли чоралар кўриб борса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Тўртинчидан, Сенат ҳудудий вакиллик палатаси сифатида Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқиши ва унинг ижроси устидан парламент назоратини ўрнатиши зарур.

Биз 2020 йил учун Давлат бюджетини биринчи марта қонун билан тасдиқлаш амалиётини бошладик. Конституция-мизга мувофиқ, бюджетни қабул қилиш ва унинг ижросини назорат қилиш Олий Мажлис палаталарининг биргаликдаги ваколати ҳисобланади.

Аммо, қонунларда бюджет ижросини фақат Қонунчилик палатаси томонидан назорат қилиш тартиблари белгиланган.

Ажратилаётган маблағларнинг вазирлик ва идоралар бўйича, айниқса, ҳудудлар кесимидаги ижросини ўрганиш Сенатнинг ҳам асосий вазифаси бўлиши лозим. Шу муносабат билан қонунларга тегишли тузатишлар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Сизларга яхши маълумки, Қонунчилик палатасида Давлат бюджети бошқармаси ташкил этилган эди. Бу қисқа муддатда ўзининг дастлабки ижобий натижаларини кўрсата бошлади. Юқори палатамизда ҳам ана шундай фаолиятни амалга ошириш мақсадида Сенатда алоҳида тузилма ташкил этишни таклиф қиламан. Ушбу тузилма Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш жараёнлари устидан ҳудудлар манфаатидан келиб чиққан ҳолда назорат олиб боришда сенаторларнинг асосий кўмакчиси бўлади, деб ишонаман.

Бешинчидан, жамият ҳаётининг турли соҳаларидаги долзарб масалаларни ҳал этишда парламент сўрови институтидан самарали фойдаланиш зарур.

2010–2014 йилларда Сенат томонидан атиги 3 та парламент сўрови юборилган бўлса, сўнгги беш йилда 26 та парламент сўрови ва 700 дан ортиқ сенатор сўрови юборилган. Келгусида парламент сўрови алоҳида вилоят, туман, шаҳар миқёсидаги долзарб масалаларни ҳам қамраб олса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бироқ, сенатор сўровларининг сифати ва натижадорлигини ошириш бўйича ҳали олдимизда кўп ишлар турибди.

Афсуски, давлат бошқаруви органлари томонидан сенаторларнинг сўровларига жавоб бермаслик ҳолатлари ҳам мавжуд.

Таъкидлаб айтмоқчиман, **сенатор сўровига беписандлик** – бу халққа бўлган беписандлик, деб баҳоланиши керак. Бундай ҳолатга йўл қўймаслик учун сенатор сўровини ҳудудлар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда шакллантириш, унинг натижасига оид ахборотни Сенатнинг қўмита мажлислари ва ялпи мажлисларида муҳокама қилиш зарур.

Олтинчидан, Сенатнинг маҳаллий кенгашлар билан ҳамкорлигини, улар фаолиятига амалий ва услубий кўмак кўрсатиш борасидаги фаолиятини янада кучайтириш лозим.

Афсуски, бугунги кунда юқори палатамизнинг бу борадаги фаолияти сустлигича қолмоқда. Энг ачинарлиси, маҳаллий кенгашлар ҳудудлардаги долзарб масалалар ечимини топишда ўз ваколатларидан деярли фойдаланмаяпти.

Маълумки, сўнгги даврда, айниқса, охириги уч йилда маҳаллий кенгашларнинг назорат фаолиятини кучайтиришга қаратилган ҳукуқий асослар яратилди. Жумладан, ҳоким, ҳоким ўринбосарлари, прокуратура, адлия, ички ишлар, молия, солиқ ва соғлиқни сақлаш идоралари раҳбарларининг ҳисобдорлиги белгилаб қўйилди.

Қонунчиликда маҳаллий кенгашларга бундай кенг ваколатлар берилган бўлса-да, амалда уларнинг натижаси кўринмаяпти. Сенат қўмиталари маҳаллий кенгашлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўймагани ҳам бунга сабаб бўлмоқда.

Кенгашлар фаолият самарадорлигини оширишда мен, биринчи навбатда, сиз, муҳтарам сенаторларга суянаман. Шунинг учун доимий асосда ишлайдиган сенаторларни маҳаллий кенгашларга бириктиришни назарда тутадиган янги тизим яратиш лозим. Буни сайловларда кузатувчи бўлиб иштирок этган халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам тавсия этишган.

Аслида сенаторлар ҳудудлар манфаатини ҳимоя қиладилар. Шунинг учун сенаторларимиз ҳар ойда биттадан маҳаллий кенгашни намунавий ишлайдиган қилиб берсалар, албатта халқимиз улардан рози бўлади.

Шу муносабат билан маҳаллий кенгашларда сенаторнинг кабинетини ташкил этиш ўринли бўлади. Шу билан бирга, Сенат Раиси, ҳудудларда барча сенаторларни жалб қилган ҳолда, маҳаллий кенгашлар депутатларининг тизимли ўқувини ташкил этиш амалиётини жорий этиши лозим.

Сенат Давлат бошқаруви академияси билан биргаликда, мутлақо янги бўлган тизимни, яъни Сенаторлар мактабини шакллантириши керак. Чунки, жойларда депутатлар корпуси қанчалик кучли бўлса, маҳаллий кенгашлар ва албатта Сенат ҳам шунчалик кучли бўлади.

Хурматли сенаторлар, мен сизларнинг ҳар бирингизни кўпни кўрган, халқ ичида катта обрў-эътиборга эга, жойлардаги муаммоларни ва уларни ҳал қилиш йўлларини яхши биладиган одамлар деб биламан. Барчангиз фидокор ва ташаббускор бўлиб, ўз амалий ишларингиз билан сенатор сифатида мамлакатимиз тарихида ном қолдиришингизни истаيمان.

Энди ижро ҳокимияти ёмон ишламоқда, деб нолиб ўтирадиган вақт ўтди. Ижро органи фаолияти устидан ким назорат олиб бориши керак? Аввало, сенаторлар эмасми?

Қуйи кенгашлар қанчалик фаол бўлса, Сенатнинг иши шунча самарали бўлади. Жойлардаги ижро органларини фаол ишлатиш кўп жиҳатдан сенаторларимизга боғлиқ.

Сенаторлар жойлардаги раҳбарлар ҳисоботини эшитиши, мамлакатимиз даражасида ҳал қилинадиган масалаларни Сенат муҳокамасига киритиб бориши керак. Ушбу фаолиятни самарали ташкил этиш ва маҳаллий кенгашларнинг иш сифатини ошириш мақсадида уларда доимий асосда ишлайдиган котибият ташкил этишни таклиф қиламан.

Шунингдек, халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, Кенгашларга вазирлик ва идоралар ҳудудий тузилмалари раҳбарларининг ўз лавозимига лойиқлиги юзасидан таклиф киритиш ваколатини берсак, нима дейсизлар?

Маълумки, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунда Кенгашларнинг қонун ҳужжатларига зид бўлган қарорлари Олий Мажлис томонидан белгиланган тартибда бекор қилиниши назарда тутилган. Бироқ, шу кунга қадар ушбу нормани амалга ошириш механизми ишлаб чиқилмаган.

Сенат ҳудудий вакиллик палатаси эканини инобатга олиб, Кенгашларнинг қонунга зид қарорларини бекор қилиш ваколатини юқори палатага бериш тўғри бўлади, деб ўйлайман.

Еттинчидан, коррупцияга қарши кескин курашиш муҳитини яратишда Сенатнинг ролини кучайтириш зарур.

Бугунги кунда давлат хизматчилари, ҳатто юқори лавозимлардаги масъул шахслар томонидан содир этилаётган коррупция билан боғлиқ жиноятлар ҳам фoш этилмоқда. Бу ҳақдаги хабарлар оммавий ахборот воситаларида тез-тез эълон қилинмоқда. Айниқса, муайян ҳудуд тақдири ишониб топширилган айрим мансабдорларнинг порахўрлик ва коррупция жиноятига қўл ураётгани ташвишли ҳолдир.

Жойлардаги раҳбарларнинг қонунга зид фаолияти доимо ҳудудларда фаолият олиб бораётган сенаторларнинг эътибор марказида бўлиши керак. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир сенатор коррупцияга қарши курашнинг олдинги сафларида бўлиши шарт. Сенат аъзолари жамиятда қизгин баҳсларга сабаб бўлган ҳолатлар юзасидан, ялпи мажлисни кутиб ўтирмасдан, тезкор эшитувлар ташкил этиб, мутасадди шахслардан изоҳ талаб қилиши зарур.

Саккизинчидан, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликнинг барвақт олдини олиш масаласи Сенатнинг доимий эътиборида бўлиши керак.

Сўнги йилларда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида бир қатор ишларни амалга оширдик. Бирок, бу соҳада олдимизда ҳали ўз ечимини кутаётган масалалар мавжуд. Масалан, ўтган йили мамлакатимиз бўйича жиноят содир этган 47 мингдан ортиқ шахснинг 12 минг нафари ёки 25 фоизини ёшлар ташкил этган.

Бу кўрсаткич Қашқадарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида 39 фоиздан иборат бўлса, Андижон ва Наманган вилоятларида 38 фоиздан ошган. Лекин, минг афсуски, ана шу вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Сенатнинг сайёр мажлислари

Ўтказилиб, бундай ўта ташвишли ҳолат жиддий муҳокама қилинмаган. Ҳамма четда томошабин бўлиб ўтирибди.

Ўзингиз айтинг, бу аҳволда эртага қандай вазиятга тушиб қоламиз?

Бундай бепарволик ва эътиборсизлик энди тарихда қолиши керак. Янги сенаторларимиз ҳар бир масала бўйича тезкор муносабат билдиришлари ва зарур чора-тадбирлар кўриб боришлари лозим.

Бундан ташқари, безорилик ва фирибгарлик билан боғлиқ жинойтлар сони ортиб бормокда. Шунинг учун жойларда жинойтчиликка қарши кураш олиб борадиган идоралар фаолияти сенаторларнинг доимий назоратида бўлиши лозим.

Хабарингиз бор, сўнгги 3 йилда ўз қилмишига чин дилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 4 мингдан ортиқ шахс афв этилиб, ўз яқинлари бағрига қайтарилди. Ўйлайманки, бу инсонлар келгусида ҳаётда ўз ўринларини топишида ҳам сенаторларнинг алоҳида ҳиссаси бўлади.

Агар ўз вақтида зарур чораларни кўриб, афв этилганларнинг ижтимоий ҳаётга мослашувини таъминламасак, афв этиш тўғрисида биз қабул қилган фармонларнинг обрўси, таъсири нима бўлади?

Тўққизинчидан, Сенат давлат идораларининг жамиятда хотин-қизлар ролини ошириш борасидаги фаолияти устидан назоратни кучайтириши лозим.

Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат дастури доирасида катор чора-тадбирлар белгиланган. Барча даражадаги раҳбарларга аёллар, айниқса, ёш қизларнинг бандлигини таъминлаш ва уларни замонавий касб-ҳунарларга ўргатишни асосий вазифа сифатида белгиладик.

Ана шу вазифалар ижросини ташкил этиш ва назорат қилишда Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси муайян иш олиб бормокда. Келгусида ҳам мазкур қўмита гендер тенгликни таъминлаш, оғир ижти-

мой вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни манзилли қўллаб-қувватлаш ва уларнинг бандлигига қўмаклашишга оид вазифалар ижросини мунтазам ўрганиб бориши зарур. Бунинг натижаси бўйича масъул идоралар раҳбарларининг ҳисоботини эшитиб, уларнинг фаолият самарадорлигини оширишга қўмаклашиш лозим.

Албатта, Сенатда бу борада озми-кўпми ишлар қилинмоқда. Лекин, афсуски, маҳаллий кенгашларда бу масала бўйича эътиборга лойиқ муҳокамалар деярли ўтказилмаган.

Ижро органларида, вазирлик ва идораларда гендер тенгликни таъминлаш, мухтарама опа-сингилларимизга масъул лавозимларни ишониб топшириш бўйича кўп иш қилишимиз керак. Нега деганда, аёлларимиз ҳаётий муаммоларни бошқалардан кўра чуқурроқ билиши, фидойилиги, кучли масъулият туйғуси, меҳнатсеварлиги билан барчага ўрнак бўлади.

Ўнинчидан, Сенат фаолиятининг очиклигини таъминлаш борасида қилинаётган ишларни янада кучайтириш зарур.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юқори палатамиз жамоатчилик, айниқса, оммавий ахборот воситалари билан узвий ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Сенат фаолиятига ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилди ва юқори палатанинг махсус веб-портали яратилди.

Сўнгги пайтларда Сенат мажлисларини жонли эфир орқали намойиш қилиш амалиётининг жорий этилиши халқчил парламентни шакллантиришнинг муҳим омили ва халқ олдида ҳисобот беришнинг самарали воситасига айланмоқда. Ушбу йўналишда олиб борилаётган ишларни тизимли равишда давом эттириш зарур. Шунингдек, Сенатда бу борадаги ижобий амалиётни маҳаллий кенгашлар фаолиятига ҳам жорий этиш яхши натижа беради, деб ўйлайман.

Навбатдаги долзарб вазифа – парламент палаталарининг конун ижодкорлиги жараёнидаги ҳамкорлигини мустаҳкамлашдан иборат.

Бу борада муҳим бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Икки палатали парламент ташкил этилганидан бошлаб ҳозирги кунга қадар жами 9 та қонун Сенат томонидан рад этилган. Ушбу кўрсаткич 2005 йилдан бугунги кунгача қабул қилинган барча қонунларнинг атиги 1,5 фоизини ташкил этади. Мазкур кўрсаткич аксарият ривожланган давлатларда бундан бир неча бор юқори эканини қайд этмоқчиман.

Биз қонуннинг Сенат томонидан рад этилишига салбий ҳолат деб эмас, аксинча, сифатли қонунларни қабул қилишга қаратилган демократик жараён сифатида баҳо беришимиз лозим.

Яна бир муҳим масала – қонунлар ижроси устидан парламент назоратини амалга ошириш Сенатнинг конституциявий ваколати ҳисобланади.

Айрим ҳолларда қонунларни амалга ошириш механизми бўлмагани уларнинг тўлиқ ишламаслигига сабаб бўлмоқда. Хусусан, бундай механизм қонуности ҳужжатларида назарда тутилган бўлса-да, уларда ўзаро мувофиқ келмайдиган ҳолатлар мавжуд.

Давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолиятини мувофиқлаштириш бевосита Адлия вазирлигининг вазифаси ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, Адлия вазирлигининг бу борадаги фаолияти парламент назоратининг марказида бўлиши лозим.

Маълумки, парламент фаолиятини сифатли ахборот-таҳлилий материаллар билан таъминлаш мақсадида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ташкил этилган эди. Ислоҳот талабларидан келиб чиқиб, мазкур институт фаолиятини янада кучайтиришимиз, уни депутат ва сенаторларнинг чинакам қўмақчисига айлантиришимиз лозим. Хусусан, қонун лойиҳаларининг кизғин муҳокамасини ўтказиш ва қабул қилинган қонунларнинг амалиёт-

даги таъсирчанлигини баҳолаш бўйича институт фаолиятининг самарадорлигини ошириш талаб этилади. Шу боисдан ҳам парламент мазкур институт фаолиятини тубдан такомиллаштириш масаласини кўриб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Яна бир муҳим масала — хорижий мамлакатлар билан муносабатларни ривожлантиришда юқори палатанинг ролини янада кучайтириш лозим.

Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини юксалтириш, халқаро алоқаларини ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш Сенатнинг муҳим вазифаси бўлиб қолади. Сенатнинг ушбу йўналишдаги фаолияти самарасини кучайтириш мақсадида ҳар йили аниқ бир мавзуга бағишланган халқаро конференциялар, учрашув ва форумлар ўтказиш учун режалар ишлаб чиқиш ва уларни Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда амалга ошириш лозим. Масалан, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва бошқа долзарб масалаларни кенг муҳокама қилиш мақсадга мувофиқдир.

Сенат хорижий давлатлар билан ҳамкорлик масалалари бўйича ҳар йили дастурлар қабул қилиб, ижросини катъий назоратга олса, бу яхши амалиёт бўлган бўларди. Шу мақсадда Парламент дипломатияси концепциясини қабул қилишни тезлаштириш керак.

Шу билан бирга, Парламентлараро Иттифок, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламент ассамблеяси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро ассамблеяси билан ўзаро ҳамкорликни аниқ ва узок муддатли иш режалари асосида давом эттириш лозим. Бундан ташқари, Олий Мажлис аъзо бўлиши кутилаётган Туркий тилли давлатлар Парламент ассамблеяси ва бошқа халқаро парламент тузилмалари доирасида ҳам ҳамкорликни кучайтириш керак.

Бу борада бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Маълумки, Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги элчиларини тайинлаш Сенатнинг вазифаси бўлиб, бу жараёнда уларнинг келгуси фаолияти учун белгилаб олган дастурлари эшитилади. Лекин, ундан кейин-чи? Сенат билан элчиларнинг ўзаро алоқаларини ривожлантиришга зарурат борми? Албатта, бор. Шу сабабли Сенатнинг ташқи сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги вазифаларини амалга оширишда юқори палатада Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги элчилари ҳисоботини эшитиш амалиётини йўлга қўйишимиз керак.

Хурматли сенаторлар!

Энди кун тартибига киритилган ташкилий масалага ўтадиган бўлсак, аввало, Сенат Раиси ва унинг ўринбосарларини сайлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишимиз зарур.

Маълумки, Конституциямизнинг 93-моддасига мувофиқ, Сенат Раислигига номзод Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим этилиши белгилаб қўйилган. Ана шу нормага асосан, кўпчилик, жумладан, тажрибали сенаторлар билан маслаҳатлашиб, чуқур ўйлаган ҳолда, мен Олий Мажлис Сенати Раиси лавозимига сенатор Танзила Камаловна Нарбаева номзодини тақдим этмоқчиман.

Танзила Камаловна сўнгги 30 йилда турли масъулиятли раҳбарлик лавозимларида самарали меҳнат қилиб келмоқда. 1995–2010 йилларда Вазирлар Маҳкамасида оналик ва болалик, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза масалалари билан шуғулланган. 2010–2016 йилларда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси, 2016–2019 йилларда Бош вазир ўринбосари – Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимларида самарали меҳнат қилди. Охирги олти ойда Сенат Раиси сифатида катта ишларни амалга оширди.

Танзила Камаловна бошқарув, жамоат ишларида катта тажриба тўплаган малакали раҳбар кадрларимиздан бири, десак, муболаға бўлмайди.

Мухтарам сенаторлар!

Бугун барчангиз ушбу номзодни тўлиқ қўллаб-қувватлаганингиз ва ўз хурматингизни билдирганингиз Танзила Камаловнага катта ишонч ва ғайрат бағишлаши шубҳасиз.

Хурматли Танзила Камаловна, Сизга масъулиятли фаолиятингизда янги омадлар ва улкан зафарлар тилайман.

Энди Сенат Раисининг ўринбосарлари лавозимига номзодлар ҳақида гапирадиган бўлсак, мен бу вазифаларга қуйидаги номзодларни тавсия этмоқчиман.

Сенат Раисининг биринчи ўринбосари лавозимига сенатор Содиқ Солиҳович Сафоев номзодини тавсия этаман.

Бу киши салкам 30 йил давомида ташқи сиёсат ва ташқи иктисодий масалалар соҳасида муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда. Турли йилларда ташқи ишлар вазири, Ўзбекистоннинг Германия ва АҚШдаги Фавқулодда ва мухтор элчиси бўлиб ишлаган. 2005–2016 йилларда Олий Мажлис Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси, 2016 йилдан буён эса Сенат Раисининг биринчи ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Содиқ Солиҳовични барчангиз мохир дипломат, халқаро майдонда танилган жамоат арбоби сифатида яхши биласиз. Бу раҳбар ҳам ўз зиммасига юклатилган вазифаларни муносиб адо этишига тилакдошман.

Сенат Раиси ўринбосари лавозимига сенатор Муса Тажетдинович Ерниязов номзодини тавсия этаман.

Бу олижаноб инсон, оқсоқолимиз ўз фаолиятини қурилиш соҳасидан бошлаб, кейинчалик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари лавозимида хизмат қилган. Қорақалпоқ элининг катта хурмат ва эҳтиромини қозониб, 2002 йилдан буён Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, бир пайтнинг ўзида Олий Мажлис Сенати Раисининг ўринбосари сифатида ишлаб келмоқда.

Ўтган йили мамлакатимиз иктисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, ислохотлар жараёнларидаги фидойилиги, иб-

ратли фаолияти учун Муса Тажетдиновичга Ўзбекистон Қаҳрамони деган юксак унвон берилганидан барчангиз хабардорсиз.

Бу кўпни кўрган, тажрибали ва ташаббускор раҳбар, камтарин ва меҳнаткаш инсон билан сенаторлар биргаликда самарали ишлайдилар, деб ишонаман.

Сенат Раиси ўринбосари лавозимига сенатор Зайниддин Маҳаматович Низамходжаев номзодини тавсия этаман.

Тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Қаҳрамони Зайниддин Маҳаматовични бу залда ўтирганларнинг ҳаммаси яхши танийди, деб ўйлайман. Узоқ йиллар давомида халқимизнинг сиҳат-саломатлиги, фан, таълим, маданият ва спорт соҳалари тараққиёти йўлида катта ишларни амалга ошириб келмоқда. Бу киши охирги 5 йилда Олий Мажлиснинг тегишли қўмитаси раиси сифатида фаол иш олиб борди.

Зайниддин Маҳаматович янги масъулиятли лавозимда сизлар билан яқин ҳамкорликда муваффақиятли фаолият кўрсатишига ишонаман.

Ҳурматли Сенат аъзолари!

Албатта, ҳозир айтиб ўтилган вазифалар барча сенаторлардан юксак масъулият, ташаббускорлик ва фидойиликни талаб этади. Ушбу вазифаларнинг самарали амалга оширилиши Сенатни келгусида профессионал палатага айлантириш борасида дастлабки муҳим қадам бўлади, деб ишонаман.

Бугун кўп миллатли халқимиз биз, раҳбарлардан, авваламбор, янги сайланган депутат ва сенаторлардан ҳаётимизни янада эркин, обод ва фаровон этишга қаратилган амалий ишларни кутмоқда. Барчамиз сайловчилар олдида, юртдошларимиз олдида бизга билдирилган юксак ишончга ҳар томонлама муносиб бўлишимиз керак.

Ҳар куни, ҳар соатда виждонимиз олдида ҳисобот бериб, ҳалол-пок бўлиб, эл-юрт манфаатини ўйлаб ишласак, мен аминман, халқимиз ҳам, Яратган ҳам биздан рози бўлади.

Мана шундай эзгу мақсад йўлида барчангизга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат ва омад тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

*Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
биринчи мажлисидаги нутқ*

2020 йил 20 январь

БОШЛАГАН ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИ ЖАДАЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ – УСТУВОР ВАЗИФАДИР

Ассалому алайкум, ҳурматли қўшма мажлис иштирокчилари!

Мухтарам депутат ва сенаторлар!

Сизлар билан куни кеча бўлиб ўтган тадбирларда парламент палаталарининг келгуси 5 йилдаги устувор вазифалари ҳақида батафсил гаплашиб олдик.

Бугун эса, Бош вазир номзоди ҳамда Ҳукуматнинг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар дастурини кўриб чиқиб, халқимиз фаровонлиги ва мамлакатимиз равнақи учун муҳим қарор қабул қилишимиз керак. Чунки, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларнинг барқарор ривожланиши учун айнан Бош вазир ва у раҳбарлик қиладиган Ҳукумат масъул ҳисобланади.

Биз ўтган 3 йилда давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, барқарор бозор иқтисодиётини шакллантириш ва тадбиркорликни ривожлантириш, ижтимоий соҳалар, жумладан, тиббиёт, таълим ва илм-фан йўналишларидаги ишларни такомиллаштириш бўйича қатор ислохотларни бошладик.

Маъмурий ислохотлар концепцияси доирасида аввал эгаси бўлмаган соҳаларда 12 та мутлақо янги давлат бошқаруви органлари ташкил этилди, 20 та вазирлик ва идора фаолияти тубдан такомиллаштирилди.

Ижтимоий-иқтисодий соҳанинг устувор йўналишларини ўрта ва узоқ муддатда жадал ривожлантириш бўйича 3 йилда 30 дан ортиқ концепция ва стратегиялар қабул қилинди.

Ҳукуматнинг, вазирлик ва идоралар, жойлардаги ҳокимлар, бутун давлат бошқаруви тизимининг асосий вазифаси — ислохотлар доирасида қабул қилинган ушбу дастурий ҳужжатлар ижросини қатъий таъминлаш, реал натижадорликка эришишдан иборатдир.

Бу борада олдимизда жуда кўп муаммоли масалалар турибди. Айрим муҳим йўналишларда амалга оширилаётган ислохотларимиз бир текис бораётгани йўқ.

Айниқса, ёқилғи-энергетика, геология, транспорт, қурилиш, йўл қурилиши, тадбиркорлик, аграр тармокни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, ичимлик суви таъминоти, аҳоли яшаш шароитларини яхшилаш масалаларида халқимиз биздан янада кўпроқ ва аниқ натижалар кутмоқда. Ҳозирча Ҳукумат ушбу соҳалар бўйича зиммасига юклатилган вазифаларни тўлиқ уддаламоқда, деб айтишга ҳали эрта.

Жойларда жуда кўплаб муаммо ва масалалар ўз ечимини топиши зарур. Одамларимизнинг талаб ва эҳтиёжлари кун сайин ўсиб бормоқда. Шунинг учун Вазирлар Маҳкамасининг барча янги аъзоларидан ўзлари масъул ва жавобгар бўлган соҳаларга танкидий ёндашиб, зиммаларидаги вазифаларни самарали бажаришлари талаб этилади.

Бир сўз билан айтганда, амалий натижадорлик ва халқ манфаатларини рўёбга чиқариш ҳар бир Ҳукумат аъзоси фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони бўлиши шарт.

Биз келгуси беш йил учун юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш, солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштириш, саноат тармоклари, энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги, уй-жой ва коммунал соҳаларни ривожлантириш борасида катта марраларни белгилаб олдик. Жумладан, ялпи ички маҳсулотни қарийб 2 баробар ошириш ёки 58 миллиард доллардан 100 миллиард долларга етказиш зарур.

Инфляция даражасини 5 фоизга камайтириш, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган истеъмол маҳсулотлари ҳажмини

кўпайтириш Ҳукумат, Марказий банк ва барча даражадаги ҳокимларнинг умумий вазифаси бўлиши керак.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар йиллик ҳажмини 10 миллиард долларга етказиш ва экспорт ҳажмини 30 миллиард долларгача кўпайтириш керак. Ушбу устувор вазифаларга эришиш учун иқтисодийнинг энг муҳим тармоқларида аниқ натижаларни таъминлаш талаб этилади. Жумладан, иқтисодийнинг асосий драйверларидан бири бўлган қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш, диверсификация асосида экспорт ҳажмини кескин ошириш, соҳага аграр ва сувни тежайдиган юқори технологияларни жорий этишга қаратилган, узоқ муддатга мўлжалланган стратегия қабул қилинди.

Энг муҳими, бу ишларимизнинг бош мақсади — фермер ва деҳқонларнинг манфаатдорлигини янада ошириш, қишлоқларда замонавий ишлаб чиқариш корхоналари ва янги иш ўринлари барпо этишдан иборат.

Бошоқли доннинг ўртача ҳосилдорлигини 75 центнерга етказиш, умумий экин майдонлари таркибида озуқа экин майдонларини 12 фоизга кенгайтириш лозим.

Мева-сабзавотчилик ва чорвачилик, таъбир жоиз бўлса, қишлоқ хўжалигининг асосий локомотивлари бўлиши керак.

Мева-сабзавотчиликда экспорт ҳажмини 2025 йилда камида 5 миллиард доллардан ошириш, бунинг учун кооперация ва кластер тизимини жадал жорий этиш, маҳсулотни сақлаш, ташиш ва қайта ишлашнинг яхлит ва замонавий инфра-тузилмасини ташкил этиш ва янада кенгайтириш лозим.

Чорвачиликни ривожлантириш мақсадида замонавий чорва комплекслари ва оилавий кооперациялар барпо этиш, илм-фан ва юқори технологияларга асосланган ҳолда чорва наслини 60 фоизга яхшилаш учун барча чораларни кўриш зарур.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида Ҳукумат олдида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини келгуси беш йилда 2,5 баробар ошириш вазифаси ҳам турибди.

Глобал шароитда, айниқса, минтақамизда йилдан-йилга камайиб бораётган сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш бўйича кечиктириб бўлмас чораларни кўриш талаб этилади.

Келгуси беш йилда суғориладиган ерларнинг камида 30 фоизига томчилатиб, ёмғирлатиб суғориш ва бошқа сув тежайдиган технологияларни жорий этиш зарур. Шунингдек, сув ҳисобини юритиш тизимини татбиқ қилиш ҳамда сув балансини мунтазам равишда олиб бориш керак.

Давлат-хусусий шерикликни кенг жорий этиш ҳисобидан сув иншоотлари эксплуатация ва инвестиция харажатларини камида 15 фоизга қисқартириш чораларини кўриш лозим.

Замонавий технологиялар ҳисобидан рақобатдош ва илғор қишлоқ хўжалиги техникаларини етарли даражада ишлаб чиқариш орқали фермер ва кластерларни техника билан таъминлаш кўрсаткичини ҳозирги 45 фоиздан камида 70 фоизга етказиш зарур.

Бу борада импорт қилинаётган маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг ташқи бозорларга чиқишини алоҳида назоратга олиш керак.

Иқтисодиётни жадал ривожлантириш йўлидаги энг катта хавф-хатарлардан яна бири — бу нефть-газ ва энергетика тармоғидаги мавжуд муаммолар билан боғлиқ.

Хукумат бу соҳаларни трансформация қилиш, уларга хусусий секторни фаол жалб этиш, ҳисоб-китобни жой-жойига қўйиш орқали ортиқча йўқотишларни тўлиқ қисқартириш ва талон-торожликларнинг олдини олиш бўйича таъсирчан чораларни кўриши зарур.

Нефть-газ соҳасида 2025 йилда ёқилғи маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 5,2 миллион тоннага ошириш, бунинг учун бу йил 4,1 миллиард долларлик 5 та объектни ишга тушириш керак.

Келгуси беш йилда электр энергияси ишлаб чиқаришни камида 80 миллиард киловатт соатга етказиш, шунинг камида 20 фоизини қайта тикланадиган энергия манбалари

ҳисобидан таъминлаш талаб этилади. Шунингдек, 2020 йилда электр энергияси бўйича 7 миллион, 2022 йилда табиий газ бўйича 3,5 миллион истеъмолчиларни ҳисобга олиш ва уларнинг автоматлашган назорат тизимига уланишини таъминлаш учун Ҳукумат зарур чора-тадбирларни кўриши керак.

Мамлакатимизда мавжуд табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш учун барча амалий чораларни кўришимиз зарур. Бунинг учун Ҳукумат геология соҳасини тубдан ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган дастурий ҳужжатлар ижросини тўлиқ бажариши шарт.

Тоғ-кон саноатида амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришлар ва йирик инвестиция лойиҳалари ҳисобидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 2025 йилгача 1,5 баробар кўпайтириш лозим.

Мавжуд хомашё базасини тўлиқ сафарбар этиш, чет элдан олиб келинаётган маҳсулотларни ўзимизда чиқаришни кўпайтириш, экспорт ҳажмини ошириш ҳисобидан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни шу даврда 3 баробар кўпайтириш энг муҳим вазифалардан биридир.

Тўқимачилик ва чарм-пойабзал саноати соҳаларида маҳаллий хомашёни тўлиқ қайта ишлаш ва экспортни кескин ошириш зарур. Бу борада 2025 йилда тўқимачилик ва чарм саноатида юқори қўшилган қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқаришни 4–5 баробар ошириб, 8 миллиард долларлик экспортни таъминлаш керак.

Юқори технологиялар асосида электротехника саноатини жадал ривожлантириш, маиший техника ва саноат электр ускуналари, кабель маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш лозим. Бунинг учун бу йил ишлаб чиқаришни 1,5 баробар ошириб, экспорт ҳажмини 2022 йилгача 500 миллион долларга етказиш талаб қилинади.

Автомобиль саноатида 2023 йилгача енгил ва юк автомобиллари ҳамда автобуслар ишлаб чиқариш ҳажмини 360 минг донага етказиш, шундан камида 100 минг донасини

хорижга экспорт қилиш соҳа масъуллари учун асосий вазифа бўлади.

Кимё саноатида нафақат мавжуд минерал ўғитлар ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, балки полимер, кичик тоннажли кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш керак.

Ҳукуматдан чет эл инвесторлари билан бирга табиий газни чуқур қайта ишлашга қаратилган янги йирик лойиҳаларни амалга ошириш талаб этилади. Шунингдек, Ҳукумат кимё саноатини ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаб, тармоқда минерал ўғит ишлаб чиқариш улушини 76 фоиздан 33 фоизга камайтиришни ўзи учун асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб олиши лозим.

Фармацевтика соҳасида келгуси 5 йилда маҳаллий дори воситалари ишлаб чиқариш ҳажмининг ички бозордаги улушини 45 фоиздан 70 фоизга ошириш ва экспортни 100 миллион долларга етказиш зарур.

Биз хорижий туристлар сонини 12 миллион нафардан ошириш вазифасини белгилаб олганмиз. Буни амалга ошириш учун, биринчи навбатда, инфратузилмаларни яхшилаш, меҳмонхоналар сонини кўпайтириш, транспорт тармоқларини ривожлантириш ва хизматлар сифатини юксалтириш Ҳукумат ва ҳокимликларнинг асосий диққат-эътиборида бўлиши лозим.

Юкорида айтилган барча режаларни рўёбга чиқариш ҳисобидан ишсизликни 7 фоизга камайтириб, йилига камида 500 мингта иш жойи яратиш, аҳоли даромадини 2 баробар ошириш – янги Ҳукумат олдидаги муҳим вазифадир.

Ижтимоий соҳадаги ислохотлар ҳам Ҳукумат олдига аниқ вазифаларни қўймоқда. Жумладан, аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлигини ҳозирги 74,6 ёшдан 76 ёшга етказиш ва гўдаклар ўлими кўрсаткичини ҳозирги 10 промилледан 1,5 баробар камайтириб, 7 промиллега тушириш лозим. Ўлим

кўрсаткичини саратон касаллиги бўйича ҳозирги 73 фоиздан 65 фоизга, юрак-қон томир касалликлари бўйича эса бугунги 41 фоиздан 30 фоизга тушириш устида соғлиқни сақлаш вазирлиги жиддий чора-тадбирлар кўриши керак.

Бундан ташқари, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, йўл инфратузилмасини ривожлантириш каби оғир ҳаётий масалаларни узил-кесил ҳал этиш лозим.

Шу билан бирга, зарур шарт-шароитларга эга бўлган уй-жойларда яшайдиган аҳоли сонини 65 фоизга етказиш устувор йўналишлардан биридир. Бу борада Ҳукуматдан, ипотека кредити беришнинг янги тартибига биноан, хусусий пудрат ташкилотларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламини қўллаб-қувватлашнинг аниқ механизмларини жорий этиш талаб этилади. Бу масала бўйича барча вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг масъулиятини ошириш зарурлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Иссиқлик таъминоти соҳасида жорий йил Тошкент шаҳрида, 2022 йилга қадар Наманган, Жиззах, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш зарур.

Барчамиз бир фикрни чуқур тушуниб олишимиз керак: биз ўз олдимизга қўйган ана шундай устувор вазифалар – жуда мураккаб ва ҳақиқатан ҳам улкан марралардир.

Шу билан бирга, вақт ўтгани сайин дунё ҳам ўзгармокда, одамларимизнинг яхши яшашга бўлган талаблари ҳам ортиб бормокда. Энди кечаги натижа билан халқимизни рози қила олмаймиз. Бугунги кун ҳар куни изланиш, янгилик яратишни талаб этмокда. Фақат ана шундай талаблар асосида иш олиб бориб, халқимизнинг ҳаётини яхши томонга ўзгартириш мумкин.

Вазирлар Маҳкамаси ушбу вазифалар ижросини тўла таъминлаш учун иш услубини тубдан такомиллаштириши, ўз фаолиятини самарали ташкил этиши керак.

Биринчидан, Ҳукумат қонун, фармон ва қарорлар ижросини тўғри ташкил этиб, амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳар бир туман ва қишлоққа, ҳатто олис ва чекка ҳудудларгача етиб боришини таъминлаши зарур.

Биз қанча мукаммал қонун, фармон ва қарорлар қабул қилмайлик, агар улар жойларда етарлича амалга оширилмаса, шунча меҳнат ва саъй-ҳаракатимиз натижаси сезилмай қолаверади. Шунинг учун вазирлик ва идоралар ҳамда жойлардаги ҳокимликлар ишини оқилона ва самарали йўлга қўйиш Вазирлар Маҳкамасининг бош вазифаси бўлиши лозим.

Энди ҳар бир топшириқнинг ижро этилгани қоғозга қараб эмас, эришилган пировард натижага қараб баҳоланади.

Шу боис, барча даражадаги ижро органларида интизомни кучайтириш, белгиланган вазифа ва топшириқлар натижадорлигини танқидий таҳлил қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш зарур.

Бунда Вазирлар Маҳкамаси ва Ҳисоб палатаси бир ой муддатда ижрони назорат қилиш борасидаги ёндашувларини тубдан такомиллаштириши лозим. Вазирлик ва идораларнинг қўйи тузилмалари билан биргаликдаги фаолияти устидан вертикал назорат ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак.

Энг асосийси, Ҳукумат марказий идораларнинг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда ҳокимликлар билан ҳамкорлигини ва улар ўртасидаги манфаатлар мувозанатини таъминлаш учун масъул ва жавобгар бўлади. Бунинг учун мамлакатимиз даражасида қарорлар қабул қилишда ҳокимликларнинг иштирокини ошириш лозим. Яъни ишлаб чиқиляётган қарор лойиҳаларини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳам келишиш тартибини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтмоқчиман, ижтимоий, иқтисодий соҳалардаги ва маънавий ҳаётга оид қонун ҳужжатлари

ижроси билан боғлиқ барча муаммолар ўз ечимини Ҳукумат даражасида топиши керак. Хусусан, туристлар оқимини кўпайтиришда ҳаво, темир йўл транспорти харажатларини камайтириш, билетлар нархини арзон қилиш, йўллар сифати ва инфратузилмасини яхшилаш каби катор муаммолар мавжуд. Уларнинг ечими юзасидан Туризм қўмитаси ва Транспорт вазирлиги ўртасида ягона сиёсат ва ёндашув бўлиши керак.

Ёки инвестиция киритиш ва унга тўсиқ бўлаётган турли муаммолар бир вақтда муҳокама қилиниб, ўша жойнинг ўзида уларнинг ечимлари топилиши зарур. Шу боис, Ҳукумат аъзолари энг долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ҳафтада камида бир марта йиғилиб, халқимизни қийнаган муаммоларни ўртага ташлаб, юзма-юз ўтириб, муҳокама қилишлари, уларнинг ечимини тезкорлик билан, аҳил ва яқдил жамоа бўлиб ҳал этиб боришлари мақсадга мувофиқдир.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этилган, лекин йиғилмасдан ва реал муҳокама ўтказмасдан қарор қабул қиладиган комиссия ва ишчи гуруҳларни тугатиш вақти етди.

Яна бир масала — ижро ҳокимияти идоралари қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши юзасидан ижтимоий сўровлар ўтказиш орқали ва бошқа шаклларда кенг жамоатчилик фикрини мунтазам равишда ўрганиб бориши керак. Шу билан бирга, электрон портал, ижтимоий тармоқларда махсус саҳифалар ташкил этиб, аҳоли билан «қайта алоқа» тизимини йўлга қўйиш лозим.

Иккинчидан, ҳар бир ижро органи ўзи масъул бўлган соҳани ўрта ва узоқ истикболда ривожлантириш бўйича аниқ режа ва дастурларга эга бўлиши зарур.

Афсуски, ҳозирги кунда ҳамма раҳбарлар ҳам бу талабни тўлиқ тушунаётгани ва аҳамиятини чуқур англаб етаётгани йўқ, десак, бу ҳам тўғри бўлади. Аксарият мутасаддилар муаммоларнинг ўз вақтида олдини олиш ўрнига, бор куч ва

ресурсларни уларнинг оқибатларини бартараф этишга самарасиз сарфламоқда.

Энди иш фаолиятини фақат ишхонасида ўтказган ва қоғозбозликка берилиб, амалий натижани кейинги ўринга тушириб қўйган раҳбарлар билан хайрлашамиз. Қонунчилик палатаси депутатларидан ҳам Вазирлар Маҳкамаси янги таркибини қўриб, чиқишда ушбу масалаларга алоҳида эътибор беришларини сўраган бўлар эдим.

Тармоқ ва ҳудудлар раҳбарлари фаолиятини самарали ташкил этиш учун замонавий менежмент тизимига ўтишимиз лозим. Вазирлик ва идоралар раҳбарлари иш услубини ўзгартириб, масъулият ва жавобгарликни ўз зиммасига олишни ўрганиши керак.

Аҳоли ва тадбиркорлар муаммоларини ҳал этиш бўйича янги ташаббусларни илгари суриб, уларни ҳаётга жорий этиш раҳбарлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонига айланиши лозим.

Ўз вақтида ҳал қилинмаган муаммолар жойлардаги аҳоли қайфияти ва турмуш шароитига салбий таъсир кўрсатишини бир сония бўлса ҳам унутмаслигимиз зарур.

Бош вазир ва Ҳукумат аъзоларидан бошлаб ижро ҳокимияти органларининг барча даражадаги раҳбар ва ходимлари фаолиятига натижадорлик мезонлари (KPI) асосида баҳолаш тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу тизимни халқаро рейтинг ва индекс кўрсаткичлари билан уйғунлаштириш талаб этилади. Бинобарин, улардаги баҳолаш мезонларининг барчаси халқимизнинг мушқулини осон этишга хизмат қилади. Ахир, биз учун энг муҳим, айтиш мумкинки, бирламчи вазифа айнан шу эмасми?

Мисол учун, Жаҳон банкининг ўтган йилги «Давлат бошқаруви индикатори»да мамлакатимиз 5 та кўрсаткич бўйича ўз ўрнини яхшилади. Бунга эришиш учун халқ дардини эшитадиган, унинг оғирини енгил қиладиган самарали тизим яратдик, матбуот эркинлиги ҳамда давлат идора-

ларининг аҳоли олдидаги ҳисобдорлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларни бошладик.

Бундан фойда бўлдимиз? Албатта, фойда бўлди.

Ёки яна бир мисол, 2 та солиқ турини бирлаштирганимиз «Бизнес юритиш» рейтингининг солиққа тортиш йўналишидаги кўрсаткичимиз яхшиланишига сабаб бўлди. Бундан ким кўп манфаат кўрди? Албатта, тадбиркор ва ишбилармонларимиз. Чунки солиқ тўлаш шакли ва жараёнлари кескин соддалашди.

Шунингдек, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини комплекс баҳолаш тизимини яратиш мақсадида Худудларнинг ривожланиш индекси ишлаб чиқиши лозим. Ҳукумат мазкур индекс асосида худудларга оид сиёсатни белгилаши, маҳаллий бюджетларга молиявий кўмак бериш ҳамда раҳбарларни рағбатлантириш масалаларини пухта кўриб чиқиши керак.

Хусусан, тадбиркорликни ривожлантириш учун қайси худудда инфратузилма етишмаяпти, қайси худудга кўпроқ банк ресурслари ва субсидиялар керак, деган саволларга жавобни ана шу индекс кўрсатиб бериши зарур.

Учинчидан, давлат органлари фаолияти ҳамда амалга оширилаётган ислоҳотлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиши устувор вазифага айланиши керак.

Ижро ҳокимияти органлари иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳалардаги ислоҳотлар, қабул қилинаётган ҳужжатларнинг моҳияти ва аҳамияти ҳамда ижроси ҳақида халқимизга содда ва раво тилда тушунтириш бериб боришлари лозим. Бу борада оммавий ахборот воситаларидан, ижтимоий тармоқлар, веб-сайтлардан кенг фойдаланиш, матбуот анжуманлари, брифинглар, медиа-турлар ташкил этиш зарур.

Шунингдек, Ҳукумат, вазирлик ва идоралар, худудлар раҳбарлари оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда кўтарилаётган долзарб масалалар бўйича тезкор

чоралар кўриши ва уларга принципиал муносабат билдириши лозим. Бу борадаги ишларни самарали ташкил этиш учун ҳар бир идора ўзининг медиа дастурини ишлаб чиқиши, Вазирлар Маҳкамаси бу масаланинг ижросини қатъий назоратга олиши зарур.

Ҳар бир вазирлик ва идора маълумотлар очиклиги фаолиятини танкидий кўриб чиқиб, ўзининг веб-сайтлари ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида маълумотларни мунтазам жойлаштириши ва янгилаб бориши зарур.

Яна бир масала – ҳозирги вақтда қарорлар лойиҳасини электрон портал орқали кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйиш тизими ишлаётгани, бу жараёнда халқимиз ўз фикр-мулоҳазалари, таклиф ва ташаббуслари билан иштирок этаётгани ижобий натижа бермоқда.

Жумладан, Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига қўйилган 4 мингга яқин қонун ҳужжатлари лойиҳасига 17 мингдан зиёд таклиф киритилган бўлиб, мингдан ортиқ ҳужжатлар қайта ишланган.

Шу билан бирга, қабул қилинган қарорларнинг амалда қандай ишлаётганини баҳолаш тизими мавжуд эмас. Вазирлар Маҳкамаси қарорларнинг самарадорлиги ва натижадорлиги бўйича аҳоли фикрини ўрганиш тизимини амалиётда қўллаш юзасидан таклиф ишлаб чиқсин.

Ишончим комил, бундай чора-тадбирлар Ҳукуматни халққа яқинлаштиради. Айни вақтда қабул қилинаётган қарорлар сифати ва раҳбарлар масъулиятини ҳам оширади.

Тўртинчидан, қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мутлақо янги босқичга кўтариш ва унинг самарадорлигини оширишнинг фурсати келди.

Вазирлар Маҳкамаси парламентга тайёрлаб киритилаётган қонун лойиҳалари сифатини оширишга жиддий эътибор қаратиши зарур. Ҳукумат, ҳар бир вазирлик ва идора қонунчиликни янгिलाш ва тизимлаштириш бўйича янгича иш услубига ўтиши лозим.

Қонунчилик палатасида қонун лойиҳалари ҳамкорликда кўриб чиқилишини, Ҳукумат – қўмита – Қонунчилик палатаси ўртасида фаолият уйғунлигини таъминлаш зарур.

Яна бир муҳим масала – ижро ҳокимияти органлари раҳбарларининг Олий Мажлис палаталари олдидаги ҳисобдорлигини янада ошириш керак. Бу борада ҳар йили Давлат дастури ижроси юзасидан Ҳукумат ҳисоботини эшитиш тизими жорий этилди. Энди ижро ҳокимияти органлари муҳим ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан парламент палаталари олдида мунтазам равишда ҳисобот бериши зарур.

Мазкур ҳисоботлар жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтказилиши лозим. Бу – қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти ўртасидаги ўзига хос мулоқот майдони сифатида ижобий натижасини кўрсатишига менда ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Қадрли дўстлар!

Конституциямизнинг 98-моддасига кўра, Бош вазир номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган сиёсий партия томонидан таклиф этилади.

Хабарингиз бор, сайловларда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Қонунчилик палатасида энг кўп, яъни 53 нафар депутатлик ўрнини эгаллади. Ушбу партиядан сайланган депутатларни ҳамда Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг барча аъзоларини ана шундай юксак натижа билан самимий табриклайман.

Партиянинг кунги кеча бўлиб ўтган Сиёсий кенгаши мажлисида Бош вазир номзоди кўриб чиқилди ва Президентга тақдим этилди.

Бош вазир лавозимига номзод танлаш ва уни тасдиқлаш ҳақида гап борар экан, албатта, бу ўта мураккаб ва масъулиятли масала эканини барчамиз жуда яхши тушунамиз. Чунки бу лавозимга ҳар томонлама чуқур билим ва катта тажрибага, кенг тафаккур ва замонавий фикрлаш қобилиятига эга

бўлган, жонкуяр, ўзига ва бошқаларга талабчан ҳамда ташкилотчи номзод танланиши зарур.

Албатта, турли синовларда тобланган, жавобгарликни зиммасига олишга қодир, одамлар билан тил топиша оладиган, уларнинг ҳурмати кезонган, қисқача айтганда, кўпни кўрган ва жонкуяр инсонни топиш анча оғир ва мураккаб вазифадир.

Шу маънода, бугун Сизларнинг муҳокамангизга тақдим этиладиган номзод ўз фаолияти ва аввалги лавозимларида амалга оширган ишлари билан эл-юртимиз эришган ютуқларга муносиб ҳисса қўшган шахс бўлиши керак.

Биз бу масала бўйича жуда кўп ўйлаб, тегишли маслаҳат ва кенгашлар ўтказдик. Жумладан, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси раҳбарияти ва фаоллари билан ҳам атрофлича маслаҳатлашиб олдик.

Билдирилган барча фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, мен ушбу ўта масъулиятли лавозимга ҳам амалий соҳада, ҳам марказий идораларда кўп йиллик бошқарув кўникмаси ва тажрибасига эга бўлган, сўнгги уч йил давомида Бош вазир лавозимида фаолият кўрсатиб келаётган Абдулла Нигматович Арипов номзодини тавсия этаман.

Абдулла Арипов бугунги кунда олдимизда турган жуда катта вазифаларни ҳал этишда Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини самарали ташкил этиш, Ҳукумат аъзолари, ҳокимлар ва бошқа раҳбарлар билан бир ёқадан бош чиқариб, барчани сафарбар қилиш салоҳиятига эга эканини алоҳида таъкидлашни истардим.

Шунинг учун сиз, ҳурматли депутат ва сенаторлардан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига тавсия этилган Абдулла Нигматович Арипов номзодини қўллаб-қувватлашингизни сўрайман.

Ҳурматли депутат ва сенаторлар!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқин кунларда парламентга тақдим этиладиган Мурожаатномасида

Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ соҳалари ҳамда халқаро муносабатлардаги энг устувор вазифаларни батафсил муҳокама қилиб оламиз.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаб айтмоқчиманки, жонажон Ватанимиз таракқиёти йўлида бир тану бир жон бўлиб, белни маҳкам боғлаб ҳаракат қилиш, бошлаган ислохотларимизни жадал давом эттириш – келгуси 5 йилда Парламент учун ҳам, Ҳукумат учун ҳам ғоятда муҳим ва устувор вазифа бўлиб қолади. Шунинг учун барчангизни яқин ҳамкорликда иш олиб боришга чақираман.

Шу йўлда ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, фаолиятингизда улкан зафарлар, бахт ва омадлар ёр бўлишини тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

*Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси
ва Сенатининг қўшма мажлисидаги
нутқ*

2020 йил 21 январь

КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ЭНГ МУҲИМ МЕЗОНИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Мухтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, барчангизни, бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллик байрами билан самимий табриклаб, эзгу тилакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Хурматли дўстлар!

Ҳар бир давлат ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини танлар экан, халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган энг муҳим мақсад ва вазифаларини ўзининг Конституцияси – Асосий қонунида мустаҳкамлаб олади. Бинобарин, ўз халқининг хоҳиш-иродаси, дили ва тилидаги эзгу ниятларига ҳамоҳанг Конституцияга эга бўлган мамлакат ўзи белгилаган юксак марралардан ҳеч қачон оғишмасдан, доимо олдинга қараб боради.

Тарихга назар солсак, асрлар давомида шаклланган маънавий-ахлоқий қадриятлар ва инсоннинг табиий ҳуқуқлари цивилизация жараёнлари натижасида Конституция шаклига келганини кўрамиз.

Конституция башарият ҳаётида илк бор инсоннинг озод ва эркин яшаш, мулкка эга бўлиш, таълим олиш, меҳнат қилиш, сайлаш ва сайланиш каби ҳуқуқларини, сўз ҳамда эътиқод эркинликларини олий қадрият даражасига кўтарди.

Мустақиллигимизнинг илк даврида қабул қилинган Конституциямиз шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларда ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳамда уларнинг қафолатларини аниқ-равшан белгилаб берди.

Бош қомусимиз, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, юртимиз фуқаролари тенглигининг кафолатланишини эътироф этди ва замонавий демократик тараққиёт учун замин яратди.

Айнан шу сабабли Конституциямизни эҳтиром билан улуғлашимиз, ҳар томонлама ўрганишимиз, унга изчил амал қилишимиз, Асосий қонунимизда мужассам бўлган аждодларимизнинг буюк мероси ва умуминсоний қадриятларни ёшларимиз қалбига сингдиришимиз зарур.

Ҳурматли юртдошлар!

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз «Давлат қонунлар асосида қурилмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва таркиби йўқолади», деб таъкидлаган эдилар. Шу нуқтаи назардан, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш биз бунёд этаётган демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони ҳисобланади.

Ҳар қандай демократик ислохотлар самараси, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови ҳам Конституция ва қонун устуворлиги таъминланиши билан бевосита боғлиқ.

Қонун устуворлиги – бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари чиқараётган ҳужжатлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари фақат ва фақат Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ бўлиши шарт, деганидир.

Шу боисдан ҳам барча бўғиндаги кадрлар, у хоҳ вазир, ҳоким ёки оддий фуқаро бўлсин, Конституция ва қонунларни пухта билиши, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиши ҳамда биринчи навбатда бу қоидаларга бутун жамият аъзолари қатъий амал қилиши шарт бўлган муҳит яратишимиз зарур.

«Конституция ва қонун устуворлиги – фаровон ҳаёт гарови» деган тушунча фуқароларимизнинг онги ва қалбида чуқур ўрин эгаллаши ҳамда ижтимоий эҳтиёжга айланиши учун қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайман.

Биринчидан, конунлар ижросини самарали ташкил этиш, тизимли муаммоларни олдиндан кўра билиш, конун бузилишининг салбий оқибатларига қарши курашиш билан бирга бундай ҳолатни барвақт бартараф этишга қаратилган тизимни шакллантириш айниқса долзарбдир. Афсуски, ушбу талаблар бизда ҳали тўлиқ бажарилмоқда, деб айта олмаймиз.

Шу йилнинг ўзида 70 дан ортиқ конун, 350 дан зиёд Президент фармони ва қарорлари қабул қилинди. Бу конун ҳужжатлари ким учун ва нима мақсадда қабул қилинмоқда? Албатта, халқимиз фаровонлиги учун.

Масалан, иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришнинг муҳим шарти бўлган **«Давлат-хусусий шериклиги тўғрисида»**ги конунни қабул қилганимизга 7 ой бўлди. Кўпдан буён кутилган, ҳаётнинг ўзи талаб этаётган бу конун лойиҳаси устида биз узоқ вақт ишладик. Ушбу ҳужжат фуқароларнинг давлат ва жамият вазифаларини бажаришга доир конституциявий ҳуқуқини амалга оширишнинг таъсирчан механизmidир.

Ҳозирги вақтда айрим тармоқларда давлат-хусусий шериклик бўйича лойиҳаларни амалга ошириш бошланди. Аммо соғлиқни сақлаш, таълим, транспорт, йўл қурилиши, коммунал хўжалиги каби йўналишларда, аксарият ҳудудларда ҳали бу борада ташаббус умуман сезилмаяпти.

Вазир ёки ҳоким қонуннинг мазмун-моҳиятини тушунмаса, англаб етмаса, уни ҳаётга татбиқ этишда жонбозлик кўрсатмаса, ислохотларимизнинг олдинга юриши, одамларда ташаббус уйғотиш қийин бўлади.

Ҳудудлардаги экин майдонларида рухсатномасиз, ўзбошимчалик билан қурилиш қилиш, бино-иншоотларни бетартиб бузиш каби ноҳуш ҳолатлар конунлар ижросини назорат қилиш ишлари оқсаётганидан далолат беради. Шу боис Парламент, Ҳукумат ва Олий суд қабул қилинаётган конунлар ижросини таъминлашнинг самарали механизмларини қўллаши зарур.

Бу борада кадрларни ўқитиш ва малакасини оширишга, ҳуқуқий ахборотни замонавий усуллар орқали кенг оммага етказишга, қонунларни билиш ва қўллаш бўйича мутасадди раҳбарлар фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишга биринчи даражали эътибор қаратиш лозим.

Иккинчидан, Конституция ва қонун устуворлигига эришишда жамоатчилик назоратидан кўра самарали восита йўқ.

Буюк юнон олими Афлотун шундай деган эди: «Халқ қонунларга эҳтиёж сезиб, уларни пухта ўрганса, бу факат унинг ўзига фойда келтиради. Акс ҳолда қонундан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди».

Ҳақиқатан ҳам, халқимиз қонун бузилишига қарши қаттиқ турмас экан, давлат идоралари, мансабдор шахслар қанчалик уринмасин, қонун устуворлигини таъминлаш қийин бўлади.

Бугун жамоатчилигимиз том маънода уйғонди, энди турли лавозимдаги шахсларнинг хатти-ҳаракатларига одамларимиз бевосита баҳо бериб, ўз фикрини эркин ифода этишга ўрганмоқда.

Яқунланаётган йилда Давлат бюджети илк бор кенг муҳокама этилиб, очиклик ва ошкоралик руҳида қабул қилинди. Унда турли вазирлик ва идоралар ҳар бир сўмни нимага ва қандай харажат қилиши аниқ кўрсатиб берилди.

Фуқароларимиз ва депутатларимиз билдирган фикрлар асосида мактабларга мебель ва компьютерлар харид қилиш учун бюджет харажатларини қисқартириш ҳисобидан 50 миллиард сўм қўшимча маблағ ажратилди. Бундай ижобий ҳолат бизнинг тажрибамизда биринчи марта юз бераётганини алоҳида қайд этиш лозим.

Ёки кўпчилигингиз хабардорсиз, кейинги пайтда жойларда дарахтларни оммавий равишда кесиш кучайиб кетган эди. Бу одамларнинг норозилигига сабаб бўлди. Шунинг учун яқинда дарахтларни сабабсиз кесишга қарши мораторий эълон

қилинди. Бу ҳам жамоатчилик фикри қандай кучли таъсирга эга эканига мисол бўла олади.

Буларнинг бари одамларимизнинг ижтимоий жараёнларга нисбатан масъулият ва дахлдорлик ҳисси ошиб бораётганини кўрсатади.

Айни вақтда жамоатчилик назорати «бир томонлама восита»га айланиб қолмаслиги керак.

Давлат идоралари фақат фуқароларга эмас, балки ўзларига нисбатан танқидий фикрларни ҳам адолат билан, холис кўриб чиқишлари лозим. Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, қурилиш ва ободончиликка оид қарорлар, дастлаб ўша ҳудуддаги аҳоли ўртасида муҳокама қилиниб, жамоатчилик экспертизасидан ўтказилиши шарт.

Яна бир масалага диққатингизни жалб қилмоқчиман.

Конституцияга асосан судлар ўз фаолиятида мустақил, лекин уларнинг чинакам назоратчиси халқ бўлиши керак.

Судлар ва тергов идоралари бирон-бир иш юзасидан чиқарилган қарор бўйича фуқароларнинг жамоавий мурожаатларига тушунтириш ва ҳукукий изохлар бериши зарур.

Шуни аниқ тушуниб олиш лозимки, жамоатчилик назорати – бу фақатгина давлат идоралари фаолияти устидан назорат эмас, балки жамиятнинг ўзини ўзи бошқариш усули, бошқача айтганда, фуқаролик жамиятини тараққий топтиришнинг муҳим омилларидан биридир.

Шунинг учун Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши, Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази, Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси келгуси йилда ҳар бир соҳа ва тармоқ бўйича жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан тизимини яратишга бош-қош бўлиши ва ташаббус кўрсатиши лозим.

Жамоатчилик назорати, биринчи навбатда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари, молия, банк, таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалик, энергетика ва транспорт соҳаларида жорий этилиши зарур. Шунингдек, бозорлар ва савдо мажмуаларидаги маҳсулотлар ва хизмат кўрсатиш сифати каби масалалар ҳам доимо жамоатчилик назоратида бўлиши даркор.

Учинчидан, оммавий ахборот воситалари қонунийликни қарор топтиришда чинакам «жамият кўзгуси»га айланиши керак.

Сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар ўтган уч йилда жамиятимиз ҳаётида туб бурилиш ясади.

Бугунги кунда халқимиз орасида юриб, уни қийнаётган ижтимоий муаммоларни кўрсатиб бераётган энг катта куч — бу мустақил ва холис оммавий ахборот воситалари вакиллариدير.

Демократик ислохотларимиз натижасида оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар мансабдор шахсларни ўз ишини қонуний асосда тўғри ташкил этишга ундамоқда. Шу сабабли ҳам давлат органлари фаолияти тўғрисидаги маълумотларни жамоатчиликка тўлиқ ва тезкор етказиш мақсадида уларнинг ҳар бирида матбуот хизмати иш бошлади.

Аслида, демократик жамиятда барча давлат хизматчилари оммавий ахборот воситалари билан яқин ижтимоий ҳамкорлик қилишга ўрганиши керак.

Маълумки, бугунги кунда анъанавий ахборот воситалари билан бирга Интернет, ижтимоий тармоқлар, блогерлар жамоатчилик фикрини шакллантиришда катта роль ўйнамоқда.

Давлат ва жамият бошқарувида, кундалик фаолиятимизда очиклик ва ошкоралик тамойилларини кучайтириш мақсадида биз фуқароларнинг сўз эркинлиги, ахборот олиш ва тарқатишга оид конституциявий норманинг ижросини амалда

тўлиқ таъминлашимиз зарур. Бунинг учун эса биринчи галда оммавий ахборот воситалари ҳақидаги қонунчиликни такомиллаштириш керак ва биз бу борада фаол иш олиб бормоқдамиз.

Шу муносабат билан жамоатчилик назорати ҳам, оммавий ахборот воситалари ҳам ягона бир мақсадга, яъни халқимизни рози қилиш ва унинг турмушини яхшилашга қаратилганини ҳаммамиз бирдек англашимизни истардим.

Ҳар бир давлат органи ижтимоий тармоқларда ўз саҳифасига эга бўлиши, амалга ошираётган ишлари ҳақида, керак бўлса, ҳар куни батафсил маълумот бериб бориши шарт.

Яна бир марта такрорлайман, **Ўзбекистонда жамоатчилик назорати ва оммавий ахборот воситалари вакиллари-нинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларига ҳеч қандай шаклда тазйиқ ўтказишга йўл қўйилмайди.**

Тўртинчидан, кабул қилинаётган қонунлар олиб бораётган ислохотларимиз билан уйғун бўлган тақдирдагина ишлайди.

Бу – айни ҳақиқат, аксиомадир. Лекин айрим қонунларимиз замон талабларига мос эмас. Шу боис қонунларни ижро этиш механизмларини аниқ тизим асосида яратиш – долзарб вазифамиздир.

Келгуси йилдан бошлаб Адлия вазирлиги қонунчиликни янгилаш ва тизимлаштириш бўйича мутлақо янги иш услубига ўтиши зарур. Бунда Конституциямиз нормалари ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилиши лозим.

Бешинчидан, биз қанчалик мукамал қонунлар яратмайлик, қандай ислохотлар ўтказмайлик, агар фуқароларимизнинг ҳуқуқий билими, онги ва маданияти етарли бўлмаса, кутилган натижаларга эришиш мушкул бўлади.

Ҳуқуқшунос олимларнинг бундан бир неча аср аввал **«Ҳуқуқни англаш масъулият хиссини ривожлантиради»**, деб айтган ҳикматли сўзлари ҳеч қачон ўз долзарблигини

йўқотмайди. Бошқача айтганда, Конституция ва қонунларга ҳурмат, ҳуқуқий онг ва маданият ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир мансабдор шахснинг ҳаёт ва фаолият тарзига айланмоғи керак. Лекин ана шундай ҳуқуқий масъулиятни бугун ҳаммада ҳам шакллантира олаяпмизми?

Афсуски, бу саволга ҳозирча ижобий жавоб беролмаймиз. Мисол учун, деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати билан яратилган нонни халқимиз улуғ ва азиз неъмат сифатида ғоятда қадрлайди. Ноннинг кадрили айниқса ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган деҳқон ва фермерларимиз жуда яхши биладилар.

Бугун ушбу мухташам саройда уларнинг энг муносиб вакиллари кўриб турганимдан жуда хурсандман.

Бу йил Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини Конституция байрами билан бир кунда нишонланаётгани бу айёмга ўзгача файз бағишламоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимиздаги барча деҳқон ва фермерларни чин қалбимдан самимий муборақбод этиб, уларга юксак ҳурмат ва эҳтиром билдиришга рухсат этгайсиз.

Биз учун нон қанчалик азиз ва қадрли бўлса, заҳматкаш деҳқонларимиз, уларнинг меҳнати ҳам шунчалик азиз ва қадрлидир.

Ҳақиқатан ҳам, уруш ва очарчиликни бошидан кечирган бобо ва момоларимиз бизга болалиқдан бошлаб нонни кўзимизга суртиб эъзозлашни ўргатганлар. Бу бизнинг буюк қадриятимизга айланган. Шу маънода, Яратганининг бебаҳо неъматларини, ҳаётдаги ижобий ўзгаришларни қадрлаш туйғусини фарзандларимиз қалбига ёшлигидан сингдириб боришимиз зарур.

Яширишнинг хожати йўқ, олий ўқув юртига ўқишга кириш, тадбиркорликни бошлаш учун рухсатнома ёки лицензия олиш, солиқ тўлаш каби кўп-кўп кундалик ҳаётий масалаларни ҳал этишда «қонунни четлаб ўтиш» бизнинг шароитимизда ёмон бир одатга айланган эди.

Бундай иллатнинг илдизларини қирқишга қаратилган ишларни, қандай қийин бўлмасин, аста-секин амалга оширмоқдамиз. Жумладан, болаларни боғчага жойлаштиришга электрон навбат, мактаблар ва олий таълимга ўқишга қабул қилишда очик ва ошкора тартиблар яратилди. Шунингдек, «ягона дарча» тамойили асосида 100 дан ортик давлат хизматлари кўрсатилмоқда.

Аммо бу ўзгаришлар туфайли жамиятимиз салбий иллатлардан, қонунга беписандлик ҳолатларидан батамом қутулди, деб айтишга ҳали эрта.

Очик тан олиш керак, аксарият одамларимиз бу масалада лоқайд ва бепарво бўлиб қолмоқда. Бугун олиб бораётган ислохотларимиз йўлидаги энг катта тўсиқ ҳам аслида шу эмасми?

Айрим фукароларимиз бошқарув идораларидан масъулият талаб қилишни яхши билади-ю, лекин ўзининг жамият олдидаги, қонун олдидаги масъулияти ва мажбуриятини унутиб кўяди. Ҳолбуки, Ўзбекистонни янгилаш, миллий юксалишни янги босқичга кўтариш бу – ўз-ўзидан, осонликча бўлаётгани йўқ.

Ҳаммангиз кўриб турибсиз, қанчалик оғир ва мураккаб бўлмасин, бугунги кунда зарур куч ва имконият, маблағ топиб, қанча-қанча катта дастур ва лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз. Янги-янги корхоналар, йўл ва кўприклар, боғча, мактаб ва шифохоналар, маданият ва спорт иншоотлари, кўплаб уй-жойлар қуряпмиз ва Худо хоҳласа, бундай ишларимизни янада кўпайтирамиз.

Халқимизда «**Қарс икки қўлдан чиқади**», деган мақол бор. Агар ўйлаб қарасак, бу мақол Конституциямиз нормаларига ҳам тўла мос келади. Яъни Асосий қонунимизда фукароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари билан бирга, уларнинг бурч ва мажбуриятлари ҳам аниқ белгилаб қўйилган.

Кўпни кўрган мухтарам кексаларимиз, фаол фукароларимиз, азиз опа-сингилларимиз, зиёлилар, навқирон ёшларимиз

бугунги ислохотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларда фидойилик билан иштирок этаётгани шахсан менга катта куч-қувват бағишлайди. Имкониятдан фойдаланиб, барчангизга, бутун халқимизга бунинг учун чин юракдан алоҳида миннатдорлик билдираман.

Ишончим комил, биз мана шундай тинч ва осойишта ҳаётимизни қадрлаб, ўзаро ҳурмат ва аҳиллигимизни асраб-авайлаб, шукрона қилиб яшасак, Яратганимиз ўз неъматини халқимизга янада зиёда қилиб беради.

Азиз дўстлар!

Биз жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларимизни узлуксиз давом эттиришимиз зарур.

Ҳуқуқий тарбияни мактабгача таълим тизимидан бошлашимиз, бу борадаги илк кўникмалар она алласи каби фарзандларимиз қалбидан умрбод жой олиши даркор.

Конституциямиз ҳар бир фуқаронинг онги ва қалбидан чуқур жой олган, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ кафолатлайдиган ҳақиқий ҳаёт қомусига айланмоғи лозим.

Ҳар бир соҳа ва йўналиш, таълимнинг барча босқичлари учун ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосланган дастури тайёрланиши керак. Бунда, авваламбор, Конституцияни ўрганишга жиддий ёндашиш лозим. Умумтаълим мактаблари учун «Конституция алифбоси», «Конституция сабоклари», «Конституция асослари» каби дарсликларни яратиш зарур, деб ҳисоблайман.

Адлия, Мактабгача таълим, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари бу ишларга масъул бўлади.

Ушбу фанлардан дарс берадиган ўқитувчиларни тайёрлашда уларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий савиясига алоҳида аҳамият бериш лозим. Шунингдек, ҳаётдаги адолат тантанаси, қонуний ҳақ-ҳуқуқлар тиклангани ҳақида қизиқарли кўрсатувлар, сериаллар, бадиий фильмлар, театр асарлари яратиш ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Умуман олганда, қонун ва адолат тантанаси учун курашадиган инсонлар бугунги куннинг қаҳрамонлари бўлиши керак. Айнан шундай одамларнинг ҳаёти шоир ва адиблар, режиссёрлар, журналистлар учун ижодий мавзу бўлади, деб ўйлайман.

Кадрли ватандошлар!

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилинишини таъминлаш, ҳар бир шахснинг кадр-қимматини эъзозлаш биз барпо этаётган очик, эркин ва адолатли жамиятнинг ажралмас хусусиятидир. Бундай принцип Асосий қонунимизда қатъий белгиланган.

Конституцияда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи сифатида муҳрлаб қўйилган ва бунда чуқур маъно бор. Бу қоидалар мамлакатимизда демократия умуминсоний тамойилларга асосланиши, давлат ўз фаолиятини фақат инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб амалга оширишини англатади. Бунинг биргина шу йилнинг ўтган даврида Халқ қабулхоналарига келиб тушган 880 мингдан ортиқ мурожаатнинг 510 мингдан зиёди ижобий ҳал этилгани ҳам тасдиқлайди.

Шу муносабат билан ҳамма раҳбарларга яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман. **Бизга умид ва ишонч билдирган, бизни раҳбар этиб сайлаган, эл-юртимизни, ҳар бир фуқарони рози қилиш асосий бурчимиз эканини ҳеч қачон унутмайлик. Халқ биздан рози бўлса – Яратган ҳам биздан рози бўлади.**

Конституциямизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият сифатида мужассам этилгани бежиз эмас. Ана шу принципти амалга ошириш учун бизда қатъий сиёсий ирода ва етарли имкониятлар мавжуд. Бунинг учун биз, аввало, қуйидаги муҳим вазифаларни ҳал этишимиз зарур.

Биринчидан, инсон ҳуқуқларини таъминлаш самарадорлигини янада ошириш учун миллий стратегиямиз бўлиши лозим.

Кейинги йилларда мамлакатимизда бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани сизларга яхши маълум.

Бу йилнинг ўзида **«Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»**ги, **«Жабрланувчи, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини химоя қилиш тўғрисида»**ги қонунлар қабул қилинди. Шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилотининг **«Мажбурий меҳнат тўғрисида»**ги, **«Саноат ва савдода меҳнат инспекцияси тўғрисида»**ги конвенциялари ратификация қилинди. Бу бизнинг мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасидаги қатъий ва ўзгармас позициямизни ифода этади.

Сўнгги йилларда жиноят содир этган шахсларни афв этиш бўйича 8 та фармон қабул қилиниб, 4 мингдан зиёд шахс жазони ўташ жойларидан озод қилинди. Ана шу ишларимизнинг мантикий давоми сифатида куни кеча навбатдаги фармонга имзо чекдим. Унга биноан жиноий қилмишига чин дилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган 92 нафар маҳкум афв этилиб, улар эркин ҳаётга қайтарилади.

Бу йил Жаслик қўрғонидаги жазони ижро этиш колониясини ёпганимиз ҳам ана шундай инсонпарвар сиёсатнинг амалий намунаси бўлди.

Озодликдан маҳрум этилган шахсларга пенсия ва ижтимоий суғурта тўлаш тартиби биринчи марта амалиётга киритилди. Натижада манзил-колонияларда жазони ўтаётган пенсия ёшидаги 709 нафар маҳкумга пенсия пуллари тўлаб берилмоқда.

Биз аввал йўл қўйган хатомизни тузатиб, ушбу тоифадаги фуқароларнинг Конституциямизда белгиланган пенсия олиш ҳуқуқини таъминлаш йўлида дастлабки қадамни қўйдик.

Жорий йилда **«Меҳр-1»** ва **«Меҳр-2»** инсонпарварлик тадбирлари муваффақиятли амалга оширилди. Ана шу тадбирлар доирасида Яқин Шарқдаги қуролли можаролар майдонидан, Афғонистондан 261 нафар фуқаро, асосан аёллар ва болалар юртимизга қайтариб олиб келинди. Уларга зарур тиббий ва моддий ёрдам кўрсатилди.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳақида гапирганда, ўтган уч йилда 9 минг 692 нафар, жумладан, ушбу йилда 5 минг 868 нафар юртдошимиз Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинганини таъкидлашни истар эдим. Лекин бу соҳада ҳали қиладиган ишларимиз кўп.

Аввало, юқорида зикр этилган Миллий стратегияни ишлаб чиқиб, шу асосда мазкур йўналишдаги сиёсатимизни изчил амалга оширишимиз керак. Ушбу стратегияда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид конституциявий тамойилларни рўёбга чиқариш механизмлари аниқ-равшан белгиланиши лозим.

Жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш маданиятини шакллантириш, шу орқали мамлакатимизнинг халқаро нуфузини янада юксалтиришимиз зарур.

Миллий стратегия доирасида инсон ҳуқуқларини ўқитишнинг узлуксиз тизимини яратиш, умумтаълим мактаблари, олий ўқув юртлари, кадрларни қайта тайёрлаш марказларида «Инсон ҳуқуқлари», «Бола ҳуқуқлари», «Аёллар ҳуқуқлари» номли махсус ўқув курсларини жорий этишнинг вақти-соати келди, деб ўйлайман.

Иккинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни фақат ва фақат халқ манфаати йўлида оғишмай хизмат қиладиган идораларга айлантиришимиз лозим.

Ўтган уч йилда жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тизими яратилди. Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятига рухсат берилди. Соҳани ривожлантириш бўйича устувор йўналишлар ва зарур чора-тадбирлар тасдиқланди.

Хабарингиз бор, ўтган йилларда тинтув жараёнини, олинган кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти каби процессуал ҳаракатларни видео тасвир орқали қайд этиш шартлиги қонуний асосда белгиланган эди.

Бироқ аҳоли билан мулоқотлар ҳуқуқ бузилиши хавфи бўлган бошқа ҳолатлар бўйича ҳам шундай чораларни

қўллаш зарурлигини кўрсатмоқда. Хусусан, шахсни ушлаб туриш, унга процессуал ҳуқуқларини тушунтириш каби жараёнларни, агар у химоячидан воз кечса, бу ҳолатни ҳам мажбурий тарзда видео тасвирга тушириш тартибини ўрнатиш зарур.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан ушланган шахс махсус бинога олиб келинганидан кейин бу ҳақда унинг оила аъзолари дарҳол хабардор қилиниши керак. Буни суриштирувчи, терговчи ва бошқа ваколатли шахснинг мажбурияти сифатида қонунда аниқ белгилаб қўйишни таклиф этаман.

Бундан ташқари, шахсни ушлаб туриш ва унинг ҳуқуқини чеклайдиган бошқа процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ҳолатларини ҳисобга олишнинг электрон тизимига ўтиш зарур. Бу жараёнда инсон омили иштирокини иложи борича камайтириш лозим.

Келгуси йилдан бошлаб прокурор қарори устидан судга мурожаат қилиш тартиби жорий этилади. Шу орқали суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида мувозанатни, яъни ўзаро тийиб туриш тамойилларини таъминлаш имкони яратилади. Бундай муҳим ўзгариш ҳам бизнинг тажрибамизда биринчи марта жорий этилмоқда.

Сир эмас, илгари прокуратура идоралари ниҳоятда ёпик, назоратдан холи бир органга, таъбир жоиз бўлса, охириги инстанцияга айланиб қолган эди. Бунинг оқибатида қанча-қанча одамлар ноҳақ жабр чеккани, адолатсизликка дучор бўлгани ҳам айни ҳақиқат. Қанчалик оғир ва нохуш бўлмасин, биз шу ҳақиқатни тан олиб, бу соҳада қонунийлик ва адолатни қарор топтиришга киришдик.

Ишонаманки, прокурор қарори устидан судга мурожаат қилиш бўйича ривожланган демократик мамлакатларда амал қиладиган бундай тажрибани жорий этиш ҳаётимизда адолат мезонини мустаҳкамлашда улкан қадам бўлади.

Судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш биз учун энг устувор вазифадир. Айниқса, суд бирон-бир

Айни вақтда адвокатларга нисбатан қўйиладиган малака талаблари ҳам ушбу концепцияда тўлиқ акс этиши зарур. Бу борада биз ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасини ҳар томонлама ўрганишимиз керак.

Тўртинчидан, виждон эркинлиги, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, мамлакатимизда ва хорижда фуқароларимизни кафолатли ҳимоя қилиш бундан буён ҳам давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Шу мақсадда фуқароларимизнинг муқаддас зиёратларни адо этиш билан боғлиқ имкониятлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Жумладан, умра зиёратига боровчилар сони 10 мингдан 30 мингга, ҳаж зиёратига боровчилар эса 5 мингдан 7 минг 200 нафаргача оширилди, сафар билан боғлиқ харажатлар эса камайтирилди.

Умуман, сўнгги йилларда мамлакатимизда виждон эркинлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган катта ишлар сизларга яхши маълум, деб ўйлайман.

Бугунги кунда маҳаллий ва хорижий нуфузли экспертлар иштирокида биз **«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»**ги қонуннинг янги таҳрири устида иш олиб бормоқдамиз. Ушбу қонун фуқароларимизнинг виждон ва эътиқод эркинлиги борасидаги конституциявий ҳуқуқларини тўла таъминлашга хизмат қилади.

Муҳтарам мажлис иштирокчилари!

Хорижда вақтинчалик меҳнат қилаётган фуқароларимиз ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш бўйича ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича республика комиссияси тузилди. Ҳукумат таркибида Хорижда вақтинчалик меҳнат қилаётган Ўзбекистон фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш масалалари департаменти ташкил этилди.

Бироқ чет элга ишлаш учун фуқароларни жўнатиш билан шуғулланаётган баъзи бир хусусий фирмалар одамларни

алдаётгани хакидаги материаллар матбуот саҳифаларида эълон қилинмоқда. Департамент ушбу фирмалар фаолиятини қатъий назоратга олиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси, мамлакат ичкарисиди ёки ташқарисиди бўлишидан қатъи назар, ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларга ҳомийлик кўрсатишни бундан бўён ҳам қафолатлайди ва барча чораларни кўради.

Бунинг учун, жумладан, хориждаги дипломатик ваколатхоналаримиз томонидан кўрсатилаётган консуллик хизматларини электрон шаклга ўтказиш лозим. Токи чет элдаги фуқароларимиз бошқа шаҳардан консуллик бўлимларига бевосита ўзи келиб, овора бўлиб юрмасин.

Ташқи ишлар ва Адлия вазирликлари келгуси йилда ушбу тизимни тўлиқ ишга туширишга масъул этиб белгиланади.

Бешинчидан, хотин-қизлар ва эркаклар ўртасиди ҳуқуқий тенгликни мустаҳкамлашга мамлакатимизда жиддий эътибор берилмоқда.

Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлимлари бутунлай янгитдан ташкил этилгани, уларга қўшимча ваколат ва имкониятлар берилиб, тўлақонли фаолият юритиши учун зарур шароитлар яратилгани бу йўлда янги қадам бўлди.

Жорий йилда Конституциямизнинг 46-моддасига асосан «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар қафолатлари тўғрисида»ги ҳамда «Хотин-қизларни тазйик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Мазкур қонунларни изчил амалга оширишда парламент ва жамоатчилик назорати ниҳоятда зарур, деб ўйлайман.

Келгусиди ҳам оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, хотин-қизларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш давлатимизнинг диққат марказиди бўлади.

Кейинги пайтда кўплаб аёлларимиз давлат ва жамият бошқаруви, иқтисодиёт, молия-банк, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва бошқа соҳаларда масъул раҳбарлик лавозимларига кўтарилмоқда.

Ўзингиз айтинг, жойларда одамларнинг дарду ташвишларини, оила ва маҳалладаги аҳволни ким ҳаммадан кўра кўпроқ билади, ким ҳаммадан яхшироқ ҳис қилади? Албатта, ҳурматли ва меҳрибон аёлларимиз эмасми?

Ҳеч шубҳасиз, ижтимоий муаммоларни аниқлаш ва уларни ўз вақтида ҳал этишда, бошқарув самарасини оширишда опа-сингилларимизнинг ўрни ва таъсири жуда катта. Шунинг учун биз хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш, уларга турли масъул вазифаларни ишониб топширишга қаратилган сиёсатни янада фаол давом эттирамиз.

Олтинчидан, фуқароларнинг Конституцияда белгиланган мулк ҳукуқи дахлсиздир ва доим давлат ҳимоясида бўлади.

Биз ўтган йиллар давомида тадбиркорлик йўлидаги ортиқча чекловларни бартараф қилиш, уларнинг фаолиятига давлат идораларининг ноқонуний аралашувини қатъий чеклаш борасида салмоқли ишларни амалга оширдик. Жумладан, коррупцияга йўл очиб бераётган ер ажратиш амалиёти тубдан ислоҳ қилинди. Бу жараён эндиликда ер ажратиш электрон тизими орқали амалга оширилмоқда.

Келгуси йил 1 январдан бошлаб ҳокимларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни олиб қўйиш бўйича ваколати халқ депутатлари Кенгашларига берилади. Бу ўзгариш ҳам мулк дахлсизлигини таъминлаш йўлидаги жиддий қадамлардан биридир.

Бундан ташқари, ерни олиб қўйиш ва компенсация тўлашнинг янги тартиби, ер фақат мулк эгасининг розилиги билан олинишига оид қоидалар жорий қилинди. Шу билан бирга, мулк дахлсизлиги тўғрисидаги қонунларга амал қилмаган мансабдор шахсларга нисбатан, улар қандай лавозим эгаси бўлишидан қатъи назар, жавобгарлик кучайтирилди. Шунингдек, компенсация миқдори тўғрисида тарафларда

келишмовчилик вужудга келса, энди бундай ҳолатлар фақат суд йўли билан ҳал этилади.

Маълумки, шу пайтга қадар ҳокимлар ердан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган қарорларни ўзлари қабул қилар, вақти келганда эса, уларни ўзлари бекор қилиши ҳам мумкин эди. Энди ана шу ваколатни чеклашнинг фурсати етди. Чунки бундай ваколат фақат ҳокимга берилиши турли адолат-сизликларга сабаб бўлишини кўп мисоллар кўрсатмоқда. Бундай масалалар энди фақат суд тартибида ҳал қилинади.

Бизнес-омбудсман томонидан тадбиркорлик субъект-ларининг мулкӣ ҳуқуқларини ноқонунӣ чеклаш билан боғлиқ ҳолатлар аниқланган тақдирда, унга тадбиркор манфаатларини кўзлаб судга мурожаат қилиш ҳуқуқини бериш лозим.

Соҳада очиқлик ва ошкораликни таъминлаш учун ҳокимларнинг фуқароларга ер бериш ҳақидаги қарорларини тегишли сайтларда эълон қилиб бориш амалиётини йўлга қўйиш керак.

Биз жисмонӣ ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқи кафолатларини таъминлаш мақсадида халқаро андозаларга жавоб берадиган ислохотларимизни бундан буён ҳам қатъий давом эттирамиз.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш учун биз ҳаётимизнинг барча жабҳаларида конституциявий назоратни кучайтиришимиз зарур. Бу эса пировард натижада инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг шаъни, қадр-қиммати, мол-мулкининг дахлсизлигини сақлаш, фуқароларнинг меҳнат қилиш, таълим олиш, тиббӣ ёрдамдан фойдаланиш каби энг асосӣ ҳуқуқларини тўла таъминлаш имконини беради.

Қадрли юртдошлар!

Маълумки, шу йил 22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади.

«Янги Ўзбекистон – янги сайловлар» шиори остида ўтаётган бу кампания мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги ғоят муҳим воқеадир.

Конституциямизга мувофиқ, фуқаролар давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга. Сайловда ўзига маъқул бўлган номзод ёки бирон-бир партия илгари сураётган дастур учун овоз бериш, уларни қўллаб-қувватлаш вакиллик демократиясининг яққол кўринишидир.

Ўтган қисқа даврда сайловга оид 21 та қонун тизимлаштирилиб, Ўзбекистон тарихида илк бор ягона **Сайлов кодекси** қабул қилинди. Бу миллий қонунчилигимизни мустаҳкамлаш, демократик сайловларни ўтказишни янада такомиллаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Мазкур кодексдаги энг катта янгилик сиёсий майдоннинг тўлиқ сиёсий партияларга берилиши билан боғлиқ, десак, адашмаган бўламиз. Унга мувофиқ, сиёсий партиялар Қонунчилик палатасига бўлиб ўтадиган сайловда илгаридек 135 та эмас, балки тўлиқ – 150 та сайлов округидан ўз номзодларини кўрсатади.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати учун белгиланган квотанинг бекор қилингани ҳам сиёсий майдонда соғлом рақобатни шакллантиришга хизмат қилади.

Сайлов кодексига мувофиқ сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқлари ҳам кенгайтирилди. Энди вакил сайлов комиссияси мажлисларида, ҳужжатларни топширишда, имзо варакалари қандай тўлдирилганини текширишда қатнашади. Шунингдек, у сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига ҳам эга.

Буларнинг барчаси сайлов жараёнида очиклик ва ошқораликни, жамоатчилик назоратини оширишга хизмат қилади.

Бу йилги сайловларда фуқароларимиз эркин овоз беришлари учун жойларда 6 минг 720 та округ ва 10 минг 253 та сайлов участкаси ташкил этилди.

Фуқароларнинг сайлаш ва сайланишга оид ҳуқуқлари янада кенгайтирилди ва амалда бўлган кўплаб чекловлар бекор қилинди.

Конституциямизда белгиланган фуқароларнинг сайловда иштирок этиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида бу йил янги бир кадам қўйдик. Энди оғир ва ўта оғир бўлмаган жиноятларни содир этган шахслар ҳам сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди. Шу асосда бўлажак сайловларда озодликдан маҳрум этилган 1 минг 905 нафар шахс ҳам иштирок этиши учун қонуний имконият яратилди.

Ҳеч шубҳасиз, янги Сайлов кодекси ва ундаги 30 дан ортиқ янги демократик қоидалар сайлов қонунчилигимизни янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Бу йил мамлакатимизда 5 та сиёсий партия сайловда иштирок этмоқда. Халқимиз ҳаётий муаммолар ва уларнинг ечимини яхши биладиган, ислохотлар самарасига хизмат қиладиган қонун ва қарорлар қабул қилишда жонбозлик кўрсатадиган, катта билим ва малакага эга инсонлар депутат бўлишини хоҳлайди. Шунинг учун кўппартиявийлик асосида сайланадиган янги парламентимиз, биринчи навбатда, халқимиз ва Ватанимиз манфаатларини ҳимоя қилишга қодир бўлган депутатлардан иборат бўлиши лозим.

Сайлов жараёнида ўнлаб халқаро ташкилотлар, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг тўлақонли миссияси кузатувчилари ҳамда 40 дан ортиқ хорижий давлатдан 600 дан зиёд кузатувчи қатнашиши кутилмоқда.

Ушбу сайловлар орқали халқимиз бугунги ислохотларимизга баҳо берса, жаҳон ҳамжамияти янгиланаётган Ўзбекистонга баҳо беради.

Ўйлайманки, ҳар бир юртдошимиз ўзининг конституциявий ва фуқаролик бурчини, Ватанимиз тақдири ва келажаги олдидаги масъулиятини англаб, юртимиз равнаки, халқимиз

тинчлиги ва фаровон ҳаёти учун, фарзандларимизнинг бахти ва камоли учун овоз беради.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Барчамизга яхши маълумки, ҳозирги кунда дунё шиддат билан ўзгармоқда. Инсониятнинг тақдири ва келажагига таҳдид солаётган хавф-хатарлар тобора кучайиб бормоқда. Жаҳон миқёсида шафқатсиз рақобат, турли зиддият ва қарама-қаршиликлар, савдо урушлари ғоят кескин тус олмоқда.

Мана шундай мураккаб шароитда биз фақат халқимизнинг ақл-заковати, букилмас иродаси ва салоҳиятига, ўз куч ва имкониятларимизга таяниб, айни вақтда дунё ҳамжамияти билан ҳамкор бўлиб, дадил олдинга боришимиз шарт. Бу борада бизга Конституциямиз ҳамиша раҳнамо бўлиб, бекиёс куч-қудрат манбаи бўлиб хизмат қилади.

Биз бугун ўз олдимизга катта-катта мақсадлар қўйиб, маррани баланд олдик.

Ўзбекистонда демократик ислохотлар муқаррар тус олди ва ҳеч ким, ҳеч қандай куч бизни ўз танлаган йўлимиздан қайтара олмайди.

Бу – бугунги ҳаёт, бугунги замон талаби.

Бу – кўп миллатли, бағрикенг, меҳнаткаш ва олижаноб халқимизнинг хоҳиш-истаги. Ва биз халқимизнинг туб манфаатлари, унинг эзгу орзу-интилишларини ифода этадиган ана шундай сиёсатни жадал давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки уни янги, янада юксак босқичга кўтарамиз.

Эл-юртимиз, жаҳон ҳамжамияти бизга катта ишонч билан қарамоқда. Ана шу юксак ишончга ҳар томонлама муносиб бўлиб, қатъият билан олға интилиб, кўзлаган улуғ мақсадларимизга биргаликда албатта етамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги маросимда иштирок этаётган, эзгу ташаббус ва ислохотларимизни қўллаб-

қувватлаб келатган мухтарам элчиларга, халқаро ташкилотлар вакилларига ўз номидан, халқимиз номидан чексиз миннатдорчилик билдиришга рухсат бергайсиз.

Сизларни, бутун халқимизни қутлуғ айём – Конституция куни билан яна бир бор чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик ва файзу барака тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

*Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган
тантанали маросимдаги маъруза
2019 йил 7 декабрь*

ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИНИ КУЧАЙТИРИШ – ДОЛЗАРЪ ВАЗИФАМИЗДИР

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Кейинги уч йил давомида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини ислоҳ қилиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кўшинларни бошқариш тизимига замонавий усулларни жорий этиш, аскар ва офицерларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш, уларнинг хизмат шароитини, оилаларининг уй-жой ва ижтимоий таъминотини яхшилаш борасида улкан ишлар олиб борилмоқда.

Биргина 2019 йилнинг ўзида муҳофаа соҳасида 7 та қонун, 50 та фармон ва қарорлар, 20 дан ортиқ дастурлар ва «йўл хариталари» қабул қилингани ана шу масалаларни комплекс ҳал этишга давлат миқёсида қанчалик муҳим аҳамият берилаётганини кўрсатади.

Айни вақтда Қуролли Кучларимиз сафларида ва бутун жамиятимизда ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини, миллий руҳни кучайтириш, дунёдаги энг улуғ ва олижаноб иш бўлган Ватан ҳимоячиси сифатида ўзининг муқаддас йигитлик бурчини адо этаётган аскар ва офицерлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни самарали олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тарихдан яхши маълумки, ер юзида қайси мамлакат ўз давлат мустақиллиги, чегаралари дахлсизлиги, халқининг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилиб, тараққиёт борасидаги юксак мақсад-муддаоларига эришмоқчи бўлса, аввало, миллий армиясини мустаҳкамлашга, унинг ҳал қилувчи кучи бўлган жанговар таркиб, яъни, аскар ва офицерлар тарбиясига биринчи даражали аҳамият беради.

Албатта, бундай тарбия жараёнининг йўналишлари, соҳа ва тармоқлари кўп. Лекин, менинг назаримда, унинг энг муҳим йўналиши – бу маънавий-маърифий тарбиядир.

Агар жисмоний ва жанговар тайёргарлик орқали ҳарбий хизматчилар жисмонан тобланиб, куч-қувватга тўлса, маънавий-маърифий тарбия орқали уларнинг калби, руҳи, иродаси мустаҳкамланади.

Биз қаҳрамон ота-боболаримиз, жасур ҳарбийларимиз ҳақида сўз юритганда, «мард», «ботир», «фидойи», «матонатли», «кўркмас», «шерюрак», «баҳодир», «пахлавон» деган сўзларни алоҳида тилга оламиз. Ҳар бир инсонда ана шундай олижаноб фазилатларни шакллантириб, ёш йигитларимизни Ватан учун қалқон, ҳақиқий марди майдон бўлишга, керак бўлганда ҳатто ўз жонини қурбон қилишга ундайдиган куч – бу аввало маънавий-маърифий тарбия эмасми?

Бундай тарбиянинг асосида ўзак масала бўлиб турадиган тушунча – бу миллий руҳдир. **Миллий руҳ инсонда она алласи, унинг оқ сути билан бирга шаклланади, десак, тўғри бўлади.** Шунинг учун Қуролли Кучларимизда, умуман, бутун ижтимоий ҳаётимизда маънавий-маърифий ишларни олиб боришда аввало «ота-она», «оила», «кадрдон қишлоқ», «кадрдон маҳалла», «она шаҳар», «она Ватан» деган тушунчаларнинг мағзини очиб беришга алоҳида эътибор бериш керак.

Албатта, бу жуда мураккаб иш бўлиб, қуруқ сўзлар билан бундай муқаддас тушунчаларнинг моҳиятини ёшларимиз қалбига етказиб бўлмайди. Бунинг учун, биринчи навбатда, уларни ана шундай эзгу кадриятлар дунёсига олиб кириш керак.

Кейинги пайтда маънавий-маърифий ишларда айнан ана шу керакли бўғин ва нуктани топиб, уларни жонлантиришга, шу орқали ҳарбий хизматчиларда миллий руҳни кучайти-

ришга аҳамият бера бошладик. Хусусан, ҳарбийлар ва жамоат ташкилотлари вакилларида иборат тарғибот гуруҳлари томонидан маҳаллалар ва таълим муассасаларида 9 мингдан зиёд профилактик, ҳарбий-ватанпарварлик ва спорт тадбирлари ўтказилди.

Ҳарбий хизматчилар онгига Ватанга ва ҳарбий бурчга садоқат туйғусини янада чуқур сингдириш мақсадида «Ҳарбий қасамёд» матни қайта кўриб чиқилди. Мазмун ва моҳият жиҳатидан янги бўлган, миллий ўзлигимиз, шонли тарихимиз ва аجدодларимизнинг юксак ватанпарварлик руҳини акс эттирган «Ватанга қасамёд» матнини қабул қилдик.

Барчангиз яхши хабардорсиз, бугунги кунда дунёда, ён-атрофимизда халқаро терроризм, экстремизм ва радикализм хавфи тобора ортиб бормоқда. Турли ҳудудларда қонли можаролар, қуроли тўқнашувлар юз бермоқда, янги зиддият ўчоқлари юзага келмоқда.

Ҳозирги вақтда дунёда «тинчлик» деган сўз, «осойишталик» деган тушунча ғоят омонат бўлиб қолганига, бу борада кечаги вазият, кечаги таҳлил ва прогнозлар бугунги кунга тўғри келмаётганига ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Албатта, бизнинг Қуроли Кучларимиз фақат тинчлик мақсадларига, Ватанимиз муҳофафасига хизмат қилади. Лекин, бугунги кескин ва таҳликали вазиятда биз турли таҳдидларга муносиб жавоб беришга доимо тайёр бўлишимиз, Ўзбекистоннинг тинч ва барқарор ривожланишини таъминлаш учун Қуроли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлиги ва қобилиятини мунтазам ошириб боришимиз зарур.

Ҳаммангиз биласиз, мен ўтган вақт давомида кўплаб полигонларни, ҳарбий қисмларни бориб кўрдим, ҳарбийлар билан суҳбатлашдим, Қуроли Кучларимизнинг ҳолатини атрофлича таҳлил қилдим. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, армиямизда ватанпарварлик тарбияси, миллий руҳни юксал-

тириш ҳамон долзарб масала бўлиб қолмоқда. Ҳарбий хизматчиларнинг қалби ва онгида миллий ғурур, она юртга садоқат, ватанпарварлик ва миллатпарварлик туйғусини кучайтириш, барча ёшларимизни шу асосда тарбиялаш борасида жиддий тизимли камчиликлар мавжуд.

Мудофаа соҳасидаги энг муҳим омил – бу ҳарбий хизматчиларнинг ўз кучига бўлган ишончи, менинг ортимда буюк Ватаним, буюк халқим турибди, уларнинг химояси менга ишониб топширилган, шу йўлда жонимни беришга ҳам тайёрман, деган муқаддас эътиқоддир.

Ўзингиз ўйланг, Иккинчи жаҳон урушида жасур ота-боболаримиз фашизм устидан ғалаба қозониш учун жон олиб, жон берганларида аввало нимадан, қандай кадриятлардан куч олган эдилар? Биринчи навбатда улар, мўътабар отам-онам, Ватаним, суюкли ёрим, мушфиқ ва меҳрибон опа-сингилларим менга умид ва ишонч билан қараб турибди, мен ҳеч қачон уларни ёв қўлига бериб қўймайман, ёвуз душманни йўқ қилмагунча ортимга қайтмайман, деган қалб даъвати билан жангга кирганлар.

Биз ўтган йиллар мобайнида маънавий-маърифий тарбиядек ўта муҳим, нозик ва ҳал қилувчи масалага етарлича аҳамият қаратмадик. Ота-боболаримизнинг ана шундай улуғ жасорат мактабини ўргандик, лекин бирёқлама ўргандик. Унинг таркибидан «ватанпарварлик», «миллий рух» деган энг муҳим омилларни олиб ташлаб ўргандик.

Рухсиз тана ўлик каби бўлганидек, миллий рухсиз ҳам тарих шунчаки маълумот ва ахборотлар йиғиндисидан иборат бўлиб қолади. Инсон қалбида миллий ғурур туйғуси, ўз халқи ва Ватанига меҳр ҳисси уйғонмаса, ҳар қандай ноёб маълумот ҳам унинг қалбига чуқур кириб бормайди. Биз бунга асло йўл қўймаслигимиз лозим.

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясида ўтган даврда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида аскар ва

офицерларимизнинг ҳарбий таълим ва тарбия сифатини яхшилаш, соҳа хизматчиларининг маънавий-интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган бир қанча тадбирлар белгиллаган эдик. Жумладан, ҳарбий хизматчилар қасамёд қабул қилишидан аввал уларнинг Ўзбекистон тарихи ва «Темур тузуклари» фанидан билимларини синовдан ўтказамиз, деб келишиб олган эдик. Лекин бу ишларнинг самараси хали-бери аниқ кўзга ташланаётгани йўқ. Чунки бу борада олиб бораётган ишларимизда аниқ тизим йўқ, таъсирчанлик йўқ, ҳаёт билан, унинг ўткир талаблари билан узвий ҳамоҳанглик йўқ. Амалга ошираётган барча иш ва тадбирларимиз илм-фан ютуқларига, маърифатга асосланмаган.

Ҳақиқий жасорат қачон пайдо бўлади? Қачонки, инсоннинг қалби, юраги ёнса, руҳи уйғонса. Мен истардимки, ҳар бир **ўзбек аскар ва офицери қалбида Алпомиш, Широқ, Фарход, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Бобур Мирзо сингари миллий қаҳрамонларимиз руҳи туғён уриши керак.** Лекин биз бунга қандай эришамиз? Фарзандларимиз «Алпомиш» достонини ўқимаган ёки бахшиларимиз оғзидан эшитмаган бўлса, бунга эришиш мумкинми ўзи? Бошқа қаҳрамонларимиз ҳақида ҳам таъсирчан китоблар, кинофильмлар, сахна асарлари орқали хабардор бўлмаса, бунга эришиш мумкинми? Йўқ, албатта!

Хабарингиз бор, яқинда буюк адибимиз Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллигини кенг нишонладик. Куни кеча «ойнаи жаҳон»да кўрган бўлсаларингиз керак, америкалик Марк Эдвард Риз деган тадқиқотчи «Ўткан кунлар» романини 15 йил давомида ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилиб, АҚШда нашр эттирди. У менга ўз хати билан бирга ана шу китобнинг бир нусхасини совға қилиб юборибди. Ўзбек халқини, унинг кадриятларини яхши кўриб қолган бу олижаноб инсон ўз мактубида «Ўткан кунлар» романига Марказий Осиё ва дунёда ўхшаши йўқ асар, деб юксак баҳо беради. Айниқса,

романнинг миллий руҳига қойил қолганини алоҳида эътироф этади. Энг муҳими, бу роман унинг тақдирида катта бурилиш ясаганини миннатдорлик билан қайд этади.

Бундай эътироф барчамизга, ўзини ўзбек, ўзбекистонлик деб биладиган ҳар бир инсонга ғурур ва ифтихор бағишлаши керак эмасми?

Афсуски, орамизда дунё миқёсида шундай катта қизиқиш уйғотаётган бу буюк асарни ўқимаган одамлар, жумладан, ҳарбийларимиз ҳам йўқ эмас. Киносини кўриб, романнинг маъно-мазмунини, ундаги қаҳрамонларнинг мураккаб тақдирини, ўй-кечинмаларини, энг асосийси, бу асардаги миллий рух, дард ва изтиробни биламан, деган одам адашади. Кино – бошқа, китоб – бутунлай бошқа олам.

Ўзбек халқининг турмуш тарзи, маънавий оламининг ўзига хос қомуси бўлган бундай миллий асарларни аскар ва офицерларимиз албатта чуқур билишлари зарур. Такрор айтаман, масалан, Алишер Навоий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Усмон Носир, Иброҳим Юсупов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳалима Худойбердиева, Муҳаммад Юсуф каби улуғ шоирларимиз ижодидан беҳабар, лоақал уларнинг икки-учта шеърини ёд билмаган ҳарбий хизматчи чинакам Ватан ҳимоячиси бўлиши мумкинми? Ахир, миллий адабиётимиз, мумтоз санъатимиз биз учун сув билан ҳаводек зарур бўлган маънавий куч-қудрат манбаи-ку!

Биз армияни замонавий техника ва қурул-яроғлар билан жиҳозлашимиз, ҳарбийларимизни моддий жиҳатдан тўла таъминлашимиз мумкин. Лекин, ўзингиз ўйланг, фақат шуларнинг ўзи билан биз кутган, халқимиз кутган натижага эриша оламизми?

Юксак ватанпарварлик, миллатпарварлик туйғусини Ватан ҳимоячиси бўлган инсоннинг ҳаётий эътиқодига айлантиришимиз керак. Шундагина бундай аскар, бундай армия ҳар

қандай оғир синовларга, таҳдид ва хатарларга бардош бера олади. Бу масалалар мени албатта қийнайди. Улар сизларни ҳам қийнаши керак.

Шонли тарихимизда Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари буюк саркардаларимизнинг оз сонли қўшин билан душманнинг катта лашкари устидан ғалаба қозонгани ҳақида мисоллар кўп. Албатта, уларнинг ҳарбий салоҳияти, жанг майдонида қўллаган тактика ва стратегиялари – бу алоҳида мавзу. Лекин бу улуғ саркардаларнинг ўз аскарлари қалбига чинакам ватанпарварликни, жанговар руҳни сингдира олгани биз учун бугун ҳам ибратлидир.

Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг: **«Мардлик ва шижоат соҳиби бўлган, азми қатъий, хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан афзалдир»**, деган чуқур ҳикматли сўзлари айнан ҳарбийлар тўғрисида айтилган, десак, хато бўлмайди.

Азиз дўстлар!

Хабарингиз бор, биз мамлакатимизда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш бўйича қарор қабул қилдик. Очиги, мен шундан кейин тарихчилар, ёзувчи ва шоирлар, журналистларимиз, ҳарбий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари халқимизнинг жанг майдонлари ва фронт ортида кўрсатган жасорати ва матонати ҳақида, миллий қаҳрамонларимиз тўғрисида янги мақолалар, китоб ва рисоалар, кўрсатув ва эшиттиришлар яратишларини кутган эдим. Шу сана баҳонасида ёшларимизни мардлик ва жасорат, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган ишларимиз янги босқичга кўтарилади, деб ўйлаган эдим. Афсуски, биз фақат 9 май санаси яқинлашганда бу мавзунини эслаб қоламиз.

Ҳозирги вақтда Президент Администрацияси томонидан ўзбек халқининг ғалабага қўшган улкан хиссаси ҳақида

махсус фармойиш асосида катта бир китоб-альбом тай-ёрланмоқда. Бу китобга шу пайтгача кўпчиликка маълум бўлмаган қанчадан-қанча ноёб маълумотлар киритилмоқда. Лекин нега бошқалар жим? Ҳолбуки, Иккинчи жаҳон урушида ота-боболаримиз кўрсатган жасорат ҳақида ҳар қанча фахрланиб гапирсак, арзийди.

Биргина мисол. Абдусамат Тайметов деган биринчи ўзбек учувчиси фашистлар Германиясининг капитуляцияси, яъни, таслим бўлиши ҳақидаги хужжатни самолётда Берлиндан Москвага олиб келганини бугун биров билади, биров билмайди. Бу қаҳрамон юртдошимиз ҳақида фақат Қуролли Кучлар музейида қисқагина маълумот берилган, холос. Нима учун ёшларимиз, аскарларимиз қалбида миллий руҳни тарбиялашга хизмат қиладиган мана шундай халқ қаҳрамонларининг мардлиги ва жасоратини кенг тарғиб этмаймиз? Нега уларни фарзандларимизга ўрнак қилиб кўрсатмаймиз?

Ана шу қарорга биноан биз ҳозирги вақтда пойтахтимизнинг Олмазор туманида мухташам Ғалаба боғини бунёд этмоқдамиз. Асосий мақсадимиз – халқимиз, ота-боболаримизнинг фашизм устидан қозонилган буюк ғалабага барча тинчликсевар кучлар қаторида қўшган бекиёс ҳиссасини, уларнинг мардлик ва матонатини абадий муҳрлаб қўйишдан иборат.

Насиб этса, бу йил 9 май – Ғалаба байрамини, Хотира ва кадрлаш кунини мана шу улкан боғда кенг нишонлаймиз. Бу янги мажмуа аҳолимиз, аввало, ёшларимизни Ватанга, аجدодлар жасоратига садоқатли инсонлар этиб тарбиялашда албатта улкан аҳамиятга эга бўлади. Лекин бунинг учун биз Ғалаба боғида йил давомида қандай маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш, қандай тарбиявий ишларни амалга ошириш бўйича ҳозирдан бошлаб аниқ дастур ва режаларга эга бўлишимиз керак.

Шу борада яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Юқорида тилга олинган қарорда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ўша оғир йилларда фронт ортида меҳнат қилган кекса авлод вакилларига муносиб ҳурмат-эътибор ва амалий ғамхўрлик кўрсатиш вазифаси алоҳида белгиланган. Шунинг учун жойларда ҳудудларнинг раҳбарлари тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан бирга бу муҳим ишларни фақат май ойида эмас, балки бутун йил давомида амалга оширишлари керак. Бундай савобли ишлар ҳаётимизда доимий эзгу анъанага айланиши лозим. Ахир, бизнинг бугунги тинч ва осойишта ҳаётимиз, мусаффо осмонимиз учун фидойилик кўрсатиб курашган бундай инсонлар барчамиз учун ғанимат. Уларни эъзозлаш, ҳолидан хабар олиш, муаммоларини ҳал қилиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш барчамизнинг одамийлик бурчимиз бўлиши лозим. Бу муҳим ишда бутун жамиятимиз фаол иштирок этиши, у умумхалқ ҳаракатига айланиши керак.

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясида айниқса ижодкор зиёлиларимиз, олимлар, маданият ва матбуот ходимлари, маънавият тарғиботчилари билан бирга ҳарбий хизматчилар, офицер ва генералларимиз янада фаол бўлишларини истардим.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Бугунги глобал маконда, қарама-қаршиликлар, инсон, айниқса, ёшларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун кураш ниҳоятда кучайган ҳозирги шароитда ёш авлод тарбиясининг ўрни ва аҳамияти ҳар қачонгидан ҳам ўртиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Сиз билан биз яшаётган замоннинг аччиқ ҳақиқати шундан иборатки, катта ҳаёт остонасига қадам қўяётган ёшларни агар соғлом кучлар тўғри йўлга бошламаса, ғаразли ниятлар билан юрган бузғунчи кучлар ўз ортидан эргаштириб кетади.

Афсуски, биз жаҳондаги ана шундай кескин ва мураккаб шароитни ҳисобга олиб, миллий руҳни изчил тарбиялаб,

камолга етказиш, шу орқали уни миллий ғояни амалга оширишнинг, барча соҳалар, жумладан, ҳарбий ҳаётда ҳам янги авлод кадрларини, янги қаҳрамонларни тарбиялашнинг қудратли воситасига айлантириш устида самарали иш олиб бораётганимиз йўқ. Дунёдаги рақобатга бардошли, жаҳон майдонида ўз ўрнимга эга бўламан, деган ҳар бир халқ шу масалалар ҳақида жиддий ўйлайди, бу борада амалий чораларни кўради. Зарур чораларни кўрмаса, ҳеч шубҳасиз, халқ ва миллат сифатида ўзлигини бой беради.

Биз сўнгги йилларда Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини юксалтириш учун уни ҳарбий хизматга хос бўлмаган барча ишлардан озод этдик. Халқимизда **«Қарс – икки қўлдан»**, деган мақол бор. Шу маънода, армия давлатимиз ва халқимизнинг бундай юксак эътиборига қандай жавоб бермоқда, деган ҳақли савол туғилади.

Албатта, Қуролли Кучларимизнинг тезкор ва ихчам, ҳар қандай таҳдидларга муносиб зарба беришга қодир бўлган жанговар кучга айланиб бораётгани биз учун ўта муҳим. Лекин, айти пайтда миллий армиямиз халқимизнинг маънавий ҳаётида, фарзандларимизнинг камолотида ҳам муносиб ўрин эгаллаши зарур.

Бошқача айтганда, шавкатли Қуролли Кучларимиз фақат миллий руҳни ифода этувчи тузилма бўлиб қолмасдан, уни бутун жамиятимиз, айниқса, ёшларимизга сингдирувчи ҳам бўлишлари шарт. Ҳарбий либосдаги мард ва жасур ўғлонларимизни, уларнинг мағрур ва шахдам қадам ташлашларини, жанговар техникаларни моҳирлик билан бошқаришларини, юртимизга кўз олайтирган ёвуз душманнинг адабини беришларини кўрганида, ҳар бир юртдошимиз тўлқинланиб, **«Бу – менинг армиям, бу – менинг посбонларим»**, деб, кўкси ғурур-ифтихордан тоғдек кўтарилиши керак.

Мана бу ҳақиқий миллий руҳ тимсоли бўлади! Мана бу чинакам куч-қудрат манбаи бўлади! Шу асосда жамият, халқ бирлашади, янада азму шижоатли, мард ва матонатли бўлади.

Бугунги кунда миллий армиямизнинг жамиятимиз ўртасида хурмат-эътибори ортиб бормоқда. Биз мана шундай юксак обрў ва нуфузга эга бўлган катта ва таъсирчан кучдан аҳоли, айниқса, ёшларимизнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини самарали ташкил этишда фойдаланишимиз зарур.

Аввало, юксак билим ва дунёқарашга эга бўлган офицер ва кўмондонларимиз ўзларининг мардлиги ва жасурлиги, азмушижоати, эл-юрт ишига фидойилиги билан ўз қўл остидаги аскар ва сержантларга намуна бўлиши зарур. Шу билан бирга, улар ўзлари хизмат қиладиган округ ҳудудида, яшайдиган маҳалласида, у ердаги таълим, маданият ва спорт масканларида ёшларга ҳар томонлама ўрнатилган бўлишлари керак.

Ҳарбийларимиз орасида жаҳон майдонларида катта ғалабаларни қўлга киритиб келаётган машҳур спортчиларимиз кўпчиликини ташкил этади. Афсуски, ҳарбий спортчиларимизнинг ёшлар билан алоқаси, уларнинг дўстона муносабати, ўзаро мулоқотлари етарли даражада йўлга қўйилмаган.

Бугун халкимиз, жамоатчилигимиз, мана, ҳокимларимиз ҳам аста-секин армиянинг ичига кириб бормоқда, унинг ташвиш ва қувончлари билан яшамоқда. Лекин армия ҳали ҳам халқнинг ичига кирмасдан, бу бизга мумкинми ўзи, деб, қандайдир тортиниб турганга ўхшайди.

Ҳолбуки, армия халқнинг жони, ғурур-ифтихори бўлиши, бутун куч-қудратни эл-юртимиздан олиши шарт. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Шундагина ҳеч қандай ёвуз куч Қуролли Кучларимизни енголмайди.

Эр йигитнинг эр йигитга айтган гапининг таъсири бошқача бўлади. Ҳарбий хизматчилар ёшларимизга, керак бўлса, ота бўлиб, керак бўлса, дўст, тенгдош, сирдош бўлиб, тўғри йўлни кўрсатса, зарур пайтда мардона тарбия, амалий кўмак берса, ўйлайманки, бунинг самараси жуда юқори бўлади.

Ёшлар тарбиясида оилада отанинг ўрни ғоят муҳим бўлганидек, жамиятда ҳам мард ўғлонларнинг таъсири

бекиёс эканини ҳар биримиз яхши англаб олишимизни истардим.

Биз бугун **«Армия ва халқ – бир тану бир жон»** деган олижаноб ғоя асосида иш олиб бормоқдамиз. Бинобарин, армия ва халқ бир тану бир жон экан, бир-биримиздан қандайдир бегонасираб туриш асло ярашмайди.

Орамизда бутун ҳаётини она Ватанимизга садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган, бу йўлда қанчадан-қанча оғир синов ва мушкул вазиятларга дуч келган ҳамда уларни мардона енгиб ўтган Қуролли Кучларимиз фахрийлари бор. Нима учун уларнинг мана шундай катта ва таъсирчан тажрибасидан ёшларимиз тарбиясида фойдаланмаяпмиз?

Бугун ўринли бир саволни ўртага қўйишга ҳақлимиз. Яъни, қайси кўмондон, қайси офицер нечта мактабга борди, қанча таълим маскани ҳарбий қисмларга бириктирилди, нечта адашган ёшга эътибор қаратиб, уларни тўғри йўлга қайтарди?

Афсуски, тегишли раҳбар ва мутасаддилар, кўмондонлар бу масалалар билан жиддий шуғулланмаяпти. Шунинг учун ҳам ёшлар ўртасида жиноят содир этиш, гиёҳвандлик, экстремистик оқимларга қўшилиб кетиш, ота-оналарга, ўқитувчиларга беписанд муносабат каби салбий ҳолатлар кўпайиб бормоқда.

Яна бир бор айтаман, биз шу пайтгача ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимини замонавий илмий асосда йўлга қўя олмадик ва буни тан олишимиз керак. Юртимизда болалар ва ўсмирларнинг ватанпарварлик ташкilotлари мавжуд эмас. Ваҳоланки, хорижий мамлакатларда аллақачон ўрганишимиз ва жорий этишимиз зарур бўлган бундай ижобий тажриба мавжуд.

Ёшларнинг ҳарбий қисмларга, ҳарбий хизматчиларнинг таълим муассасаларига ташриф буюриши билан боғлиқ тадбирлар, шунингдек, болалар ва ўсмирлар ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик ўйинлари ва мусобақаларини ташкил этишда

юзакилик, сусткашликка йўл қўйилмоқда. Ҳолбуки, бизда бу борада ижобий намуналар ҳам бор. Қорақалпоғистонда тажриба тариқасида йўлга қўйилган ички ишлар органлари ходимларини ҳарбий қисмларда ўқитиш ва энг асосийси, ҳарбийларимиз, ички ишлар ходимлари ҳамда жамоатчилик вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар томонидан маҳалла ва таълим муассасаларида маънавий-маърифий, ҳарбий-ватанпарварлик тадбирларини ўтказиш яхши самара берди. Натижада жиноятчилик сезиларли даражада камайди.

Ана шу тажриба Андижон, Наманган, Фарғона ва Хоразм вилоятларида ҳам жорий этилган бўлиб, уни мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Миллий гвардия томонидан Сирдарё ва Тошкент вилоятларидаги республика ўғил ва қиз болалар ўқув-тарбия муассасаларининг тарбиявий ва моддий жиҳатдан оталиққа олингани яна бир ижобий ҳолдир.

Биз учун муҳим бўлган яна бир муҳим йўналишга тўхталиб ўтмоқчиман. Ёшларни турли зарарли диний оқимлардан, «оммавий маданият» ниқоби остида кириб келаётган бузғунчи ва ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, тўғри йўлдан адашган фуқароларни соғлом турмуш тарзига қайтариш мақсадида олиб борилаётган ишлар биз кутган натижани бермаяпти.

Мени доимо бир савол ўйлантиради: ҳарбий қисм атрофидаги маҳаллаларда ёт ғояларга сиғинадиган кишилар бўлса, уларни командирлар билмаса ёки бундай ҳолатларга бепарво бўлса, унда қандай қилиб халқимиз хавфсизлигини таъминлаш мумкин?

Барча бўғиндаги ҳарбий командирлар шуни англаб етиши керакки, адашган кимсаларни тўғри йўлга қайтариш, уларни тарбиялаш бу фақатгина тегишли идораларнинг иши эмас, балки барчамизнинг вазифамиздир. Генераллик, офицерлик

формасини кийиб юриш – осон, лекин унга муносиб бўлиш – бу жуда масъулиятли, машаққатли вазифа.

Мен ҳаётимизда ўзининг неча бор исботини топган бир ҳақиқатни бугун яна эслатмоқчиман: «Ўз уйингизни, ўз болангизни ўзингиз асранг!». Бу шиор, бу даъват ҳеч қачон кун тартибидан тушмаслиги керак.

Фарзандларимизни ўзимиз асрамасак, ўзимиз авайламасак, ўзимиз тарбияламасак, биров четдан келиб бу ишни биз учун бажариб бермайди. Шу сабабли ҳар бир офицер таъсирчан шакл ва усуллардан фойдаланиб, адашган ёшларни тўғри йўлга қайтаришни ҳарбий хизмат каби ўзининг муҳим бурчи деб билиши керак.

Бундан кейин округ кўмондонлари ва ҳарбий қисм командирларининг фаолиятига, биринчи навбатда, улар томонидан ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ёт ғоялардан ҳимоя қилиш йўналишида олиб бораётган ишларига қараб баҳо берилади.

Бугунги кунда Куролли Кучларимиз сафларида хизмат қилаётган барча ҳарбий хизматчилар – мард ва жасур Ватан ҳимоячилари юқорида баён қилинган фикр-мулоҳазалардан тўғри хулоса чиқариб, мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотларни четдан кузатувчилар эмас, балки бу ижтимоий жараёнларнинг фаол иштирокчиси бўладилар, нафақат жанговар тайёргарлик, балки маънавий-маърифий ишларда ҳам ибрат намунасини кўрсатадилар, деб ишонаман.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган
йиғилишидаги нутқдан*

2020 йил 10 январь

МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БИЗ УЧУН УМУММИЛЛИЙ МАҚСАДГА, УМУМХАЛҚ ҲАРАКАТИГА АЙЛАНИШИ ЗАРУР

Ассалому алайкум, ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Хабарингиз бор, яна санокли кунлардан кейин мамлакатимизда янги ўқув йили бошланади. Ушбу муҳим воқеа арафасида умумтаълим мактабларидаги аҳвол, соҳада олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштириш, таълим-тарбия тизимини янада ривожлантириш масалаларини ҳар томонлама муҳокама қилиб, олдимизда турган энг муҳим вазифаларни белгилаб олишимиз лозим.

Шунинг учун ҳам бугунги йиғилишда нафақат раҳбар ва мутасаддилар, балки ушбу соҳада фаолият юритаётган тажрибали, фидойи ва жонкуяр муаллимлар, зиёлилар, маҳалла фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этаётгани бежиз эмас.

Яқин тарихимизда Президент раҳбарлигида ҳеч қачон бундай йиғилиш ўтказилмаган.

Бугунги муҳокамани шунчаки оддий бир мажлис эмас, балки Давлат раҳбарининг сизларга, бутун халқимизга ва ёшларимизга мурожаати, деб қабул қилишингизни истардим. Чунки мактаб масаласи — бу келажак масаласи, ҳаёт-мамот масаласи. Уни давлат, Ҳукумат ва ҳокимларнинг ёлғиз ўзи ҳал қилолмайди. Бу — бутун жамиятнинг ишига айланиши керак.

Афсуски, ўтган салкам 30 йил мобайнида биз бу масалага етарлича эътибор бермадик. Натижада нима бўлди? Мактабни барбод қилдик, ўқитувчини ҳам йўқотдик. Болаларда ўқишга ҳавас ва интилиш сусайди. Энг ёмони, мактаблардаги маънавий-маърифий муҳит йўқолди.

Ўқитувчилик касбининг обрўи, нуфузи пасайиб кетди. Оқибатда мактабдан эркак ўқитувчилар кетиб қолди. Ўқитувчиларнинг моддий аҳволи, меҳнат шароити ҳақида бош қотирмадик. Уларни пахтага, кўча супуришга, уларга хос бўлмаган ишларга жалб қилиб, обрў-эътиборини туширдик.

Таълим ҳақида пастдаги аҳволни ўрганмай, ҳақиқий вазиятни билмай ярим-юлуқ қабул қилган дастурларимиз кўп ҳолларда чала-чулпа бажарилди.

Янги давр ўқитувчиларини тарбиялаш, педагогика фанини ривожлантириш, инновацион таълим технологиялари, креатив ёндашувлар ҳақида деярли ўйлаганимиз йўқ.

Катта куч ва маблағ ҳисобидан барпо этилган, лекин ҳаётда ўзини окламаган коллеж тизимига зўр бериб, мактабни бутунлай эсимиздан чиқариб қўйдик. Ҳолбуки, таълим ва тарбиянинг асоси, пойдевори – бу мактаб эмасми? Мактабни мактаб қиладиган ким? Ўқитувчи эмасми?

Дунёдаги ривожланган давлатлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, уларда барча ислохотлар мактабгача таълим тизимидан, яъни боғчадан, мактабдан, тарбия масаласидан бошланганини кўрамиз. Чунки **мактабни ўзгартирмасдан туриб, одамни, жамиятни ўзгартириб бўлмайди.** Ўтган аср бошида жаҳид боболаримиз шунинг учун ҳам мактаб масаласини энг биринчи ўринга қўйган эдилар.

Буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактабдир», деган сўзларида қандай чуқур маъно бор. Биз эса сирти ялтироқ, ичи қалтироқ коллежларимизга маҳлиё бўлиб, шунча вақтни бекорга бой бердик.

Якин ўтмишда ҳам оталаримиз, акаларимиз, опа-сингилларимиз жуда ҳашаматли мактабларда ўқимаган. Лекин уларнинг билими, малакаси, ғурури юқори бўлган, эл-юрт тақдирига бефарқ бўлмаган.

Афсуски, бугунги кунда боланинг қалбида маънавият ва маърифат чўғини уйғотадиган ҳақиқий мактаблар ва ўқитувчилар ниҳоятда кам.

Мана, Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги биринчи ихтисослаштирилган мактабга халқаро мақом бердик. Чунки унинг ўқувчилари математика фани бўйича жаҳон миқёсига чиқди. Унинг биносини, моддий-техник базасини кўрсангиз, бошқалардан ошиб-тошиб кетган жойи йўқ. Лекин ўқитувчилари, директори зўр, ўқитиш методикаси замонавий, тарбиявий ишлар тўғри йўлга қўйилган.

Минг афсуски, мактаниб кўрсатадиган бундай мактабларимиз ва намунали ўқитувчиларимиз бармоқ билан санарли. Қайси вилоят, туман ва шаҳар ҳокими ўзининг фалон сонли мактабини ёки фанлар бўйича бирор-бир ўқитувчисини намуна қилиб, ғурур билан мактана олади? Минг афсуски, йўқ. Чунки ҳали ҳокимлар мактаб ва бола тарбияси масаласи билан, тўғриси айтидиган бўлсак, умуман шуғулланаётгани йўқ.

Бугун чет элдан қанча-қанча инвестициялар олиб келямиз. Қанча-қанча янги корхоналар қурыпмиз. «Ақлли шаҳарлар», «Ақлли уйлар» қуриш режасини тузаямиз. Атом электр станцияси барпо этишни бошладик. Буларнинг ҳаммасида ишлаш учун юксак билимли, хорижий тилларни, замонавий технологияларни чуқур эгаллаган ёшлар керак. Агар мактабларимиз аҳволи шундай бўлса, қаердан топамиз бундай кадрларни?

Биз ўтган даврда йўл қўйган хато-камчиликларимиздан ҳулоса қилиб, ота-оналар, жамоатчиликнинг истак ва талабла-

рини инобатга олиб, мамлакатимизда 11 йиллик мактаб таълими тизимини тикладик.

Ўтган давр мобайнида халқ таълими тизимини ислоҳ этиш бўйича Президентнинг 6 та фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 21 та қарори қабул қилинди. Мактабларнинг моддий-техник базасини, соҳанинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Юртимизда улуғ алломалар – Мирзо Улуғбек ва Мусо Хоразмий номидаги иқтидорли болалар мактаблари, атоқли адибларимиз – Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ибройим Юсупов, Иброт, Муҳаммад Юсуф, Ҳалима Худойбердиева номлари билан аталган ижод мактаблари, «Темурбеклар мактаби», Президент мактаблари, хусусий мактаблар сингари мутлақо янгича мазмун ва шаклга эга бўлган таълим муассасалари ҳам барпо этилмоқда.

Хусусий мактабларга лицензия бериш тартиби соддалаштирилди, улар томонидан аттестат берилишига рухсат этилди. Натижада бундай мактаблар сони сўнгги 2 йилда 4 баробар кўпайиб, 89 тага етди.

Шу ўринда буюк француз адиби Виктор Гюгонинг «Мактаб очган одам бамисоли қамокхонани ёпгандек бўлади», деган сўзларини эслатмоқчиман. Бу нима дегани? Мактаб, таълим-тарбия бор жойда болалар ёмон йўлга қирмайди, жиноят содир этмайди, демак, қамокхонага зарурат қолмайди, деярли улуғ ёзувчи.

Мен бу ҳикматли сўзларга қўшимча қилиб, нафақат мактаб очган, балки мактабда фидойи бўлиб ишлаётган ҳар бир ўқитувчи, ҳар бир устоз ҳам мана шундай шарафли мақомга муносиб, деб айтмоқчиман.

Бугунги учрашувда иштирок этаётган ҳурматли муаллимларимиз, жонкуяр мактаб директорларини, соҳа фахрийларини

биз эл-юртимизнинг таянчи ва суянчи, деб биламиз ва сизлар каби мўътабар зотлар билан доимо фахрланамиз.

Биз бундан буён ҳам мактаблар тизимини ривожлантириш учун маблағни ҳам, имкониятни ҳам асло аямаймиз.

Сўнгги 3 йилда юртимизда 157 та умумтаълим мактаби янгидан қурилди.

Ўтган ўқув йилида мактаблардаги ўқувчилар сони 5 миллион 822 минг нафарни, педагоглар – 443 минг нафарни ташкил этган.

Агар статистикани келтирадиган бўлсак, мактаб ўқитувчиларининг 70 фоизини аёллар ташкил этаётганига гувоҳ бўламиз. Кейинги йилларда таълим-тарбияда эркак ўқитувчиларнинг алоҳида ўрни ва таъсирини ҳисобга олиб, кўрилган аниқ чора-тадбирлар натижасида халқ таълими тизимига қарийб 13 минг нафар эркак ўқитувчи қайтди. Лекин бу хали жуда ҳам кам.

Охирги 3 йилда ўқитувчиларнинг иш ҳақи ўртача 2,5 баробар оширилди. Олис туманлардаги мактабларда ишлаётган педагог кадрлар меҳнатини рағбатлантириш бўйича аниқ мезонлар белгиланди. Натижада уларга 50 фоизгача қўшимча ойлик устамалар тўланмоқда. Бу – мазкур ҳудудларда етишмаётган мингдан зиёд ўқитувчини жалб этиш имконини берди.

Меҳнат фаолиятини давом эттираётган ўқитувчиларга пенсияни тўлиқ миқдорда тўлаш тартиби белгиланди. Натижада пенсия ёшидаги минглаб тажрибали, жонкуяр ўқитувчилар тизимга қайтди.

Олиб борилаётган ислохотлар ва кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, соҳада тизимли муаммолар ҳамон сақланиб қолмоқда.

Биринчидан, таълим муассасаларининг моддий-техник базаси, аксарият педагог ходимларнинг билим ва малакаси бугунги замон талабларидан ортда қолмоқда.

Тан олишимиз керак – йилда бир марта Ўқитувчи ва мураббийлар куни байрамини ўтказиб, бир гуруҳ муаллимларга мукофот бериб, уларни фақат руҳлантириш мумкин. Лекин, бу билан уларни тўлиқ рағбатлантираяпмиз, деб ўйламаслик керак. Бу борада уларга янада қулай шарт-шароит яратиш учун таълим муассасалари биноси, жиҳозланиши замон талабларига ҳар томонлама мос бўлиши лозим.

Ўқув жараёни зарур дарслик ва қўлланмалар, информацион технологиялар билан тўлиқ таъминланган бўлиши керак.

Табиий савол туғилади – вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари бир ойда неча маротаба мактабга бориб болалар билан учрашув ўтказаяпти? Ёки бўлаётган ўзгаришлар, ислохотлар тўғрисида ёш авлодга дарс бераяпти?

Афсуски, шу залда ўтирган вилоят ҳокимлари ҳам, жойлардаги туман ва шаҳар ҳокимлари ҳам бу ҳақида ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаган. Улар мактаб масаласида нари борса, янги ўқув йили бошланишидан аввал бир-икки мажлис ўтказиш билан чекланадилар.

Нима учун ҳар куни фермер билан, кластер билан ёки мана энди тадбиркорлар билан ҳам учрашади-ю, мактабга бориб, ўзининг боласи ёки неварасининг устозидан ёки ўзи таълим-тарбия олган маскандан умуман хабар олмайди? Чунки мактабни юзинчи даражали масала деб, назар-писанд қилмайди. Ўзича ўта бандлигини баҳона қилиб, мактабга боришга вақт топа олмайди. Бу ўта маънавийатсизлик эмасми?!

Бу келажакка нисбатан масъулиятсизликдан бошқа нарса эмас. Мен ўйлайманки, бу – энг катта фожеамиздир.

Мактабларда «вазир соати», «тадбиркор ва банкирлар сабоғи» каби дарс амалиётларини жорий қилиш лозим. Уларда ижро органлари раҳбарлари, салоҳиятли тадбиркорлар, малакали банк ходимлари дарс ўтиши керак.

Шунингдек, диний уламоларимиз ҳам мактабларда маърифат, бағрикенглик, одоб ва ахлоқ илмларини, Имом Бухорий, Термизий, Мотуридий, Нақшбанд каби улуғ аждодларимиз маънавий меросини ўргатиши мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, жамиятнинг тарбияга бўлган муносабатини бутунлай ўзгартирмасдан туриб, соҳани тубдан такомиллаштириш мумкин эмас.

Биз Абдулла Авлониёнинг **«Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир»** деган сўзларини кўп бора эсга оламиз. Бироқ унга эътибор қилиш у ёқда турсин, кўп ҳолларда бу даъватнинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтириб ҳам беролмаймиз.

Бошқача айтганда, ушбу тизимнинг сифати бугунги ва эртанги ҳаётимиз даражасини белгилаши керак. Бу борада миллий таълим-тарбия тизимини шакллантиришда бир омил борки, уни рўёбга чиқариш учун фақат истак, маблағ, вақтнинг ўзи кифоя эмас.

У ҳам бўлса, тарбиячи, ўқитувчи, устоз омилидир. Агар уни тўлиқ юзага чиқаролмасак, барча ҳаракат ва харажатларимиздан ҳеч қандай самара бўлмайди.

Бутун дунё тан олган улуғ мутафаккир боболаримиз – бу Имом Бухорий ёки Имом Термизий бўладими, Беруний ёки Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ёки Бобур Мирзо бўладими – барча-барчаси ўз вақтида моҳир, меҳрибон ва талабчан устозлар қўлида таълим олганлар.

Халқимизга хос ибратли бир хусусият бор. Қайси соҳада бўлмасин, кимдандир сабоқ олган, иш ўрганган инсон ўз мустақил фаолиятини бошлашдан олдин албатта устозидан дуойи фотиҳа олади.

Кимки устоз дуосини олса, унинг иши албатта юришади, у камолга эришади. Шунинг учун ҳам сиз, азиз ўқитувчилар,

дунёдаги энг эзгу ва олижаноб касб эгаларисиз, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Нафақат келажак авлоднинг тақдири, балки бутун миллатимиз, халқимиз, давлатимиз тақдири мухтарам муаллимларимизга боғлиқ.

Таълим-тарбия каби муҳим ва стратегик масалага эскича қараш, эскича билим ва тизим билан ёндашиш мутлақо мумкин эмас. Бу борада энг замонавий ва илғор тизимни яратмасак, олдимизда кўндаланг турган биронта муаммони ечолмаймиз.

Учинчидан, биз таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш учун **«Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари»** деган тамойилга асосланган ҳолда, миллий ғоя ва унинг мафкуравий негизларини пухта ишлаб чиқишимиз керак.

Миллий ғояни фарзандларимиз онгига айнан болалик давридан, боғчадан ва мактабдан бошлашимиз зарур. Бунинг учун тарихни, аجدодларимиз меросини, дунё тажрибасини, турли халқларнинг ютуқ ва камчиликларини атрофлича ўрганиш керак.

Шу маънода, «Беш ташаббус», «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» сингари янги ижтимоий ҳаракатлар замирида ҳам таълим-тарбия, юксак маънавият каби эзгу ғояларимиз мужассам.

Ҳокимлар шуни яхши тушуниб олишлари керак: «Беш ташаббус» жорий этилмаган мактабнинг келажаги бўлмайди, бу мактабга янгилик, инновацион ғоялар, ахборот технологиялари кирмайди.

Мана, китобхонлик масаласига аҳолимиз, биринчи навбатда, ёшларимизнинг муносабатини ижобий томонга ўзгартира олаяпмиз. Демак, астойдил бел боғласак, қўлимиздан келар экан-ку!

Тўртинчидан, замон талабларидан келиб чиқиб, ўқитиш услублари, таълим стандартлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг янги авлодини яратиш лозим.

Бунинг учун таълим жараёнидаги услуб ва ёндашувлар масаласида чет элдаги илғор тажрибалардан фойдаланишимиз, тарбияда эса – миллий анъана ва урф-одатларимизга суянишимиз зарур.

Таълим стандартларини амалга ошириш билан бир қаторда тарбия стандартларини ҳам яратишимиз керак.

Бугунги кунда юртимизда нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари очилмоқда. Бундан кўзланган мақсад битта – миллий таълим тизимида танлов ҳуқуқини кенгайтириш, рақобатни кучайтириш ва таълимда янгича ёндашувларни кенг жорий қилишдир.

Шу асосда биз миллий таълим тизимимизни янада жонлантиришимиз мумкин.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!

Биз кейинги пайтда, минг афсуски, «маънавият» тушунчасининг обрўйини тушириб юбордик. Маънавиятга гўёки кераксиз нарасадек муносабатда бўлдик.

Бугун кўпчилик ёшлар онгини истеъмолчилик кайфияти, Ватан, эл-юрт тақдирига бепарволик, «оммавий маданият» кўринишлари эгаллаб олмоқда.

Ўзингиз айтинг, ўз халқининг тарихини, маънавий ва диний кадриятларини ҳурмат қилмайдиган, уларни ҳимоя қилишга қодир бўлмаган одам ватанпарвар ва элпарвар бўлиши мумкинми?

Мана, Ислом цивилизацияси марказини, ҳадис ва ижод мактабларини ташкил этдик. Улуғ алломаларимиз меросини чуқур ўрганиш, тарихий-бадий асарлар, фильмлар яратишга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Шунинг учун «Ўзбекистон тарихи» телеканалини ташкил этдик. Бундан мақсад – тари-

химиз, меросимизни ёш авлодлар қалби ва онгига сингдириш, фарзандларимизни миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашдир.

Нега деганда, буюк аждодларимиз ўзларининг илмий ва ижодий кашфиётлари билан дунёга устозлик қилишган. Бошқаларга эргашмаган, балки бошқаларни ўз ортидан эргаштирган. Биз ҳам эргашувчи эмас, эргаштирувчи кучга эга халқ бўлишимиз шарт. Акс холда, тараққиёт йўлидан чеккага чиқиб, яна таназзул ботқоғига ботамиз. Ота-боболаримиз эришган марраларни осонгина бой бериб қўямиз.

Бу аждодлар руҳига, келажак авлодларимизга хиёнат эмасми? Бу соҳада бугун шошилинич чоралар кўрмасак, эртага кеч бўлади. Шунинг учун, биз таълим-тарбиянинг бошланғич бўғини бўлган мактабгача таълим тизимига алоҳида эътибор бераямиз.

Ҳозирги вақтда боғча ёшидаги болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш даражаси 40 фоиздан ошди. Икки ярим йилда 1,5 баробар ўсишга эришдик. Бу – жуда катта ютуқ. Айни вақтда ҳали бу соҳада қиладиган ишларимиз ниҳоятда кўп.

Биз тарбия масаласида 20–30 йил олдинни кўзлаб иш олиб боришимиз керак. Яъни, келгусида ҳаёт бизнинг олдимизга қандай ўткир ва кескин талабларни қўяди, қандай долзарб муаммолар йўлимизда пайдо бўлиши мумкин? Уларни бар-тараф этиш учун бизга қандай кадрлар керак бўлиши ҳақида ҳозирдан ўйлашимиз зарур.

Жойларда мактабларнинг қурилиши, ўқув йилига тайёргарлик учун ҳокимлар ва сектор раҳбарлари шахсан масъул. Лекин, уларнинг баъзилари бу масалага етарли эътибор қаратмаяпти. Шу сабабли, Халқ таълими вазири ва тизим бошқарув ходимлари, бундай ташкилий ишлар билан овора бўлиб қолмоқда.

Ҳолбуки, Халқ таълими вазирлиги ижтимоий ҳаётимиздаги, ҳукуматдаги нуфузи ва таъсирига кўра Молия вазирлиги билан баробар бир мавқеда туриши керак.

Вазирлик ва унинг бўлинмалари таълим-тарбиянинг мазмуни, ўқув дастурлари, унинг сифати ва самарадорлигини ошириш, дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш масалаларига жиддий эътибор қаратиши зарур.

Мисол учун, бугунги кунда республикамиз бўйича 400 номдаги 32 миллион нусха дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар нашр қилинган. Бу режадаги кўрсаткичнинг фақатгина 87,5 фоизини ташкил этади, холос.

Бундан ташқари бу масалалар билан бевосита шуғулланиши лозим бўлган Республика таълим маркази бор, Абдулла Авлониёв номидаги раҳбар ходимлар малакасини ошириш институти, вилоятларда ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари бор. Низомий номидаги бутун бир университет, ҳудудларда 6 та педагогика институтлари мавжуд.

Лекин бу тузилмалар ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг билим ва малакасини ошириш, дарсликлар савиясини яхшилаш учун қандай амалий ишларни қилмоқда? Бундай салоҳиятдан нима учун унумли фойдаланилмаяпти?

Яна бир масала — ҳозирги вақтда айрим мактабларда бюджет маблағларидан нотўғри фойдаланиш, порахўрлик, тамағирлик кўринишлари учраб турибди. Бу ҳақиқатни афсус ва надомат билан айтишга мажбурмиз.

Мактаб тизими билан боғлиқ ғоят муҳим масалаларни ҳал қилиш учун кенг жамоатчиликнинг иштироки зарур. Бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш керак.

Афсуски, «Маҳалла» ва «Нуроний» кенгашлари, хотин-қизлар кўмиталари, депутатлар, Ёшлар иттифоқи, сиёсий партиялар мактаб муаммолари билан яқиндан ва жиддий

шуғулланаётгани йўқ. Холбуки, уларни ечиш бўйича айнан шу ташкилотлар жонбозлик кўрсатиши зарур. Устозни ким улуғлаши, эл-юртга ким танитиши керак? Ўзини шу соҳага масъул деб биладиган барча зиёлиларимиз эмасми?

Ахир, дунёда, ён-атрофимизда қандай кескин ракобат, ғоявий, мафкуравий кураш кетмоқда! Шундай мураккаб бир вазиятда ҳақиқий зиёлининг қўл ковуштириб, томошабин бўлиб ўтиришга ҳаққи борми?

Такрор айтаман, эл-юрт тақдирига лоқайдлик — бу сотқинликдан ҳам ёмон. Бундай салбий иллатларга айниқ-са муқаддас таълим даргоҳларида мутлақо ўрин бўлмаслиги керак.

Юқорида айтилган муаммоларни комплекс ҳал қилиш, халқ таълими тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблайман.

Биринчидан, биз йиллар давомида тўпланган тизимли муаммоларни бартараф этиш учун жорий йилда Халқ таълиминини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини қабул қилдик. Унда 48 та мақсадли кўрсаткичларга эришиш юзасидан аниқ механизмларни белгилаб олдик.

Масалан, 2030 йилга бориб ўқувчилар билимини баҳолаш бўйича «ПИЗА» халқаро дастури рейтингида жаҳондаги етакчи 30 та мамлакат қаторидан жой эгаллашни мақсад қилиб қўйганмиз. Барчамиз яхши тушунамизки, бу ўз-ўзидан бўлмайди.

Дастлабки синовимиз 2021 йилга тўғри келади. Айнан ўша йили мактабларимиз ўқувчиларининг билимлари халқаро экспертлар томонидан баҳоланади. Биз бунга тайёرمизми?

Иккинчидан, ўқитувчининг мақоми ва нуфузини ошириш, ҳуқуқлари ва имтиёзларини кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган ишларни ҳар томонлама кучайтирадиган вақт келди.

Шу мақсадда «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳририни кўриб чиқиб, қабул қилинишини тезлаштириш лозим.

Бир ҳақиқатни тўғри англаб олишимиз керак – мактаб ўқитувчисини моддий рағбатлантирмасак, унинг ҳаёт сифати даражасини оширмасак, ҳеч қандай ислоҳот ҳақида гапира олмаймиз.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги Халқ таълимини ривожлантириш концепцияси доирасида икки ой муддатда 2020 йилда халқ таълими ходимлари ойлик иш ҳақини ошириш тўғрисида таклиф киритсин.

Бунда, маҳаллий ҳокимликлар томонидан олис қишлоқларда жойлашган мактабларга ўқитувчиларни жалб этишни янада рағбатлантириш учун уларга уй-жойлар, автотранспорт учун кредитлар бериш, унинг молиявий манбаларини белгилаш чоралари назарда тутилсин.

Учинчидан, бугунги ҳолат шундайки, оилада ота-она ўз билганича, боғча ва мактабда тарбиячи ва ўқитувчилар ўз билганича, аниқ бир методикага таянмаган ҳолда таълим бермоқда. Натижада биз хорижий тилни яхши биладиган, лекин тарбияси маромига етмаган ёшларни вояга етказяпмиз.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, таълимда ўзаро узвий боғланган яхлит тизим мавжуд эмас. Мактабгача таълим – мактаб – олий таълимдаги ўқув дастурлари, фанлар ва таълим-тарбия механизмида ўзаро боғлиқлик йўқ, бир-бирига уйғун эмас. Уларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида ажралиб, бўлиниб турибди. Аслида барча муаммолар шу ерда юзага келмоқда.

Шунинг учун «Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини» ишлаб чиқиш зарур. Ушбу Концепцияда тарбиявий

жараёнларнинг узлуксизлигини таъминлаш учун барча масъул идораларнинг вазифалари аниқ белгилаб қўйилиши зарур.

Бунда, Президент Администрацияси – тарбиянинг ғоявий моҳияти ва стратегияси йўналишини белгилашга, Вазирлар Маҳкамаси – стратегиянинг ижросини таъминлаш, амалга оширилаётган ишларни назорат қилиб бориш ва молиялаштириш, мутасадди вазирлик, идора ва ҳокимликлар – белгиланган вазифаларни самарали амалга оширишга масъул бўлишлари лозим.

Тўртинчидан, халқ таълими тизимида ўқув жараёнига мутлақо янги ёндашувларни ва методик дастурларни жорий этиш лозим.

Мисол учун, директорнинг маънавий-маърифий масалалар бўйича ўринбосари мактабдаги бутун маънавий ва тарбиявий ишларга жавобгар, лекин унинг ўзи тарбия методикаларидан хабардорми?

Ёки бўлмаса, болаларни тарбиялаш ишлари синф раҳбарлари зиммасига юклатилган, улар эса турли фанлардан таҳсил олган. Улар қандай қилиб тарбия жараёнини тизимли ташкил этиб бериши мумкин, деган ҳақли савол туғилади.

Мактабда болаларга тарбия бериш мақсадида ўқитилаётган «Миллий ғоя», «Одобнома», «Динлар тарихи», «Ватан туйғуси» каби фанларни бирлаштирган ҳолда, **ягона «Тарбия» фанини жорий қилишимиз керак.**

Халқ таълими вазирлиги, Олий таълим вазирлиги, Республика маънавият ва маърифат маркази бир ой муддатда мактабда тарбиявий ишларни ташкил этадиган янги профессионал педагог тарбиячилар авлодини тайёрлаш бўйича таклиф киритсин.

Фожеа шундаки, педагогика институтлари бу тизим бўйича домлалар тайёрламаяпти. Педагогликка мойиллиги бўлган

ёшларни мақсадли тарбиялаб бориш, уларни мактаб давридан селекция қилиш, кейинчалик олий ўқув юртларига қамраб олиш бўйича самарали механизмни жорий этиш зарур.

Бешинчидан, мактабларни чинакам маънавият ва маърифат, маданият ўчоғига айлантириш учун таълим-тарбиянинг интерактив усуллари қўллаш лозим.

Халқ таълими вазирлиги, Маданият вазирлиги, Республика маънавият ва маърифат маркази бир ой муддатда барча мактабларда янги ўқув йилидан бошлаб «Буюк аждодларимизга муносиб ворис бўлайлик» шиори остида «Китобхонлар клуби», «Ёш тарихчилар уюшмаси», «Театр ва рақс труппаси» сингари ижодий тўғараклар фаолиятини йўлга қўйсин.

Олтинчидан, Вазирлар Маҳкамаси, Халқ таълими вазирлиги, Маънавият ва маърифат маркази бир ой муддатда мактабларга буюк аллома, давлат ва сиёсат арбоблари, машҳур саркарда аждодларимизнинг номларини бериш масаласини ўрганиб, таклифлар киритсин.

Бу нима беради? Ўша буюк шахсларнинг шонли тарихини чуқур ўрганиб, намуна олиш ва тарғиб қилишга ундайди.

Еттинчидан, сўнгги йилларда мактаб таълимида истеъдодли ва салоҳиятли ёшларни танлаб олиш, уларни ўқитиш ва келгусида мамлакатимиз ривожига ўз ҳиссасини қўшадиган етук мутахассислар қилиб тайёрлаш учун ижод мактабларини, Президент мактабларини ташкил этиш.

Ушбу мактаблар фаолиятини йўлга қўйиш, координация қилиш, уларнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида алоҳида тузилма ташкил этиш бўйича топшириқ бердим.

Мазкур тузилма нуфузли ташкилотлар билан ҳамкорликда халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизнинг 20–30 йиллик истикболли тараққиётини инобатга олиб, «андоза» сифатида таълим тизимини ривожлантириш тенденцияларини белгилаши зарур бўлади.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Муборак ҳадисларда «Илм олган устозингга ҳамиша таъзимда бўл ва одоб билан муносабат қил», деб муаллимларни улуғлашга даъват этилган.

Ҳақиқатан ҳам, халқимиз ўртасида устозларга юксак ҳурмат-эҳтиром олий қадрият даражасига кўтарилган. Лекин, афсуски, кейинги йилларда бу борадаги анъаналаримиз ҳам тобора унутилмоқда.

Айниқса, ота-оналар томонидан мактаб ўқитувчиси фаолиятига ноўрин аралашиш, уларнинг дилини оғритиш, ҳақорат қилиш ҳолатлари кўпайиб бораётгани ҳаммамизни ташвишга солмоқда.

Ваҳоланки, ўқитувчи болага кўз нури ва қалб кўрини бериб, илм-маърифат ўргатади. Бунинг учун раҳмат ўрнига ота-оналардан дакки эшитса, ҳаттоки изза қилинса, ўзингиз айтинг, бундай муҳитда устозларнинг ҳурмати қоладими?

Таълим-тарбия энг аввало оиладан бошланиши барчамизга яхши маълум. Бола оилада уйини, боғча ва мактабда эса ватанини танийди.

Шунинг учун биз оиладаги таълим-тарбия ҳақида ўта жиддий бош қотиришимиз лозим. «Қарс икки қўлдан чиқади», деганларидек, ўқитувчилар ва ота-оналар ўртасида фаол мулоқот, самимий руҳдаги муносабатларни ўрнатишимиз керак. Ота-оналар мактаб ўқитувчисини қўллаб-қувватлаши ва фарзанд тарбиясида устозлар билан яқин ҳамкорликда фаолият юритишлари лозим.

Халқ таълими вазирлиги, Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика маҳаллалар кенгаши, «Оила» илмий амалий маркази, «Нуроний» жамғармаси бир ой муддатда «Оила – маҳалла – мактаб» ҳамкорлик тизимини кучайтириш, жумладан, ота-оналарни ўз фарзанди тарбияси билан шуғулланишига қаратилган таъсирчан чора-тадбирлар дастури-ни тайёрлаши лозим.

Мен муаллимларнинг жамиятимиздаги обрўсини ошириш ҳақида кўп ўйлайман. Чунки ўзим кўп йиллар олийгоҳда домла бўлиб ишлаганим учун бу соҳанинг қанчалик қийин ва машаққатли эканини яхши биламан.

Албатта, бу борада моддий қўллаб-қувватлаш муҳим, лекин бу касбнинг обрўсини фақат ўқитувчининг ўзи фидокорона меҳнати, ўз устида тинимсиз ишлаши, бошқаларга ўрнак бўлиши билан ошира олади.

Биз энди жамиятимизда ўқитувчиларни сизлаб, уларнинг шаъни ва ҳурматини бошимизга кўтарадиган, уларни том маънода келажак бунёдкорлари, деб улуғлайдиган муҳитни яратишимиз зарур.

Биз ёш пайтимизда таникли адиб Парда Турсуннинг «Ўқитувчи» деган романи бўларди. Мен шу асарни жуда қизиқиб ўқиганман. Бош қаҳрамон – фидойи муаллим Элмурод образи мени ҳаяжонга солган.

Буюк ёзувчи Чингиз Айтматовнинг «Биринчи муаллим» қиссаси ҳам яхши кўрган асарларим қаторига киради.

Лекин, савол туғилади – нима учун барчамизга таълим-тарбия бериб, бизнинг камол топишимиз учун ўзини аямасдан фидойилик кўрсатган мўътабар зот – азиз ўқитувчи ва устозлар ҳақида бугун ана шундай асарлар, фильм ва спектакллар яратилмаяпти?

Агар ҳозирги мактабларимиз ҳаёти ҳақида битта зўр бадий асар ёки фильм ишланса, жамиятнинг онгу тафаккурини ўзгартиришга кучли таъсир кўрсатиши табиий. Шунинг учун ҳурматли шоир-адибларимиз, режиссёр ва актёрларимиз мактаб мавзусида яхши-яхши асарлар яратишларини истар эдик.

Маданият вазирлиги, «Ўзбеккино» миллий агентлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания тегишли вазирлик ва идоралар билан бир-

галикда бир ой муддатда мактаб ўқитувчисининг жамиятдаги обрў-эътиборини, устозларга ҳурмат-эҳтиром хиссини ошириш мақсадида янги бадиий фильмлар, спектакль, видео ва аудио роликларни яратиш бўйича чора-тадбирлар белгиласин.

«Маданият ва маърифат» телеканалли ўқитувчи ва устозлар фаолиятини кенг ёритадиган, ҳар бир вилоят, шаҳар ва туман ҳокими ва ўринбосарларининг таълим-тарбия масалалари бўйича ишларини халққа етказадиган телеканал бўлиши керак.

Нуронийларимиз, ёши улуг кексаларимиз ҳар уч-тўрт ойда бир маротаба мактабга бориб, ўзларининг бой ҳаёт йўли ва ибратли тажрибаси, амалий билим ва кўникмаларини ёшларга ўргатса, бу ҳар қандай сабоқдан кўра фойдалироқ бўлади.

Шиддат билан ўзгараётган замон олдимизга янги, биз илгари дуч келмаган муаммоларни, жуда ўткир саволларни кўндаланг қўймоқда. Уларга муносиб жавоб топиш ва оқилона ечиш учун ҳар жиҳатдан тайёр бўлишимиз керак.

Иқтисодиётимизни модернизация қилиб, тадбиркорлик ва хусусий мулкка кенг йўл очиб, моддий ҳаётимиз пойдеворини мустаҳкамлаяпмиз. Айни вақтда маънавият ва маърифат масаласини биз бирон кун, бирон соат эсимиздан чиқармаслигимиз керак.

Биз моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлиги тамойилини қаттиқ ушлашимиз керак. Мактаб бу борада ҳал қилувчи асосий бўғин бўлиб хизмат қилиши лозим.

Мен буюк шоиримиз Чўлпоннинг шеърий сатрлари билан сизларга, бутун эл-юртимизга мурожаат қилмоқчиман: «Бутун кучни халқ ичидан олайлик, қучоқ очиб мактабларга борайлик».

Мактаб таълимини ривожлантириш биз учун буюк умум-миллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланиши зарур.

Мен ана шу эзгу мақсад йўлида барчангизни бир ёқадан бош чиқариб, белимизни маҳкам боғлаб, виждонан меҳнат қилишга чақираман. Шундагина биз халқимизнинг эзгу орзуси бўлган миллий ғоямизни амалга оширишга – миллий юксалишга эриша оламиз.

*Халқ таълими тизимини ривожлантириш,
педагогларнинг малакаси ва эсамиятдаги
нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини
юксалтириш масалаларига бағишланган
видеоселектор йиғилишидаги нутқ*

2019 йил 23 август

МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИМИЗ ВА МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

Ассалому алайкум, мухтарам юрtdошлар!

Азиз дўстлар!

Авваламбор, мана шу қувончли айёмда барчангизни азим пойтахтимизнинг марказида барпо этилган, куни кеча ишга туширилган мухташам ва улуғвор кошонада хуш кайфиятда кўриб, қутлаб турганимдан ғоятда бахтиёрман.

Сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халкимизни тарихий сана — ўзбек тилига давлат тили макоми берилганининг ўттиз йиллиги билан самимий муборакбод этаман.

Маълумки, Ўзбекистоннинг замонавий қиёфасини яққол намоён этадиган янги бино ва иморатлар бугун барча шаҳар ва вилоятларимизда кўплаб қад кўтармоқда. Албатта, уларнинг орасида «Тошкент-Сити» ишбилармонлик маркази алоҳида ажралиб туради.

Гувоҳ бўлиб турганингиздек, «Тошкент-Сити» маркази ўзининг меъморий қиёфасида шаҳарсозлик санъатининг энг сўнгги ютуқларини, архитектура, муҳандислик ва дизайнерлик борасидаги ноёб ва улкан салоҳиятни яққол мужассам этади.

Майдони 80 гектардан иборат ушбу марказни қуришдан асосий мақсад — замонавий, «ақлли шаҳар» барпо этиш, халқаро, хорижий ва маҳаллий банк-молия тузилмалари ва инвесторлар учун жонажон Ватанимиз, биринчи навбатда, гўзал пойтахтимиз жозибадорлигини оширишдан иборат.

Биз Ўзбекистон тараққиётини янги босқичга кўтариш мақсадида ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясини изчил

амалга ошираётганимиздан халқимиз ва халқаро ҳамжамият яхши хабардор, албатта. «Тошкент-Сити» марказини барпо этиш ғояси ҳам айнан ўша стратегия билан бир пайтда туғилган эди. Ўзбекистон тажрибасида биринчи бўлган шундай катта микёсдаги ва ноёб лойиҳани амалга ошириш учун кўп нарсани янгитдан ўрганишимиз, тинимсиз изланишга тўғри келди.

Қурилиш майдони 1 миллион 600 минг квадрат метрга тенг бўлган янги марказнинг 30 фоизини уй-жойлар, 30 фоизини офислар учун бинолар, яна 30 фоизини савдо мажмуалари, 10 фоизини меҳмонхоналар фонди ташкил этади.

Барчангиз кўриб турибсиз, бугун бу ҳудудда улкан бунёдкорлик ишлари жадал давом этмоқда. Насиб этса, 2021 йилда қурилиш ишлари тўлиқ якунланиб, ушбу марказ халқимизга ва пойтахтимиз меҳмонларига хизмат қилишни бошлайди.

Қисқача айтганда, «Тошкент-Сити» маркази Ўзбекистонда қурилиш ва архитектура соҳасида тараққиётнинг янги даври бошлангани, бу соҳада биз кўп нарсага кодир эканимизни кўрсатади, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ўзининг очиқ ва конструктив сиёсати билан минтақамиздаги йирик сиёсий, иқтисодий ва маданий марказга айланиб бормоқда. Жаҳондаги нуфузли халқаро ташкилот ва тузилмалар, молиявий институтлар, ишбилармон доиралар томонидан Ўзбекистонда қатор тадбирлар, анжуман ва учрашувлар ўтказилмоқда. Табиийки, келгусида бу жараёнлар янада кучаяди, Ўзбекистон яна кўплаб йирик халқаро саммитлар, форум ва симпозиумларга мезбонлик қилади.

Шу маънода, ушбу мухташам мажмуа нафақат давлатимиз, балки халқаро аҳамиятга эга бўлган янги ғоя ва ташаббуслар туғиладиган, муҳим тарихий ҳужжатлар қабул қилинадиган масканга айланади, деб ишонамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай муаззам саройнинг бунёдкорларига – моҳир меъмор ва лойиҳачиларга, ишчи-

муҳандисларга, чет эллик мутахассисларга, барча иштирокчиларга ўз номидан, халқимиз номидан чуқур миннатдорчилик билдираман.

Ҳурматли дўстлар!

Мамлакатимизда яратилаётган янги тарих, янги тараққиёт даврининг, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг амалий ифодаси бўлмиш мана шу бетакрор мажмуада биринчи бўлиб она тилимизга — давлат тилига бағишланган тантанали маросимни ўтказаётганимиз бежиз эмас.

Бугун ушбу муҳташам мажмуага дастлабки азиз меҳмонлар сифатида ташриф буюрган сиз, қадрли юртдошларимизни, муҳтарам фахрийларимизни, она тилимизнинг жонкуяри бўлган зиёлиларимизни, депутат ва сенаторларимиз, фаол ёшларимизни, дипломатик корпус вакиллари чин қалбимдан табриклаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Бу муаззам кошона барчамизга, бутун халқимизга муборак бўлсин! Хуш келибсиз, азиз дўстлар!

Қадрли ватандошлар!

Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятдир.

Кимда-ким ўзбек тилининг бор латофатини, жозибаси ва таъсир кучини, чексиз имкониятларини ҳис қилмоқчи бўлса, мунис оналаримизнинг аллаларини, минг йиллик дostonларимизни, ўлмас мақомларимизни эшитсин, бахши ва ҳофизларимизнинг сеҳрли кўшиқларига қулоқ тутсин.

Туркий тилларнинг катта оиласига мансуб бўлган ўзбек тилининг тарихи халқимизнинг кўп асрлик кечмиши, унинг орзу-интилишлари, дарду армонлари, зафарлари ва ғалабалари билан чамбарчас боғлиқдир.

Аждодларимиз, ота-боболаримиз айнан она тилимиз орқали жаҳонга ўз сўзини айтиб келганлар. Шу тилда буюк

маданият намуналарини, улкан илмий кашфиётлар, бадий дурдоналар яратганлар.

Ўтмишда ўлкамизни босиб олган турли ёвуз кучлар бизни аввало ўз тилимиздан, тарихимиз ва маданиятимиздан, дину диёнатимиздан жудо қилишга қайта-қайта уриндилар. Улар эл-юртимиз бошига қандай азоб-укубатлар, кулфат ва мусибатлар солгани тарихдан яхши маълум.

Аммо жасур ва матонатли халқимиз ҳар қандай оғир синовларда ҳам ўз озодлиги ва истиклоли учун мардона курашди. Бу йўлда беҳисоб қурбонлар берди. Ҳар қандай зулм ва зўравонликларга қарамасдан, ўз она тилини – миллий ғурурини сақлаб қолди. Нафақат сақлаб қолди, балки уни ҳар томонлама ривожлантириб, бугунги авлодларга безавол етказиб берди.

Бу борада маънавий жасорат ва фидойилик кўрсатган буюк арбобларимиз, адиб ва олимларимиз, уламоларимиз, улуғ санъаткорларимизнинг хотирасини бугун ҳурмат ва эҳтиром билан ёд этамиз.

Ушбу қутлуғ айёмни байрам қилар эканмиз, аввало, 1989 йил 21 октябрь санасини – «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинган кунни эслашимиз ўринлидир.

Юртимизда мустабид тузум ҳали ўз ҳукмини ўтказиб турган ғоят оғир шароитда халқимизнинг тақдири ва кела-жагини ҳал қиладиган бу қонунни қабул қилиш биз учун осон кечмаган эди.

Қонун лойиҳаси икки марта умумхалқ муҳокамасига қўйилган эди. Унинг атрофида қандай қизғин баҳс ва тортишувлар бўлиб ўтганини, ўйлайманки, кўпчилик юртдошларимиз жуда яхши эслайди. Шахсан мен ҳам ўшанда бу тарихий жараёнларнинг бевосита гувоҳи ва иштирокчиси бўлганман.

Бу муҳим ҳужжатнинг қабул қилинишида фидойи ва ватанпарвар зиёлиларимиз, кенг жамоатчиликнинг қатъий

шижоати ҳамда Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг сиёсий иродаси катта ўрин тутди.

Ўзбек тили давлат тили сифатида халқимизни бирлаштирадиган, жамиятимизни улуғ мақсадлар сари сафарбар этадиган қудратли куч бўлиб майдонга чиқди. Айни вақтда у Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги сари қўйилган биринчи дадил қадам эди.

Бу конун халқимизнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш йўлидаги азму қарорининг ёрқин намоёни бўлди. Орадан икки йил ўтиб, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги айнан она тилимизда жаҳонга эълон қилинди.

Мамлакатимизнинг Асосий қонуни – Конституциямизнинг ўзбек тилида яратилиши унинг нуфузини янада юксалтирди.

Юртимиз бўйлаб ва халқаро майдонларда она тилимизда янграётган Давлат мадҳияси ҳам қалбларимизда Ватан туйғусини жўш урдиради.

Ўзбек тили ўтган йиллар давомида мамлакатимиздаги юздан ортиқ миллат ва элат вакиллариини ўзаро боғлайдиган меҳр-оқибат тилига айланди.

Бундан беш аср муқаддам ҳазрат Алишер Навоий:

**Турк назмида чу мен тортиб алам,
Айладим ул мамлакатни якқалам, –**

деб ёзган эди. Яъни, ул зот она тили байроғини баланд кўтариб, бутун эл-улусни, юртларни шу байроқ остида бирлаштирдим, деб ифтихор қилган.

Барчамизга яхши аёнки, она тили – миллат маънавиятининг мустаҳкам пойдеворидир. Улуғ маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, «**ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойинаи ҳаёти – бу унинг миллий тили ва адабиётидир**».

Шу маънода, дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашни мақсад қилиб қўйган ҳар қайси давлат аввало ўз халкининг миллий тили ва маданиятини асраб-авайлашга, ривожлантиришга интилади.

Мустақиллик йилларида она тилимизни том маънода давлат тилига айлантириш йўлида катта чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу ўринда бир фикрга эътиборингизни қаратмоқчиман. Ҳозирги кунда Ер юзида 7 мингдан зиёд тил мавжуд бўлса, уларнинг фақат 200 га яқини давлат тили ёки расмий тил мақомига эга. Шу нуқтаи назардан қараганда, ўзбек тилига давлат тили мақомини ҳукукий жиҳатдан муҳрлаб берган мазкур қонуннинг халқимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Бу тарихий воқеадан сўнг лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш ҳақида яна бир муҳим қонун қабул қилинди.

Ҳурматли ватандошлар!

Бугун жонажон Ўзбекистонимиз «**Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари**» деган устувор ғоя асосида ўз тараққиётининг янги босқичига дадил қадам қўймоқда. Барча соҳалар билан бирга давлат тилининг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича кенг қўламли ишлар қилинмоқда.

Ҳозирги кунда ўзбек тили давлат тили сифатида сиёсий-ҳукукий, иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётимизда фаол қўлланмоқда, халқаро минбарлардан баралла янграмоқда.

Давлатимиз томонидан маънавий ҳаётимизни янада ривожлантириш, жумладан, таълим-тарбия ишларини замон талаблари асосида ташкил этиш, маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини такомиллаштириш, китобхонлик маданиятини

ошириш бўйича қабул қилинган ўнлаб фармон ва қарорлар ўзбек тили равнақиға бевосита хизмат қилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, кейинги йилларда она тилимизда фаолият юритадиган юзлаб боғчалар, мактаблар, олий ўқув юртлари, янги газета ва журналлар, теле-радио каналлар, нашриётлар, маданий-маърифий муассасалар, кутубхоналар ташкил этилаётганини қайд этиш лозим.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг фаолияти йўлга қўйилди. Бу ерда фольклоршунослик, диалектология, туркология, матншунослик каби йўналишлар очилди.

Бу борада янги ўқув дастурлари яратилаётгани, дарслик ва қўлланмалар, рисола ва монографиялар нашр этилаётгани, илмий анжуманлар, оммавий ахборот воситаларида ўзбек тилининг бугуни ва истикболи ҳақида амалий таклиф ва ташаббуслар билдирилаётгани ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Хабарингиз бор, азим пойтахтимиз марказидаги Миллий боғ ҳудудида Адиблар хиёбони бунёд қилинмоқда. Бу гўзал масканда барпо этилаётган ёдгорлик мажмуалари адабиётимизнинг буюк намояндалари, ўзбек тилининг чинакам жонкуярлари хотирасига бағишлангани айниқса эътиборлидир.

Она тилимиз ва миллий адабиётимизни улуғлаш, унинг бой хазинаси, таровати ва нафосатини ёш авлодимизга етказиш мақсадида юртимизда атоқли шоир ва адибларимиз номларидаги ижод мактабларини ташкил этдик. Муҳаммад Ризо Огаҳий, Исҳоқхон Ибрat, Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ибройим Юсупов, Ҳалима Худойбердиева, Муҳаммад Юсуф номидаги ижод мактабларида энг аввало ўзбек тили ва адабиётини, бадиий ижод сирларини чуқур ўрганиш учун барча шароитлар яратилмоқда.

Ҳозирги вақтда ўзбек тилида сўзлашувчилар сони жаҳон миқёсида 50 миллион кишига яқинлашиб қолди. Бу она тилимизнинг дунёдаги йирик тиллардан бирига айланиб бораётганидан далолат беради.

Бугунги кунда халқаро майдонда обрў-эътибори тобора юксалиб бораётган Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этишда она тилимиз ҳам катта ҳисса қўшмоқда.

Ўзбек тили Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Германия, Франция, Швеция, Россия, Украина, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Туркия, Афғонистон, Озарбайжон, Тожикистон, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон каби давлатларнинг 60 га яқин университети ва 100 дан зиёд мактабида ўрганилмоқда. Ўзбек тили ва адабиёти бўйича илмий изланишлар олиб бораётган чет эллик олим ва тадқиқотчилар сони йил сайин кўпаймоқда.

Шу борада мамлакатимизнинг хориждаги элчихоналари ва дипломатик ваколатхоналари қошида «Ўзбек тилининг дўстлари» клублари ташкил этилаётганини биз ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги кувончимизга шерик бўлаётган чет давлатларнинг мухтарам элчиларига, халқаро ташкилотлар вакилларига уларнинг юртларида ўзбек тилига кўрсатилаётган ҳурмат ва эътибор учун ташаккур изҳор этаман. Айниқса, Ўзбекистондаги хизмат фаолияти давомида ўзбек тилини ўрганиб, фаол мулоқот қилаётган хорижий дипломатларга алоҳида миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Сизларга яхши маълум, яқинда Ўзбекистон Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлди. Бу, ўз навбатида, нафақат ўзаро иқтисодий ҳамкорликни кучайтиришга, балки туркий тиллар, жумладан, ўзбек тилининг халқаро мақомини юксалтиришга хизмат қилади.

Кенгаш саммитида билдирган ташаббусларимиз, хусусан, қардош халқлар адабиётининг энг сара намуналари

мужассам бўлган юз жилдлик «Туркий адабиёт хазинаси» китоблар туркумини аъзо давлатларнинг она тилларида наشر этиш таклифимиз ижобий қабул қилинди.

Азиз дўстлар!

Давлат тилини ривожлантиришга қаратилган ишларимизнинг мантикий давоми сифатида бугун мамлакатимизда яна бир муҳим қадам қўйдик. Мен бугун «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекдим. Унга биноан «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинган куннинг улкан тарихий ўрни ва аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, 21 октябрь санаси юртимизда «Ўзбек тили байрами куни» деб белгиланди.

Ўйлайманки, ўзбек тили байрамининг мамлакатимиз ва халқаро миқёсда кенг нишонланиши халқимизнинг миллий руҳи ва ғурурини юксалтириш билан бирга, давлат тилини ҳаётимизда тўлақонли жорий этишга хизмат қилади.

Ушбу фармонда она тилимизнинг келгуси тараққиётига оид кўплаб масалалар каторида **Вазирлар Маҳкамасида Давлат тилини ривожлантириш бўйича алоҳида тузилма** ташкил этилганини ҳам сизларга маълум қилмоқчиман.

Бу тузилма давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини, соҳага оид муаммоларни таҳлил этиб, бу борада ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди.

Айни пайтда дунёда илм-фан ва технологиялар шиддат билан ривожланиб, мамлакатимизнинг халқаро ҳамкорлик алоқалари тобора кенгаймоқда. Натижада ҳаётимизга четдан кўплаб янги тушунча, сўз ва иборалар кириб келмоқда.

Глобаллашув шароитида миллий тилимизнинг софлигини сақлаш, унинг луғат бойлигини ошириш, турли соҳаларда замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилини яратиш,

уларнинг бир хил қўлланишини таъминлаш долзарб вазифа бўлиб турибди.

Тўғриси айтиш керак, бу масалада ҳам оқсоқлигимиз бор эди. Шу муносабат билан фармонда янги сўз ва атамаларни расмий истеъмолга киритиш борасидаги ишларни тартибга соладиган **Атамалар комиссияси**ни тузиш масаласини ҳам назарда тутдик.

Она тилимиз – миллий маънавиятимизнинг битмас-туганмас булоғидир. Шундай экан, унга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки мукаддас инсоний бурчимиздир.

Давлат тилига бўлган доимий эътибор ва ғамхўрлик мамлакатимизда бундан буён ҳам изчил давом эттирилади.

Қадрли юртдошлар!

Маълумки, Ватанимиз неча юз йиллар мобайнида буюк цивилизация ва маданият марказларидан бири бўлган. Қадимдан диёримизда халқимиз билан бирга турли миллат вакиллари елкадош, аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб, тинч ва осойишта муҳитда яшаб келадилар.

Ўз тилини ҳурмат қилган маърифатли эл бошқаларнинг она тилига ҳам чуқур ҳурмат билан қарайди. Ўзбекистондаги бағрикенглик сиёсати туфайли, ҳозирда юртимизда ягона оила бўлиб яшаётган 130 дан зиёд миллат ва элат вакилларига ўз она тили, урф-одат ва қадриятларини ривожлантириши учун ҳамма шарт-шароитлар яратилмоқда. Тошкент шаҳри ва жойларда фаолият кўрсатаётган 140 га яқин миллий маданий марказ айна шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда таълим-тарбия муассасалари ва оммавий ахборот воситалари ўзбек тили билан бирга қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида фаолият олиб бораётгани халқаро жамоатчилик томонидан ижобий ходиса сифатида эътироф этилмоқда.

Доно халқимиз «Тил билган – эл билади», дейди. Бу борада буюк боболаримиз ибрат ва намуна кўрсатганлар. Хусусан, Мусо Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Маҳмуд Замахшарий, Алишер Навоий каби улуғ аждодларимиз ўнлаб тилларни пухта билганлари учун ҳам жаҳон илм-фанининг юксак чўққиларини забт этганлар.

Бугунги кунда юртимиздаги таълим масканларида инглиз, рус, немис, француз, испан, итальян, араб, форс, турк, хитой, япон, корейс, ҳинд ва урду тиллари чуқур ўқитилаётгани бу анъаналар давом этаётганининг ёрқин ифодасидир.

Биз ёшларимизнинг жаҳон тилларини эгаллашга бўлган улкан қизиқиш ва интилишларини ҳар доим қўллаб-қувватлаймиз.

Мен бугун азиз болаларимизга мурожаат қилиб, улуғ аллома, XX аср бошида олти тилли – ўзбек, араб, форс, ҳинд, турк ва рус тилларида луғат тузган Исҳоқхон Ибратнинг мана бу ҳикматли сўзларини эслатмоқчиман: «Бизнинг ёшлар албатта бошқа тилни билиш учун саъй-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиё қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат – бу ватаний ишдир».

Ўйлайманки, бу сўзларга ортиқча изоҳнинг ҳожати йўқ.

Ҳурматли анжуман қатнашчилари!

Она тилимизнинг давлат ва жамият ҳаётидаги таъсири ва мавқеини янада ошириш бўйича олдимизда ўта муҳим ва долзарб вазифалар турибди.

Аввало, бундан ўттиз йил муқаддам қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги қонунни бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб, такомиллаштириш зарурати сезилмоқда.

Яна бир муҳим вазифа фундаментал тадқиқотлар, замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, саноат, банк-молия тизими, юриспруденция, дипломатия, ҳарбий иш, тиббиёт ва бошқа тармоқларда давлат тилини тўлақонли қўллаш билан боғлиқ.

Ўзбек тилининг қўлланиш доирасини кенгайтириш, мамлакатимизда яшаётган турли миллатларга мансуб ватандошларимизнинг давлат тилини ўрганишлари учун тегишли шароит яратиб бериш, юртимизда ва хорижда ўзбек тилини ўргатадиган ўқув марказларини кўпайтириш зарур.

Шу мақсадда янги дарсликлар, қиёсий ва турли соҳаларга оид луғатлар, иш юритиш ва сўзлашув қўлланмалари нашр этиш, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини такомиллаштириш, бу тизимга тўлиқ ўтиш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Шунингдек, ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари, шевалари, тарихий тараққиёти, унинг истикболи билан боғлиқ илмий тадқиқотлар самарасини ошириш, кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилашга эришмоғимиз зарур. Бу ишлар учун молиявий ресурслар ва маблағларни асло аямаслигимиз керак.

Ўзининг бебаҳо асарлари билан она тилимизнинг қадрини ва қаддини тиклаган буюк мутафаккир аждодимиз Алишер Навоий ҳаёти ва ижодининг мукамал энциклопедиясини яратиш ҳам олдимизда турган долзарб вазифалардан биридир.

Айни пайтда аҳоли, айниқса, ёшларимиз турли маълумотларни асосан Интернет ва ижтимоий тармоқлардан олмоқда. Бинобарин, она тилимизни жозибали ва қизиқарли тарзда тақдим этиш, бунинг учун ўзбек тилининг компьютер дастурларини, онлайн дарсликлар, электрон луғатларни яратиш керак. Интернет имкониятларидан тўлиқ фойдаланиб, ўзбек тилини кенг тарғиб этиш бўйича ишларимизни кучайтиришимиз лозим.

Давлат тили масаласи миллий ғоямизнинг асосий тамойилларидан бири бўлиши зарур. Ёш авлод қалбига она тилимизни болаликдан сингдириш мақсадида таълимнинг барча босқичларида ўзбек тилини замонавий ва инновацион технологиялар асосида мукаммал ўргатишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Токи, болаларимиз ўзбек тилида равон ўқийдиган, равон ёзадиган ва теран фикрлайдиган инсонлар бўлиб етишсин.

Жамиятимизда тил билан боғлиқ энг кўп муҳокама қилинаётган, ҳақли эътирозларга сабаб бўлаётган мавзу – бу жой номларини белгилаш масаласи, десак, хато бўлмайди.

Афсуски, жамоат жойларида, кўчаларда, бинолар пештоқида топонимик белгилар, турли лавҳа ва рекламалар кўпинча хорижий тилларда, маънавиятимизга ёт мазмун ва шаклларда акс эттирилмоқда. Бу давлат тили талабларига, миллий маданият ва қадриятларимизга беписандликдан, умумий саводхонлик даражаси эса тушиб кетаётганидан далолат беради.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси Атамалар комиссияси билан биргаликда ушбу масалаларни кенг жамоатчилик иштирокида жиддий ўрганиб чиқиши ва тартибга солиши зарур. Чунки ижтимоий объектларга ном бериш – бу шунчаки шахсий ёки хусусий иш эмас. Бу – барчамизнинг ватанпарварлик ва маънавий савиямизни яққол кўрсатадиган ўзига хос мезондир. Буни ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги керак.

Биз халқимизнинг тақдири, эртанги куни ҳақида ўйлар эканмиз, энг аввало, миллатимизнинг асл фазилатларини, гўзал урф-одатларимиз, бетакрор санъатимиз ва адабиётимизни, она тилимизни кўз қорачиғидай сақлашимиз зарур.

Мухтасар айтганда, ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат

тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат, деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қондасига айлантиришимиз лозим.

Бу олижаноб ҳаракатни барчамиз ўзимиздан, ўз оиламиз ва жамоамиздан бошлашимиз, она тилимизга, урф-одат ва қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга меҳримизни амалий фаолиятда намоён этишимиз керак.

Мухтарам ватандошлар!

Сизларни ва бутун халқимизни ўзбек тили байрами билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилаларингизга файзу барака, бахту саодат тилайман.

Ўзбек тили — она тилимизнинг нуфузи, обрў-эътибори янада зиёда бўлсин!

Шундай бебаҳо бойлик соҳиби бўлган, уни ҳамиша асраб-авайлаб келаётган азиз халқимиз омон бўлсин!

Эътиборингиз учун раҳмат.

*Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг
ўттиз йиллигига бағишланган тантанали
маросимдаги нутқ*

2019 йил 21 октябрь

ЯНГИ ФИКР, ЯНГИ ҒОЯГА, ИННОВАЦИЯГА ТАЯНГАН ДАВЛАТГИНА ЮКСАК ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШАДИ

Ассалому алайкум, ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!

Қадрли ёшлар!

Бугун сизлар билан улуғ аллома бобомиз Муҳаммад Хоразмий номидаги ихтисослашган мухташам мактабда кўришиб турганимдан жуда бахтиёрман.

Учрашувимиз айнан ушбу билим даргоҳида ўтаётганида ўзига хос рамзий маъно бор.

Аҳамият берган бўлсангиз, бу гўзал бинога қадам қўйиши билан ҳар бир инсон ўзида табиий бир жўшқинликни сезади.

Мен ёшлар билан бўладиган ҳар қандай учрашув ва жонли мулоқотлардан чексиз куч-қувват ва кўтаринки руҳ оламан.

Ёдингизда бўлса, сизлар билан тез-тез учрашиб, қилаётган ишларимиз ҳақида, келгуси режаларимиз ҳақида атрофлича маслаҳатлашиб туришга келишган эдик. Тўғриси, бундай самимий ва очик суҳбатларга кўп раҳбарлар одатда вақт топа олмайди. Аммо ёшларнинг дилидаги мақсад ва ниятларидан хабардор бўлиш, уларни катта-катта ишларга сафарбар этиш учун ана шундай учрашувлар жуда зарур.

Бизнинг бош мақсадимиз – янги Ўзбекистонни барпо этишдан иборат. Аммо уни ёшларсиз қуриб бўлмаслигини ҳам яхши тушунамиз. Ўсиб келаётган ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни эл-юртимизнинг фидойи фарзандлари этиб тарбиялаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Биз ўтган уч йилда ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш бўйича 43 та қонун ва бошқа

меъёрий ҳужжатларни қабул қилдик. 70 га яқин норматив-ҳукукий ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ушбу йўналишдаги ваколатли идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаши тузилди.

Ёшларнинг янги ташкилоти — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилиб, юртимизда 30 июнь — Ёшлар куни деб эълон қилинди.

Бугунги кунда Иттифокнинг 23 мингдан зиёд бошланғич ташкилоти мавжуд бўлиб, 7 миллион 690 минг нафар ёшларни бирлаштириб келмоқда.

Фаол, истеъдодли ва изланувчан ёшларнинг 8 нафари жойларда ҳоким ўринбосари этиб тайинланди. 700 га яқин йигит-қизларимиз Иттифок тизимида юқори лавозимларга кўтарилди.

Давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида жонбозлик кўрсатиб, мамлакатимизнинг халқаро обрў-эътиборини юксалтиришга ҳисса қўшаётган 84 нафар йигит-қиз «Мард ўғлон» давлат мукофоти ва «Келажак бунёдкори» медали билан тақдирланди.

Ишонса арзийдиган, суянса тоғ бўладиган, жаҳон айвонида мағрур турадиган ёшлар бизга қандай катта куч ва қудрат бағишлашини бир тасаввур этинг!

Биз «Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари!» деган улуғвор ғоя йўлидан ишонч билан олға боряпмиз. Лекин барча ёшларимизни ҳам ана шу эзгу ғоя атрофида бирлаштира олаяпмизми, деган ҳақли савол туғилади.

Афсуски, ҳозирча бунга ижобий жавоб беришимиз жуда қийин, деб ўйлайман.

Барчамизга маълум, инсон ўз тақдирини ўз қўли, меҳнати ва қобилияти, тинимсиз саъй-ҳаракати ва сабр-тоқати билан яратади. Шу маънода, бугунги ёшларимиз даврдан ортида қолмаслиги, доимо замондан бир қадам илгари қадам ташлаши керак.

Яқинда бўлиб ўтган парламент ва маҳаллий кенгашларга ўтказилган сайловларда ёшларимиз фаол иштирок этганини алоҳида таъкидлашни истар эдим.

Сайловчиларнинг 56 фоизини ёшлар ташкил қилган бўлса, уларнинг 2 миллиондан ортиғи биринчи марта овоз бериш жараёнларида қатнашди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига 9 нафар ёшлар сайланган бўлса, маҳаллий кенгашларда ғалаба қозonganларнинг қарийб 10 фоизини ёшлар ташкил этгани жуда катта ютуқдир. Шундай эмасми?

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Бугун барча соҳаларда билимли, сиёсий ва ижтимоий фаол, халқ манфаатини ўз шахсий манфаатидан устун қўядиган, ҳалол ва жонкуяр, ёш раҳбарларга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда.

Биз дунёқараши кенг, креатив фикрлайдиган, муаммоли вазиятларда тўғри қарорлар қабул қила оладиган ёшларни масъулиятли вазифаларга тайинлаяпмиз. Аммо мамлакатимизда ёш раҳбарларни саралайдиган, уларнинг лаёқатига мос лавозимларни таклиф этадиган самарали механизм мавжуд эмас. Раҳбарлик лавозимларига ҳар томонлама муносиб, ташаббускор, менга таянч ва суянч бўла оладиган ёшлардан **«Ватан ифтихорлари»** институтини жорий этсак, сизлар нима дейсизлар?

Бу институтнинг асосий вазифаси ислохотларимиз ва катта режаларимизни Ватанимиз ёшларига етказиш, жойлардаги муаммоларни олиб чиқиш ва уларни ҳал қилишдан иборат.

Сизларнинг орангизда «Мен Сизнинг ёнингизда туриб, камарбаста бўламан!» деб кўзи ёниб турган, жасоратли, ифтихор қилса арзийдиган йигит-қизлар борлигига ишонаман!

Етакчиликнинг, ўз ортидан эргаштиришнинг энг тўғри йўли – бу шахсий ўрнак ва намуна бўлишдир. Шу

нуктаи назардан «Ватан ифтихорлари» мамлакатимизнинг барча ёшларига ибрат бўлиб, ислохотларни амалга оширишда ҳақиқий жонбозлик кўрсатишига ишонаман.

Бугунги кунда глобал майдонда кечаётган таҳликали жараёнларга нисбатан фақат мустақил ва қатъий ёндашувга эга бўлган, маънавий ва жисмоний баркамол ёшларгина қарши тура олади.

Буюк маърифатпарвар бобомиз Фитрат «**Бу дунё кураш майдонидир. Соғлом тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқ бу майдон қуролидир**», деб айтганларида минг қарра ҳақ эдилар.

Интернет ва юқори технологиялар туфайли дунёда маданиятлар ва давлатлар ўртасидаги чегаралар йўқолиб бормоқда.

Ҳозир интернет тармоқларида 60 мингдан ортиқ бузғунчилик, зўравонлик ва ахлоқсизликни, «оммавий маданият»ни тарғиб этадиган сайтлар фаолият кўрсатмоқда. Ана шундай кескин ва мураккаб ахборот хуружлари ва хавф-хатарларга биз қандай қарши тура оламиз? Ёшларга интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали қандай маънавий ва рухий озуқа бераймиз?

Афсуски, ҳеч биримиз бунга ижобий жавоб бера олмаймиз.

Ёшларда ёт ғояларга нисбатан маънавий иммунитет шаклланмас экан, «бу – яхши, бу – ёмон» деган қатъий фикр пайдо бўлмас экан, мафкуравий хатарларга қарши туриш қийин бўлади.

Мени жиддий ўйлантирадиган яна бир муҳим масала бор. Бу – ёшларимизнинг ҳуқ-атвори, юриш-туриши, уларнинг тарбияси билан бевосита боғлиқдир.

Халқимизда «**Яхши бола юрт тузар, ёмони элни бузар**» деган маъноли гап бор. Бугунги шиддатли ўзгаришларни ҳаммадан кўпроқ ҳис этадиган фарзандларимиз замон талабларига уйғун бўлиш билан бирга, ўзлигини, миллий қадриятларини ҳам ҳеч қачон унутмаслиги керак.

Биз нима учун буюк аجدодларимизнинг бой тарихи ва маданиятини ўрганиш, қутлуғ қадамжоларини обод қилиш ишларига катта эътибор қаратяпмиз?

Нима учун Имом Бухорий ва Имом Термизий халқаро тадқиқот марказларини очдик? Нима сабабдан Ислом цивилизацияси марказини ташкил этдик?

Булардан кўзланган асосий мақсадимиз шуки, ёшларимиз қандай улуғ зотларнинг авлоди эканини ҳар қадамда чуқур хис этсин ва фахрлансин, доимо уларга муносиб бўлсин.

Албатта, тарбия ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун чуқур билим, тинимсиз изланиш ва машаққатли меҳнат керак.

Бугунги тарбия бу – инновация, янгича онг, янгича тафаккур ва амалий ҳаракат, демакдир.

Ёшлар тарбиясини тўғри ва илмий асосда йўлга қўймасдан туриб, хотиржам бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Чунки, бу масала биз учун ҳаёт-мамонт масаласидир. Буни чуқур англаган ҳолда янги ўқув йилидан бошлаб, барча мактабларда алоҳида тарбия дарслари киритилмоқда.

Бугун қалбимизга оғриқ соладиган, менга ҳеч тинчлик бермайдиган яна бир муаммо ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Ёш оилалар ўртасидаги ажралишлар масаласи кун сайин долзарб тус олмоқда. Бу нохуш ҳолат асрлар давомида қарор топган миллий кадриятларимизга, юксак маънавиятимизга сира тўғри келмайди.

Мисол учун, 2019 йилнинг 11 ойи давомида мамлакатимизда 277 минг 420 та никоҳ қайд этилган. Бироқ 28 минг 755 та оила, асосан ёшлар ўртасида ажралишлар юз бергани жуда ачинарлидир.

Булар шунчаки оддий кўрсаткичлар эмас. Ҳар бир рақам ортида канчадан-қанча оилалар фожиаси, ота-оналар изтироби, тирик етим бўлиб қолаётган фарзандлар тақдири ётибди.

«Оила – муқаддас» деган эзгу ғоя йўқолиб, азалий кадриятларимиз завола топиб борар экан, бу каби кўнгилсиз ҳолатларни камайтириб бўлмайди.

Ёшларнинг бунга қарши ўз сўзи ва позицияси, мустаҳкам овози бўлиши керак. Ўзларининг тизимли ва асосланган фикр-мулоҳазаси билан бу муаммонинг олдини олишлари лозим.

Хўш, биз бу ҳолатга қарши қандай аниқ чоралар кўряпмиз?

Хотин-қизлар қўмитаси, «Оила» илмий маркази, «Маҳалла» кенгаши, «Нуроний» ташкилоти ва Ёшлар иттифоқи оилавий қўйди-чиқдиларни камайтириш учун қандай самарали чоралар қўллаяпти?

Бу ташкилотлар ўртасида амалий ҳамкорлик механизми ва умумий натижадорлик борми ўзи? Маҳалла раислари ва хотин-қизлар қўлида бу масала бўйича бирор илмий асосланган қўлланма ёки тавсия мавжудми, деган савол туғилади.

Юртимизнинг чекка қишлоқларида ёшларни, айниқса, қизларимизни қийнаётган муаммолар ечими борасидаги бирор жўяли ташаббус кўзга ташланмаяпти.

Шу маънода, мен намунали ёш оилаларни, у шаҳарда яшайдими ёки узоқ қишлоқда яшайдими, бутун халқимизга ўрнак қилиб кўрсатишга қаратилган «Йилнинг намунали ёш оиласи» республика танловини 2020 йилдан бошлаб мунтазам ўтказишни таклиф қиламан. Сизлар нима дейсизлар?!

Бу ишларда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан бирга Хотин-қизлар қўмитаси, «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази ҳамда ҳокимликлар фаол иштирок этиши зарур.

Шунингдек, ёш оилалар ўртасида ажралишларнинг олдини олиш мақсадида Хотин-қизлар қўмитаси, «Оила» маркази, Республика маҳаллалар кенгаши, «Нуроний» фахрийларидан иборат «Фахрийлар ибрати» маслаҳат кенгаши фаолиятини самарали йўлга қўйишни таклиф этаман. Бу кенгаш маҳалла-

лардаги яраштириш комиссиялари ҳал қила олмаётган муаммони судга чиқаришдан олдин янги таъсирчан бўгин бўлиб хизмат қилади.

Кенгаш таркибига кирадиган етакчи мутахассислар, кўп-ни кўрган, нуроний отахон ва онахонларимиз, олижаноб инсонлар ўз тажрибасини қўллаб, оилавий ажралишларга қарши мурасасиз курашишлари керак.

Ҳурматли учрашув катнашчилари!

Маълумки, ўзбек тили жаҳондаги энг бой ва қадимий тиллардан бири ҳисобланади. Она тилимизнинг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрнини ошириш мақсадида шу йил 21 октябрда алоҳида Фармон қабул қилинди. Она тилимизга давлат тили мақоми берилган кун – 21 октябрь санаси «Ўзбек тили байрами кун» деб эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Давлат тилини ривожлантириш департаменти ва Атамалар комиссияси ташкил этилди.

Бу ишларнинг барчаси тилимизга эътиборни кучайтириш, ёшларимизни миллий анъаналарга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган.

Бу борада ёшларимизда нутқ маданияти ва нотиклик маҳоратини ошириш учун Республика ёш бадий сўз усталари танловини ўтказиш бутунги давр талабидир.

Ўқувчиларнинг маънавий ва маърифий саводхонлигини ҳамда ўз фикрини эркин ва равон ифодалаш қобилиятини кучайтириш мақсадида иншолар танловини ўтказиш керак.

Шунингдек, мамлакатимизда ўзбек тили изоҳли луғатининг мукамал электрон базаси ҳалигача яратилмаган. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Фанлар академияси мазкур масалага доир аниқ таклифларни ишлаб чиқиши лозим.

Қадрли ёшлар!

Кейинги йилларда ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳолатларининг олдини олиш борасида салмоқли ишлар қилинди. Ёшлар иттифоқи ҳудудий кенгашларининг қафолат хатига асосан судларда биринчи марта жазо турини енгиллаштиришга қаратилган янги механизм жорий этилди.

Сўнгги икки йилда адашиб, хато йўлга кирган, қилмишига чин дилдан пушаймон бўлган 620 нафар ёшга озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турлари тайинланди.

Бу жамиятимизда кечиримлилиқ, меҳр-оқибат ва ўзаро ишонч муҳитини кучайтириш йўлида улкан қадам бўлди.

Ҳафтанинг бир куни «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни» этиб белгиланди. Лекин шунча қилинаётган ишларга қарамасдан, афсуски, ёшларнинг жиноятга қўл уриши камаймаяпти. Жорий йил 1 декабрга қадар жиноят содир этган 33 мингдан зиёд шахснинг 11 минг 500 нафари ёки 34,6 фоизини ёшлар ташкил этгани айниқса ташвишлидир.

Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Ёшлар иттифоқи тегишли вазирлик, идора ва ҳокимликлар билан биргаликда қуйидаги устувор масалаларга эътибор қаратиши лозим.

Икки йил муқаддам ҳудудий ички ишлар органларида ёшлар масалалари бўйича бошлиқ ўринбосарлари лавозимлари жорий этилган эди. Бироқ биз кутган натижалар ҳозирча бўлаётгани йўқ.

Минг афсуски, жойларда ушбу тузилмалар, Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия (раиси – ҳокимлар), Ёшлар масалалари бўйича ҳоким ўринбосарлари, Ёшлар иттифоқи, Маҳалла кенгашлари ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари ўртасида яхлит бир ҳамжиҳатлик шаклланмаган.

Шу муносабат билан икки ой муддатда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш самарадор-

лигини ошириш, барча давлат органлари ва жамоатчилик вакиллари билан амалий ҳамкорликни кескин кучайтириш бўйича қарор лойиҳаси тайёрлансин.

Бундан ташқари, бир ой муддатда ёшлар орасида салбий иллатларнинг олдини олиш мақсадида ҳарбий спорт ва ватанпарварлик тарбиясининг ролини оширишга қаратилган «Соғлом болалик» йиллик дастури ишлаб чиқилсин ва тўлиқ амалга оширилсин.

Ҳурматли тадбир иштирокчилари!

Дунё шиддат билан ўзгариб, қарама-қаршилик ва зиддиятлар тобора кучайган бир пайтда ёшлар сиёсати соҳасидаги ишларимизни мазмунан қайта кўриб чиқишни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда.

Ана шу талабдан келиб чиқиб, биз беш муҳим ташаббусни илгари сурган эдик. Бу — ёшларни маданият, санъат ва спортга кенг жалб этиш, уларда замонавий ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш, хотин-қизлар бандлигини таъминлашдек кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни ўз ичига олади. Беш муҳим ташаббус дастлаб Тошкент вилоятининг Бўка тумани ва пойтахтимизнинг Учтепа туманида тажриба сифатида жорий этилди.

Бу ишларни халкимиз катта қувонч ва иштиёқ билан қарши олди. Уни миллий «**тараққиётнинг беш илдизи**», деб атамоқда. Ёшлар иттифоқи қошида «5 ташаббус лойиҳа офиси» фаолияти йўлга қўйилди. 42 та туман ва шаҳарларнинг 168 та олис ва оғир аҳволдаги маҳалла фуқаролар йиғинларида бу тажриба муваффақиятли амалга оширилди.

Ёшларни маданият ва санъатга жалб этиш йўналишида охирги йилларда эътиборимиздан четда қолаётган бахшичилик ва мақом мактаблари фаолиятини йўлга қўйдик. Ўтган йили Шаҳрисабзда Мақом, бу йил эса Термизда Бахши-

чилик, Қўқонда Ҳунармандчилик халқаро фестиваллари ўтказилди. Лекин унутилиб бораётган бой маданий меросимиз ва ўлмас санъатимизнинг бошқа турларига етарли эътибор бера олаяпмизми? Бу борада ёшларимизнинг қизиқиш ва интилишларини пухта ўрганияпмизми?

Шу ўринда мамлакатимизда цирк, балет, театр ва эстрада санъати соҳаларида Тошкенбоевлар, Зариповлар, Ҳамроевлар ва Зокировлар сулолалари ўзига хос мактаб яратганини алоҳида эътироф этишни истардим. Бу каби шарафли ва жаҳонга тараннум этса бўладиган санъатимиз ютуқларини албатта, ёшларимизга чуқур ўргатишимиз лозим.

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг балет, опера ва цирк санъатига бўлган катта қизиқишини ҳисобга олиб, бу соҳаларни жойларда янада ривожлантириш керак.

Спортни оммалаштириш йўналишида 2019–2023 йилларда жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. Олимпия ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари ғолиби бўлган 204 нафар спортчи туман ва шаҳарларга бириктирилди.

Соҳада бошлаган катта ишларимизни давом эттириш учун «Соғлом миллат – соғлом келажак» миллий стратегиясини ишлаб чиқиб, амалга оширишни таклиф қиламан.

Юқори технологиялар тараққиётимизнинг ажралмас қисмига айланмоқда. Тошкент шаҳрида ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларнинг биринчи Технологик парки ўз фаолиятини бошлади. Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати билан ҳамкорликда «Бир миллион ўзбек дастурчиси» лойиҳаси ишга туширилди.

Бироқ, ёшларни бу муҳим йўналишга кенг жалб этиш, уларга зарур кўникма ва билимларни етказиш борасидаги ишлардан кўнглимиз тўлаётгани йўқ. Шу боис Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш

вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда барча туман ва шаҳарларда биттадан Рақамли технологиялар ўқув марказларини ташкил этиши зарур.

Китобхонлик маданиятини тарғиб қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, «Маърифат карвони» тадбирлари доирасида ҳудудлардаги ёшларимизга 3 миллиондан ортиқ китоблар етказиб берилди ва бу ишлар давом этмоқда. «Ёш китобхон» республика танловининг саралаш босқичларида жорий йилда 1 миллион 200 мингдан ортиқ ёшлар фаол иштирок этди.

Ёшлар ўртасида китобхонликни тизимли ташкил этиш мақсадида Ёшлар иттифоқи Ёзувчилар уюшмаси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Республика маънавият ва маърифат маркази биргаликда 2020–2025 йиллар учун Китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастурини ишлаб чиқсин.

Ёш хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича ишлар барча ҳудудларда ҳам бирдек амалга оширилмаяпти.

Барча даражадаги раҳбарларимизнинг энг асосий вазифаси аёллар, айниқса, ёш қизларимизни ижтимоий ҳаётга кенг жалб этиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, замонавий касб-хунарларга ўргатишдан иборат бўлиши керак.

Афсуски, бешта ташаббусни амалга оширишда барча шаҳар ва туман ҳокимлари ҳам тизимли ишни ташкил этгани йўқ. Уларнинг иши самарадорлигини баҳолаш учун барча туман ва шаҳар ҳокимлари 2020 йил январь ойида қарорлар қабул қилиб, маҳаллий кенгашларда тасдиқлаб, унинг ижроси бўйича ҳар ойда Кенгаш олдида ҳисобот бериб бориши керак.

Бундан кейин ҳокимлар ва уларнинг ўринбосарлари ишига ана шу ташаббуслар ижросига қараб баҳо берилади.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Сўнги йилларда юртимизда мактабгача таълим тизими-ни ривожлантириш, умумий ўрта ва олий таълимни ислоҳ қилиш борасида сезиларли қадамлар ташланди. Хусусан, мактабгача таълим, ўрта таълим ва олий таълимни 2030 йил-гача ривожлантириш бўйича концепциялар тасдиқланди. Бундан ташқари, фарзандларимизни аниқ мақсад асосида тайёрлаб бориш, рақобатга қодир етук кадрларни тарбиялаш учун ихтисослашган мактаблар ташкил этмоқдамиз. 2019 йил-нинг ўзида Тошкент, Нукус, Наманган, Хива шаҳарларида Президент мактаблари, Қорақўл туманида Халқаро математика мактаби, Тошкент шаҳрида Мирзо Улуғбек номидаги Астро-номия, бугун йиғилишимиз ўтаётган Муҳаммад Хоразмий номидаги Ахборот-коммуникация технологиялари мактаблари-ни ташкил этдик.

«Ижод мактаби» ва «Темурбеклар мактаби» каби янги намунадаги таълим масканлари учун ҳам барча шароитларни яратиб беряпмиз.

Хабарингиз бор, мен яқинда Японияга расмий ташри-фим давомида жаҳонга машҳур Нагоя университетида ҳам бўлдим. Биргина шу университетнинг ўзида олти нафар олим Нобель мукофотини олгани таҳсинга сазовор.

Биз илғор япон тажрибасини ўзимизда кенг қўллаш учун Нагоя университети президенти Сеичи Мацуога Тошкент давлат техника университетининг фахрий ректори мақоми-ни бердик. Япониядаги элчихонамизда ташқи сиёсатимиз тарихида илк бор инновация ва таълим бўйича маслаҳатчи-вакил лавозимини жорий этдик.

Мен Японияда таълим олаётган навқирон йигит-қизлари-мизнинг кўзидаги ишонч, азму шижоатни кўриб, жуда хурсанд бўлдим.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича биз бошлаган улкан ишларни янги босқичга кўтаришда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган асосий куч айнан ёшларимиздир.

Сўнгги йилларда ёшларни илмий ва инновацион фаолиятга кенг жалб этиш, ёш олим ва тадбиркорларнинг инновацион фаолиятини рағбатлантиришга катта эътибор бермоқдамиз. Шу мақсадларда мутлақо янги тизим – Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Ёшлар академиясини ташкил этдик. Ёшларга олий таълим беришни кенгайтириш учун университет ва институтлар сонини 117 тага етказдик. Жумладан, етакчи хорижий олий таълим муассасаси филиаллари сони 21 тага етди.

Иктидорли ёшларни илм-фанга йўналтириш, нуфузли миллий ва халқаро олимпиадаларда юқори натижаларни таъминлаш учун мактаб фан олимпиадалари тизими такомиллаштирилди. 2018 йилда халқаро фан олимпиадаларида Ўзбекистон вакиллари 4 та медални қўлга киритган бўлса, 2019 йилда бу рақам 12 тага етди.

Халқимизнинг илмий салоҳияти ва илм-фан соҳасидаги тарихий анъаналарини инобатга оладиган бўлсак, ҳали олдимизда катта вазифалар турибди. Бу борада олимларимиз, мутасадди раҳбарлар, зиёлиларимиз бир ёқадан бош чиқариб фаолият олиб боришлари керак, деб ҳисоблайман.

Таъкидлаш ўринлики, ўтган йили мамлакатимизда буюк аллома Муҳаммад Хоразмий номидаги «Ёш математиклар халқаро олимпиадаси» муваффақиятли ўтказилган эди. Ушбу тажриба асосида Ўзбекистонда физика бўйича – Аҳмад Фарғоний, кимё фани бўйича – Абу Райҳон Беруний, биология бўйича – Абу Али ибн Сино, астрономия бўйича – Мирзо Улуғбек номларидаги халқаро фан олимпиадаларини ўтказишни таклиф этаман. Ушбу олимпиадаларни ўтказишдан асосий мақсад – бўлажак Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Фарғонийларни етиштиришдан иборат.

Хурматли дўстлар!

Ёшларни иш билан таъминлаш, тадбиркорликка ўргатиш, бунинг учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу борада, ёшларнинг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун «Ёшлар — келажагимиз», «Ҳар бир оила — тадбиркор», «Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш» давлат дастурлари доирасида катта ишлар қилинмоқда. Хусусан, йигит-қизларнинг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун кейинги икки йилда барча манбалар ҳисобидан қарийб 111 минг нафар ёшга 2 триллион 750 миллиард сўм кредитлар ажратилди.

Биргина «Ёшлар — келажагимиз» давлат дастури доирасида 847 миллиард сўм кредитлар илк бор тадбиркорлик билан шуғулланаётган ёшларнинг 3 минг 300 та лойиҳасини амалга ошириш учун йўналтирилди.

Шу билан бирга, «Беш ташаббус» доирасида қизларимизнинг касб кўникмаларини мустаҳкамлаш, ҳаётда муносиб ўрин эгаллаши, уларни доимий иш билан банд қилиш мақсадида жорий йил 75 та туманда 111 та тикув-трикотаж мажмуаси ташкил этилиб, 35 минг нафар ёшларимиз ишга жойлаштирилди. Бундан ташқари, ҳудудларда 18 та «Ёш тадбиркорлар» коворкинг марказлари ҳамда 112 та «Ёшлар меҳнат гузари» фойдаланишга топширилди. Шу билан бирга, ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги қошида Тошкент шаҳрида намунали «Ишга марҳамат» маркази фаолияти йўлга қўйилди.

Хабарингиз бор, ёшларни доимий банд қилиш, уларни иш билан таъминлаш дунёдаги барча давлатларда долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Республикамизда ҳам ҳар йили камида 600 мингдан зиёд битирувчилар меҳнат бозорига кириб келмоқда. Лекин уларнинг аксарияти иш излаб юргани бу борада амалга ошираётган ишларимиз ҳали етарли эмаслигидан далолатдир.

Шу ўринда, ҳақли савол туғилади: иш излаб хорижга кетган ёшларимизнинг тақдири ҳақида барча даражадаги раҳбарлар жиддий бош қотиряптими?

Афсуски, айрим жойларда мутасаддилар ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ўрнига, аксинча, уларга тўсик бўлмоқда, уларнинг ишига ҳалакит қилмоқда.

Бу соҳадаги ишларимизнинг самарасини ошириш мақсадида Тошкент шаҳрида ташкил этилган «Ишга марҳамат» марказини намуна сифатида қолган барча ҳудудларда ҳам барпо этиш чораларини кўришимиз керак. Бундан ташқари, бутун дунёда ёшлар орасида тобора оммалашиб бораётган тадбиркорлик фаолиятини инновацион тарзда йўлга қўйиш, янги ишланмаларни тижоратлаштириш, ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган «стартап» лойиҳалари салмоғини ошириш лозим.

Инновацион ривожланиш вазирлиги Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан 2020 йилда 20 та энг яхши «стартап» лойиҳасини жорий этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириши зарур.

Умуман олганда, бу каби замонавий тадбиркорлик лойиҳаларини оммалаштириш, бунинг учун тегишли шароитларни яратишимиз зарур. Шунинг учун илғор давлатлар тажрибаси асосида «Стартап тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, 2020 йилда ҳам ёшларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш мақсадида «Ёшлар – келажагимиз» давлат дастури доирасида қарийб 600 миллиард сўм миқдоридаги кредит ёшларнинг лойиҳа ташаббусларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилади. Шунингдек, 2020 йилда 24 минг нафар қизни доимий иш билан таъминлаш мақсадида туманларда қўшимча 80 та тикувчилик мажмуаси барпо этилади.

Янги ҳаётга кадам қўяётган ёшлар, шунингдек, ёш оилаларнинг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида қишлоқ ва шаҳарларда уй-жойлар қурилиши бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилда шаҳар ва қишлоқларда аҳолига, жумладан, ёш оилаларга 30 мингдан ортиқ намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиб, уларнинг қарийб 1 минг 900 таси алоҳида ўрناк кўрсатган фаол ёшларга берилган.

Келгуси йилда ҳам қишлоқ ва шаҳар жойларида 30 мингта уй-жой қуриб фойдаланишга топширилади. Шундан 658 таси мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида фаол қатнашиб, алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилалар учун ажратилади. Биринчи марта бундай уйларнинг 3462 таси хорижда меҳнат қилаётган фуқароларимиз учун барпо этилади.

Таъкидлаш керак, 2020 йилда уй-жойларнинг 17 минг 750 таси янги тизимга мувофиқ хусусий сектор томонидан қурилади. Бу эса ёшларни сифатли уй-жой билан таъминлаш, уй-жойларни эркин танлаш, бошланғич бадал тўловлари учун давлатдан компенсация олиш имкониятини янада кенгайтиради.

Бугунги йиғилишдаги асосий масалалардан яна бири ҳар бир вилоят, туман, шаҳар ҳокимларининг ва бошқа раҳбарларнинг ёшлар сиёсати масаласига эътиборини оширишдан иборат. Жумладан, жамиятда ёшларнинг роли ва обрўсини кўтариш, уларга қулай шароитлар яратиб бериш, ёшлар ташкилотлари орқали ёш авлод муаммолари ичига чуқурроқ кириш ва уларни ҳал этиш зарур.

Раҳбарлар келажагимиз бўлмиш ёшлар билан доимий мулоқотда бўлиб, уларни эшитиб, ташаббусларини қўллаб-қувватлашлари шарт ва зарур. Ҳар бир ҳоким – у туман ёки вилоят ҳокими бўладими, сектор раҳбарлари билан биргаликда ёшлар масаласини ўзи учун устувор вазифа қилиб

олмас экан, жойларда бу борадаги ишларимизнинг натижаси самарали бўлмайди.

Яхши биласизлар, ҳар бир ҳудудда Ёшлар бўйича кенгашларга ҳокимлар раислик қилмоқда. Аввало, «Ҳоким ва ёшлар» учрашувлари тажрибасини давом эттириб, ҳар ҳафтанинг бир кунини Ёшлар масалаларини ечиш кунини, ҳар 15 кунда икки кун фақат ёшлар билан ишлаш кунини этиб белгиланади. Ҳокимлар ва мутасадди раҳбарлар уларнинг муаммолари билан танишиб, ҳар ойда бир маротаба маҳаллий кенгашлар сессияларида уларни муҳокама қилиши, халқ вакилларига ҳисобот бериши керак.

Бир сўз билан айтганда, ёшлар сиёсати доимо эътиборимиз марказида бўлиши лозим. Кейинги – 2020 йил давомида бу ишларни пухта тажрибадан ўтказамиз. Ва йил якунига бориб раҳбарлар фаолиятига баҳо берамиз.

Шу ўринда бу ишларни янада самарали ташкил қилиш мақсадида жойларда Халқ қабулхоналари 4 та сектор раҳбари томонидан ёшлар бўйича амалга оширилаётган ишларни 100 фоиз назорат қилади ва мувофиқлаштириб боради. Ҳар бир сектор раҳбари камида 200 нафар ёшни йиғиб, учрашувлар ўтказиши, улар билан дилдан суҳбат куриши зарур. Ёшлар етакчиларини ўз канотида олиб юриб, уларнинг тажрибасини ошириши, мулоқотга ўргатиши керак.

Ўз ўрнида ёшларнинг бандлиги, уй-жой таъминоти, бўш вақтларини мазмунли ўтказиши, таълим олишга ва касб ўрганишга бўлган талабини доимо ўрганиб, ечим топиши керак. Ёшлар мурожаатларини қайд этиш ва таҳлилини юритиш масалаларига алоҳида эътибор бериб, аниқ чоралар кўриши шарт. Янги тизим асосидаги учрашув ва қабуллар аҳоли зич яшайдиган шаҳар марказларида, узоқ ва чегара ҳудудларида ўтказилиши айниқса самарали бўлади.

Хуллас, ёшлар масаласига ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, ишни ҳамжиҳатликда ташкил этиши лозим.

Сизлар билан ўтказилган аввалги учрашувларимизда ёшларни миллий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёш авлод орзу-ниятларига мос жиддий мавзуларни олиб чиқиш масаласини журналистлар эътиборига ташлаган эдик. Бу йўналишда бугунги кун қаҳрамони образини яратиш долзарб вазифа ҳисобланади. Бунда, энг аввало, ёш ижодкорларга имконият яратишимиз зарур.

Албатта, замондошлар «бренди» – бугунги қаҳрамон образи ким эканини ёшлар яхши билади.

«Ёшлар», «Менинг юртим» телеканаллари, «Ёшлар» радиоси, «Ёшлар овози», «Ёш куч», «Дугоналар» каби босма нашрлар, «Ёшлар нашриёт уйи» бирлашиб, барчаси ягона бир мақсадга хизмат қилиши керак. Бунинг учун ушбу ижодий ташкилотлар негизида «Ёшлар медиа холдинги»ни ташкил этиш таклифини билдираман. Бу ғояни сизлар ҳам қўллаб-қувватлайсизлар, деган умиддаман.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!

Хориждаги ёшлар билан тизимли ишлаш мақсадида Ёшлар иттифоқи қошида Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси тузилган эди. Ҳозиргача Германия, Россия, Туркия, Миср, Қозоғистон, Япония, Хитой, Беларусь, Бельгия ва Латвия давлатларида бу ташкилотнинг ваколатхоналари очилди.

Ўтган йили Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Марказий Осиё ёшлар форуми ташкил этилди. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Ёшлар кенгашига тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилиндик. 2020 йилда эса Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг Ёшлар ишлари бўйича кенгашига қўшилдимиз.

Аммо ёшлар сиёсати йўналишидаги ишларимизни ташкил этиш мақсадида бундан кейин бутунлай янгича ва самарали тизим йўлга қўйилиши керак бўлади.

Бош вазир – Ёшлар масалалари бўйича идоралараро кенгаш раиси ёшлар бандлигини таъминлаш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш ва таълим сифатини оширишга қаратилган ишларга масъул бўлади, қилинган ишлар бўйича ҳар чоракда ахборот киритиб боради.

Олий Мажлис Сенати Раиси бешта муҳим ташаббус бўйича чора-тадбирлар ижроси назоратини қатъий олиб бориши ва бу борадаги ишларни самарали мувофиқлаштириши лозим.

«Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» ғояси ҳаётий қоидамизга, айниқса, ёшларимизнинг кундалик ҳаёт тарзига айланмас экан, қутилган натижага эриша олмаймиз. Шу сабабли 5 та муҳим ташаббус ижроси Сенатнинг доимий диққат-эътиборида бўлиши мақсадга мувофиқдир. Сенат ўз йиғилишларида ҳудуд раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам эшитиб, муҳокама қилиб боришини тавсия этамиз.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикери ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жинойтчиликнинг олдини олиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш чора-тадбирларини амалга оширишга бош-қош бўлади, деб ишонамиз.

Шу ўринда юртимизда ёшлар сиёсатига тўғридан-тўғри масъул бўлган давлат органига эҳтиёж борлиги ва бундай идорани ташкил этишнинг вақти-соати келганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Германияда Оила, кексалар ва ёшлар масалалари вазирлиги, Францияда Ёшлар ва спорт вазирлиги, Туркияда Ёшлар ва спорт вазирлиги, Сингапурда Маданият, коммуникация

ва ёшлар вазирлиги, Россияда Федерал ёшлар агентлиги мазкур вазифани бажаради.

Шу муносабат билан бир ой муддатда ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибасидан келиб чиқиб, Ёшлар иттифоқи негизида Ёшлар ишлари агентлигини ташкил этиш, «Ёшлар – келажагимиз» жамғармаси самарадорлигини ошириш бўйича таклиф киритилсин.

Юқоридаги мулоҳазалардан кўриниб турибдики, бизга ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида алоҳида, янги стратегия керак. Шунингдек, халқаро мезонларга асосланган ёшлар сиёсатини баҳолаш миллий индексини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этсин.

Қадрли фарзандларим!

Бугун сизлар билан мамлакатимиз ёшлари ҳаётига доир энг муҳим масалалар бўйича атрофлича гаплашиб олдик. Билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг барчаси ягона эзгу мақсад – ёшларимиз ҳаётини янада мазмунли, бахтли ва фаровон қилишга қаратилганини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши англаб турибмиз.

Ўзбекистон ёшлари замонавий билим ва тараққиёт чўққиларини эгаллаб, ўз маънавияти ва тафаккури билан барчага ибрат ва намуна бўлиши керак. Жонажон Ватанимиз равнақини ўз ҳаётингизнинг бош мазмуни, деб билсангиз, сизлардан миннатдор бўламан.

Ёшлик инсон умрининг энг беғубор, улкан орзу-умидлар ва имкониятлар даври эканини яна бир бор ҳис қилиб, менга елкадош бўлиб, белни маҳкам боғлаб ҳаракат қилишингизга ишонаман.

Сўзимнинг якунида кириб келаётган 2020 йил билан барчан-гизни самимий муборакбод этиб, энг эзгу ниятларимни билди-раман.

Янги Ўзбекистонимизни биргаликда барпо этишда сизлар-га, азиз болаларим, улкан куч-ғайрат ва шижоат, мустаҳкам сиҳат-саломатлик тилайман.

*Ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига
оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослашган
Муҳаммад Хоразмий номидаги мактабда
ёшлар билан учрашувдаги нутқ*

2019 йил 27 декабрь



**ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ
ИРОДАСИ ВА МАТОНАТИГА ТАЯНИБ,
СИНОВЛАРДАН МУНОСИБ ЎТАМИЗ**

2020 йилда бутун дунёда тарқалган коронавирус пандемияси бизнинг мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмади. Лекин ўз вақтида қўрилган қатъий чора-тадбирлар туфайли юртимизда ўта хатарли касаллик кенг ёйилиб кетишига йўл қўйилмади.

Хитойда мазкур касаллик аникланиб, бошқа мамлакатларга ҳам тарқала бошлаган дастлабки кунларданоқ Ўзбекистонда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга давлат миқёсида катта эътибор қаратилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги фармойиши асосида Республика комиссияси тузилиб, самарали фаолияти йўлга қўйилди. Мамлакатимизда касалликка чалинган бемор аниқланган биринчи кундан бошлаб мавжуд эпидемиологик вазият қатъий назоратга олинди ва доимий таҳлил қилиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 18 март куни коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазият бўйича халқимизга мурожаат қилди.

Қуйида давлатимиз раҳбарининг коронавирус пандемиясига қарши кураш, бу мураккаб даврда Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш чора-тадбирлари, ушбу касалликнинг халқимиз турмуш даражасига салбий таъсирини камайтиришга, шунингдек, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида юз берган табиий ва техноген офатларнинг оқибатларини бартараф этишга бағишланган нутқ ва маърузаларидан олинган энг муҳим фикрлар эътиборингизга ҳавола қилинмоқда.

КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ КУРАШ ТАРТИБ-ИНТИЗОМ ВА САБР-ТОҚАТНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

Хурматли дўстлар!

Бугунги йиғилишимиз кун тартибига ўтишдан олдин айни пайтда бутун халқаро ҳамжамиятни ва халқимизни ўйлантираётган масалага алоҳида тўхталмоқчиман.

Ҳаммангиз кўриб турибсиз, мана, тўрт ой бўлдики, дунёнинг 160 дан ортиқ мамлакатада хавфли касаллик – коронавирус инфекцияси тарқалди.

Жаҳон миқёсида касалланганлар сони 190 минг нафарга етди, уларнинг 81 минг нафардан ортиғи тузалди, 7,5 минг ўлим ҳолати қайд этилди. Касаллик кенгайиб кетгани сабабли, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти уни пандемия деб эълон қилди.

Минг афсуски, бу юқумли касаллик мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмади ва бизга ҳам ташқаридан кириб келди. Биз бу офатнинг тарқаб кетмаслиги учун ҳамма чораларни кўраяпмиз.

Бугунги кунда республикамызда вирусга чалинган беморлар сони 15 нафарга етди. Ҳозирда 6 мингга яқин киши карантинга олинган.

Топпириғимга кўра, Бош вазир раҳбарлигида Республика комиссияси тузилган. Ҳар бир ҳудудда ҳокимлар раҳбарлигида махсус штаблар ташкил этилган.

Эпидемиологик вазият бўйича ҳар соатлик ва кунлик маълумот таҳлил қилиниб, тезкор чоралар кўрилмоқда.

Тиббиёт муассасалари фавқулодда иш режимида ўтказилиб, улар дори-дармон, химоя ва диагностика воситалари билан етарли даражада таъминланди. Сихатгоҳ ва оромгоҳлар

карантин муассасалари сифатида мослаштирилди. Буларнинг барчаси учун бюджетдан зарур маблағлар ажратилди.

Юртимизда коронавирусга қарши кураш ишларига жалб этилган қарийб 5,5 минг нафар тиббиёт ходимини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида, уларнинг ойлик маошига қўшимча 120 фоиз устама тўланмоқда.

Одамлар гавжум жойларда, жумладан, таълим масканлари, кўнгилочар масканлар, концерт заллари, масжидларда оммавий тадбирларни чеклаш чоралари кўрилмоқда.

16 мартдан бошлаб, барча таълим даргоҳларидаги 8 миллион 300 минг нафар фарзандларимизга таътил эълон қилдик. 80 минг талаба марказлашган ҳолда яшаш жойларига жўнатилди.

Таълим муассасалари фаолияти тўхтаб турган даврда тарбияланувчилар ва бошланғич синф ўқувчиларининг оналарига ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга зарур шароитлар яратиб берилмоқда.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида карантинга ёпилган муассасалар ходимлари, карантиндаги фуқаролар ва уларга қаровчиларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, ижтимоий нафақа олувчилар сонини камида 10 фоизга ёки 60 мингтага ошириш чоралари кўрилмоқда.

Хорижда хизмат сафарига ва бошқа юмуш билан кетган юртдошларимизни чартер авиарейслари орқали Ватанимизга қайтармоқдамиз.

Чегараларда ҳаракатлар чекланди, аммо транспортда юк ташиш тўхтатилгани йўқ. Мамлакатимизга кунига қўплаб хорижий ва маҳаллий юк ташувчилар кирмоқда ва ўз навбатида, юртимиздан чиқмоқда.

Биз эпидемия тарқалишининг дастлабки босқичида юртимизга касалликнинг оммавий кириб келиши ва кенг тарқалишининг олдини олишга муваффақ бўлдик.

Афсуски, бу хатарли вирус ҳеч қандай чегара билмас экан. Аммо вазият тўлиқ назоратимиз остида эканини юртдошларимизга алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва етакчи давлатлар билан яқин ҳамкорликда ишляпмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, фидойилик ва жонбозлик кўрсатаётган барча тиббиёт ходимларига ва бошқа мутасаддиларга ҳам чуқур миннатдорлик изҳор этмоқчиман.

Бугун халқимизга мурожаат қилиб айтмоқчиман.

Бу ҳаётнинг кўп оғир синовларини ва яхши-ёмон кунларини бошидан кечирган эл-юртимиз ҳаммасини тўғри тушуниб, масалага онгли ёндашмоқда.

Муфтият раҳбарлигида диний уламолар юртимизга тинчлик-хотиржамлик, беморларга шифо тилаб, дуои фотиҳалар қилишмоқда.

Миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳаммамиз якдилмиз ва ишонамизки, бу қийинчиликлар албатта ўтиб кетади.

Бунинг учун **биринчи навбатда** шифокорлар тавсияларига амал қилиб, шахсий гигиена ва санитария қоидаларига ҳар биримиз ўз оиламиз, бола-чақаларимиз билан уйимизда, ишхонамизда ва борадиган жойларимизда қатъий амал қилишимиз зарур.

Касалликни яширмасдан, ўз вақтида мурожаат қилиш — унинг олдини олишда энг самарали чорадир.

Иккинчидан. Озиқ-овқат ва бошқа кундалик истеъмол маҳсулотларининг нархи ошиб кетмаслиги учун барча чоралар кўрилмоқда. Давлат солиқ кўмитаси, Бош прокуратура ҳузуридаги департамент бу борада назоратни кучайтирмоқда.

Мамлакатимизда етарли даражада захира мавжуд, хавотир ёки ваҳимага тушишга ҳеч қандай асос йўқ.

Аммо кўпга келган бу балога қарши ҳаммамиз биргаликда, бир ёқадан бош чиқариб, ҳаракат қилишимиз лозим.

Барча давлат ва нодавлат ташкилотлари, мухтарам нурунийларимиз, маҳалла ва хотин-қизлар, ёшлар ташкилотлари фаоллари оммавий ахборот воситалари орқали холис ва ҳаққоний, кенг тушунтириш ишларини кучайтиришига ишонаман.

Учинчидан, мажбурий таътил пайтида фарзандларимиз ўқув машғулотларини давом эттиришлари учун Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда видеодарслар туркуми йўлга қўйилди.

Телерадио каналларимиз ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун тарихимиз, бой маданиятимизга оид кўрсатув ва эшиттиришлар, ёшларимиз учун фойдали ва кизиқарли бадий дастурлар, кинофильмларни кўпайтириши лозим.

Ўрнатилган ота-оналаримиз, ўз фарзандларини жаҳон ва миллий адабиётимизнинг энг яхши намуналари билан таништиришга ҳаракат қилсалар, айтимизки, бу муҳим.

Яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Ҳозирги вазиятда айрим масъулиятсиз, ҳақиқий ҳолатдан беҳабар ва ўзини «пиар» қилишни яхши кўрадиган одамлар турли миш-миш ва уйдирмаларни тарқатишга уринади.

Шу муносабат билан жамоатчилигимиздан илтимос қиламан: саросима ёки ваҳима кайфиятига берилмаслик керак. Матбуот ва ижтимоий тармоқларда нотўғри, асосланмаган маълумотлар тарқалишига йўл қўймаслигимиз зарур.

Бу масалани ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳам алоҳида назоратга олиши лозим.

Азиз ватандошлар!

Коронавирус пандемиясининг бутун дунё мамлакатлари қатори иқтисодиётимизга салбий таъсири бўлиши — бу ҳам табиий.

Сўнгги икки ҳафтада жаҳон бозорида нефтнинг нархи кескин (*бир баррель 60 доллардан қарийб 30 долларга*) пасайиб кетгани оқибатида, газ экспортимиз тушумлари қисқариши мумкин.

Хориждаги асосий савдо ҳамкорларимизнинг миллий валюталари қадрсизланиши ҳам валюта тушумини камайтиради. Хорижий туристлар сони ва тушум миқдори камайиши мумкин. Булар албатта ялпи ички маҳсулот ва экспорт ҳажмига таъсир қилмасдан қолмайди.

Бугунги шароитда саноат корхоналари, тадбиркорлар ва экспортёрлар биздан аниқ ва самарали чоралар кутмоқда. Шу боис иқтисодиётда ҳисоб-китоб қилинаётган йўқотишлар ўрнини коплаш учун захира яратиш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ҳукуматнинг асосий вазифаси бўлиши зарур.

Бу борадаги ишларни самарали ташкил этиш мақсадида коронавирус пандемияси ва глобал инкирозли ходисаларнинг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида фармон қабул қилдик. Хужжатга асосан, Инкирозга қарши жамғарма тузилиб, унда 10 триллион сўм шакллантирилади.

Менинг топшириғимга кўра, Махсус ишчи гуруҳи туризм, транспорт, фармацевтика ва енгил саноат каби соҳаларга солиқ таътиллари бериш, кредитларни қайтариш муддатини кечиктириш, кечиктирилган ташқи қарздорлик учун жарима қўлламаслик тартибини жорий қилиш чораларини кўрмоқда.

Бу жараёнда **аввало**, молия ва хомашё бозорида беқарорлик юзага келишига йўл қўймаслик лозим.

Иккинчидан, молиявий барқарорликни сақлаш ҳамда бозорларда нарх-наво ўсишининг олдини олиш зарур.

Учинчидан, иқтисодиётимизнинг базавий ва ҳал қилувчи тармоқлари узлуксиз ишлашини сақлаб қолиш керак. Бунинг учун ҳар бир тармоқ, корхона ва ҳудуд кесимида манзилли ва аниқ тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади.

Тўртинчидан, марказдан ҳудудий бюджетларни ва аҳолимизни қўллаб-қувватлаш асосий вазифаларимиз бўлиши шарт.

Бутун халқимиз аниқ билиши керак. Биз коронавирусга қарши кураш фаолиятини ошкоралик тамойиллари асосида олиб бораёмиз. Жаҳон жамоатчилигини ҳам, халқимизни ҳам вақтида хабардор этиб бораёмиз. Бу борада керакли чораларни янада кучайтирамиз.

Бугун мен икки қўшни давлат – Қозоғистон ва Туркменистон раҳбарлари Қосим-Жомарт Тоқаев ва Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилиб, бу борада ўзаро ҳамкорлик ва бир-биримизни қўллаб-қувватлаш бўйича барча масалаларни келишиб олдик.

Кўпни кўрган халқимиз янада жипслашиб, аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб, бу мураккаб синовларни ҳам енгиб ўтади, деб ишонаман.

Яна бир муҳим масалага барча мутасаддиларнинг эътиборини қаратмоқчиман.

Хабарингиз бор, сўнгги йилларда мамлакатимизда санитария-эпидемиология масаласига жиддий аҳамият бермоқдамиз. Ҳозирда юртимизда 2 та республика даражасидаги шифохона, 14 та вилоят юқумли касалликлар шифохонаси, 216 та ҳудудий санитария-эпидемиология муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Бироқ, кейинги 25 йил давомида умуман эътибор бермаганимиз учун улар аксариятининг моддий-техника базаси, айниқса, лабораторияси, тиббий анжом ва жиҳозлари ачинарли ҳолатга келиб қолгани ҳам айни ҳақиқатдир.

Шу сабабли, бугунги кунда республика **санитария-эпидемиология хизмати**ни тубдан ислоҳ қилиш ва самарадорлигини ошириш бўйича ишчи гуруҳи томонидан алоҳида қарор лойиҳаси тайёрланмоқда.

Мазкур хизматнинг асосий фаолияти тиббий ва санитар барқарорлик, жамоат саломатлигини таъминлаш, касалликлар профилактикаси ва соғлом турмуш тарзини ташкил этишга қаратилади.

Бунинг учун вилоят ҳокимлари жойлардаги санитария-эпидемиология муассасаларини бирма-бир айланиб, лаборатория-диагностика, тиббий восита ва жиҳозлар билан таъминланганлик даражаси, кадрлар салоҳияти, ойлик маоши каби муаммоларни чуқур ўрганиши ва ички молиявий имкониятлар асосида уларни йил охирига қадар бартараф этиш, захира-

лар шакллантириш бўйича алоҳида Дастурлар ишлаб чиқиб, бажариши лозим.

Бош вазир (Арипов) республика даражасидаги ва Тошкент шаҳридаги муассасаларни бирма-бир жойига чиқиб ўрганиш ва зарур чора-тадбирлар қабул қилиниши ҳамда ижроси учун шахсан масъул бўлади.

Асосий масала: моддий-техник базани мустаҳкамлаш, кадрларни ўқитиш, илм-фанни ривожлантириш, аҳоли саломатлиги учун маблағни аямаслигимиз зарур.

*Маҳалла ва оила масалаларига бағишланган
видеоселектор йиғилишидаги нутқдан*

2020 йил 18 март

ШИФОКОРЛАРНИНГ ЎЗ КАСБИГА САДОҚАТИ ВА ФИДОКОРОНА МЕҲНАТИ – ҲАҚИҚИЙ ЖАСОРАТ НАМУНАСИ

Ҳурматли ватандошлар!

Бугунги кунда бутун дунё, инсоният оғир кунларни бошидан кечирмоқда. Коронавирус инфекцияси 190 дан зиёд мамлакатга тарқалиб, пандемияга айланди. Касалланганлар сони 450 мингдан, вафот этганлар 21 мингдан ошди.

Афсуски, ушбу касаллик мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмади. Бугунга келиб вирус билан касалланганлар сони 65 нафарни ташкил қилмоқда.

Шу сабабли, Бош вазир раҳбарлигида Республика комиссияси тузилиб, Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилди.

Пандемияга қарши курашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш учун жамғармага 10 триллион сўм миқдорида маблағ йўналтирилди.

Бу офатдан халқимизни асраш бўйича мамлакат миқёсида таъсирчан чоралар кўрилмоқда. Хусусан, касаллик аниқланган илк кунданок барча таълим ва диний муассасалар фаолияти, халқаро ва ички жамоат транспортлари қатнови тўхтатилди.

Одамлар гавжум бўладиган жойлар, хусусан, барча буюм бозорлари, умумий овқатланиш шохобчалари вақтинча ёпилди.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхона ва ташкилотлар ходимларига таътил берилиб, масофавий ишлашга ўтказилмоқда.

Мамлакатнинг барча тиббиёт муассасалари кучайтирилган иш режимига ўтказилиб, 11 та тиббиёт муассасаси ва 97 та сихатгоҳ, оромгоҳ ва ётоқхоналар карантинга ихтисослаштирилди.

Ушбу вирусли инфекцияни жиловлаш, тарқалишининг олдини олиш ҳамда профилактика қилиш мақсадида уй шароитида 80 мингга яқин, стационарда 12 минг нафар фуқаро карантинга олинган.

Пандемияга қарши курашиш бўйича 100 минг атрофида тиббиёт ходимлари мобилизация қилиниб, уларга ҳокимиятлар, ички ишлар тизими, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари яқиндан кўмаклашмоқда.

Шунингдек, хориждаги фуқароларимизни қайтариш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Дастлаб уларни Хитойдан эвакуация қилган бўлсак, ҳозирда барча давлатлардан олиб келинмоқда.

Хориждаги ҳамма дипломатик ваколатхоналаримизда штаблар ташкил этилган. Охирги 10 кун ичида 20 та чартер рейслар амалга оширилди. Россия, Туркия, Эрон, Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Корея, Миср, Малайзия, Ҳиндистон, Таиланд, Индонезия ва Германиядан тўрт мингга яқин фуқароларимиз олиб келинди, кўшни давлатлар билан чегараларимиздан 80 мингдан ортиқ ватандошларимиз ўтказилди ҳамда юртимизда ташкил этилган профилакторий, санаторий ва бошқа шифо масканларида карантинга олинди.

Бундан ташқари, дипломатик миссияларимиз Россия, Хитой, Сингапурдан экспресс-тестлар, тиббий анжомлар ва гуманитар юкларни олиб келиш бўйича амалий ишларни бажармоқда, илғор давлатларнинг етакчи ва тажрибали мутахассисларини жалб этиш бўйича саъй-ҳаракатлар кучайтирилди.

Бир нарсани аниқ тушуниб олиш лозим. Бизда аниқланган касаллар сони кам-ку, 100 тага ҳам етмайди, хавотирга ўрин йўқ, деб хотиржам бўлиш ҳиёнат ҳисобланади. Чунки, коронавирус менга юкмайди, деб бефарқ юрганлар нафақат ўзининг, балки ота-онаси, фарзандлари, атрофидагилар, қолаверса, бутун халқимизнинг соғлиғи ва ҳаётини катта хавфга қўйишини чуқур англаб етиши керак.

Давлат томонидан кўрилаётган чоралар одамларимизнинг касалликни юктириб олиш эҳтимолини имкон қадар чегаралаш, вирусли инфекциянинг тарқалишини жиловлашга қаратилган.

Тиббиёт қанчалик ривожланган бўлмасин, давлат бунга қанча-қанча маблағ ажратмасин, одамларимиз шифокорлар тавсиясига амал қилмаса, тартиб-интизомли бўлиб, карантин қоидаларига риоя этмаса, барча кўраётган чораларимиз, пандемияга қарши курашиш учун сафарбар қилинган юз минглаб фидойи инсонларнинг меҳнати беҳуда кетиши мумкин.

Айрим ҳудуд раҳбарлари ҳозирга қадар фуқароларга мурожаат билан чиқиш ва юзага келган вазиятни аҳоли ўртасида тушунтириш чораларини кўрмаяпти. Маҳаллий телеканаллар, газета ва журналларда, ижтимоий тармоқларда ишлар лозим даражада ташкил этилмаяпти.

Вилоят, шаҳар ва туман, 4 та сектор раҳбарларининг эпидемиологик осойишталик учун шахсий жавобгар эканлиги ҳақида қатъий огоҳлантираман. Сизлар коронавирус инфекциясининг тарқалишига йўл қўймаслик, карантин режимини бузишнинг барча салбий оқибатларини аҳолига тушунтириш бўйича туну кун ишлашингиз шарт.

Маҳалла фуқаролар йиғинларига ҳам кўп эътирозларим бор. Жойларда маҳалла фаолларининг роли умуман сезилмаяпти. Маҳалла раисларининг кўз олдида айрим фуқаролар кўп одамларни йиғиб, дабдабали маросим ва тадбирларни ўтказишни давом эттирмоқда.

Мисол учун, Фарғона вилояти Ёзёвон тумани Беруний маҳалласида яшовчи аёл Умрадан қайтиб келиб, уйда карантинда бўлиш талабларини кўпол равишда бузиб, эртаси куни 120 нафар кишини чакириб, дабдабали маросим ўтказган. Оқибатда унинг 4 нафар оила аъзоси инфекция юктиргани аниқланди. Яна қанча одам касаллангани ҳали номаълум.

Шу боис карантин қоидаларини бузганлик учун жазо чораларини кучайтириш тўғрисида парламентимиз қабул қилган қонунни имзоладим. Ушбу қонунга асосан, бундан

буён карантин даврида атрофидаги инсонларнинг соғлиғи ва ҳаётини хавф остига қўйганлар 10 йилгача озодликдан маҳрум этилади.

Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Санитария-эпидемиология назорати инспекцияси қонун устуворлиги ва жазо муқаррарлигини қатъий таъминлаши шарт.

Ишончим комил, оиласи, фарзандлари, эл-юрти тинчлиги, соғлиғини ҳамма нарсадан устун қўядиган донишманд халқимиз бундай ҳолатга тушиб қолишни ҳеч қачон истамайди.

Коронавирус пандемияси бутун инсоният учун Яратганнинг берган бир синовидир. Халқимиз жипслашиб, шифокорларнинг барча тавсияси, кўрсатмаларига амал қилсалар, одамларимиз карантин даврида ҳаётий заруратсиз ўз хонадонларини тарк этмаса, касалликнинг илк белгилари аниқланганда, уни яширмай шифокорларга ўз вақтида мурожаат қилсалар, биз бу касалликни, албатта, енгамиз!

Коронавирусга қарши курашишдаги ўзига хос «жанг майдони»да тиббиёт ходимлари биринчи зарбани қабул қилмоқдалар. Оддий ҳақиқатни тан олиш адолатдан бўлади. Касалларга ўз вақтида ёрдам берилса, улар шифо топади, касалхоналарни тарк этади. Лекин, охириги касал тузалмагунча тиббиёт ходимлари иш жойини тарк этолмайди.

Дунё бўйлаб, хусусан, мамлакатимизда шифокорларнинг ўз касбига садоқати, халқимиз, ота-оналаримиз, фарзандларимиз соғлиғи йўлида туну кун қилаётган меҳнати барчамиз учун жасорат намунаси бўлмоқда.

Шу сабабли, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишга қўшаётган улкан ҳиссаларини ва фидокорона хизматларини эътироф этган ҳолда, коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ишларига жалб этилган тиббиёт, санитар-эпидемиологик ва бошқа ходимларни қўшимча ижтимоий ҳамда моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида алоҳида қарорни имзоладим.

Карантин амал қиладиган муддатда коронавирусга чалинган беморлар билан мулоқотга киришадиган, зарарланган беморлар жойлаштирилган объектларда фаолият олиб бораётган шифокорлар, эпидемиологларга ҳар 14 кунлик фаолият даври учун қўшимча 25 миллион сўм, ҳамшира ва лаборантларга 15 миллион сўм, санитар ходимларга 10 миллион сўм ва бошқа ходимларга 5 миллион сўм рағбатлантириш тўловлари берилади.

Бундан ташқари, беморлар билан ишлаш вақтида коронавирус юктириб олган тиббиёт ходимларига 100 миллион сўм миқдорида алоҳида тўлов берилади.

Ҳар бир тиббиёт ходимига алоҳида эътибор қаратиш, коронавирусдан зарарланган беморлар билан мулоқотга киришган тиббиёт ходимларини карантинга олиш, уларга муносиб шароитлар яратиб бериш зарур.

Ҳурматли тиббиёт ходимлари, ўз ҳаёти ва соғлиғини гаровга қўйиб, пандемия билан курашаётган шифокорлар, ҳамширалар, санитар ходимларга бутун Ўзбекистон халқи номидан чексиз миннатдорлик билдираман.

*Мамлакатимизда коронавирус инфекцияси
тарқалишига қарши курашини кучайтириш
масалаларига бағишланган видеоселектор
йиғилишидаги мурожаат*

2020 йил 26 март

ХАЛҚИМИЗНИНГ АҚЛ-ЗАКОВАТИ ВА МЕТИН ИРОДАСИГА ИШОНАМАН

Ҳурматли ватандошлар!

Бугунги кунда бутун дунё, инсоният мураккаб даврни бошидан кечирмоқда. Мамлакатимизда эпидемиологик вазиятни жиловлаш, аҳоли саломатлигини ҳар томонлама ҳимоя қилиш учун барча чоралар кўрилмоқда.

Юртимизга четдан кириб келган коронавирус касаллигига чалинганлар сони ошиб бормоқда. Минг афсуски, кўрсатилган тиббий ёрдамга қарамасдан, беморлардан 2 нафари вафот этди. Уларнинг оила аъзолари ва яқинларига ўз номидан, бутун халқимиз номидан чуқур таъзия билдириб, сабр-тоқат ва бардамлик тилайман.

Азиз юртдошлар!

Бугунги кунда мамлакатимизда 100 минг киши карантинга олинган. Шунингдек, чет элдан салкам 13 минг фуқаро олиб келиниб, улар ҳам тўла карантинга олинди. Тошкент вилоятида 10 минг кишини қабул қилишга мўлжалланган карантин зонаси барпо этилмоқда. Унинг дастлабки бир қисмига хориждан келган 2 минг 200 дан ортиқ фуқароларимиз жойлаштирилди.

Зангиота туманида 10 минг ўринли 2 та вирусология шифохонаси қурилмоқда. Яқин кунларда ушбу шифо масканларидаги 2 мингта ўрин ишга туширилади. Ҳозирги кунгача 245 мингта тест, 700 мингга яқин ҳимоя воситалари олиб келиниб, даволаш муассасаларига етказилди. Бу ишлар яна давом эттирилмоқда.

Диагностика, даволаш, карантин ишларини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиялари ҳамда илғор хорижий

тажрибаларга таяниб амалга оширмоқдамиз. Шунингдек, Жанубий Кореядан малакали шифокорлар келиб, беморларни даволашда қатнашмоқда. Яқин кунларда бир гуруҳ хитойлик мутахассислар ҳам етиб келиши кутилмоқда. Бундан ташқари, врачларимиз хорижий ҳамкасблари билан мунтазам видеомулоқотда бўлиб, кундалик тажриба алмашмоқда.

Таъкидлаш керакки, амалга оширилаётган тизимли чоратадбирларимиз, албатта, ўз натижасини бермоқда. Касалликка чалинганларнинг 25 нафари тўлиқ соғайиб, реабилитацияга ўтказилди.

Фурсатдан фойдаланиб, бу курашнинг олдинги сафларида чинакам жасорат ва матонат кўрсатаётган жонкуяр ва олижаноб шифокорларимизга чуқур миннатдорлик билдираман.

Юзага келган вазиятни тўғри тушуниб, бизни фаол қўллаб-қувватлаётган халқимизга, азиз юртдошларимга раҳмат айтаман.

Шу билан бирга, қанча огоҳлантириш ва тушунтириш ишларига қарамай, жойларда карантин қоидалари бузилаётганини афсус билан айтиш керак.

Ҳозиргача 22 мингдан зиёд ана шундай ҳолат аниқланди, 330 киши карантин ҳудудини ташлаб кетган. Карантин вақтида айрим масъулиятсиз шахслар 24 та турли оммавий маросимлар ўтказганини сира оқлаб бўлмайди. Бутун халқимиз ҳаётига хавф солаётган бундай номаъқул ишларга нисбатан кескин чоралар кўрилади.

Муҳтарам ватандошлар!

Ишонтириб айтаманки, коронавирус тарқаб кетмаслиги учун давлат барча чораларни кўради. Аммо шу синовли дамларда ҳар бир ўзбекистонлик, ҳар бир идора, жамоатчилик вакиллари бир мушт бўлиб ҳаракат қилишимиз керак. Касалликни маҳалламизга, уйимизга, оиламизга олиб кирмаслик учун энг аввало ўзимиз масъулмиз.

Айрим давлатларда юқори гигиенага асосланган кундалик турмуш тарзи, миллий урф-одатлар бу касалликни енгилда жуда муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, аҳолиси зич,

кўшнилари билан савдо алоқалари ўта ривожланган бўлишига қарамасдан, Япония вируснинг кенг тарқалишига йўл қўймади.

Мутахассислар «япон феномени»ни улардаги ўзига хос саломлашиш, шахсий масофани сақлаш, тез-тез кийим алмаштириш, юз-қўлни ювиш, тўла ювиниш, тўғри овқатланиш, фаол турмуш тарзи ва спорт каби 13 та қоида ва урф-одатлар сақланиб қолгани билан асосламоқдалар. Бу эса бизда ҳам азал-азалдан мавжуд – қўлини кўксига қўйиб саломлашиш, уйга меҳмон келганда қўлга сув қуйиш, жамоат жойларида масофани ушлаш, мева-сабзавотларни кўп истеъмол қилиш каби урфларимизни янада мустаҳкамлашни тақозо этади. Шунингдек, жамоат жойларида, маҳалла ва хонадонларда дезинфекция ишларини мунтазам давом эттириш лозим. Барча корхона ва ташкилотлар ҳар ҳафтада ўз ходимларини тизимли равишда тиббий кўрикдан ўтказиб туриши зарур.

Ҳурматли дўстлар!

Ҳар қандай қийинчиликка қарамасдан, ўз хизмат бурчини виждонан бажараётган ака-укаларимиз, опа-сингилларимиз, ўғил-кизларимиз фидойилигини юксак қадрлаймиз.

Аҳоли ўртасида ваҳима ва саросима гаплар тарқалишига асло йўл қўймаслик лозим. Нуроний оталаримиз, мунис оналаримиз ўз жонқуярлиги, сабр-бардоши, эзгу дуолари билан барчага ибрат бўладилар, деб ишонаман.

Мен бугунги кунда уй шароитида таҳсил олаётган талаба ва ўқувчи ёшларимизга мурожаат қилмоқчиман: азиз фарзандларим, уйда вақтингизни бекор ўтказманг! Онлайн дарсларни кунт билан ўзлаштиринг. Китоб ўқинг, билимингизни оширинг, бадантарбия ва жисмоний машқларни бир кун ҳам қолдирманг.

Қадрли юртдошлар!

Мана, баҳорнинг иссиқ кунлари ҳам бошланди. Мавжуд қийинчиликка қарамасдан, ҳаёт давом этмоқда. Фермер ва деҳқонларимиз, тадбиркорларимиз олдида ўта муҳим вазифалар турибди.

Албатта, ҳар биримиз кундалик юмушларимизни хавфсизлик ва санитария қоидаларига тўла амал қилган ҳолда давом эттиришимиз зарур. Чунки бугун йўқотган имкониятларимизни эртага тиклаш қийин бўлади, вақтни эса орқага қайтариб бўлмайди.

Пандемияни тўхтатиш учун бутун дунё халклари қатори биз ҳам жиддий изланишдамиз. Одамларимиз даромадлари камайиб кетмаслиги учун, корхоналаримиз барқарор ишлаши учун барча режаларни кўряпмиз.

19 март куни пандемиянинг иқтисодиётимизга салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида фармон қабул қилган эдим. Ҳукумат ва маҳаллий ҳокимликлар жойларда бу чора-тадбирларнинг ижросини таъминламоқда. Мен бугун мана шундай қийин вазиятда иқтисодиётимизни, тадбиркорларни фаол қўллаб-қувватлаш учун яна бир муҳим фармонга имзо чекдим. Қанчалик мураккаб бўлмасин, бюджетдан катта харажатларни талаб этмасин, қўшимча чораларни кўришга қарор қилдим.

Ушбу фармонга кўра қуйидаги чора-тадбирлар кўзда тутилмоқда:

Биринчидан, туристик ва меҳмонхона фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлар шу йил якунига қадар ер ва мол-мулк солиқларини тўлашдан озод этилади. Уларга ижтимоий солиқ ставкаси ҳозирги 12 фоиздан 1 фоизга туширилади. Ушбу имтиёздан соҳада хизмат кўрсатаётган мингдан ортиқ субъектлар фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Иккинчидан, карантин даврида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган яқка тартибдаги тадбиркорларга даромад солиғи ва ижтимоий солиқни ҳисоблаш тўхтатилади. Ушбу имтиёз қарийб 150 минг яқка тартибдаги тадбиркорга катта кўмак бўлади.

Учинчидан, тушуми ўтган ойдагига нисбатан 50 фоизга камайган кичик бизнес субъектларига айланмадан олинадиган солиқ, ер солиғи, мулк солиғи, ижтимоий солиқ ва сув солиғини

тўлаш муддати шу йил 1 октябрга қадар кечиктирилади. Тадбиркорлар бу имтиёзлардан солиқ идорасини уйдан туриб хабардор қилиши мумкин.

Тўртинчидан, жорий йил 1 апрелдан бошлаб юридик шахсларнинг табиий газ ва электр энергияси учун олдиндан тўлов мажбурияти амалдаги 100 фоиздан 30 фоизга туширилади.

Бешинчидан, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан ёрдам бериш кўлами янада кенгайтирилади.

Ҳозирги кунда тадбиркор олган кредит ставкаси 24 фоизгача бўлганда унинг 8 фоизини жамғарма қоплаб берар эди. Энди кредит ставкаси 28 фоизгача бўлганда ҳам унинг 12 фоизини давлат қоплайди. Бунинг учун тадбиркорларнинг 3 триллион сўмлик кредитлари фоизини қоплашга жамғармадан қўшимча 400 миллиард сўм йўналтирилади. Жамғарма бир тадбиркорнинг фақатгина битта лойиҳасига кафиллик бериши бўйича чеклов ҳам энди бекор қилинади.

Интизомли ва ишончли тадбиркорларга кредитнинг 75 фоизига жамғарма кафиллик беради (бугунги кунда 50 фоиз). Кафиллик суммасининг юқори чегараси ҳам 8 миллиард сўмдан 10 миллиард сўмга оширилади.

Олтинчидан, қийин аҳволдаги корхоналар, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва аҳолининг 12 триллион сўмлик кредит мажбурияти муддати узайтирилади. Шунингдек, бугун қишлоқларда кўп иш жойларини ташкил этиб, энди оёққа тураётган пахта-тўқимачилик кластерларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам алоҳида қарорга имзо чекдим. Уларнинг 2019 йилда пахта етиштириш учун олган кредитларини қайтариш муддати 1 октябргача узайтирилади.

Еттинчидан, аҳолини, айниқса, унинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш бўйича қатор чоралар белгиланмоқда. Жумладан, шу йил якунига қадар ун, ўсимлик ёғи, гўшт ва сут маҳсулотлари, шакар, гигиена

воситалари каби асосий истеъмол товарларини импорт қилишда божхона божи ва акциз солиғи ундирилмайди. Шунингдек, жорий йил март-июнь ойларида муддати тугайдиган болали оилаларга нафақа, бола парваришлаш нафақаси ва моддий ёрдамларни тўлаш учун қўшимча мурожаат ва хужжатлар талаб этилмайди. Улар автоматик тарзда 6 ойдан 1 йилгача узайтирилади. Ушбу даврда бошқа муҳтож оилаларга ҳам шундай нафақалар тайинлаш давом эттирилади.

Бу чоралар орқали яна 120 мингдан зиёд кам таъминланган оилаларни қамраб оламиз (ҳозирда 600 мингта).

Карантин даврида ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга 18 турдаги асосий озиқ-овқат ва гигиена товарлари бепул етказиб берилади.

Саккизинчидан, карантин даврида уй шароитида ривожлантириш мумкин бўлган фаолият турларини янада қўллаб-қувватлаймиз.

Мисол учун, мамлакатимизда 28 мингдан зиёд ҳунарманд фаолият кўрсатмоқда. Уларга ўтган йили 50 миллион доллар маблағ ажратилди, 12,5 мингта лойиҳа доирасида ҳунармандлар 75 мингдан ортиқ янги шогирдларни тайёрлади.

Ушбу соҳа учун бу йил яна 50 миллион доллар маблағ йўналтирилмоқда. Яратилаётган бундай шарт-шароитлар ҳунармандлар учун катта имкониятдир.

Ҳурматли ҳунармандлар! Сизларнинг меҳнатингиз, янги-янги ташаббусларингиз ҳозирги вақтда аҳоли бандлигини таъминлашга, албатта, муносиб ҳисса қўшади.

Тадбиркорлар, ҳунарманд ва фермерларимиз, корхоналар раҳбарлари берилган бу имтиёزلардан самарали фойдаланишлари керак. Энг асосийси, жойларда ностандарт ечимларни излаб, ишлаб чиқариш ҳажмлари ва иш жойларини саклаб қолиш, корхоналар фаолиятини давом эттириш зарур. Ушбу мезон асосида вилоят, туман (шаҳар) сектор раҳбарлари, иқтисодий комплекс идоралари ўз иш режалари ва ишлаш услубларини қайта тузиб олишлари даркор. Яъни, ҳар бир

рахбар корхоналар, тадбиркорларнинг муаммосига алоҳида ёндашиб, уларни ҳал қилишда «бевосита бошқарув» режимига ўтиши керак.

Азиз ватандошлар, нуроний отахон ва мунис онахонлар, кадрли фарзандларим!

Кўпга келган ва жаҳон аҳли азият чекаётган бу қийин кунлар, албатта, ўтади.

Бизнинг буюк ва танти халқимиз кўп асрлик тарихида не-не боло-казоларни, урушлар ва очарчиликларни мардонавор енгиб ўтган. Бу синовдан ҳам муносиб ўтиб олишимизга қатъий ишонаман.

Ҳаммамиз янада жипслашиб, сабр-матонатли бўлсак, шифокорлар тавсияларига тўлиқ амал қилсак, албатта, бу касалликни тезроқ енгиб ўтамиз. Бу курашда тиббий чоралар билан бирга юксак тафаккур, қатъий интизом, сабр-тоқат ва улкан масъулият кўрсатишимиз лозим. Бу сифатлар бизнинг энг асосий ва энг таъсирчан қуролимизга айланиши шарт.

Халқимиз ўз тарихида қандай оғир табиий офатларни кўрган бўлмасин, Қодир Аллоҳнинг марҳамати билан, ўзининг куч-қудрати, вазминлиги ва донишмандлиги орқали уларнинг барчасини енгиб ўтган. Мен ана шундай мард ва матонатли, меҳр-окибатли халқимизнинг ақл-заковатига, унинг метин иродаси ва қатъиятига тўла ишонаман.

Ўзбекистонда ҳеч бир инсон, ҳеч бир оила давлатимиз ва жамиятимиз эътибори ва ғамхўрлигидан четда қолмайди!

Яратганнинг ўзи халқимизни ва бутун инсониятни бу офатдан тезроқ озод қилсин, барчамизни ўз паноҳида асрасин!

*Коронавирус пандемияси келтириб чиқарган
инқирозга қарши курашиш шароитида
тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масалалари
бўйича видеоселектор йиғилишидаги маърузадан*

2020 йил 3 апрель

УЛУҒ ХАЛҚ ҚУДРАТИ ҲАР ҚАНДАЙ ТЎСИҚ ВА ҒОВЛАРНИ ЕНГИШГА ҚОДИР

Ҳурматли видеоселектор қатнашчилари!

Кун тартибидаги асосий масалага ўтишдан олдин мамлакатда коронавирус пандемиясига қарши курашиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Кундалик матбуотдан хабарингиз бор, бутун дунёда, жумладан республикамызда ҳам касалликка чалинганлар сони тобора кўпайиб бораётгани, барчамиздан, бутун халқимиздан янада ҳушёрлик ва огоҳликни кескин кучайтиришни, карантин билан боғлиқ жорий этилган барча тартиб-қоидаларга сўзсиз ва қатъий амал қилишни талаб этмоқда.

Албатта, барча амалга ошираётган саъй-ҳаракатларимиз ҳамда шифокорларимизнинг қаҳрамонона меҳнатлари эвазига бугунгача ушбу касалликка чалинган 100 нафар юртдошимиз тўлиқ тuzалди.

Карантинга олинган 222 минг нафар кишидан 141 минг нафари ундан чиқарилди.

Мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, Ҳукумат комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари куйидаги кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўришлари зарур.

Биринчидан, биз пандемия билан боғлиқ жараёнларнинг изидан қувиб эмас, балки унинг барвақт олдини олиш учун бор куч ва имкониятларимизни ва барча ресурсларимизни сафарбар этишимиз зарур.

Иккинчидан, мавжуд вазиятни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб, бўлажак хавф-хатарларни, улар билан боғлиқ муаммоларни олдиндан прогноз қилишимиз ва уларнинг ечимига аниқ режа ва пухта чораларимиз билан тайёр туришимиз зарур.

Учинчидан, бу касалликни енгиш учун барча давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни янада кучайтиришимиз керак.

Хитой, Жанубий Корея, Россия, Исроил, Буюк Британия, Германия ва Япониянинг етакчи мутахассислари билан беморларни даволаш бўйича телемедицина орқали олиб бораётган мулоқотларимизни бошқа илғор давлатлар билан ҳам кенгайтиришимиз, уларнинг тавсияларини ўзимизда фаол жорий этишимиз шарт.

Бугун Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтакавий бюроси экспертлари билан ўтказилган видео-конференция ҳам албатта, беморларимизни даволашда ўзининг ижобий натижасини беради, деб қатъий ишонаман.

Тўртинчидан, Республика комиссияси (Арипов) мутасадди вазирлик ва идоралар билан бирга, жойлардаги ҳокимлар, секторлар раҳбарларининг коронавирус тарқалиши олдини олиш ҳамда унинг иктисодиёт ва инсонлар ҳаётига салбий таъсирини имкон қадар чеклаш учун, масъулиятини янада ошириш чораларини кучайтириши керак.

Айниқса, ҳокимлар ва сектор раҳбарлари аҳолининг энг муҳим ҳаётий эҳтиёжларини тўлиқ таъминлаш, нарх-навонинг ошиб кетмаслигига эришиш ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар самарадорлиги учун, шахсан жавоб беради.

Айниқса, айти пайтда кам таъминланган, эҳтиёжманд ва ёрдамга муҳтож оилаларга мурувват ва саховат кўрсатиш, уларнинг ҳолидан хабар олиш, бу каби эзгу ташаббусларни кўпайтириш, жойлардаги барча мутасадди раҳбарларнинг асосий вазифаларидан бири бўлмоғи лозим.

Ҳурматли дўстлар!

Таъкидлаш керакки, пандемия ва карантин билан боғлиқ мавжуд кийинчиликларга қарамасдан, халқимиз тушқунлик ва саросимага тушгани йўқ.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган бирон-бир тизим тўхтаб қолмади. Биз вазиятдан келиб чиқиб, халқимизнинг

соғлиғини ўйлаб, ишимизни бошқа шаклда ташкил этаяпмиз. Ақлий меҳнат, таълим-тарбия, билан боғлиқ фаолият турлари масофадан туриб, «онлайн» режимида олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, раҳбарларга мурожаат қилиб шуни айтмоқчиманки, республикамиз ҳудудларида қишлоқ хўжалигида, саноат ва қурилиш, иктисодиётнинг бошқа устувор тармоқларида, тадбиркорлик субъектларида ишларни самарали давом эттиришимиз керак. Чунки кун кутиб турмайди, ҳаёт давом этмоқда. Бугунги йўқотилган вақт ва имкониятларни эртага тиклаб бўлмайди.

Бизнинг олдимизда 34 миллионлик азиз халқимизни боқиш баробарида, қанчадан-қанча етиштирган маҳсулотларимизни четга экспорт қилиш вазифалари ҳам турибди.

Албатта, биз яхши тушунамиз, уйда ўтириш осон иш эмас, лекин биз айни пайтда халқимизнинг соғлиғини ва ҳаётини сақлаб қолиш учун энг мақбул восита сифатида шу тавсияга амал қилишга мажбурмиз.

Биз, карантинни қачон бекор қилишни халқимиз билан бамаслаҳат, ҳар томонлама чуқур ўйлаб ва таҳлил қилиб, албатта кўриб чиқамиз.

Кўпни кўрган, турли синовларда тобланган мард ва матонатли халқимиз билан бу вақтинчалик қийинчиликларни, биз албатта енгиб ўтамыз.

Буюк шоиримиз Абдулла Орипов қаламига мансуб, ҳаммамиз ғурур билан куйлайдиган Давлат мадҳиямизда «Улуғ халқ қудрати жўш урган замон», деган чуқур маъноли сўзлар бор.

Чиндан ҳам мана шундай мураккаб ва синовли дамларда халқимизнинг улуғ қудрати, ақл-заковати ва сабр-матонати билан, меҳр-оқибати ва самимияти билан, биз улуғ ва меҳнаткаш халқимиз билан ушбу оғир синовларни ҳам албатта енгиб ўтамыз.

Глобал инқироз ва пандемия шароитида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги олдида турган долзарб вазифалар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги нутқдан

2020 йил 14 апрель

«САХОВАТ ВА КЎМАК» УМУМХАЛҚ ҲАРАКАТИ ҲАҚИДА

Ҳурматли селектор иштирокчилари!

Бугунги йиғилишимизда коронавирусга қарши курашни изчил давом эттирган ҳолда, саноат, қурилиш ва инфратузилма тармоқлари корхоналарининг тўлиқ ишлашини таъминлаш масалаларини атрофлича муҳокама қилиб олишимиз керак.

Республикамизнинг катор ҳудудларида коронавирус инфекцияси тарқалмаган ёки деярли йўқ бўлса-да, кўплаб саноат, қурилиш ва хизмат кўрсатиш корхоналари ишламаяпти. Уларнинг ишчи-хизматчилари ҳам уйида бекор ўтирибди, оиласини боқиш учун даромадсиз қолган.

Масалан, коронавирус юқтирганлар сони Навоий вилоятида 2 нафар, Жиззахда – 3 нафар, Қашқадарёда – 6 нафар, Сирдарёда – 7 нафарни ташкил этади. Шунга карамай, ушбу вилоятларда кўплаб корхоналар ўз ишини тўхтатган ёки тўлиқ қувват билан ишламаяпти. Бу ҳолат ҳудудлар иқтисодиёти ва ижтимоий соҳага, оддий қилиб айтганда, аҳоли ҳаётига салбий таъсир килмоқда.

Охирги бир ҳафтада солиқ тушумлари Навоийда 11 миллиард, Жиззахда – 15 миллиард, Қашқадарёда – 22 миллиард, Сирдарёда – 12 миллиард сўмга камайиб кетгани ҳам бу фикрни яққол тасдиқлаб турибди.

Коронавирус деярли тарқалмаган шароитда корхоналар тўлиқ ишламаётгани масаласи бўйича вилоятлар ҳокимлари нима дейди?

Оммавий ахборот воситалари орқали яхши хабардорсизлар – коронавирусдан кўп зарар кўрган катор хорижий давлатлар иқтисодий ҳаёт тўхтаб қолмаслиги учун карантин чекловларини босқичма-босқич енгиллаштириб бормоқда.

Биз эса кўрган чораларимиз натижасида кўп ҳудудларимизни сақлаб қолдик. Энди бундан самарали фойдаланишимиз керак.

Шу боис, коронавирус умуман аниқланмаган ёки эпидемиологик вазият яхшиланган вилоят, туман ва шаҳарларда карантин чекловларини босқичма-босқич юмшатиш бўйича кадамма-кадам бажариладиган ҳаракатлар йўриқномасини 2 кун муддатда ишлаб чиқиш зарур.

Республика комиссияси тегишли вазирлик ва вилоят ҳокимларининг таклифлари асосида ҳудудларда карантин чекловларини юмшатиш чораларини кўриб борсин.

Фаолияти тикланадиган объектлар турига қараб, уларда санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиш бўйича талаб ва қоидалар ишлаб чиқирилиши ҳамда жойларга етказилиб, кенг тушунтириш ишларини ташкил этиш лозим.

Ҳокимлар маҳаллий халқ депутатлари кенгашларида саноат ва бошқа соҳа корхоналарининг пандемияга қарши курашиш чораларига амал қилган ҳолда, ишлашларини ташкил этиш масаласини муҳокама қилиб, буни кафолатлаш тўғрисида қарор қабул қилишлари керак.

Олий Мажлиснинг ҳар иккала палатаси бу ишларни алоҳида назоратга олиб, бунга масъул бўлишлари зарур, деб ўйлайман.

Яна бир муҳим масала — ҳозирги шароитда вақтинча ишламаётган ва ёрдамга муҳтож оилаларни аниқлаб, уларни озиқ-овқат ва дори-дармон билан таъминлаш бўйича ишлар кўламини янада кенгайтириш керак. Бу ишлар марказлаштирилган тартибда, биринчи босқичда Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида ташкил этилган эди.

Энди Республика комиссияси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳокимлар билан биргаликда бир ҳафта муддатда туманлар ва шаҳарлар даражасида ҳам бу ишларни тизимли йўлга қўйиши лозим.

Яна бир муҳим масала, бу – ҳаммамиз учун оғир кунларда аҳолимизнинг барча қатламларини, айниқса, ижтимоий жиҳатдан қийналган қатламни ўйлашимиз керак.

Масалан, Андижон вилоятида кам таъминланган 240 минг аҳоли мавжуд. Лекин, улардан фақатгина 49 минг нафарига ижтимоий нафақалар ажратиб берилади. Қолганлари эса етарли даражада ижтимоий муҳофаза қилинмаган. Жумладан, фақатгина Қўрғонтепа тумани бўйича 2 минг 368 та ижтимоий нафақа оладиганлар мавжуд. Лекин бу етарли эмас. Охирги ойларда ижтимоий ёрдам сўраб, Қўрғонтепа тумани Халқ қабулхонасига яна 474 та оиладан мурожаат тушган.

Худди шунингдек, Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманида 962 та, Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманида 429 та оиладан Халқ қабулхоналарига мурожаат бўлган.

Ўз навбатида, биргина Қўрғонтепа туманида ҳозирги кунда 1 минг 257 та тадбиркорлик субъектлари фаолият юритмоқда, кишлоқ хўжалик кластери ҳамда 4 та йирик корхона бўлинмалари мавжуд.

Умуман олганда, таҳлилларни кўрадиган бўлсак, ҳозирги кунда республика бўйича 2 миллион сўмгача ойлик маош олувчи 1 миллион 455 минг аҳоли мавжуд. Шу жумладан, Андижон вилоятида 104 минг нафар. Айни пайтда, Андижон вилоятида 22 мингта хусусий корхона мавжуд.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Ҳозирги пандемия пайтида албатта, ишсизлар, ёрдам ва кўмакка муҳтож аҳолимиз сони ўсиб бориши табиий жараён. Бутун дунёда бўлгани каби бу мураккаб ташвишлар бизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ.

Албатта, биз аввало халқимизни, шунингдек, иқтисодиётимизни бу инкироздан эсон-омон олиб ўтиш учун барча чора-тадбирларни кўрмоқдамиз. Лекин бу халқаро муаммо қанча давом этишини ҳеч ким аниқ башорат қила олмаяпти. Бутун дунё касалликка қарши кураш баробарида аҳолини боқиш, иш жойларини сақлаб қолиш ва иқтисодиёт кескин

таназзулга учрамаслиги учун бор саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда.

Биз ҳам бу борада ҳар куни, ҳар соатда изланишдамиз.

Албатта, халқимизни боқиш учун ҳам, иқтисодиётимизни қўллаб-қувватлаш учун ҳам бизнинг заҳираларимиз ва имкониятларимиз етарли. Ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқ.

Шубҳасиз, аҳолини рағбатлантириш учун пул тарқатишдан осон йўл йўқ. Лекин эртага бунинг оқибати нималарга олиб келишини ҳали бирор-бир иқтисодчи башорат қила олмапти. Бу борада коррупция иллоти авж олиш эҳтимоли ҳам юқори.

Шунинг учун биз халқимизнинг тарихий ва маънавий қадриятларини, жумладан, меҳр-саховат, оқибат ва ҳиммат, ўзгаларга ҳамиша ёрдам қўлини чўзиш, топганини ўзгалар билан баҳам кўриш каби юксак фазилатларини инобатга олган ҳолда, «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракатини эълон қилсак, ўйлайманки, бутун халқимиз бу ташаббусни қўллаб-қувватлайди.

Хабарингиз бор, санокли кунларда барчамиз учун муқаддас бўлган Рамазон ойи ҳам кириб келади. Ушбу ойда фуқароларимиз эҳтиёжманд ва муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатишлари ҳам қарз, ҳам фарздир. Шунинг учун, ушбу муқаддас ойда ҳар бир тадбиркор ўзига холис мажбурият олган ҳолда, ўзи фаолият юритаётган ҳудудда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини фаол қўллаб-қувватлаши бўйича таклиф киритмоқчиман.

Яъни, Рамазон ойида ва кейинги уч ойда амалга оширила-диган эҳсонларимиз ва хайрияларни манзилли қилайлик, ифторликларга сарфланадиган маблағлар ва озиқ-овқатларни муҳтожларга йўналтирайлик.

Имкониятидан келиб чиқиб, қайсидир тадбиркор бир ойда 10 та, бошқа бири эса 20 та оилани рўзғорига кўмаклашиши мумкин. Шунингдек, тадбиркорлар муҳтож оилалар аъзоларини ишга жалб қилиши ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўз навбатида, давлат томонидан шундай тадбиркорларга берган ёрдамлари учун турли компенсациялар қўллаш йўллари ишлаб чиқилади.

Мисол учун, 10 та оилага кўмаклашган тадбиркорга тегишли банк томонидан кредит бўйича тўловлар қўшимча маълум муддатга чўзиб берилади. Тўланадиган солиқ микдорининг маълум бир фоизи бўйича қўшимча «таътил» берилиши мумкин.

Агар ёрдам берувчи инсон фермер бўлса, қишлоқ хўжалиги техникасини лизинг ёки кредитга сотиб олса, унинг ҳам тўлов муддатларини яна узайтирамиз. Ўғитлар ва ёқилғи сотиб олишда ҳам имтиёзлар тақдим этилади.

Худди шундай агар тадбиркор 20 та оилага ёрдам кўрсатса, бериладиган имтиёзлар ҳажми ва муддатлари ҳам каттароқ бўлади. Ушбу жараёнда йирик корхоналар ҳам четда қолмаслиги керак. Уларнинг жойлардаги таркибий бўлинмалари ҳам фаол қатнашиши лозим.

Бу жараён бюрократия ва ҳеч қандай тўсқинликсиз жойларда сифатли ташкил этилиши шарт. Яъни, барча ишлар туман ҳокими ва сектор раҳбарлари томонидан тўлиқ ташкил этилиши зарур.

Барча даражадаги ҳокимлар, сектор раҳбарлари жойлардаги Савдо-саноат палатаси бўлимлари, банклар, ижтимоий муҳофаза қилиш идоралари билан биргаликда бир ҳафта муддатда ушбу ташаббусни амалга ошириш учун тадбиркорлар билан яқиндан ишлашни бошласин.

Бирорта тадбиркор ёки фермерни мажбурламаймиз. Уларга оғирлик тушмасин. Уларга кредит таътили берилади. Керак бўлса, фоизсиз. Ёқилғини, ўғитни 15 фоиз арзон қилиб берамиз. Банкдан олган кредитининг муддатини чўзиб берамиз. У мурувват ҳам қилади, шу билан бирга улуг айём кунларида Худонинг олдида ҳам бағрикенг бўлиб, юзи ёруғ бўлади. Лекин ҳамма харажатни, ҳамма масъулиятни давлат ўз зиммасига олади. Тадбиркор кийналган оилаларга ёрдам

бериб, давлатимизга ёрдам беради. Лекин улар 10 та, 100 та оилага ёрдам берсин. Ҳозиргидай 1 кило эмас, камида 15 кунга етадиган озиқ-овқат билан таъминлаши керак: 10 кило гўшт, 1 коп картошка, шунча гуруч ва хоказо.

Лекин бирорта тадбиркорга ортиқча харажат тушмаслиги керак. Улар оғринмаслиги керак. Улар кам таъминланган, мухтож оилаларга ёрдам берса, давлат уларга бошқа тарафлама кўмаклашади.

Қийналган ва мухтож оилаларнинг биттама-битта рўйхатини қилиб, уларга моддий ёрдам берибгина қолмасдан, келажакда уларни иш билан ҳам таъминлайди. Асосийси шу. Уларни ойлик билан таъминлайди.

Ҳар бир одам давлатимиз кўмагини сезиши керак. Тадбиркор ёки фермер қанча кўпроқ оилага кўмак берса, давлатдан ҳам шунча кўпроқ имтиёз ва ёрдам олади. Бу ишларни коррупциясиз, ҳар бир инсон «бу менинг энг меҳрибон ватандошим, қўшним, қариндошим», деб қилиши керак. Меҳр билан қилиши керак. Ҳамма нарсани давлат бўйнига олади.

Саховат ва кўмак умумхалқ ҳаракатига ҳисса қўшганларга ҳали алоҳида қарорлар бўлади, уларга миннатдорчилик, катта-катта мукофотлар бўлади.

Бизнинг халқимиз жуда бағрикенг. Мана шу жараёнда халқимиз жипслигини намоён этиб, уларнинг қаддини янада кўтариб олишимиз керак. Бу ҳаракатга ёрдам берган одамлар аслида элу юртда ҳам баракали бўлиб, халқимиз орасида обрў топади.

Ишонаманки, «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати аъзолари ҳақида, уларнинг қилган яхшиликлари ҳақида газета, телевидение, радиода, интернетда халқимиз номидан миннатдорчиликлар, материаллар эълон қилиб борилади. Шоирларимиз шеърлар ёзади. Китоблар ёзилади. Мана шундай оғир кунларда саховат ва кўмак ҳаракатига ҳисса қўшган барчани – шифокорларни ҳам, саховат кўрсатган бағрикенг

тадбиркорларимизни ҳам, кластерлар, фермерларимизни ҳам, катта-катта корхоналарни ҳам қўшган ҳиссаларини батафсил ёзамиз. Халқимиз ўз қаҳрамонлари ҳақида билиши керак. Бу тарихда қолади.

Бугун биз кўринмас душман билан курашаяпмиз. Бу вирус – бу душман биздан ўн карра ақлли ва жаҳолатли. Бу инсон умри билан боғлиқ бўлган ҳаёт-мамот жанги, десак, буям ҳақиқат бўлади. Бу худди Иккинчи жаҳон урушидагидек уруш, жанг. Бундай ходиса қачон бўлган? Ҳеч қачон бўлмаган.

Коронавирус пандемияси таъсирини юмшатиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва иқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш борасида катта имкониятларга эга бўлган «драйвер» соҳалардан бири – бу қурилиш тармоғи ҳисобланади.

Қурилиш соҳаси кўплаб саноат тармоқлари учун ҳам талаб яратади. Шунингдек, бу соҳа 1 миллион 375 минг нафар аҳолини иш билан банд қилишни таъминлайди. Шу билан бирга, коронавирус пандемияси сабабли қайтиб келиб, уйида ўтирган 500 минг нафардан зиёд меҳнат мигрантларини ҳам иш билан таъминлаш зарурати мавжуд.

Шу сабабли, карантин даврида қурилиш ҳажмлари камайишига мутлақо йўл қўймаслик мақсадида, қурилиш соҳасига қўшимча 3,3 триллион сўм маблағ ажратдик.

Карантин қоидаларига тўлиқ риоя қилган ҳолда, барча қурилишларни давом эттиришга рухсат берилади, қурилиш корхоналари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчиларнинг объектларга бориши учун тўсиқсиз ҳаракатланишига шароит яратилади.

Умуман олганда, уй-жой қурилиши бўладими ёки инфратузилма объектлари бўладими, қурилиш соҳаси – бу янги иш ўринларини яратиш, бозорда талаб ва таклифни шакллантириш, пировардида иқтисодий ўсишни таъминлаш учун катта имконият ва захира ҳисобланади.

Тармок раҳбарлари ўзларига юклатилган масъулиятни чуқур ҳис этиб, ишларни тўғри ташкил этсалар, албатта иқтисодий инқироздан имкон қадар кам йўқотишлар билан чиқиб кетамиз.

*Саноат, қурилиш ва инфратузилма тармоқлари
корхоналарининг тўлиқ ишлашини таъминлаш
масалалари бўйича видеоселектор йиғилишидаги
маърузадан*

2020 йил 20 апрель

ХАЛҚИМИЗНИНГ ОЛИЖАНОБ ФАЗИЛАТЛАРИ ЯНА БИР БОР СИНОВДАН ЎТМОҚДА

Бугунги кунга қадар юзлаб юртдошларимиз бу касалликдан халос бўлиб, реабилитация режимида ўтказилгани барчамизга, бутун эл-юртимизга катта куч беради.

Юзага келган вазиятни тўғри тушуниб, карантин қоидаларига оғишмай амал қилаётган, кўрилатган чора-тадбирларни кенг қўллаб-қувватлаётган барча юртдошларимизга яна бир марта раҳмат айтаман.

Фурсатдан фойдаланиб, кечани кеча, кундузни кундуз демасдан, ҳақиқий қахрамонлик кўрсатиб, ушбу касалликка қарши курашаётган жонкуяр шифокорларимизга, улар билан бир сафда туриб хизмат қилаётган хорижий врачларга, шунингдек, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар ва Мудофаа вазирликлари ҳамда Миллий гвардия ходимларига ўз номидан, халқимиз номидан яна бир бор миннатдорлик билдираман.

Мухтарам дўстлар!

20 апрель куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида биз халқаро ва миллий талабларга тўлиқ амал қилган ҳолда, мамлакатимизда карантин режимини босқичма-босқич юмшатиш, шу асосда тезроқ нормал ҳаётга қайтиш бўйича дастлабки чора-тадбирларни белгилаб олган эдик.

Бугунги кунда вирусдан холи ҳудудлардаги бир қатор саноат корхоналарида, қурилиш майдонларида, фермер ва кластер хўжаликларида, санитария-эпидемиологик нормаларга қатъий амал қилган ҳолда, ишлар аста-секин бошланди.

Айниқса, «Кўкламнинг ҳар бир дами — ғанимат!» деган даъватни ўзлари учун ҳаётини шиорга айлантириб, даладаримизда, томорқаларда тер тўкиб, ҳалол меҳнат қила-

ётган фидойи деҳкон ва фермерларимизга, кластер хўжалик-лари раҳбарлари ва ишчи-хизматчиларига ўз раҳматимни айтаман.

Албатта, биз коронавирус пандемиясига қарши курашни бир лаҳза ҳам тўхтатмаймиз. Бу одамларимиз, аҳолимизнинг соғлиги, ҳаёти билан боғлиқ ўта муҳим масала.

Айни пайтда биз 34 миллионли халқимизни озик-овқат ва бошқа зарур маҳсулотлар билан кафолатланган ҳолда таъминлаш, фуқаролар даромадининг пасайиб кетишига йўл қўймаслик, ёрдам ва кўмакка муҳтож юртдошларимизни қўллаб-қувватлашдек ғоят долзарб вазифани ҳам кечиктирмасдан ҳал қилишимиз керак. Бунинг учун иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқлари барқарор ишлаши шарт. Кўриниб турганидек, биз бир вақтнинг ўзида катор мураккаб вазифаларни ечишимиз зарур.

Ҳозирги оғир пайтда аҳолимизнинг ёрдам ва кўмакка муҳтож қатламларини аниқ, манзилли асосда қўллаб-қувватлаш мақсадида «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракатини йўлга қўйиш ҳақидаги ташаббусни халқимиз, жамоатчилигимиз кўтаринки руҳда, кизгин кутиб олгани барчамизни, албатта, хурсанд қилади. Бу масала бўйича муҳтарам фахрийларимиз, олимлар, маданият ва санъат арбоблари, ҳурматли уламоларимиз, бизнес ҳамжамияти вакиллари, ёшларимиз томонидан телевидение ва газеталарда, ижтимоий тармоқларда билдирилаётган фикрлар, самимий муносабат бундай эзгу интилиш халқимизнинг юрагида, қалбида мужассам эканини яққол тасдиқлайди.

Бу самимий фикр-мулоҳазалар эл бошига иш тушган қийин дамларда бир-бирига елкадош бўлиш, бир-бирига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш каби энг олижаноб фазилатлар халқимизнинг юрагида, қалбида азалдан мужассам бўлганини, бугун ушбу интилишлар янада кучлироқ жўш ураётганини намоён этади.

Шу маънода, улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий бобомизнинг «Саховатли инсоннинг бошига жаннат дарахтлари соя солади» деган сўзларида чуқур ҳикмат бор, албатта.

Мен ана шу ташаббусни чин дилдан қўллаб-қувватлаб, бу савобли ишга муносиб ҳисса қўшаётган барча ватандошларимизга, саховатли тадбиркорларимизга муқаддас китобларимизда айтилган **«Яхшиликнинг мукофоти – фақат яхшиликдир»**, деган гапни яна бир бор эслатмоқчиман.

Албатта, эҳтиёжманд, кам таъминланган инсонлар ва оилаларга меҳр ва ҳурмат билан ёрдам қўлини чўзадиган барча тадбиркорлар ва фермерларга, хўжалик бирлашмалари вакилларига, вазирлик, идора ва ташкилотларнинг ишчи-ходимларига бу қилган яхшиликлари бир неча бор зиёда бўлиб қайтади.

Таъкидлаб айтаман: ўз навбатида, давлатимиз, жамиятимиз саховатпеша тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Уларга ҳеч қандай оғирлик тушмайди. Шу маънода, «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати давлатимиз ва халқимиз бирлигини, унинг беқиёс қудратини ёрқин намоён этиб, янги тарихимиз саҳифаларидан мустаҳкам ўрин олади, деб ишонаман.

Мана, жонажон Ватанимизга Рамазони шариф кириб келмоқда. Ушбу улуғ айём муносабати билан нуроний отахон ва онахонларимизни, кадрли ака-ука, опа-сингилларимизни, иймон-эътиқодли халқимизни чин қалбимдан муборакбод этаман.

Барчангизга тинчлик-омонлик, оилавий хотиржамлик, бахту саодат ёр бўлишини тилайман.

Бугунги ўткинчи қийинчиликларга қарамасдан, Рамазони шариф ҳар доимгидек хонадонларимизга, дилларимизга қувонч, юртимизга файзу барака бахш этади, бир-биримизга бўлган меҳр-оқибатимизни янада зиёда қилади, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, узоқ-яқин мамлакатлардаги мўмин-мусулмон биродарларимизни ҳам самимий табриклаб, уларга ўз номидан, халқимиз номидан тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Ҳаммамизга аёнки, Аллоҳ таолонинг марҳамати билан Рамазон ойида эзгу ниятлар ижобат бўлади.

Мана шу муборак ойда барчамиз тутган рўзаларимиз, қилаётган дуои фотиҳаларимиз, хайрли амалларимиз шарофати билан барча мамлакатлар қатори эл-юртимизни ҳам ушбу офатдан тезроқ халос этишини Яратган Парвардигордан сўраб қоламиз.

*Аҳоли бандлиги масаласига бағишлаб
ўтказилган видеоселектор йиғилиши
аввалида коронавирус инфекциясига
қарши кураш доирасидаги сўз*

2020 йил 22 апрель

ҲАМЖИҲАТЛИК ВА МЕҲР-ОҚИБАТ БИЛАН

Хурматли селектор иштирокчилари!

Кун тартибидаги асосий масалаларга ўтишдан олдин, шунини айтмоқчиманки, «ойнаи жаҳон»да кўрган бўлсаларингиз керак, мен кеча Бухоро вилоятида бўлиб, юзага келган вазият билан яқиндан танишдим. Бу ерда юз берган табиий офат оқибатларини бартараф қилиш бўйича Республика комиссияси фаол иш олиб бормоқда. Бу ишлар учун республика бюджетидан Бухоро вилоятига 100 миллиард сўм ажратилди.

Такрор айтаман, биронта ҳам юртдошимизни, биронта ҳам оилани ушбу кутилмаган фалокат қаршисида ёлғиз қолдирмаймиз, барча зарур ёрдам албатта кўрсатилади.

* * *

Энди республикадаги эпидемиологик вазият ва пандемияга қарши курашиш бўйича ишларга тўхталсак. Бугунги кунда республикамиз бўйича ушбу касалликка чалинган 1066 нафар ёки 55 фоиз беморлар тўлиқ соғайганини ва охириги 5 кун ичида 505 нафар бемор соғайганини алоҳида қайд этмоқчиман. Қолган 894 нафар беморни ҳам даволаш юзасидан, ўзимизда амалий ёрдам бераётган 18 нафар хитой, немис, корейс врачлар ҳамда телемедицина орқали етакчи хорижий мутахассислар билан ҳамкорлик қилган ҳолда, барча зарур чоралар кўрилмақда.

Мамлакатимиз тиббиёт ходимларининг бугунги кунда касалликка қарши олиб бораётган машаққатли ва ўта масъулиятли меҳнатини муносиб кадрлаш ва рағбатлантириш учун кунини кеча мен яна бир муҳим қарорни имзоладим. Унга кўра,

санитария-эпидемиология хизматининг қарийб 11 мингга яқин барча тоифадаги тиббиёт ходимларининг иш ҳақи 2,5 бараварга оширилди.

Умуман, карантин қоидаларини ўз вақтида жорий этганимиз ва халқимиз унга сабр-тоқат билан амал қилаётгани сабабли, кўплаб туман ва шаҳарларда инфекция тарқалишига йўл қўйилмади. Шу ўринда кўнглимдаги бир фикрни жамоатчилигимиз, халқимизга очик айтмоқчиман. Мана, бир ярим ойдан ошди – эл-юртимиз «уйда қолинг» деган даъватга амал қилиб, сабр-чидам кўрсатиб, карантин шароитида яшамокда. Оилам, бола-чақам, деб тиниб-тинчимайдиган, эртаю кеч ғайрат билан меҳнат қиладиган халқимиз учун бундай мажбурий ҳолат албатта осон бўлаётгани йўқ. Минглаб ватандошларимиз оғир синов кунларида чинакам сабр-тоқат ва масъулият, меҳр-оқибат фазилатларини намоён этяптилар. Буни жаҳон ҳамжамияти ҳам тан олиб, ҳар томонлама эътироф этмоқда.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, пандемияга қарши курашнинг олдинги сафларида чинакам қаҳрамонлик кўрсатаётган барча шифокорларимизга, шу жумладан, тез ёрдам хизмати ходимлари ва ҳайдовчиларига яна бир бор чуқур миннатдорчилик билдираман. Бу жараёнда ўзини аямасдан хизмат қилаётган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларига, мард ва жасур ҳарбийларимизга, вазирлик ва идоралар, ҳокимликларнинг раҳбарлари ва хизматчиларига самимий ташаккур изҳор этаман.

Муҳтарам нуронийларимиз ва маҳалла фаолларига, саховатли тадбиркорларимизга, олимларимиз, ўқитувчи ва домлалар, ижодкор зиёлиларимиз, имом-хатибларимизга чин дилдан раҳмат айтаман.

Ҳозирги мураккаб вазиятда ўз профессионал бурчини виждонан бажараётган оммавий ахборот воситалари вакилларига, инсонпарварлик намунасини кўрсатиб, кўнгилли

бўлиб волонтерлик ҳаракатида фаол қатнашаётган фидойи ёшларимизга ўз номидан, халқимиз номидан катта миннатдорчилик билдираман.

Барчангизни Аллоҳ таоло ўз паноҳида асрасин, оилангиз, фарзандларингиз, халқимиз бахтига доимо омон бўлинг!

Илоё, барча эзгу ниятларимиз амалга ошсин!

Ҳурматли дўстлар!

Республикамизда санитар-эпидемиологик вазият аста-секин барқарорлашиб бораётганини ҳисобга олиб, мутахассислар билан маслаҳатлашган ҳолда, карантиндан босқичма-босқич чиқиш бўйича навбатдаги қадамларни қўйиш вақти келди. Чунки ҳаёт давом этмоқда. Биз эртанги кун ҳақида, эл-юртимизнинг келажаги тўғрисида ҳар дақиқа ўйлашимиз керак.

Биринчидан, санитария-эпидемиологик ҳолатнинг ижобий динамикаси, об-ҳаво шароити ва фуқароларнинг кўплаб муурожаатларини инобатга олган ҳолда, шаҳар ва туманлардаги кўп қаватли уйларнинг ички ҳовли ва ҳудудларида ота-оналар ҳамроҳлигида болаларни сайр қилдиришга рухсат бериш керак. Бунда, албатта, хавфсизлик чораларига қатъий амал қилиш талаб этилади.

Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов) ва Миллий гвардия (Р.Жўраев) ушбу топшириқнинг ижросини сўзсиз таъминлаш чорасини кўрсин.

В.Маҳмудов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Тошкент шаҳрида бу ишларнинг намунали ташкил этилишини назоратга олсин.

Иккинчидан, пишиб етилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нобуд бўлишининг олдини олиш мақсадида аҳоли талабларидан келиб чиқиб, фермер ва деҳқонларимиз томонидан етиштирилган мева-сабзавот, полиз ва кўкат маҳсулотларини жойларга етказиш ва сотиш учун вилоятлараро ва шаҳарлараро қатновларни амалга оширишга рухсат бериш лозим.

Мисол учун, илгари Фарғона водийсидан Қамчиқ довони орқали пойтахтимиз ва бошқа вилоятларга катта ҳажмдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бериларди. Ҳозир эса довондан ўтиш йўли ёпиб қўйилган. Ёки Самарқанд вилоятидан Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа ҳудудларга ҳам кўплаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари олиб бориладди. Бу ишлар ҳам ҳозир тўхтаб турибди. Шунинг учун Бош прокурор Н.Йўлдошев бошчилигидаги озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш комиссиясига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жойларга етказиб бериш бўйича 24 соат узлуксиз ишлайдиган тизим ташкил қилиш топширилади.

Ички ишлар вазирлиги (Собиров) деҳқон ва фермер хўжаликларининг автотранспорт воситаларини ҳудудлараро постларда кутиб олиш, уларни маҳаллалардаги савдо нуқталарига тартиб билан кузатиб боришни таъминласин.

Давлат солиқ қўмитаси (Б.Мусаев), Бош прокуратура (Н.Йўлдошев), Ички ишлар вазирлиги (Бобожонов) сотиш учун олиб келинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жойларда аҳоли талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, савдо майдончалари ва ярмаркаларга йўналтириб борсин.

Учинчидан, аҳоли орасида касалликка чалиниш динамикаси пасайиб бораётганини инобатга олиб, фуқароларимиз томонидан шахсий автотранспортдан фойдаланишга чекловларни ҳам секин-аста юмшатиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Республика комиссияси (А.Арипов) тегишли чекловлар ўрнатилган ҳудудларда аҳоли томонидан эрталаб соат 7:00 дан 10:00 гача ҳамда кечкурун 17:00 дан 20:00 гача шахсий автомашиналардан фойдаланишга рухсат берилишини таъминласин.

Бунда қуйидаги қоидалар белгилансин.

Шахсий автотранспортдан, биринчи навбатда, фуқароларимизнинг иш жойига, тиббиёт муассасаларига бориши ва уйига

қайтиши, истеъмол маҳсулотлари, дори-дармон ва тиббий буюмларни харид қилиши учун фойдаланиши мумкин.

Махсус рухсатномаларга (стикерларга) эга ва етказиб бериш хизматини кўрсатаётган фуқаролар эса шахсий авто-транспортда ҳеч қандай чекловсиз ҳаракатланиши мумкин.

Ички ишлар ходимлари бу масалага оқилона ёндашиб, вазиятдан келиб чиққан ҳолда, тўғри қарорлар қабул қилишига, фуқароларимизга қонуний асосда, шу билан бирга, маданият ва одоб билан муносабатда бўлишларига ишонаман.

Шу билан бирга, ҳурматли олимларимизга, илмий-тадқиқот институтлари ходимларига, профессор-ўқитувчиларимизга санитария-гигиена нормаларини таъминлаган ҳолда, ўз лаборатория ва кафедраларида кундалик ишларини давом эттиришга ижозат бериш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Улар илмий ва ўқув жараёнларини ташкил этишга аста-секин тайёргарлик кўриб боришлари лозим.

Худо хоҳласа, вазиятимиз яхшиланиб, ижобий томонга ўзгариб бориши билан, 10 майдан кейин биз карантин режими босқичма-босқич юмшатишга қаратилган ишларимизни янада дадилроқ давом эттирамиз. Лекин такрор ва такрор айтаман: ҳамма жойда санитария талабларига амал қилишга биринчи даражали масала, деб қарашимиз керак.

Мамлакатимизда пандемияга қарши курашиш борасида ўтган вақт мобайнида муҳим тажриба орттирилди.

Энди ана шу тажрибадан юкумли касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш, санитария-гигиена қоидаларига қатъий амал қилиш ҳамда тиббий маданиятни ошириш йўлида самарали фойдаланишимиз зарур.

Таъкидлаб айтаман, агар бу талабларга барчамиз қатъий амал қилмасак, шунча қилган ишларимиз, кўрган чора-тадбирларимиз зое кетиши мумкин.

Энг асосийси, ҳар биримизнинг соғлиғимиз ўзимизга ва айни вақтда бутун халкимизнинг соғлиғи ҳар биримизга, бизнинг онгу тафаккуримиз, тартиб-интизом ва сабр-

бардошимизга боғлиқ эканини, барчамиз ҳеч қачон унутмаслигимиз шарт.

Ҳурматли селектор қатнашчилари!

20 апрелдаги селектор йиғилишида вирусдан холи туман (шаҳар)ларда карантин қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда, корхоналар фаолиятини тиклаш бўйича топшириқ берилган эди.

Яна бир бор такрорлайман, биринчи навбатда, шошилмасдан, пухта ўйлаб, карантин қоидаларига тўлиқ амал қиладиган корхоналар ишини тиклаш лозим. Бу борада Наманган вилоятида фаолиятини тўхтатган ёки паст қувватда ишлаётган 10 мингдан зиёд корхонадан 2 минг 854 тасининг ишини тиклаш бўйича қарор қабул қилинган. Яна 851 тасининг ишлашига рухсат бериш масаласи ўрганилмоқда.

Хоразм вилоятида 3 минг 350 та ишламаётган корхонадан 448 тасининг фаолияти тикланади, 409 таси бўйича ўрганиш ўтказилмоқда.

Жиззах вилоятида иш қувватини пасайтирган 6 мингдан зиёд корхонадан 534 тасининг фаолиятини тиклаш бўйича қарор қабул қилинган, 332 тасига рухсат бериш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Тошкент вилоятида иш ҳажми кескин пасайиб кетган 14 мингта корхонадан 5 минг 399 тасининг фаолиятини тиклаш бўйича қарор қабул қилинган, 2 минг 833 таси бўйича ўрганиш давом этмоқда.

Бугун ҳокимлар ва сектор раҳбарлари ўз ҳисоботида корхоналар фаолиятини тиклаш бўйича ишларни қандай ташкил этгани ва уларда карантин қоидалари тўлиқ бажарилишини шахсан кафолатлаши тўғрисида ахборот бериши керак.

Навбатдаги муҳим масала – кам таъминланган ва карантин сабабли ишсиз қолган аҳолини номма-ном аниқлаб, уларни манзилли қўллаб-қувватлаш ишлари жойларда қандай ташкил этилмоқда?

Шу муносабат билан ҳокимлар ва сектор раҳбарлари ҳар бир хонадон бўйича очилган «оилавий дафтар»ларга бу оилаларнинг қандай муаммолари аниқлангани, уларни қачон ва қандай ҳал этиш тўғрисида тегишли маълумотлар киритиб боришлари зарур.

Маълумки, иқтисодиёт ўсишини ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг энг муҳим йўналиши – инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва янги корхоналарни ишга тушириш ҳисобланади.

Энди карантин сабабли қурилишлар тўхтаб қолди, деган баҳона кетмайди.

20 апрелдаги селекторда қурилиш соҳасидаги ишларни давом эттириш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Ҳокимлар Инвестиция ва ҳудудий дастурларга киритилган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини алоҳида назоратга олиб, юзага келаётган барча муаммоларни ҳал этишда ёрдам беришлари керак бўлади.

*Аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат
маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш
ва нарх-наво барқарорлигини сақлаш масалаларига
бағишланган видеоселектор йиғилиши аввалида
коронавирус пандемиясига қарши кураш борасидаги сўз*

2020 йил 29 апрель

ОФАТ ВА МАТОНАТ

Хурматли селектор иштирокчилари!

Аввало, бугунги кунда энг долзарб масала бўлган коронавирус пандемияси ҳақида қискача тўхталиб ўтмоқчиман.

Бутун инсоният коронавирус билан бирга, иқтисодий инкирозга ҳам қарши курашаётганини ҳаммамиз кўриб, кузатиб турибмиз. Жаҳонда мураккаб вазиятдан чиқиш учун карантин чораларини аста-секин юмшатаётган давлатлар сони кўпайиб бормоқда. Яратганга шукурки, бугун Ўзбекистонда эпидемиологик вазият кундан-кунга тобора барқарорлашиб бoryпти. Ҳар куни касалликка чалинганларга нисбатан, соғайган беморлар сони кўпаймоқда. Карантинга янги олинганларга нисбатан, анча кўп одам карантиндан чиқарилмоқда. Натижада бугунги кунда коронавирус юқтирган 2 минг 204 нафар бемордан 1 минг 454 нафари ёки 66 фоизи тўла соғайди.

Карантиндаги аҳолининг 83 фоизи ўз уйига қайтди. Яъни, ижобий динамика кучайиб бормоқда.

Шифохоналарда қолаётган 740 нафар беморни даволаш, саломатлигини тиклаб, оиласи бағрига қайтариш учун барча зарур чоралар кўрилмоқда. Бу ишлар осонликча бўлаётгани йўқ. Ҳозирга қадар бунга Инкирозга қарши курашиш жамғармасидан 2 триллион 250 миллиард сўм сарфладик ва 500 миллион доллар халқаро молия институтларидан жалб қилдик.

Бугунги кунда бутун дунёда ҳеч ким пандемия яна қанча давом этишини билмаяпти. Шу сабабли қанчалик қийин бўлмасин, халқимиз билан бирга пандемия шароитида, барча талабларга амал қилган ҳолда, ишлаш ва яшашга ўрганишимиз керак.

Ҳозир эпидемиологик вазият ижобий томонга ўзгарганидан фойдаланиб, биз иқтисодиётимизда карантин режимини аста-секин юмшатмасак бўлмайди. Чунки бу тартиб иқтисодиётимиз ривожига ва аҳолимиз ҳаётига жуда катта салбий таъсир қилмоқда. Бу борада халқимизга, айниқса, фермер ва тадбиркорларга қулайлик яратиш учун карантин талабларини юмшатиш бўйича дастлабки қадамларни қўйдик. Ушбу ишларни давом эттириш мақсадида, барча ҳудудлар раҳбарларининг ёзма таклифларини олдик ва улар асосида карантиндан босқичма-босқич чиқиш механизмларини бугунги йиғилишда сизлар билан муҳокама қилиб оламиз.

Азиз дўстлар!

Бу йил инсоният учун, шу жумладан, биз учун ҳам жуда оғир келди. Кейинги бир ҳафтанинг ўзида халқимиз кетма-кет кутилмаган синовларга дуч келди. 27 апрель кечаси Бухоро вилоятида, айниқса, Олот ва Қоракўл туманларида юз берган оғир табиий офатдан яхши хабардорсизлар. Бу офат вилоят бўйича 38 мингдан зиёд аҳоли хонадонлари, 847 та ижтимоий соҳа объектларига, экин майдонларига зарар етказди. Қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва инфратузилма соҳаларига ҳам жиддий талафот етди.

Биз табиий офат оқибатларини бартараф қилиш бўйича, барча зарур чораларни кўряпмиз. Ҳукумат комиссияси туну кун ишламоқда. Бугунгача 70 фоиз ижтимоий объектлар, 20 фоиз аҳоли хонадонларининг томи ёпилди. Шунингдек, 5 минг километр электр тармоқлари, 1 минг 100 та трансформатор таъмирланиб, 286 минг аҳолининг электр таъминоти тикланди. Якка тартибдаги уй-жойлар ҳам таъмирланмоқда.

Афсуски, бошимизга келган синовлар шу билан туггани йўқ.

Хабарингиз бор, Сирдарё вилоятидаги «Сардоба» сув омборида содир бўлган фавкулудда вазият туфайли Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод туманларидаги 24 та маҳалладан 90 мингга яқин фуқаро, зудлик билан хавфсиз ҳудудга эвакуа-

ция қилинди. Уларнинг барчасига биринчи даражали зарур шароитлар яратилиб, улар озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар билан таъминланмоқда.

Сув тошиши оқибатларини бартараф этиш ва сабабларини ўрганиш бўйича Ҳукумат комиссияси ишламоқда. Зарар етган уй-жойларни тиклаш ва таъмирлаш, аҳолини ўзининг тикланган уйига қайтариш ва рўзғорига ёрдам бериш, инфратузилмани қайтадан тиклаш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш бўйича барча масалалар ҳал қилинмагунча Сирдарёга бириктирилган ҳамма раҳбарлар, кучайтирилган сафарбарлик режимида ишлайди. Бу ҳудудлардаги одамларнинг ҳаётини нафақат олдинги ҳолатига қайтариш, балки уни янада яхшилаш керак. Уларга янги уй-жойлар, ижтимоий объектлар, янги иш ўринлари барпо этиб беришимиз шарт, деб ҳисоблайман.

Бугунги кунда қатор маҳаллаларда кенг камровли тозалаш-тиклаш ишлари амалга оширилиб, натижада 53 мингдан зиёд аҳоли ўз уйларига қайтиши ёки яқин қариндошлари уйига кўчиб ўтиши таъминланди.

Такрор айтаман, давлатимиз, жамиятимиз ҳеч кимни бундай кутилмаган фалокатлар қаршисида ёлғиз ва эътиборсиз қолдирмайди.

Аҳолимиз ҳаётини сақлаб қолиш ва эвакуация қилишда Фавкулудда вазиятлар, Ички ишлар ва Мудофаа вазирликлари, Миллий гвардия хизматчилари муҳим роль ўйнади. Бугунги кунда улар авария ва тиклаш ишларига кенг жалб этилган.

Афсуски, ҳозиргача 4 нафар фуқароларимизнинг табиий офат оқибатида ҳалок бўлгани, 1 нафари бедарак йўқолгани аниқланди. Жумладан, аҳолини хабардор қилиш ва қутқарув ишларини олиб бориш жараёнида Миллий гвардиянинг 2 нафар ходимини кучли сув оқими олиб кетган. Улар ўз жонини фидо қилиб, юзлаб-минглаб инсонлар ҳаётини сақлаб қолишди.

Ҳалок бўлганларнинг яқинлари ва оила аъзоларига ўзимнинг чуқур ҳамдардлигимни билдираман.

Йигитларимизнинг жасорати барча касбдошлари ва ёшлар учун Ватанга, халқимизга содиқлик ва фидокорона хизмат қилишнинг намунаси бўлиб қолади.

Албатта, Бухоро ва Сирдарёдаги офатлар Яратганнинг бизга юборган синови. Бунга сабр қилишимиз, қаттиқ меҳнат билан, биргаликда ёруғ юз билан ўтишимиз керак. Ушбу қийинчиликларга қарамай, халқимиз бу синовлар олдида ўзини йўқотиб қўймаганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Мана, «ойнаи жаҳон» орқали кўряписизлар, халқимиз янада бирлашиб, ўзининг меҳр-оқибати, бағрикенглиги, буюк саховатини ҳар кун, ҳар дақиқада намоён этмоқда. Бунга Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод туманларидан кўчирилган фуқароларнинг 81 фоизини Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятлари аҳолиси, ихтиёрий равишда ўз хонадонларига жойлаштиргани ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Бошқа вилоятлар, вазирлик, компания ва уюшмалар, аҳолимиз томонидан қисқа вақтда Бухоро ва Сирдарёга ёрдам бериш учун қатта миқдордаги ҳомийлик маблағлари ўтказилди, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон ва рўзғор буюмлари юборилди.

Фурсатдан фойдаланиб, жабр кўрганларга ёрдам кўрсатган бағрикенг, саховатпеша ва ҳамдард халқимизга яна бир бор ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Халқимиз бир нарсадан кўнгли тўқ бўлиши, ҳеч қандай ортиқча гап-сўзларга ва миш-мишларга ўрин бўлмаслиги керак.

Менинг топширигимга кўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан сув тошқини билан боғлиқ воқеа юзасидан объектив, ҳолис ва кенг қамровли тергов ҳаракатлари бошланган. Халқимизни ишонтириб айтаман, тергов якунлари бўйича барча айбдорлар ким бўлиши ва эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, қонун олдида жавоб беради.

Бу сув тошқини биз учун аччиқ сабоқ бўлди. Шу сабабли сув омбори масаласида биз халқаро экспертларни жалб этган ҳолда, тўғоннинг барча дамбаларини чуқур экспертизадан ўтказамиз. Фақат шундан кейингина якуний хулосага келамиз. Шунингдек, менинг топшириғимга кўра, ҳозирги кунда тегишли давлат органлари томонидан кучли ёғингарчилик сабабли эрозия юзага келиши мумкин бўлган барча гидроиншоотлар, тўғонлар ва ГЭСларда текширув ишлари олиб борилмоқда.

Афсуски, Сардобадаги офат натижасида, биз билан чегарадош бўлган ён қўшнимиз – Қозоғистон Республикаси Туркистон вилояти Мактарал туманининг айрим аҳоли пунктларини ҳам сув босди.

Биз Қозоғистон Президенти, ҳурматли Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали бу масалани ўзаро тушуниш ва очиқлик руҳида атрофлича муҳокама қилиб олдик. Кун кеча Туркистон вилояти ҳокими Умирзоқ Шукеев бошчилигидаги делегация воқеа жойида бўлиб, вазиятни ҳар томонлама чуқур ўрганди.

Биз қардош қозоқ халқи билан азал-азалдан бир дарёдан сув ичиб, ўзаро қуда-анда бўлиб, эт билан тирноқдек яқин бўлиб яшаганмиз. Қувончли кунларда ҳам, синовли дамларда ҳам ҳамиша бир-биримизга елкадош бўлиб, қўллаб-қувватлаб келганмиз. Ушбу кутилмаган техноген офат – нафақат аҳолимизга, балки қўшни қозоқ биродарларимизга ҳам ортиқча ташвиш ва зиён етказганидан жудаям хижолатдамиз. Уларнинг аҳоли яшаш жойлари ва экин майдонлари зарар кўрганидан албатта биз жуда афсусдамиз.

Ҳукуматимиз, тегишли вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар, бошқа мутасадди ва мутахассислар қозоғистонлик ҳамкасблари билан биргаликда, табиий офат оқибатларини бартараф этиш бўйича албатта яқиндан ҳамкорлик қилади.

Биз қозоғистонлик биродарларимизга табиий офат оқибатларини бартараф этишда керакли ёрдам беришга ҳам тайёр эканимизни билдирдик.

Ишончим комил, биз бошимизга тушган бу оғирликларни ҳам халқимиз билан биргаликда, ўзаро ҳамжихатликда бир тану бир жон бўлиб, албатта енгиб ўтамыз.

*Коронавирус инфекциясига қарши кураш
ҳамда Бухоро ва Сирдарё вилоятларида
юз берган фавқулодда ҳодисалар бўйича
ўтказилган видеоселектордаги нутқдан*

2020 йил 5 май

**ДЎСТОНА АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК –
БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ
КАФОЛАТИ**

КОНСТРУКТИВ ТАШҚИ СИЁСАТ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ

Муҳтарам фавқулодда ва мухтор элчилар!

Хонимлар ва жаноблар!

Сизларни Ўзбекистон Республикасида элчи сифатида иш бошлаганингиз билан самимий табриклайман.

Бугунги ишонч ёрликларини топшириш маросимида иштирок этаётган Сиз, муҳтарам элчиларни чин қалбимдан қутлайман! Зиммангиздаги масъулиятли ва шарафли вазифани бажаришда барчангизга улкан муваффақиятлар тилайман!

Биз Ўзбекистонда ўтган уч йилда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, сармоявий, гуманитар ва маданий йўналишларда, умуман, ҳамма соҳа ва тармоқларда, кенг қўламли ислохотларни, демократик ўзгаришларни жадал амалга оширмоқдамиз.

Мамлакатимизни 2017–2021 йилларда ривожлантириш бўйича «Ҳаракатлар стратегияси»да белгиланган устувор мақсад ва вазифалар доирасида бу йилни «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» деб эълон қилдик.

Инновацион технология ва ёндашувлар асосида замонавий саноат корхоналари ва инфратузилма барпо этилмоқда. Республикамиз ҳудудларида «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла», «Ҳар бир оила тадбиркор» каби давлат дастурлари изчил олиб борилмоқда.

Банк, молия, солиқ ва бошқа соҳаларда жуда катта ислохотларни давом эттиряпмиз. Ўтган уч йилда мамлакат иқти-

содиётига киритилган сармоялар ҳажми 2 баробарга, тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари салкам 5 маротаба, экспорт ҳажми эса 1,6 баробарга ўсди.

Ҳурматли элчилар!

Ўзбекистон ўз тараққиётининг бугунги янги босқичида очик, ўзаро ҳурмат, тенглик ва манфаатдорлик, яхши қўшничилик тамойилларига асосланган ташқи сиёсат олиб бормокда.

Ана шундай конструктив ва прагматик сиёсат натижасида халқаро майдонда Ўзбекистоннинг ҳар томонлама ишончли ва масъулиятли ҳамкор сифатида мутлақо янги қиёфаси шаклланмокда. Жаҳоннинг барча китъаларидаги шерикларимиз билан муносабатларни салоҳиятимизга мос юқори босқичга кўтармокдамиз.

Биринчи навбатда Марказий Осиё давлатлари билан стратегик шериклик ва яқин биродарлик руҳидаги янги сиёсий муҳит қарор топди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ва Ислом ҳамкорлик ташкилотлари каби нуфузли халқаро тузилмалар билан алоқаларимиз фаоллашмокда.

Мамлакатимизга туристлар оқими кескин ошмокда. Дунёнинг кўплаб давлатлари фуқароларига визани бекор қилдик ва тартибларни соддалаштирдик. Натижада йил бошидан буён республикаимизга беш миллионга яқин сайёҳлар ташриф буюрди.

Сизлар куни кеча қадимий Қўқон шаҳрида Халқаро ҳунармандчилик фестивалида бевосита иштирок этиб, унинг бетакрор шукуҳи ва тароватидан баҳраманд бўлдингиз. Бу каби тадбирлар юртимизнинг кўҳна тарихи, бой маданияти ва туризм салоҳиятини дунёга тараннум этмокда.

Муҳтарам элчилар!

Сиз вакиллари бўлган давлатлар билан ўзаро яқин ҳамкорлик алоқаларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ташқи

сиёсатимизда муҳим ўрин тутди. Шу боис муносабатларимизнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Афғонистон Ислом Республикаси элчиси Аҳмад Холид Элмий Жаноби Олийлари!

Ўзбек ва афғон халқларини кўп асрлик умумий тарих, муқаддас Ислом дини ва маданий-маънавий муштараклик, яхши қўшничилик ва азалий биродарлик ришталари чамбарчас боғлаб туради.

Биз Афғонистонни Марказий Осиёнинг ажралмас қисми, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида муҳим давлат, яқин қўшнимиз сифатида эътироф этамиз.

Афғонистон Президенти Ашраф Ғани Жаноби Олийлари билан мунтазам учрашув ва мулоқотларимиз алоқаларимиз ривожига улкан туртки бағишламоқда.

Яқинда Бош вазиримиз илк маротаба Афғонистон заминига — Мозори Шарифга ташриф буюрди ва у ерда биринчи Ўзбекистон савдо кўргазмаси самарали ўтказилди.

Истиқболда ўзаро савдо айланмаси ҳажмини 1 миллиард долларга етказиш, янги қўшма дастурларни амалга ошириш учун барча имкониятларга эгамиз.

Биз минтақавий аҳамиятга эга бўлган энергетика, транспорт, логистика ва коммуникация, таълим соҳаларидаги йирик лойиҳаларни тезлаштиришдан манфаатдормиз.

Моҳир дипломат Аҳмад Холид Элмий Жаноби Олийлари, ўзбек-афғон муносабатларини кенгайтириш йўлидаги фаолиятингизда катта ютуқ ва омадлар тилайман!

Ҳиндистон Республикаси элчиси Сантош Жа Жаноби Олийлари!

Биз Ҳиндистонни нафақат Жанубий Осиё минтақаси ва Осиё қитъасида, балки бутун дунёда улкан салоҳият ҳамда куч-қудратга, бой маданий ва тарихий меросга эга давлат, деб биламиз.

Ҳиндистон – Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги йирик ҳамда вақт синовларидан ўтган стратегик шерикларидан биридир.

Ўтган йили кузда Ҳиндистон заминига тарихий давлат ташрифимиз ҳамда шу йил январь ойида «Жўшқин Гужарат» халқаро саммити чоғидаги сермахсул учрашувлар муносабатларимизни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди.

Президент Рам Натх Ковинд ва Бош вазир Нарендра Моди Жаноби Олийлари билан ўтган самарали музокаралар ҳамкорлигимиз ривожини учун кенг имкониятлар очиб берди.

Биргаликдаги ташаббусимиз билан Ҳиндистон ва Марказий Осиё ташқи ишлар вазирларининг илк йиғилишини шу йил Самарқандда муваффақиятли ўтказдик.

Мамлакатимизда Амрити ва Шарда университетлари ўз филиалларини очди, IT-парк, «Андижон-фарм» эркин иқтисодий зонаси, Ҳиндистон тадбиркорликни ривожлантириш институти маркази ташкил этилди.

Ҳурматли Сантош Жа Жаноби Олийлари!

Ўзингизнинг дипломатик билим ва узоқ йиллик ҳаётий тажрибангизни ишга солиб, икки томонлама алоқаларимизни юқори босқичга олиб чиқасиз, деб ишонаман. Бу йўлда Сизга янги зафарлар ёр бўлишини тилайман!

Буюк Британия элчиси Тимоти Торлот Жаноби Олийлари!

Буюк Британия дунёда юксак сиёсий, иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган давлат, Ўзбекистоннинг нафақат Европада, балки жаҳон микёсидаги муҳим шерикларидан биридир.

Сўнги йилларда давлатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, молиявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда кўп қиррали муносабатлар жадал ривожланиб бораётганини алоҳида қайд этмоқчиман.

Ҳозирги кунда Британиянинг дунёга машҳур ва етакчи компаниялари билан нефть-газ ва кимё, геология, юқори технологиялар, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, соғлиқни сақлаш ҳамда таълим соҳасида бир қатор лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Биз Тошкентда Халқаро молия марказини ташкил этиш режасига алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Шу ўринда пойтахтимиз ва ҳудудларимизда мутлақо янги таълим тизими – Президент мактабларини яратиш жараёнида Кембриж университети билан йўлга қўйилган амалий ҳамкорликни юқори баҳолаймиз.

Хурматли элчи Тимоти Торлот жаноблари!

Сизнинг салкам қирқ йиллик касбий маҳоратингиз ва чуқур билимларингиз, ҳеч шубҳасиз, давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада фаоллаштиришга хизмат қилади.

Бошланган элчилик фаолиятингиз сермахсул бўлишини тилаб қоламан!

Япония элчиси Ёшинори Фузияма Жаноби Олийлари!

Қадимий тарих ва ноёб маданият, юксак иқтисодий, индустриал ва интеллектуал салоҳиятга эга Япония бизнинг Осиё-Тинч океани минтақасидаги стратегик шеригимиздир.

Шуни мамнуният билан таъкидламоқчиман – давлатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик тобора фаоллашиб бормоқда.

Электр ва ёқилғи энергетикаси, тоғ-қон, автомобиль саноати, транспорт, алоқа ва телекоммуникация, инфратузилмаларни модернизация қилиш, фан-таълим, туризм ва бошқа устувор йўналишлар бўйича илғор япон компания ва банклари билан ҳамкорлигимиз чуқурлашмоқда.

Биргина мисол – ўтган йили ўзаро савдо ҳажми тўрт маротаба ортди ва муносабатларимиз тарихида энг юқори натижаларга эришилди.

Ўзбекистонга кўрсатиб келаётган молиявий-техник кўмаги учун Япония Ҳукумати ва Япония Халқаро ҳамкорлик агентлигига алоҳида миннатдорчилик изҳор этаман.

Ҳеч шубҳасиз, жорий йилнинг декабрь ойида Японияга бўлажак илк давлат ташрифимиз, Император Нарухито Аъло Ҳазратлари ва Бош вазир Синдзо Абэ Жаноби Олийлари билан мулоқотларимиз икки томонлама самарали алоқаларни ва Марказий Осиё минтақасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янги поғонага кўтаришга хизмат қилади.

Хурматли Ёшинори Фужияма Жаноби Олийлари!

Сизнинг дипломатия соҳасида, Ҳукумат ва Парламентдаги кўп йиллик тажрибангиз элчилик фаолиятингиз учун мустаҳкам замин яратишига ишончим комил. Бу борада Сизга улкан омадлар тилайман!

Франция Республикаси элчиси Изабель Сервоз-Галлуччи Хоним Олиялари!

Биз Францияни жаҳондаги қудратли, обрўли ва улкан салоҳиятга эга давлатлардан бири, Европадаги ишончли ва муҳим ҳамкоримиз сифатида эътироф этамиз.

Бундан бир йил муқаддам Францияга расмий ташрифимиз чоғида Президент Эммануэль Макрон Жаноби Олийлари билан очиқ ва дўстона мулоқотларимиз кенг қамровли шериклигимизга янги мазмун ва шиддат бағишлади.

Биз Франциянинг етакчи компаниялари билан геология-разведка ва истикболли конларни ўзлаштириш, қуёш энергетикаси, коммунал ва ичимлик суви таъминоти, туризм кластерларини барпо этиш каби устувор лойиҳалар бўйича фаол ҳамкорлик қилмоқдамиз. Франция тараққиёт агентлигининг мамлакатимиздаги самарали фаолиятини алоҳида қайд этмоқчиман.

Санъат, маданият, илм-фан, соғлиқни сақлаш соҳаларида ҳамкорлигимизни янада кенгайтиришдан манфаатдормиз.

Ҳурматли Хоним Олиялари!

Ўзаро алоқаларимизни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшасиз, деб ишонаман. Бу йўлда Сизга куч-ғайрат ва улкан зафарлар тилайман!

Ҳурматли дипломатик ваколатхоналар раҳбарлари!

Сўзимнинг якунида, Ўзбекистондаги элчилик фаолиятингиз самарали ва унумли бўлиши учун сизларга барча зарур шароитларни яратиб беришимизни таъкидламоқчиман.

Ўз навбатида, сизлар ҳам вилоят, шаҳар ва туманларимизга бориб, янги лойиҳалар ва ташаббуслар билан амалий ҳамкорлигимизни юқори даражага кўтаришга ўз ҳиссангизни қўшасиз, деб ишонаман.

Бу борадаги фаолиятингизда Ўзбекистон Президенти Администрацияси, Ҳукумати, Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, ҳокимлар ҳар томонлама ёрдам ва кўмак кўрсатади.

Сизларни гўзал диёримизда яна бир бор самимий қутлаб, дипломатик фаолиятингизда улкан ютуқлар, хонадонларингизга тинчлик ва осойишталик, оилавий бахт-саодат тилашга ижозат этгайсизлар.

Эътиборингиз учун раҳмат.

*Хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасига
тайинланган Фавқулодда ва мухтор элчиларидан
ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олиш
маросимидаги нутқ*

2019 йил 20 сентябрь

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИНИ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ТАЙЁРЛАШ – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Сиз, муҳтарам ҳамкасбларни яна бир бор қутлашга ҳамда бизга кўрсатилган анъанавий илиқ меҳмондўстлик ва ушбу Саммит юксак даражада ташкил этилгани учун Туркма-нистон Президенти, ҳурматли Гурбангули Мяликгулиевичга самимий миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

2020 йилда Ҳамдўстликка Ўзбекистон Республикаси раис-лик қилиши тўғрисидаги қарорни қўллаб-қувватлаганингиз учун ташаккур билдираман.

Тор доирадаги учрашувда таъкидлаганимдек, МДХ дои-расида кўп томонлама ҳамкорликни изчил кенгайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш мамлакатимиз раислигининг устувор йўналиши бўлади.

Биз Ҳамдўстликни янада ривожлантириш бўйича янги Концепция тез фурсатда қабул қилиниши ҳамда қабул қилинган қарорлар «Йўл харитаси» асосида тизимли бажа-рилишини таъминлаш тарафдоримиз.

Шунингдек, бизнинг назаримизда, асосий эътиборни 2030 йилга қадар бўлган даврда МДХни иқтисодий ривож-лантириш стратегиясини тайёрлашга қаратишимиз зарур. Биз қуйидаги устувор йўналишларга алоҳида аҳамият қаратмоқчимиз:

Биринчи. Эркин савдо ҳудудининг тўлақонли фаолият юритишини таъминлаш;

Иккинчи. Ишлаб чиқариш кооперациясини кенгайтириш ва учинчи мамлакатлар бозорларини биргаликда ўзлаштириш;

Учинчи. Аграр тармоқда, энергетика ва телекоммуникация соҳаларидаги ҳамкорликнинг ўзаро манфаатли шакллари ривожлантириш;

Тўртинчи. Инновация, фан ва таълим дастурларини амалга ошириш.

Транспорт ва транзит йўлакларини ривожлантиришнинг ўн йиллик даврга мўлжалланган устувор йўналишларини белгилаб олишни таклиф этамиз.

2030 йилгача **Худудлараро ва чегараолди ҳамкорлик концепциясини** ишлаб чиқиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Келгуси йилда биз Ўзбекистонда МДХнинг худудлараро биринчи форумини ўтказиш ниятидамиз.

Ишбилармонлик алоқаларини янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистонда МДХ Савдо-саноат палаталари раҳбарлари кенгаши мажлисини ўтказиш ҳамда унинг шафелигида Ҳамдўстликнинг ишбилармонлик ташаббуслари ҳафталигини ташкил этишга тайёرمىз.

Ўйлаймизки, ушбу йўналишлар Ҳамдўстлик мамлакатларида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг чинакам «драйвери» бўлади.

Хавфсизлик соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва махсус хизматлар ўртасида яқин ўзаро ҳамкорликни таъминлашни устувор вазифа, деб ҳисоблаймиз.

Биз келгуси йил баҳор ойида Тошкентда МДХ маконида ахборот хавфсизлигини таъминлаш, янги хатар ва таҳдидларга қарши курашиш масалалари бўйича халқаро экспертлар форумини ташкил этиш ҳақида таклиф киритдик.

Маданий-гуманитар ҳамкорлик хусусида сўз юритганда, биз мамлакатларимизнинг ютуқ ва муваффақиятлари, Ҳамдўстликнинг ташкил топиши ва ривожланиш тарихидаги

муҳим воқеаларга бағишланган ҳужжатли фильмлар туркумини биргаликда тайёрлаш ташаббусини илгари сурдик.

Бу, ўйлайманки, МДХ ташкил топган юбилей санасига барчамиз учун яхши бир совға бўлади.

Ҳамдўстликка Раислигимиз даврида 1941–1945 йилларда Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг етмиш беш йиллигини нишонлаш тадбирларига алоҳида эътибор қаратилади.

Бизнинг назаримизда тарихий хотира ва умумий ўтмишимизга чуқур ҳурмат туйғусига таянган ҳолда, биргаликдаги саъй-ҳаракатларни Ҳамдўстлик мамлакатлари халқлари ўртасида тинчлик, ўзаро англашув ва дўстлик руҳини янада мустаҳкамлашга қаратишимиз лозим.

Ҳурматли давлат раҳбарлари!

Фурсатдан фойдаланиб, Сергей Николаевич Лебедевни МДХ Ижроия қўмитаси раиси лавозимидаги ваколатлари муддати узайтирилгани билан табриклайман ва унинг ишига муваффақиятлар тилайман.

*Туркменистон пойтахти Ашхобод шаҳрида
МДХ давлат раҳбарлари кенгашида сўзланган нутқ*

2019 йил 11 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИНИНГ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ АЪЗОСИ

Хурматли Илҳом Ҳайдарович!

Муҳтарам давлат ва ҳукумат раҳбарлари, кадрли дўстлар!

Авваламбор, бугунги анжуман юкори даражада ташкил этилгани ва бизга кўрсатилаётган самимий меҳмондўстлик учун Озарбайжон халқи ва шахсан Президент Илҳом Алиев Жаноби Олийларига чуқур миннатдорчилик изҳор этаман.

Қирғиз Республикаси Президенти Сооронбой Жээнбеков Жаноби Олийларини сўнгги бир йил мобайнида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига муваффақиятли раислик қилгани билан табриклайман.

Ҳамкасбларимнинг фикрларига қўшилган ҳолда, Туркий Кенгаш асосчиси ва унинг ривожланишида улкан роль ўйнаган Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти, Элбоши, ҳурматли Нурсултон Абишевич Назарбоевни Кенгашнинг Фахрий раиси этиб сайланганини тўла қўллаб-қувватлайман.

Фурсатдан фойдаланиб, атоқли давлат ва сиёсат арбоби, муҳтарам оқсоқолимиз Нурсултон Абишевични – «Туркий дунёнинг олий ордени»га сазовор бўлгани билан чин қалбимдан табриклаб, сиҳат-саломатлик, янги муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсизлар.

Хурматли дўстлар!

Туркий Кенгашнинг 10 йиллик санасини бугун ушбу тузилмага асос солинган гўзал Озарбайжон заминида нишонлаб турганимизда чуқур рамзий маъно бор.

Бу кун биз учун ҳам катта тарихий воқеадир. Чунки Ўзбекистон Туркий Кенгашга тўлақонли аъзо бўлди.

Азиз ҳамкасблар!

Мамлакатимизнинг Қенгашга аъзолиги, ўрни ва аҳамияти ҳақида билдирган самимий фикрларингиз учун сизларга ташаккур изҳор қиламан.

Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзо бўлиши, ҳеч шубҳасиз, табиий ва тарихий жараёнлар ифодасидир.

Юртимиз заминида умумий тарихимизнинг шонли саҳифалари битилган, жаҳон илм-фани ва маданиятига унутилмас ҳисса қўшган Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек каби мутафаккирлар, муқаддас динимиз тарихида ўчмас из қолдирган Имом Бухорий, Имом Моғуридий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд сингари буюк алломалар, туркий дунёни қалам билан бирлаштирган Алишер Навоий сингари улуғ шоирлар яшаб ўтган.

Улар нафақат ўзбек халқи, балки барчамизнинг фахримиз ва ифтихоримиздир. Ва бу маънавий бойликни биргаликда ўрганиш, уни келгуси авлодларга етказиш барчамизнинг бурчимиздир.

Энг муҳими, Туркий Кенгашга аъзолик халқимизнинг туб манфаатларига тўла жавоб беради. Бугунги кунда ўртамизда нафақат маданий-маънавий алоқалар, балки савдо-иқтисодий муносабатлар ҳам янги босқичга кўтарилмоқда.

Охирги уч йилда давлатларимизнинг ўзаро савдо ҳажми салкам икки баробарга ошди, мингдан ортиқ янги қўшма ширкатлар очилди. Транспорт катновлари кенгаймоқда, визасиз тартиб асосида туристлар оқими тобора кўпаймоқда, халқларимизнинг қардошлиқ ришталари мустаҳкамланмоқда.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Кун тартибига киритилган масалалар бўйича қуйидаги таклифларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Биринчидан. «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш» учрашувимизнинг асосий мавзуси этиб белгилангани барча аъзо давлатлар, жумладан, Ўзбекистон учун муҳим ва долзарб аҳамиятга эга.

Сўнги уч йилда мамлакатимизда хусусий мулк ва тадбиркорликка стратегик соҳа сифатида устувор эътибор берилиши натижасида мазкур тармоқнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 59 фоизни ташкил этмоқда.

Биз келажагимизни айнан тадбиркорлик орқали кўрамиз. Ушбу соҳанинг ривожи ўз навбатида, янги транспорт-коммуникация тармоқлари, логистика марказлари, минглаб иш ўринларини ташкил этиш имконини беради.

Шу мақсадда тадбиркорларимиз ўртасида тўғридан-тўғри ва ишончли алоқаларни ўрнатиш учун энг қулай шароитларни яратиб беришни устувор вазифамиз, деб биламиз.

Яқинда Тошкентда самарали ўтказилган, 500 дан ортиқ тадбиркорлар иштирок этган Туркий тилли давлатлар Ишбилармонлар кенгаши бизнес-форуми айнан шу мақсадга қаратилган.

Бу борада биз қўшма технопарклар, стартап инновация компаниялари ва венчур жамғармалари ташкил этишни таклиф қиламиз. Қўшма инвестиция жамғармаси ва Туркий давлатлар савдо уйлари биргаликда барпо этишга тайёرمىз.

Иккинчидан. Бугунги кунда Кенгашга аъзо мамлакатлар аҳолисининг 40 фоизидан ортиғини ёшлар ташкил этмоқда. Истеъдодли ва билимли ёшларимизни тадбиркорликка кенг жалб этиш муҳим аҳамиятга эга.

Шу мақсадда Туркий Кенгаш доирасида Ёш тадбиркорлар форумини таъсис қилишни ва унинг биринчи йиғилишини келгуси йил Ўзбекистонда ўтказишни таклиф қиламиз.

Учинчидан. Минтақаларимизда йирик транспорт-коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш Марказий Осиё – Туркия

транспорт йўлаги орқали Европа, Хитой ва Жанубий Осиё бозорларига чиқиш учун салмоқли имкониятлар яратади. Бу йўналишда «Боку – Тбилиси – Карс» янги темир йўлининг салоҳиятидан унумли фойдаланишимиз зарур.

Транзит ва логистика марказларини барпо этишда Оқтов, Туркманбоши, Алят, Самсун ва Мерсин портларининг замонавий инфратузилмасини ишга солиш ҳамда ташқи савдо юқларини ташишда Туркий Кенгашга аъзо мамлакатлар учун ўзаро келишилган чегирма ва имтиёزلарни қўллаш масалаларини мутасадди ташкилотларимиз кўриб чиқишларини таклиф этамиз.

Тўртинчидан. Сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлигимизни жадаллаштириш зарур. Охириги уч йилда Кенгашга аъзо давлатлардан юртимизга келган сайёҳлар сони салкам икки баробарга ўсгани бизни жуда қувонтиради.

Биз Ташкилотнинг ўтган йили ишлаб чиқилган «Замонавий Ипак йўли» сайёҳлик дастурида фаол иштирок этишга тайёرمىз. 2020 йилда кўҳна Хива шаҳри «Туркий дунёнинг маданият пойтахти» деб эълон қилиниши қардош халқларимизни янада яқинлаштиришга, абадий дўстлигимизни мустаҳкамлашга албатта катта ҳисса қўшади.

Мухтарам анжуман қатнашчилари!

Ўзаро муносабатларимизни янада кучайтиришда маданий-гуманитар алоқаларни муҳим омил, деб биламиз.

Туркий дунёнинг Юнус Эмро, Алишер Навоий, Фузулий, Махтумқули, Абай, Тўқтағул каби буюк намояндаларининг номларини барчамиз катта ҳурмат билан тилга оламиз.

Ана шундай бебаҳо меросни умумий маънавий бойлигимизга айлантириш мақсадида биз «Туркий адабиёт хазинаси» деб номланган, Кенгашга аъзо давлатлар адабиётининг энг сара намуналаридан иборат юз жилдлик китоблар туркумини ҳар бир мамлакатнинг она тилида нашр этишни таклиф қиламиз.

Биз Ташкилот қошидаги Халқаро туркий академияга аъзо бўлиб киришга тайёрмиз. Шу билан бирга, Кенгашга аъзо мамлакатларнинг замонавий адабиёт ва санъат, тарих ва меъморчилик соҳасида улкан ютуқларга эришган ижодкорларини рағбатлантириш мақсадида Халқаро Турксой мукофотини таъсис этишни таклиф этамиз.

Хурматли дўстлар!

Туркий Кенгашга раислик Озарбайжон Республикасига ўтиши муносабати билан мухтарам Илҳом Ҳайдаровични кутлаб, ушбу масъулиятли ва шарафли вазифани адо этишда куч-ғайрат ва муваффақиятлар тилаймиз.

Эътиборингиз учун раҳмат.

*Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида
Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг
еттинчи саммитида сўзланган нутқ*

2019 йил 15 октябрь

ИНТЕГРАЦИЯ ВА ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДАГИ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Туркий Кенгашнинг 7-саммити иштирокчилари, туркий дунё ҳамжамиятини муҳим сана – Туркий давлатлар ҳамкорлиги кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван битими қабул қилинганининг 10 йиллиги билан табриклаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Ушбу муҳим ҳужжатнинг имзоланиши мустаҳкам тарихий алоқалар, тил, маданият ва маънавий қадриятлар муштараклигига асосланган туркий давлатларнинг самарали ҳамкорлигида янги даврни бошлаб берди.

Бугун Туркий Кенгаш аъзо-давлатлар ўртасида мулоқот ва кооперацияни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, жаҳон миқёсида уларнинг манфаатларини самарали ҳимоя қилиш учун нуфузли халқаро платформа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси катта туркий оиланинг узвий бўлаги сифатида туркий тилли давлатлар билан муносабатларни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратмоқда.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ Ўзбекистон туркий дунё ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланган «Туркистон – умумий уйимиз» деган ташаббусни илгари сурди. Мамлакатимиз туркий тилли мамлакатлар давлат раҳбарларининг илк саммитларида фаол иштирок этди.

1996 йил 21 октябрь куни Тошкент шаҳрида туркий тилли давлатлар раҳбарларининг тарихий – тўртинчи учрашуви бўлиб ўтди. У туркий тилли давлатлар ҳамкорлигини ривожлантиришда муҳим даврни бошлаб берди ва маълум маънода замонавий Турк Кенгашини тузишга асос бўлди. Ўшанда Тошкент декларациясини имзолар экан, давлатлар раҳбарлари ўзаро маслаҳатлашувларни мунтазам ўтказиш зарурлигини

қайд этиб, туркий тилли давлатлар раҳбарлари учрашувлари Котибиятини ташкил қилишга келишиб олди. Бу муҳим институт роппа-роса 10 йил аввал Турк Кенгашининг Нахичеван битимига мувофиқ таъсис этилган Ҳамкорлик кенгашининг замонавий Котибияти фаолиятида ўз ифодасини топди.

Жорий йилда Ўзбекистон расман Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига Нахичеван битимига қўшилиш ҳақидаги ариза билан расман мурожаат қилди. Мазкур мурожаат Ташкилотга аъзо барча давлатлар томонидан илиқ қарши олинди, бунинг учун уларга чуқур миннатдорлик изҳор қиламиз. Ғоят қисқа фурсатда – қарийб бир иш кунида ижобий жавоб берилди.

2019 йил 14 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Нахичеван битимига қўшилиш тўғрисидаги фармони имзоланди. Шу куннинг ўзидаёқ уни ратификация қилиш тўғрисидаги қонун қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан Кенгаш Котибияти ва депозитарийсига Ўзбекистон Нахичеван битимига қўшилиши тўғрисида ҳужжат юборилди.

Ишонаманки, Ўзбекистоннинг Туркий Кенгашга аъзо бўлиши туркий дунёга интеграцияни мустаҳкамлашга хизмат қилади ва ҳамкорлик учун янги имкониятлар яратади. Туркий Кенгаш аъзо мамлакатларнинг ўзаро иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлашга интилаётгани айни дамда ғоят муҳим.

Ўзбекистон Кенгашга аъзо барча давлатлар билан нафақат икки томонлама, балки қатор халқаро тузилмалар доирасида ҳам кўплаб соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш борасида катта тажрибага эга.

Туркий Кенгаш фаолияти доирасидаги давлатлараро муносабатларнинг ижобий тенденциялари биз учун бугунги кунда нафақат Туркий Кенгаш, балки БМТ, ЕХҲТ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Афғонистон бўйича «Истанбул жараёни – Осиё юраги» каби халқаро тузилма ва механизмлар билан ўзаро алоқалар

доирасида ҳам ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг янги истиқболларини очмоқда.

Кенгаш маслаҳатлашув давлатлараро муносабатларни мувофиқлаштирувчи механизм ва Марказий Осиё, Кавказ, Ўрта Шарқ ва Европада тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни илгари суриш воситаси сифатида улкан имкониятларга эга. Менинг назаримда, аъзо давлатлар ўртасида бирор-бир муаммо ёки келишмовчилик йўқлиги Кенгашнинг энг муҳим афзаллиги ҳисобланади. Унинг барча аъзолари Туркий Кенгаш фаолияти халқаро ва минтақавий кун тартибига оид долзарб масалалар бўйича муштарак ёки яқин яқдил қараш ва позицияларга амал қилади. Демак, иқтисодиёт, инвестициялар, инновациялар ва юқори технологиялар, муқобил энергетика ва экология, транспорт ва коммуникациялар, туризм, илм-фан, таълим ва тиббиёт каби устувор соҳаларда фаол ҳамкорлик қилиш учун ҳеч қандай тўсиқ йўқ.

Туркий Кенгаш давлатлари ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликнинг амалдаги даражаси бизни ғоят руҳлантиради. Айни пайтда унинг ҳақиқий салоҳияти анча юқори. Бизда янада юксак натижаларга эришиш учун барча зарур имкониятлар, энг асосийси, катъий сиёсий ирода бор. Бу эса, шубҳасиз, халқларимиз манфаатларига тўла жавоб беради.

Шу маънода, Ўзбекистон ҳамкорликнинг муҳим жиҳатлари ва йўналишларини белгилаб олди. Биз уларни фаол қўллаб-қувватлашга тайёرمىз.

Бу, биринчи навбатда, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни кенгайтириш билан боғлиқ. Бугунги кунда мазкур йўналиш ҳамкорликнинг локомотиви бўлиши даркор, чунки у халқларимиз фаровонлигининг асосидир. Бунда мамлакатларимиз етакчи саноат корхоналари, инвестиция компаниялари, банк-молия институтлари ва тадбиркорлари ўртасидаги кооперацияни

кучайтириш, шунингдек, минтакалараро самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш зарур.

Транспорт ва транзит соҳаларидаги яқин кооперация алоқаларини ривожлантиришдан манфаатдормиз. Интеграциялашган транспорт алоқаси тармоғини ташкил қилиш дунёнинг асосий ва минтақа бозорларига чиқиш имконини беради. Бу ерда сўз, аввало, Шимол-Жануб ва Шарқ-Ғарб халқаро транспорт йўлаклари, Марказий Осиё минтақасини Хитой, Шимоли-Шарқий ва Жанубий Осиё, Яқин Шарқ ва Европа мамлакатлари билан боғловчи автомобиль, темир йўл ва ҳаво йўллари ҳақида бормоқда.

Шу мақсадда минтақада транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича стратегик жиҳатдан муҳим қатор лойиҳалар амалга оширилган. «Андижон – Ўш – Иркештом – Қошғар» автомобиль йўлагининг ривожланиши, шунингдек, «Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон» темир йўли қурилиши бошланиши билан янада улкан имкониятлар очилмоқда.

Барча соҳаларга илғор ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацияларни жорий қилиш ҳар қандай давлатнинг рақобатбардошлиги ва барқарор тараққиётини белгилаб берувчи омил ҳисобланади. Шунинг учун **Туркий Кенгаш мамлакатларини инновацион ривожлантиришни биз устувор вазифа деб ҳисоблаймиз.**

Шу муносабат билан биз келажак технологияларини ўзлаштириш бўйича дастур ва лойиҳаларни илгари суриш мақсадида инновацион ривожланишга масъул идоралар, илмий-тадқиқот марказлари ва венчур компаниялари ўртасида яқин ҳамкорликни йўлга қўйишни таклиф этамиз.

Маълумки, туркий тилли мамлакатлар халқлари бутун инсониятнинг бойлиги ҳисобланган ўзига хос бебаҳо маданий-тарихий ва маънавий меросга эга. Мамлакатларимизда туркий ва ислом цивилизациясининг тарихий ёдгорликлари, буюк олимлар, шоир ва мутафаккирлар, рассомларнинг мероси асраб-авайланади. Бу бебаҳо бойлик бутун инсоният

мулки бўлиб, ундан бутун дунё баҳраманд бўлиши керак. **Зиёрат туризмини фаол ривожлантириш** бунга хизмат қилади. Туризм индустрияси иқтисодийнинг таркибий қисми сифатида мамлакатлар ва халқларни яқинлаштиришда муҳим роль ўйнайди.

Бугунимиз ва келажакимиз истиқболлини белгилар эканмиз, биз, шубҳасиз, халқларимизнинг маънавий-ахлоқий қадриятлари, бой тарихи ва маданияти, уларнинг кўп асрлик дўстлиги, яхши қўшничилик ва ўзаро англашув аъналарига таянамиз. **Маданий-гуманитар ҳамкорлик давлатлар ўртасидаги муносабатлар муҳитини шакллантиради, инсонларни бирлаштиради.**

Қозоғистонда Ўзбекистон йилининг ва Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг ўтказилиши, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Туркменистон маданият кунлари ва қўшма дўстлик концертлари, фестиваллари, кўرғазмалари, шунингдек, инсонлар қалбида илиқ туйғуларни жўш урдирган кўплаб бошқа қўшма тадбирлар ташкил қилиниши бундан ёрқин далолатдир. Бу Туркий Кенгашнинг барча мамлакатлари учун яхши аънамага айланиши ва, шубҳасиз, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ўзаро англашувни мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишончим комил.

Биз инсон капиталини ривожлантириш соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиш учун катта салоҳиятга эгамиз. Тажриба алмашиш, қўшма таълим, илмий ва маданий лойиҳалар, ёшлар таълим-тарбияси бўйича истиқболли дастурларни амалга ошириш Туркий Кенгашнинг устувор йўналишларидан бирига айланмоғи даркор.

Дунёда глобаллашув, бекарорлик ва қарама-қаршилик кучайиб бораётган шароитда айнан яқин ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик **барқарор ривожланиш ва тараққиётга эришиш, тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда муҳим роль ўйнайди.** Фикримча, терроризм, экстремизм, уюшган жиноятчилик, наркотрафик, одам ва қурул савдосига қарши курашиш

бўйича Туркий Кенгаш мамлакатлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари саъй-ҳаракатини мувофиқлаштириш туркий тилли давлатлар кўп қиррали ҳамкорлигининг асосий жиҳатларидан бирига айланмоғи даркор.

Бугунги кунда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши янги, янада жадал ва масъулиятли тараққиёт босқичига кадам қўймоқда. Бу қардош мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги изчил ва ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашни талаб этади.

Туркий тилли давлатларнинг сиёсий иродаси, очиқ ва конструктив сиёсати, давлатлар раҳбарларининг мунтазам учрашувлари туфайли минтақада ўзаро ишонч муҳити юзага келмоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон ҳам фаол иштирок этмоқда.

Туркий халқларнинг буюк намояндаси, қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов мамлакатимизнинг тарихдаги роли ҳақида гапирар экан, **«Византия славян давлатлари тақдирида қандай роль ўйнаган бўлса, ўзбек халқи туркий тилли мамлакатлар тақдирида худди шундай роль ўйнаган»**, деб таъкидлаган эди.

Бугун ҳам тарихий тараққиётнинг янги ва айнаи дамда мураккаб босқичида Ўзбекистон Республикаси туркий тилли давлатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга муносиб ҳисса қўшишга тайёр.

Туркий тилли давлатлар халқларини Туркий Кенгашнинг 10 йиллиги билан яна бир бор чин қалбимдан муборакбод этиб, уларга тинчлик, омонлик ва фаровонлик тилайман.

*Туркий Кенгашнинг 10 йиллик юбилейи
санаси муносабати билан Туркиянинг
«Hurriyet Daily» газетасида чоп этилган
мақола*

2019 йил 15 октябрь

МАРКАЗИЙ ОСИЁ – ЯГОНА ЎТМИШ, УМУМИЙ КЕЛАЖАК

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Ҳурматли учрашув катнашчилари!

Аввало, сиз, муҳтарам дўстларимни – Марказий Осиё мамлакатлари етакчилари ва делегациялар аъзоларини чин қалбимдан қутлайман.

Ушбу Маслаҳат учрашувининг ўтказилиши манфаатларимизнинг ўзаро муштараклиги, минтақавий тараққиётнинг энг долзарб масалалари бўйича очиқ мулоқот ва биргаликда қарорлар қабул қилишга тайёр эканимизни яна бир бор яққол тасдиқлайди.

Биз ҳозиргина тор доирада ўтказган музокараларда ҳамкорлигимизнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини атрофлича муҳокама қилдик ва мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш зарурлиги ҳақида яқдил фикрга келдик.

Маълумки, Марказий Осиё геостратегик жойлашувига кўра, минг йиллар давомида жаҳон миқёсидаги жараёнлар марказида бўлиб келган.

Бизнинг минтақамиз доимо ўзининг бой маданий-тарихий мероси билан Европа, Яқин Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиёни боғлайдиган ноёб кўприк бўлиб хизмат қилган.

Ушбу қутлуғ заминда дунё цивилизацияси ривожига бекиёс хисса қўшган буюк гуманист олимлар, мутафаккир ва шоирлар яшаб ижод қилган. Бу ерда улкан табиий захиралар, катта инсоний салоҳият мавжуд.

Бугунги кунда ҳам Марказий Осиёда дунёнинг рақобатдош қудратли давлатларининг манфаатлари ўзаро кесишиб келади.

Бизга бевосита яқин бўлган ҳудудларда минтақавий ва халқаро хавфсизликка таъсир этадиган йирик беқарорлик ўчоқлари мавжуд.

Бизнинг олдимизда мураккаб саволлар турибди: Марказий Осиё қанчалик изчил ва барқарор ривожланади? Бизнинг мамлакатларимиз қандай янги хавф-хатар ва таҳдидларга дуч келиши мумкин? Биз, умумий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда, минтақавий ҳамкорлигимизни бундан кейин қандай олиб борамиз?

Бугун биз ана шундай муҳим ҳаётий саволларга биргаликда жавоб топишимиз керак.

Ҳурматли учрашув қатнашчилари!

Минтақанинг ҳар бир давлати Марказий Осиёнинг барқарорлиги ва равнақини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Сиёсий ирода ва амалий қадамларимиз туфайли биз ҳамкорликнинг янада юқори босқичига кўтарилмоқдамиз.

Бизнинг ҳамжиҳатлигимиз ва фаол саъй-ҳаракатларимиз кўп қиррали минтақавий ҳамкорлик учун янги имкониятларни очиб берди. Биз қисқа муддатда биргаликда реал тарзда олдинга силжишга эришдик.

Хусусан, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан товар айирбошлаш ҳажми сўнгги йилларда 2 баробар, қўшма корхоналар сони 4 марта ўсди.

Биз шерикларимиз билан биргаликда чегараларимизда ҳуқуқий расмийлаштириш ишларини яқунлаш арафасида турибмиз. Олтишга яқин ўтиш пунктларининг тўлақонли фаолиятини таъминлаб, визаларни бекор қилдик.

Ишбилармонлик ва ҳудудлараро алоқалар, транспорт қатновлари, маданий-гуманитар алмашувлар кенгайиб бормоқда.

Ўтган йили Ўзбекистонда биринчи Марказий Осиё иқтисодий форуми ҳамда мамлакатларимизнинг Бош вазирлари ўринбосарлари даражасида Ишчи гуруҳнинг дастлабки учрашuvi бўлиб ўтди.

Үн йиллик танаффусдан сўнг 2018 йилда Туркменистонда Оролни кутқариш халқаро жамғармасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Мамлакатларимизнинг БМТ Хавфсизлик Кенгашида Афғонистон бўйича музокараларнинг олиб борилгани, Марказий Осиёда радиация хавфсизлигини таъминлаш, «Барқарор ривожланиш учун сув» ҳаракатларининг халқаро ўн йиллиги, Энергетик хартиянинг Ашхобод декларацияси қабул қилингани, Марказий Осиё бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг резолюциялари ва шу каби бошқа кўплаб кенг эътироф этилган халқаро ташаббуслари яхши маълум.

Буларнинг барчасида барқарор бир тенденция – давлатларимизнинг мустақил роли ва умумий келажак учун масъулияти кучайиб бораётгани намоён бўлмоқда.

Шуни мамнуният билан қайд этмоқчиманки, Марказий Осиё давлатлари минтақавий ва глобал масалалар бўйича тобора кўпроқ умумий позициядан туриб фикр билдирмоқда.

Бизнинг минтақадаги ўзаро яқинлашувимиз ва ҳамкорликни кенгайтиришимиз – бу замон талаб қилаётган ва орқага қайтмайдиган жараён эканини таъкидламоқчиман. У қатъий сиёсий танловга асосланган бўлиб, чуқур тарихий омилларга эга ва кимнингдир манфаатларига қарши қаратилган эмас.

Бу борада, бирлик ва жипсликни мустаҳкамлаган ҳолда, биз изчил ва барқарор ривожланиб бораётган минтақамизнинг, демакки, истиқболли ва ишончли халқаро шерикнинг шаклланишига ҳисса қўшмоқдамиз.

Натижада дунёда Марказий Осиёга эътибор изчил ортиб бормоқда, бизнинг биргаликда илгари сураётган ташаббусларимизни қўллаб-қувватлашга етакчи давлатлар ва халқаро молия тузилмаларининг қизиқиши тобора кучаймоқда.

Шу муносабат билан минтақа мамлакатларининг хорижий шериклар билан турли форматларда яқин ва тизимли мулоқо-

тини ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда бошқа халқаро ва минтакавий тузилмалар доирасида ўзаро ҳамкорликни давом эттириш муҳим, деб ҳисоблайман.

Мухтарам делегация раҳбарлари ва аъзолари!

Кенгайиб бораётган минтакавий шерикликнинг устувор йўналишлари ҳақида гапирганда, қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Биринчи. Савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация ва энергетика соҳаларидаги вазифаларни амалга оширишга бор куч ва имкониятларни сафарбар этиш муҳимдир. Булар бутун минтақанинг жадал тараққиёти ва рақобатбардошлигини таъминлашнинг устувор вазифаларидир.

Бу борада Марказий Осиё инвестиция форуми ва мамлакатларимиз савдо-саноат палаталарининг илк йиғилишини ўтказиш, Транспорт-коммуникациялар бўйича минтакавий кенгашни ташкил этишни тезлаштиришни таклиф этамиз.

«Бир саёҳат билан – бутун минтақа бўйлаб» тамойили асосида қўшма дастурларни илгари суриш учун Халқаро туризм конференциясини ташкил этишни таклиф этамиз.

Иккинчи. Бош вазир ўринбосарлари ва ташқи ишлар вазирларининг кўп томонлама учрашувларини мунтазам ташкил қилиш билан бирга Марказий Осиё мамлакатлари Парламентлараро дўстлик гуруҳини таъсис этишни таклиф қиламиз.

Учинчи. «Марказий Осиё – ягона ўтмиш, умумий келажак» шиори остида маданий-гуманитар алмашув платформасининг яратилиши барча халқларимиз манфаатларига жавоб беради, деб ўйлайман.

Сизларнинг қўллаб-қувватлашингиз билан илм-фан, маданият ва санъат соҳаларида эришган салмоқли ютуқлари учун Марказий Осиё мукофотини таъсис этиш, шунингдек, университетлар форумлари ва минтакавий спорт ўйинларини ташкил этиш таклиф қилинмоқда.

Ҳар йили Наврўз байрами арафасида навбати билан ҳар бир мамлакатда Марказий Осиё маданият кунларини ўтказишни

муҳим, деб ҳисоблаймиз. Буларнинг барчаси қардош халқларимизни янада яқинлаштиришга хизмат қилади.

Тўртинчи. Минтақанинг мураккаб сув ва экологик муаммоларини ҳал қилиш ва ечиш ўзаро мувофиқлаштирилган ёндашувларни талаб қилади.

Инновацион технологияларни жалб қилиш, «яшил иқтисодиёт» тамойилларини татбиқ этиш, чўлланишнинг салбий оқибатларини бартараф қилиш ва бошқа комплекс чоратадбирларни қабул қилиш мақсадида БМТ шафелигидаги Оролбўйи минтақаси учун Траст фонди имкониятларини самарали ишга солиш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Сув ресурсларидан биргаликда фойдаланишнинг долзарб масалаларини ҳал қилишнинг барча учун мақбул ечимини излашни давом эттириш лозим.

Бешинчи. Энг муҳим устувор вазифа – минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашдан иборат.

Замонавий таҳдид ва хавф-хатарларга кенг миқёсда қарши туриш учун мамлакатларимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари ва махсус хизматларининг оператив ҳамкорлик қилиши бўйича ишчи механизмларни яратиш тарафдоримиз.

Афғонистон бизнинг минтақамизнинг узвий бир қисмидир. Ушбу мамлакатга тинчлик ва тараққиёт йўлига қатъий қадам қўйиши учун ёрдам бериш барчамизнинг умумий манфаатларимизга тўлиқ мос келади.

Муаммони сиёсий йўл билан ҳал қилиш борасидаги асосий тамойилларга амал қилиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Авваламбор, бу – зўравонликдан воз кечиш, ўт очишни тўхтатиш, мулоқот ва муросага тайёрликни намоён этишдан иборат.

Бундан ташқари, Афғонистонда муҳим инфратузилма ва ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, ушбу мамлакатни минтақавий савдо-иқтисодий алоқаларга фаол жалб этишга қаратилган мувофиқлаштирилган ёндашувларни ишлаб чиқиш ўта муҳимдир.

Хурматли дўстлар!

Бугун шуни ишонч билан айтишим мумкинки, бизнинг мамлакатларимиз ўртасида деярли барча асосий йўналишлар бўйича кўп томонлама муносабатларнинг янги тизими барпо этилмоқда.

Ушбу ижобий ва шиддатли жараённинг негизида халқларимизнинг ўзаро интилиши ва манфаатларининг муштараклиги мужассамдир.

Ишончим комилки, бугун белгилаб олинган барча устувор вазифалар келгусида Марказий Осиёда ҳамкорликни ривожлантириш бўйича бизнинг ягона қарашимизда ўз аксини топиши керак.

Биз ўзаро ҳамкорлигимизнинг асосий мақсад ва таъмоийилларини келишиб олишимиз, инсон, капитал, товар ва хизматларнинг ҳаракати, шунингдек, кенг кўламли маданий-гуманитар алмашувлар учун қулай шароитлар яратиб беришимиз лозим.

Умид қиламанки, бугун Тошкентда бўлиб ўтган Маслаҳат учрашуви муносабатларимизда янги саҳифа очиб, Марказий Осиёда дўстлик, яхши қўшничилик ва шерикликни мустаҳкамлашнинг амалий механизмларини йўлга қўйиш ва шакллантиришга хизмат қилади.

Эътиборингиз учун раҳмат.

*Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг
Маслаҳат учрашувида сўзланган нутқ*

2019 йил 29 ноябрь

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАЎБАРЛАРИНИНГ МАСЛАЎАТ УЧРАШУВИ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА БРИФИНГДАГИ БАЁНОТ

Ўурматли оммавий ахборот воситалари вакиллари!

Хонимлар ва жаноблар!

Авваламбор, сизларни, бугун Тошкент шаҳрида ўтказиладиган тарихий анжумани — Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувини ёритиш мақсадида тўпланган оммавий ахборот воситалари вакиллари самимий кутлашдан мамнунман.

Ушбу форматдаги доимий мулоқотларни ўтказиш ташаббуси ҳурматли ҳамкасбларим — минтақа етакчиларининг фаол қўллаб-қувватлаши билан амалга ошмоқда.

Шу муносабат билан 1998 йили Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари саммитининг тарихий аҳамиятини ҳамда 2018 йилда Нур-Султон шаҳридаги Маслаҳат учрашувининг самарали натижаларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Бугунги самимий музокараларимиз ҳам анъанавий дўстлик ва ўзаро англашув руҳида ўтди.

Учрашувлар Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг минтақада ишонч ва яхши қўшничилик муҳитини янада мустаҳкамлашга бўлган интилиши ва қатъий сиёсий ирода-сининг яққол ифодаси бўлди.

Биз ўзаро ҳамкорликнинг долзарб масалаларини атроф-лича муҳокама қилдик. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни ҳар томонлама кенгайтириш йўлида бутунлай ҳамфикр эканимизни яна бир бор тасдиқладик.

Учрашув долзарб минтақавий ва халқаро масалалар бўйича бизнинг қараш ва ёндашувларимиз ўзаро жуда яқин эканини намоиш этди.

Минтақанинг мавжуд улкан иқтисодий салоҳиятидан фойдаланган ҳолда, устувор соҳаларда мулоқот ва шерикликни ривожлантиришга келишиб олдик.

Биз давлатларимиз ўртасидаги савдо тўсиқларини бар-тараф этиш, саноат кооперациясини янада кучайтириш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширамиз.

Энергетика инфратузилмаларини модернизация қилиш ва минтақанинг транзит имкониятларини кенгайтиришга қаратилган йирик лойиҳаларни рўёбга чиқариш ниятидамиз.

Иқтисодий ва транспорт коридорларининг самарали минтақавий тизимини яратиш борасида фаол ҳамкорлигимиз бундан кейин ҳам давом этади.

Сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш, иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатларини юмшатиш, экологик хатарларга қарши курашиш масалалари бўйича ҳам батафсил фикр алмашдик.

Биз инновацион технологияларни жалб қилиш, «яшил иқтисодиёт» принципларини жорий этиш, чўлланишнинг олдини олиш орқали Оролбўйи муаммоларини ечишдаги саъй-ҳаракатларимизни мувофиқлаштириб борамиз.

Мамлакатларимиз минтақалари ўртасида фаол мулоқотни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, илм-фан, таълим, туризм, маданият ва спорт соҳаларида қўшма тадбирларни мунтазам ўтказиб боришга келишиб олдик.

Биз Марказий Осиё халқларини бирлаштириб турадиган умумий қадрият ва анъаналарни асраб-авайлаш, кенг тарғиб қилиш бўйича қўшма дастурларни амалга оширишдан манфаатдор эканимизни баён этдик.

Музокаралар чоғида минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун кўп томонлама ҳамкорлик масалаларига айниқса жиддий эътибор қаратилди. Жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва махсус хизматлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Биз Афғонистон можаросини тинч йўл билан ҳал этиш бўйича халқаро саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш тарафдоримиз. Биродар афғон халқига амалий ёрдам кўрсатишни, ён қўшимиз бўлган ушбу мамлакатда бевосита улар иштирокида қўшма инфратузилма лойиҳаларини ва минтакавий ташаббусларни илгари суришни бундан кейин ҳам жадал давом эттирамиз.

Бу чора-тадбирлар Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, тинчлик жараёнларини таъминлаш, иқтисодиётни қайта тиклаш учун зарур шарт-шароитлар яратишига ишонамиз.

Минтақамиз давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви форматидаги ҳар йил ўтказиладиган саммитлар ғоятда муҳим эканини барчамиз қатъий маъқулладик. Учрашувларимиз ҳамкорлигимизнинг энг долзарб масалаларини очиқлик ва ўзаро ишонч асосида муҳокама қилиш учун самарали мулоқот майдони бўлишини яна бир бор тасдиқлади.

Саммит якунида муносабатларимиз натижадорлигига хизмат қиладиган муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Бу ўринда, аввало, Қўшма баёнот ҳақида тўхталишни истар эдим. Мазкур ҳужжат бизнинг минтакавий ҳамкорлигимизни ҳар томонлама чуқурлаштириш, дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш борасидаги умумий сиёсий иродамизни яна бир бор тасдиқлади.

Биз Маслаҳат учрашувларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш Регламентини маъқулладик. Ушбу ҳужжат саммитларга пухта ҳозирлик кўриш, уларни тизимли равишда ўтказиш, келишилган ва ўзаро манфаатли қарорлар қабул қилишга асос бўлиб хизмат қилади.

Биз Туркменистон Президентининг таклифини тўла қўллаб-қувватладик ва оқсоқолимиз, Қозоғистон Республикасининг

Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Абишевич Назарбоевни Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувининг фахрий раиси этиб сайладик.

Эътиборингизни муҳим бир масалага қаратмоқчиман. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви формати қандайдир янги минтақавий ташкилот тузиш ҳақида гапиришга асос бўла олмайди.

Ҳурматли журналистлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Марказий Осиё – асрлар давомида қондош халқлар тинч ва тотув яшаб келаётган жаҳондаги кам сонли минтақалардан биридир.

Бизни муштарак тарих ва маданият, ягона муқаддас дин, ўхшаш менталитет, маънавий-ахлоқий кадрият ва анъаналар ҳамда ажралмас дўстлик чамбарчас боғлаб туради.

Буларнинг барчаси халқларимиз фаровонлиги ва равнақи йўлида Марказий Осиё давлатлари салоҳиятини бирлаштиришга қаратилган ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Сўзимнинг якунида шуни айтишни истардимки, биз олий даражадаги минтақавий мулоқотни ривожлантиришнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги босқичига кўтарилдик.

Ҳеч шубҳасиз, биргаликдаги интилишларимиз билан олдимизда турган барча мақсадларга албатта эришамиз. Марказий Осиёни хавфсиз ва барқарор тараққиёт минтақасига, кўп қиррали шериклик маконига айлантирамиз.

Биз навбатдаги Маслаҳат учрашувимизни келгуси йили Қирғизистоннинг гўзал Бишкек шаҳрида ўтказишга келишиб олдик.

Эътиборларингиз учун раҳмат.

*Тошкент шаҳри,
2019 йил 29 ноябрь*

ЎЗБЕКИСТОН – ЯПОНИЯ: ХАЛҚЛАР ВА МАДАНИЯТЛАР МУЛОҚОТИ

Буюк ипак йўли турли маданият ва цивилизациялар ҳамкорлигини таъминлаган ноёб ҳодиса сифатида тарихдан ўрин эгаллади. Жуғрофий жиҳатдан бир-биридан узоқда жойлашган мамлакатлар ва халқлар ушбу йўл тармоқлари орқали ўзаро боғланди. Қитъалараро ўтган бу йўл, бамисоли қон-томир тизими каби, уларнинг равақ топиши учун кўмаклашди.

Осиё қитъасининг турли бурчакларида жойлашган Ўзбекистон ва Япония ҳам тарихан кўплаб муштарақ жиҳатларга эга. Биз турмуш тарзимиз, анъана ва урф-одатларимиз, маданий-маънавий қадриятларимиздаги ўхшашликларни қадрлаймиз.

Олис ўтмишда бутунги Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуди эрамизнинг дастлабки асрларида ўз тараққиётининг юксак даражасига кўтарилган кудратли Кушон подшолигининг бир қисми ҳисобланган. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз ҳудудида Кушон цивилизациясига мансуб 120 га яқин археологик ва меъморий обидалар мавжуд. Кушон давлатининг йирик савдо ва маданий марказларидан бири бўлган Термиз шаҳри Қоратепа, Фаёзтепа, Айритом, Далварзинтепадаги буддавийлик ибодатхона-мажмуалари билан ҳам машхурдир. Бу ердан VI асрда Буюк ипак йўли тармоқлари бўйлаб, кўшни мамлакатлар орқали буддавийлик таълимоти Японияга кириб борган ва бу ўлкада энг кўп тарқалган динга айланган.

Ўша қадим замонларда бизнинг минтақамиз ва Кунчиқар юрт ўртасида нафақат тижорат моллари, балки ахборот,

билим-маърифат ва ғоялар билан ҳам жадал алмашув жараёни кечган. Масалан, Нара префектурасининг Икаруга шаҳрида жойлашган Хорюдзи буддавийлар ибодатхонасидаги суғд битиклари туширилган қадимий осори-атиқалар, бугунги кунга қадар Ўзбекистонда маълуму машҳур бўлган миллий дастгоҳлар ёрдамида тўқилган матолар – айнан шундан далолат беради.

Бизнинг мамлакатимиз, унинг тарихи ва маданиятига Японияда юксак ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиб келаётгани учун япон халқидан беҳад миннатдормиз.

Буюк ипак йўлининг қадимий анъаналарини тиклашга муносиб ҳисса қўшган ажойиб япон гуманист рассоми, Тошкентнинг фахрий фуқароси Икуо Хираяма хотирасини биз ҳамиша қалбимизда сақлаймиз. У айнан Ўзбекистон ушбу қитъалараро йўлнинг тарихий ва маънавий маркази эканини эътироф этиб, «Агар Япония буддавийлик маданиятининг шарқий диёри бўлса, унинг ғарбий ўлкаси кўхна Ўзбекистон заминидир», деб таъкидлаган эди. Бу буюк инсоннинг ташаббуси билан Тошкентда «Халқаро маданият карвонсаройи» ташкил этилди ва унинг номи пойтахтимиз тарихидан ҳам муносиб жой эгаллади.

Ўзбек халқининг тарихий ва маданий меросини ўрганишга Отани Кодзуй, Сиратори Куракити, Икэда Дайсаку, Мано Эйдзи, Танабэ Кацуми сингари йирик япон олимлари ва маданият арбоблари улкан ҳисса қўшдилар.

Биз буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий хотирасига Токио шаҳрида Япония ҳукумати ва япон дўстларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан ўрнатилган ёдгорлик учун улардан миннатдормиз. Бу ҳайкал халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик ва ҳурмат-эҳтиромнинг ёрқин ифодасига айланди.

Атокли этнограф, тарихчи ва археолог олим, профессор Като Кюдзо номини биз доимо илиқ хотиралар билан ёд этамиз. Бу фидойи инсон илк бор юртимизга 1960 йилларда,

таниқли япон ёзувчиси, бизнинг минтақамиз самимий меҳр билан тараннум этилган «Ғарбий ўлка ҳақидаги қайдлар» асарининг муаллифи Иноуэ Ясуси билан бирга ташриф буюрган эди. Като Кюдзо чорак аср давомида Сурхондарё вилоятининг қадимий Далварзинтепа қўрғони ўрнида Ўзбекистон – Япония қўшма экспедициясининг раҳбарларидан бири сифатида иш олиб борди. Мазкур экспедиция фаолияти натижасида 1991 йилда икки мамлакат мутахассисларининг ҳамкорликдаги илк илмий асари – «Жанубий Ўзбекистон дурдоналари» фундаментал каталоги нашр қилинди. Шунингдек, профессор Като бизнинг таниқли олимларимиз – Л. Альбаум, Э. Ртвеладзе, Ш. Пидаев ва бошқа кўплаб муаллифларнинг асарларини япон тилига таржима қилиб, Ўзбекистон тарихини оммалаштиришга ҳисса қўшди. Мамлакатимизда археология фанини ривожлантириш борасидаги улкан хизматлари, шунингдек, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги дўстлик ва маданий ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун Като Кюдзо Ўзбекистон Республикасининг юксак давлат мукофоти – «Дўстлик» ордени билан тақдирланди. Сурхондарё вилоятида Ўзбекистоннинг содиқ дўсти бўлган бу ажойиб инсоннинг номи билан аталадиган кўча ва мактаб бор.

Биз олис ўтмишда Ўзбекистон ҳудудида яратилган, бугунги кунда Япония музейларида сақланаётган санъат намуналарини ўрганишга алоҳида қизиқиш билдираётган япон олимларидан ҳам миннатдормиз. Уларнинг орасида қадимги Бактриянинг осори-атиқалари, машҳур Амударё ҳазинасига мансуб тилла буюмлар, илк ўрта асрларга оид нодир суғд топилмалари алоҳида ўрин тутди.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган «Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида» лойиҳаси доирасида тайёрланган «Марказий Осиё маданий мероси Япония музейларида» китоб-альбоми ана шу ноёб коллекцияларга бағишланган. Ушбу нашрдан жой олган қимматли тарихий маълумотлар,

нодир ёдгорликларнинг фотосуратлари бизнинг маданиятларимизни боғлайдиган жиҳатлар кўплигини кўрсатади. Тарихнинг ана шундай дурдоналари туфайли минтақамиз маданияти Япония ороллари аҳолиси учун янада яқинроқ ва тушунарлироқ бўлади, деб ишонаман. Ушбу ажойиб китобни кенг ўқувчилар оммасига тақдим этиш мен учун катта шарафдир.

Таъкидлаш жоизки, Японияда Ўзбекистонга бўлган қизиқиш япониялик сайёҳлар оқимининг мамлакатимизнинг Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарларига ва айниқса, нафақат ислом, балки буддавийлик маданиятининг ҳам маркази бўлган Термизга интилиши тобора ортиб бораётганида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Ишончим комилки, Япония ва Ўзбекистоннинг иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларни ривожлантириш борасидаги биргаликдаги саъй-ҳаракатлари халқларимиз ўртасидаги дўстлик алоқалари ва кўпқиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

*«Марказий Осиё маданий мероси
Япония музейларида» номли китоб-альбомга
ёзилган сўзбоши*

2019 йил 16 декабрь

ЯПОНИЯНИНГ АДАБИЙ МЎЪЖИЗАСИ

Кунчиқар ўлка – Японияда бугун янги тонг отмоқда. Янги эра – император Нарухито Аъло ҳазратлари даври бошланмоқда. Ушбу мамлакатда қарор топган сиёсий ва маънавий тамойилларга кўра, император – япон халқи ва давлати бирлигининг рамзи, япон миллий тафаккури ва менталитетининг кўзгусидир.

Бу қадим юртда шаклланган азалий анъанага мувофиқ, ҳар бир императорлик эраси, яъни даври маълум бир рамзий ном билан аталади. Масалан, 1989–2019 йилларда ҳукмронлик қилган, айна пайтда фахрий император – ўз вақтида мустақил Ўзбекистон ва Япония давлатлари ўртасида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган Акихито Аъло ҳазратларининг даври «Хэйсэй» – «Тинчликка эришиш» эраси, деб аталган бўлса, янги император Нарухито Аъло ҳазратларининг эраси «Рэйва», яъни «Гўзал уйғунлик» деган эзгу ном билан аталмоқда.

Эътиборли томони шундаки, «Рэйва» ибораси япон бадий тафаккурининг юксак намунаси ҳисобланадиган «Манъёсю» достонидан олинган. «Ададсиз япроқлар шодаси» деган маънони англатадиган ушбу мумтоз халқ эпоси VIII асрнинг иккинчи ярмида яратилган бўлиб, тўрт юз йилдан зиёд вақт давомида тўпланган 4500 дан ортиқ шеърый асарларни қамраб олади.

2019 йилнинг 22 октябрь куни Япония давлати тарихида муҳим воқеа содир бўлди – император Нарухито Аъло ҳазратларининг расмий тахтга чиқиш маросими ўтказилди.

Фурсатдан фойдаланиб, мен Япония императори Нарухито Аъло ҳазратларига, биродар япон халқига ўзбек халқи номидан самимий табрик ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Гарчи мамлакатларимиз бир-биридан олисда жойлашган бўлса-да, инсонпарварлик ва бағрикенглик, миллий ғурур ва ватанга садоқат, меҳнатсеварлик ва ҳалоллик, аجدодларга, оилага, ота-онага ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, табиат билан уйғун бўлиб яшаш – қадим тарихга эга бўлган ўзбек ва япон халқларига хос олижаноб фазилатлардир.

Икки давлат ўртасидаги алоқалар тарихига назар ташласак, бу муносабатларнинг шаклланиши узоқ ўтмишга бориб тақалишига гувоҳ бўламиз.

Бундан саккиз аср муқаддам буюк аллома Махмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғотит-турк» асарида кунчиқар мамлакатнинг номини тилга олиб, уни «**Жабарқа**» деб атайти ва илк бор ушбу ўлканинг харитадаги тасвирини баён қилиб ўтади.

Илмий тадқиқотлар, жумладан, ўзбек-япон археологик экспедициялари натижалари буддизм таълимоти 6-асрда юртимиз ҳудудида мавжуд бўлган қадимий Кушон давлатидан Хитой ва Корея орқали Япония ярим оролларида тарқалганини кўрсатмоқда. Мамлакатимизда топилган будда ибодатхоналарининг Япониядаги ибодатхоналар билан муштараклиги ҳам шундан далолат беради.

Япониянинг Нара шаҳридаги Хорюдзи ибодатхонаси хазинасида сақланаётган, 8-асрда Самарқанд ва Тошкентда тайёрланган осори-атиқалар, 9-10-асрларга оид уд мусиқа асбоби, Афросиёбдан топилган, 12-асрга мансуб нафис япон чинни идиши ҳам ўзбек ва япон халқлари ўртасида қадимдан савдо-сотик алоқалари мавжуд бўлганини кўрсатади.

1880 йилда япон дипломати Ниси Токудзиро Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарлари ва Фарғона водийсида бўлиб, «Туркистон саёҳатномаси» номли китоб яратгани, 19-аср охири – 20-аср бошларида Ясумаса Фукусима, Зуичо Тошибана каби тадқиқотчиларнинг ўлкамизга саёҳат уюштиргани япон халқининг юртимизга қизиқиши юқори бўлганидан далолат беради.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида тақдир тақозоси билан Ўзбекистонга кўчириб келтирилган 24 мингга яқин япониялик ҳарбийлар турли вилоятлардаги саноат корхоналарида, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва бошқа соҳаларда меҳнат қилган. Хусусан, Тошкент шаҳридаги Алишер Навоий номидаги академик катта театр биноси қурилишида 600 га яқин японлар иштирок этганини халқимиз асло унутмайди.

Тақдирнинг оғир синовларини бошидан кечирган япон халқи вакиллари ҳақида, ўзбек халқининг уларга кўрсатган меҳр-оқибати ва хайрихоҳлиги ҳақида атоқли кинорежиссёр Малик Қаюмов томонидан ҳужжатли фильм яратилгани, Японияда «Навоий театри қурилиши ҳақида қайдлар», Ўзбекистонда «Японларга паноҳ бўлган юрт» номли китоблар чоп этилгани бу фикрни тасдиқлайди.

Мамлакатимизнинг бир қатор шаҳар ва вилоятларида япон ҳарбийлари мангу ором топган қабристонлар обод қилиниб, ёдгорлик обидалари бунёд этилганини қайд этиш лозим.

1991 йилда Япония биринчилардан бўлиб Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини тан олганини биз доимо миннатдорлик билан эслаймиз.

Бугунги кунда Ўзбекистон Японияга улкан сиёсий, иқтисодий, интеллектуал ва инвестицион салоҳиятга эга ишончли шерик сифатида қарайди. Юртимизда япониялик мутахассислар билан ҳамкорликда йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Мамлакатларимизнинг парламентлараро ҳамкорлик алоқалари, ташки сиёсат маҳкамалари ўртасидаги маслаҳатлашувлар мунтазамлик касб этиб бормоқда.

Бу ҳақда гапирганда, «Тараққиётга расмий ёрдам» (ODA) дастури доирасида ҳамда Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) орқали республикамизда ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларда қатор лойиҳалар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон билан Япониянинг нуфузли илмий ва таълим муассасалари ўртасида алоқалар тобора кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимиздаги 6 та олий таълим муассасасида юзлаб талабалар япон тилини ўрганмоқдалар, Тошкент давлат техника университети қошида Ўзбек-япон ёшлар инновация маркази фаолият кўрсатмоқда. 2020–2021 ўқув йилидан бошлаб республикамиздаги 15 та мактаб япон тилини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослашмоқда.

Япония бош вазири мухтарам Синдзо Абэ жанобларининг: **«Мен нафақат сиёсат ва иқтисодиёт борасидаги муносабатларимизни ривожлантириш, балки турли соҳаларда, жумладан, маданият ва илм-фан соҳаларида ҳам Ўзбекистон билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш учун бундан буён ҳам бутун имкониятларимни ишга солишга тайёрман»**, деган сўзларини биз халқимизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиром ифодаси сифатида қабул қиламиз.

Халқларимизнинг муштарак эзгу мақсад ва интилишлари туфайли Японияда Ўзбекистон маданияти ва киноси кунлари, Ўзбекистонда Япония маданият кунлари мунтазам ташкил этилмоқда. Кунчиқар юрт ижодкорлари мамлакатимизда ўтказилаётган халқаро анжуманларда фаол қатнашиб келмоқда.

2015 йилда Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида Япониянинг «Shamisen»

гуруҳи биринчи ўринни, 2019 йили Марғилон шаҳрида бўлиб ўтган «Буюк ипак йўли» фольклор мусиқа фестивалида «Cspcs Japan» жамоаси иккинчи ўринни қўлга киритгани ҳам ўзбек халқи япон санъатини юксак қадрлашини кўрсатади.

Бугунги кунда Ўзбекистонга келаётган япониялик сайёҳлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Тошкент шаҳрида бунёд этилган, япон халқининг миллий маданияти ва қадриятларини ўзида мужассам этган «Япон боғи» пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларининг сеvimли масканларидан бирига айланган, десак, хато бўлмайди.

2004 йили Токиода буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий хотирасига бағишлаб муаззам ҳайкал ўрнатилди. Биз бу муҳим маданий ҳодисани аввало япон халқининг Ўзбекистон халқига, ўзбек адабиёти ва санъатига бўлган улкан қизиқиш ва эътиборининг ёрқин амалий натижаси сифатида юксак баҳолаймиз.

Япониялик таникли файласуф ва рассом Икуо Хираяма ўз ҳаёти ва ижодини юртимиз тарихи ва анъаналарини ўрганишга бағишлаганини яхши биламиз. Ўзбекистонга кўп марта ташриф буюрган истеъдодли рассом ўз ижодида Самарканд, Бухоро каби кўҳна шаҳарларимизни, гўзал қишлоқларимизни, худди япон халқидек меҳнатсевар юртдошларимизни юксак маҳорат билан тасвирлаган. Бу ҳассос мусаввир ва олимнинг хотирасига бағишлаб Ўзбекистон Бадий академияси қошида Икуо Хираяма номидаги халқаро маданият карвонсаройи очилгани ўзаро маданий яқинлигимизнинг яна бир тасдиғидир.

Ўзбек-япон дўстлик алоқаларини ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси учун Икуо Хираяма Ўзбекистон Бадий академиясининг фахрий хорижий аъзоси этиб сайланган.

Профессор Кюдзо Като ва Васэда университети президенти Такаяси Окушима 2002 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Дўстлик» ордени билан мукофотланган.

Шу ўринда атоқли археолог олим, Марказий Осиё тарихининг номаълум саҳифаларини очишга катта ҳисса қўшган толмас тадқиқотчи, Термиз шаҳрининг фахрий фукароси Кюдзо Като хотирасини алоҳида эҳтиром билан ёдга олиб ўтишни истардим.

Шундай олимлар борки, улар ўз фаолияти билан нафакат бир мамлакат, балки дунё халқлари ва маданиятларини бир-бирига яқинлаштиради. Профессор Кюдзо Като, ҳеч шубҳасиз, ана шундай ажойиб инсон эди.

Кюдзо Като ўзбек олимлари билан биргаликда кўҳна Далварзинтепа ва Қоратепа ҳудудларида археологик тадқиқотлар олиб бориб, буддизмнинг бешикларидан бўлган қадимий Сурхон заминини япон халқи учун муқаддас зиёратгоҳ сифатида янгидан кашф этди.

«Мен – японман, Ўзбекистонни иккинчи она Ватаним деб атайман, шу юртнинг фахрий фукароси эканимдан ғурурланаман», – деб таъкидлаган олим қирқ йилга яқин вақт давомида мамлакатимизда муҳим илмий тадқиқотлар олиб борди.

Фидойи олимнинг Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари улуғ аجدодларимизга оид нодир асарларини мамнуният билан эсга оламиз.

Като жаноблари ўзбек халқини жуда севарди, Ўзбекистоннинг яқин дўсти эди. Умрининг сўнгги дақиқаларигача мамлакатимизда бўлиб, шу юртда вафот этган улуғ олимнинг номи ва хотираси халқимиз қалбида яшамоқда.

Жаҳон адабиёти бўстонида алоҳида мавқе ва мақомга эга бўлган япон адибларининг номи ва ижоди ҳам ўзбек китобхонларига яхши таниш.

Хусусан, Мацуо Басё, Кобаяси Исса, Ясунари Кавабата, Кобо Абэ, Рюноске Акутагава, Акира Кумано, Харуки Мураками сингари кўплаб машҳур шоир ва ёзувчиларнинг асарлари, япон фольклори намуналари ўзбек тилига таржима қилиниб, юртимизда кўп минг нусхаларда нашр этилмоқда.

Япон адабиётининг таниқли намояндаларидан Ясуни Иноуэнинг «Самарқандга саёхат», Ман Иноуэнинг «Тошкентда бир оқшом» тарихий китоблари ўзбек зиёилари учун қадрли асарлардир.

Биз «Ўзбек тили» қўлланмаси, «Ўзбекча сўзлашув», «Ўзбекча-японча луғат» китобларини тайёрлаб, кўп минг нусхада нашр этган Итаро Комацу, буюк аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарини япон тилига маҳорат билан таржима қилиб, теран илмий изоҳлар билан нашр этган Эйжи Мано сингари заҳматкаш япон олимларининг номларини эҳтиром билан тилга оламиз.

Машҳур ватандошимиз Маҳмуд Замахшарийнинг «Мукаддима-ул адаб» асарининг Токиода факсимил наشري амалга оширилиши, буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Шароф Рашидов, Зулфия, Рамз Бобожон сингари улкан адибларимизнинг асарлари япон тилига таржима қилиниб, чоп этилгани икки халқ ўртасидаги адабий алоқаларнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

Айни пайтда Чўлпон, Ойбек, Саид Аҳмад, Асқад Мухтор, Одил Ёкубов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов сингари атоқли адибларимиз япон халқининг ибратли ҳаёти, ўлмас қадриятлари, эзгу фазилатлари тараннум этилган гўзал бадиий асарлар яратганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ана шундай самарали маданий ҳамкорликнинг мантикий давоми сифатида бугун мен мухтарам ўқувчиларимизга япон халқи қалбини, унинг руҳи ва қудратини теран ифода

этадиган, таникли ўзбек ижодкорлари томонидан таржима қилинган «Япон шеърияти гулдастаси» номли китобни тақдим этиш шарафига муяссар бўлганимдан мамнунман.

Тўпламга машҳур «Манъёсю» эпосидан парчалар, шунингдек, япон шеъриятининг бадий-фалсафий оламини ўзида мужассам этадиган Мацуо Басё, Кикаку, Рёкан, Кобаяси Исса, Кагамо Сико, Гонсуй Икэнаси, Надзиво Бантё, Мукай Кёрай сингари атоқли шоирларнинг асарларидан намуналар киритилган.

Бу шеърларнинг мавзу кўлами кенг ва ранг-баранг, аммо уларнинг барчасини пок севги-мухаббат, эзгуликка ишонч, ижтимоий адолат, ёвузликка нафрат каби инсоний туйғулар бирлаштириб туради.

Бугунги кунда дунёнинг ҳар томонлама ривожланган, етакчи давлатларидан бири бўлган, энг замонавий технологиялар ва илм-фан ютуқлари билан барчани ҳайратга солаётган Япониянинг турли соҳаларда эришаётган юксак тараққиёт даражасини кузатар эканмиз, беихтиёр «япон мўъжизаси» деган ибора ёдимизга келиши табиий.

Албатта, ҳеч бир ниҳол тап-тақир заминда ўз-ўзидан униб чикмайди. Шу маънода, япон мўъжизасининг илдиэлари ўз халқининг неча минг йиллар давомида шаклланган турмуш тарзи, урф-одатлари ва бой маданий меросидан озикланади, десак, адашмаган бўламиз.

Бу кўҳна мероснинг ажралмас қисми ҳисобланадиган япон шеърияти эса халқ руҳи ва фалсафасининг, бугунги япон маданияти ва цивилизациясининг ривожланишига асос бўлган буюк бир адабий мўъжизадир, десак, бу ҳам аини ҳақиқат бўлади.

Ўзининг бетакрор миллий хусусиятларига қарамасдан, дунёнинг деярли барча тилларига таржима қилинган, жаҳон адабиёт ихлосмандларининг ҳавас ва ҳайратини қозона олган

япон шеърятининг мумтоз намуналари бизга кунчиқар юрт ҳақидаги тасаввурларимизни кенгайтириш, япон халқининг ҳаёти, унинг бадий тафаккур тарзи билан янада яқинроқ танишиш имконини беради, деб ўйлайман.

Ишончим комил, юртимиз китобхонлар жамоатчилиги мазкур бадий мажмуани ўзбек халқининг яқин дўст ва ҳамкор япон халқига, унинг буюк адабиёти ва бой маданиятига, ёруғ келажакига бўлган ҳурмати ва ишончининг ёрқин намунаси сифатида катта қизиқиш ва эътибор билан қабул қилади.

*«Япон шеърятини гулдастаси»
китобига ёзилган сўзбоши*

2019 йил 16 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК УЧУН ОЧИҚДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Японияга расмий таширифи доирасида ушбу мамлакатда чоп этиладиган «Nikkei» газетасига интервью берди.

1876 йилда асос солинган, дунёдаги йирик молиявий нашрлардан бири бўлган ушбу газета 3 миллиондан зиёд нусхада чоп этилади. Қуйида ушбу интервьюнинг таржимаси берилмоқда.

– Муҳтарам Президент Жаноблари, Сиз Япония билан икки томонлама муносабатлар, айниқса, иқтисодиёт соҳасидаги ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолатини қандай баҳолайсиз?

– Япония Ўзбекистон учун доимо вақт синовидан ўтган, ишончли ва стратегик шерик бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Япония ҳукуматининг кўмагида, «Ривожланиш учун расмий ёрдам» дастури доирасида мамлакатимизда қиймати 4 миллиард доллардан зиёд бўлган йирик лойиҳалар амалга оширилди.

Иқтисодий ҳамкорлигимизнинг асосий соҳалари – бу электр энергетикаси, нефть-газ, нефть-кимё ва кимё тармоқлари, машинасозлик ва туризм ҳисобланади.

Ишонаманки, бўлажак Ўзбекистон – Япония саммити доирасида эришилган келишувлар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда янги даврни бошлаб, шериклик алоқаларимизнинг янги йўналишларини белгилаб беради.

– Японияга ташрифингиз доирасида қандай икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган?

– Ташриф давомида Япония етакчи компанияларининг тўғридан-тўғри инвестицияларини назарда тутадиган бир қатор шартномаларни имзолашни режалаштирганмиз.

Амалга оширилиши белгиланган қўшма инвестициявий лойиҳаларнинг умумий қиймати 6 миллиард доллардан зиёдни ташкил этади.

Йирик ва муҳим аҳамиятга молик лойиҳалар орасида қиймати қарийб 2 миллиард доллар бўлган Навоий иссиқлик электр станциясининг учинчи ва тўртинчи буғ-газ қурилмасини қуриш бўйича ишлар давом эттирилишини алоҳида таъкидлашни истардим. Яна бир муҳим лойиҳа (қиймати 200 миллион доллар) мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, Ўзбекистонда экспортга йўналтирилган замонавий қишлоқ хўжалиги кластерларини ташкил этишга қаратилган.

– Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий салоҳияти ва жозибадор жиҳатларини нималарда кўрасиз?

– Ўзбекистонда сўнгги йилларда инвестиция муҳитининг яхшиланиши натижасида хорижий капитал иштирокида ташкил этилган корхоналар сони 2 баробарга ортди. Бугунги кунда уларнинг сони 10 мингга ташкил этмоқда.

Биз бу йил хорижий инвестицияларни уч баробар кўп, яъни 7 миллиард доллардан кам бўлмаган миқдорда ўзлаштиришни мўлжаллаб турибмиз.

Ўзбекистон улкан минерал-хомашё ресурсларига эга бўлиб, олтин, уран, мис, калий тузлари, фосфоритлар каби фойдали қазилмалар захиралари бўйича дунёдаги ўнта етакчи давлат қаторида қайд этилади. Биз биргаликда илғор япон технологиялари ёрдамида уларни янада чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлашга эришишимиз мумкин.

– Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор бўлган барча давлатлар ва компанияларни қизиқтира-

диган бир савол билан мурожаат қилишга рухсат этсангиз: мамлакатда кенг миқёсдаги ислохотлар давом эттириладими, кейинги таркибий ўзгаришлар қандай бўлади?

– Кўп йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилиш, халқаро майдонда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун 2017 йилдан эътиборан, Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш бўйича кенг кўламли ислохотларни бошладик. Иқтисодиётни либераллаштириш ишлари ва маъмурий ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда, миллий валютанинг эркин конвертацияси жорий этилди.

Биз рақобат ва тадбиркорликни янада ривожлантириш, хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг катъий қафолатлари, мазкур соҳада очиклик ва шаффофликни таъминлаш, бизнес ва сармоя муҳитини яхшилашга муҳим аҳамият қаратмоқдамиз. Буларнинг барчаси, жумладан, Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлишига қаратилган.

Биз хорижий инвесторларнинг кўллаб-қувватлашидан умидвормиз. Ҳукуматимиз хорижий инвестицияларни имкон қадар ҳимоя қилиш ва Ўзбекистонга сармоялар оқимини кенгайтириш мақсадида ишончли рағбатлантириш омилларини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўради.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги демократик ислохотлар ортга қайтмайдиган даражада муқаррар тус олди, деб айтиш учун барча асосларимиз бор. Чунки, бу ислохотлар бизнинг миллий манфаатларимизга, халқимизнинг орзу-интилишларига мос келади.

– 2016 йилда мамлакат Президенти лавозимига сайланганингиздан сўнг Сиз ҳокимиятни демократлаштириш ва унинг очиклигини таъминлаш сиёсатини амалга оширишга киришдингиз. Ушбу сиёсат давом эттирилади-

ми ва шу жиҳатдан қараганда, бўлажак парламент сайловларининг аҳамияти нималардан иборат?

— Давлат раҳбари сифатидаги фаолиятимнинг илк кунларидан бошлаб жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини либераллаштириш, мамлакатнинг янгиланиши ва модернизация қилинишига биринчи даражали аҳамият қаратиб келмоқдаман.

Бугунги кунда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Шуни қайд этиш керакки, Ўзбекистон виза режими энг либерал давлатлар рўйхатида МДХ ҳудудида иккинчи ва Марказий Осиёда биринчи ўринда туради. Ҳозирги вақтда бизнинг мамлакатимизга 86 та давлат фуқаролари кириш визасини олмасдан келиб-кетиши мумкин.

Бугун Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил этади. Биз, албатта, ёш авлод ҳақида ҳар томонлама ғамхўрлик қиламиз.

Бўлажак парламент сайловлари миллий мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар каторига кириши йўлидаги яна бир амалий кадам бўлади.

— Ўзбекистон ташқи сиёсатда қандай тамойилларга таянади?

— Бизнинг мақсадимиз — халқаро майдонда, жумладан, жаҳон ҳўжалик муносабатларида муносиб ўрин эгаллашдан иборат. Ўз-ўзидан равшанки, ташқи сиёсатимизнинг бош устувор йўналиши — Марказий Осиё минтақасидир. Сўнгги уч йил мобайнида Марказий Осиёда мутлако янги сиёсий муҳит шаклланди, ўзаро сиёсий ишонч сезиларли даражада ортди, кооперацион ва гуманитар алоқалар фаоллашди.

Минтақамизда барқарорликни таъминлаш кўшни Афғонистонда тинчликка эришиш билан чамбарчас боғлиқдир.

Евроосиёнинг транспорт-транзит ва ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишга қаратилган халқаро ташаббусларни

қўллаб-қувватлаймиз, минтақамиз орқали Шарқдан Ғарбга ва Шимолдан Жанубга ўтадиган мавжуд транспорт ва иқтисодий коридорларни мустаҳкамлаш ва янгиларини яратиш тарафдоримиз.

Биз барча шерик давлатлар – Россия, АҚШ, Хитой, Жанубий Корея, Европа давлатлари ва мусулмон дунёси мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдоримиз.

*Япониянинг «Nikkei» газетаси мухбири
саволларига жавоблар*

2019 йил 17 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Японияга биринчи расмий таширифига бағишлаб «The Japan Times» газетаси «Миллий сиёсат ва савдо муносабатлари барқарор ривожланмоқда» деб номланган махсус мақола чоп этди. Қуйида ушбу мақоланинг таржимаси берилмоқда.

МИЛЛИЙ СИЁСАТ ВА САВДО МУНОСАБАТЛАРИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНМОҚДА

Шавкат Мирзиёев Президент этиб сайланганидан буён ўтган сўнгги уч йил давомида ички ва ташқи сиёсатда туб ислохотлар жараёнини амалга оширмоқда.

Ижтимоий ва иқтисодий ислохотлар

Мамлакат Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди. «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган ғоя бу жараёнда асосий йўналтирувчи куч бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Президенти инсон ҳуқуқлари соҳасидаги аҳволни яхшилаш, сиёсий маҳбусларни озод қилиш ва диний эркинликларни таъминлаш борасида муҳим чора-тадбирларни амалга оширди.

Ҳукумат томонидан кичик ва ўрта хусусий корхоналарни рағбатлантириш учун қатор ислохотлар ўтказилди. Бундан

ташқари, пахтачилик, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва чорвачиликка ихтисослашган қишлоқ хўжалиги корхоналари давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Олиб борилаётган ислохотлар натижасида Ўзбекистондаги инвестиция муҳити, унинг жозибадорлиги сезиларли даражада яхшиланди, бу эса йирик ва етакчи хорижий компанияларни Ўзбекистон бозорига янада фаол кириб боришга ундади. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон тарихида илк бор инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 38 фоиздан ортганини таъкидлади. Бюджет даромадлари қарийб 5,86 миллиард долларни ташкил этди.

2017 йил сентябрь ойидан бошлаб Ўзбекистон ўз миллий валютасининг эркин конвертация қилинишига тўлиқ ўтди. Халқаро молиявий институтлар, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси билан ҳамкорлик муваффақиятли ривожланмоқда, Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан шериклик қайта тикланди.

Жаҳон банки ва Халқаро молиявий корпорация томонидан ҳар йили тузиладиган «Бизнес юритиш» ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтинги анча яхшиланди – мамлакат 2012 йилги 166-ўриндан 2017 йилда 76-ўринга кўтарилди.

Ташқи сиёсат

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда ташқи сиёсат сезиларли даражада фаоллашди, қўшни мамлакатлар билан муносабатларда конструктив ва вазмин сиёсат юритиш бошланди. Тинч ва иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё Ўзбекистон учун энг муҳим мақсад ва ташқи сиёсат соҳасидаги асосий устувор йўналишдир.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар, аввало, Шавкат Мирзиёев олиб бораётган сиёсат тўғайли минтақада кейинги уч йилда сиёсий ишонч даражаси анча ортди. Қисқа вақт давомида минтақада мутлақо янги сиёсий муҳит яратишга эришилди.

Жорий йил 28 ноябрь куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё мамлакатлари давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви минтақадаги барча давлатларнинг ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги қатъий интилишини яна бир бор тасдиқлади ҳамда минтақавий шерикликни кучайтириш билан боғлиқ масалаларни атрофлича муҳокама қилиш имконини берди. Учрашувда савдо, иқтисодиёт, инвестициялар, транспорт ва транзит, қишлоқ хўжалиги, саноат кооперацияси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, энергетика, сув ресурслари, туризм, илм-фан ва маданият соҳаларида ҳамкорликни янада тараққий эттиришнинг истикболли йўналишлари, шакл ва механизмлари ҳар томонлама кўриб чиқилди.

Бундан ташқари, Президент Шавкат Мирзиёев барча манфаатдор давлатлар билан ўзаро самарали ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган йўлни белгилаб берди. Ўзбекистон раҳбари АҚШ, Россия, Хитой, Германия, Франция, Туркия, Жанубий Корея, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа мамлакатларга ташриф буюриб, ўзаро ҳамкорликни сезиларли даражада фаоллаштириш учун рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қиладиган самарали музокаралар олиб борди.

Туризм

Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Президенти этиб сайланганидан сўнг миллий иқтисодиётнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган туризм салоҳиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонга келаётган хорижлик сайёҳлар сони кейинги

уч йил мобайнида муттасил ортиб бормокда. Истикболда – 2023 йилга бориб Ўзбекистон бу кўрсаткични 10 миллионга етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ўзбекистон улкан туризм салоҳияти ва ғоят бой маданий-тарихий меросга эга. Бу заминда пурвиқор тоғлар билан ўралган водийлар ва жазирама саҳролар, қадимий меъморий обидалари билан машҳур тарихий мажмуалар ва замонавий мегаполислар ажиб бир тарзда уйғунлашиб кетган. Ўзбекистонда 11 та миллий табиий боғлар ва давлат қўриқхоналари, 12 та махсус қўриқхона, 106 та музей, 37 та театр, 187 та маданият ва истироҳат боғи мавжуд.

Мамлакатда 7400 та маданий мерос объекти асраб-авайлаб сақланмокда. Уларнинг 209 таси тўртта шаҳар-музейда – «Хива шаҳридаги Ичанқалъа», «Бухоро шаҳрининг тарихий маркази», «Шаҳрисабз шаҳрининг тарихий маркази» ва «Самарқанд – маданиятлар чорраҳаси» ҳудудида жойлашган бўлиб, ЮНЕСКО Жаҳон маданий мероси объекtlари рўй-хатига киритилган.

Ўзбекистон босқичма-босқич 86 давлат фуқаролари учун визасиз тартибни жорий этди, 77 давлат фуқаролари учун виза беришнинг соддалаштирилган тартибини қўлламокда, 54 мамлакат фуқаролари учун эса, агар улар Ўзбекистон ҳудуди орқали транзит тарзида ўтаётган бўлса, соддалаштирилган тартибда виза олиш ҳуқуқи берилган.

2018 йилда ўзбек миллий таомлари «National Geographic» журналининг «Гастрономик туризм» номинациясида биринчи ўринни эгаллади, Ўзбекистон кўплаб хорижий нашрлар, жумладан, «The New York Times», «The Guardian», «Lovely Planet» томонидан саёҳат учун энг жозибадор ва қизиқарли йўналиш сифатида эътироф этилмокда.

Ўзбекистон – Япония муносабатлари

Япония 1991 йил 28 декабрь куни Ўзбекистон мустақиллигини тан олди. Дипломатик муносабатлар 1992 йил 26 январда ўрнатилди. Ушбу муносабатлар 2002 йил 29 июлда стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

Япония Ўзбекистон учун вақт синовидан ўтган ишончли ва муҳим стратегик шерикдир. Ўзаро муносабатлар суръати томонларнинг манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликни янада фаоллаштириш ва кенгайтиришга тайёр эканини кўрсатмоқда. Ўзбекистон халқаро ташкилотлар доирасида БМТнинг турли тузилмаларига кўрсатилган Япония номзодини доимий равишда қўллаб-қувватлаб келмоқда. Токионинг ташаббуси билан 2004 йилда минтақа мамлакатлари билан ҳамкорликни чуқурлаштириш мақсадида ташкил этилган «Марказий Осиё + Япония» мулоқоти икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим механизмидир.

Ўзбекистонда 1999 йилдан бошлаб турли лойиҳаларни амалга оширишга, икки мамлакат ишбилармон доиралари ва жамоатчилиги ўртасида мулоқотни йўлга қўйишга кўмаклашаётган Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ва Япония ташқи савдо ташкилоти (JETRO)нинг минтақавий офислари, шунингдек, Ўзбекистон – Япония маркази фаолият кўрсатмоқда. Япониянинг молиявий-техник кўмаги билан Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, таълим, энергетика, транспорт, телекоммуникациялар ва бошқа йўналишларда бир қатор ижтимоий аҳамиятга молик ҳамда инфратузилмавий лойиҳалар амалга оширилди.

Савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Япония ва Япония – Ўзбекистон қўмиталари катта роль ўйнамоқда. Қўмиталарнинг 15-қўшма мажлиси 2019 йил июль ойида Токиода бўлиб ўтди.

Ўзбекистонда бугунги кунда Япониянинг Marubeni, Mitsubishi, JOGMEC, Toyota Tsusho, Itochu, Isuzu ва бошқа етакчи компаниялари фаолият юритмоқда.

Бу борадаги ҳамкорликка «Ўзавтосаноат» акциядорлик жамияти ва Япониянинг Isuzu компанияси шериклиги мисол бўлиб хизмат қилади. Isuzu агрегатлари базасида Ўзбекистонда қарийб 12 мингта автобус ва 17 мингдан зиёд юк автомобиллари ишлаб чиқарилди. Юк автомобилларининг табиий газда ҳаракатланидиган янги моделларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Моделлар қаторини янгилаш, маҳаллийлаштириш даражасини чуқурлаштириш ҳамда Япониянинг илғор технологиялари ва ишлаб чиқариш жараёнларини жорий этишга катта аҳамият берилмоқда.

Халқларимиз ўртасидаги алоқалар кўп асрлик тарихга эга бўлиб, Буюк ипак йўли энг раванқ топган даврларга бориб тақалади. Бу ҳамкорлик нафақат ЮНЕСКО Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимги ва ҳозирги кунга қадар сақланиб келаётган шаҳарлар орқали савдо-сотиқ билан, балки бошқа қадимги цивилизация марказлари – Япониянинг Нара ва Киото каби тарихий шаҳарлари орқали маданий ва гуманитар алмашинувлар воситасида мустаҳкамланиб келган. Шу даврдан бошлаб Ўзбекистон ва Япония ўртасида бугунги кунда ҳам халқларимизнинг муштарак менталитетини белгилайдиган ижтимоий-маданий алоқалар ривож топди. Япониялик археолог олим Кюдзо Катонинг тадқиқотлари туфайли Ўзбекистон буддавийлик марказларидан бири бўлгани, ушбу таълимот Японияга милоддан аввалги II асрдан бошлаб айнан бугунги Ўзбекистон ҳудуди орқали кириб келгани исботланди.

1999 йилда «Ўзбекистон – Япония» дўстлик жамияти таъсис этилди, унинг асосий шериклари «Япония – Ўзбекистон»

дўстлик ассоциацияси ва «Фукусима – Ўзбекистон» маданий-иқтисодий ҳамкорлик уюшмасидир. 2001 йилда Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазмалар мажмуаси ҳудудида Япон боғи очилди. Бу ерда минглаб сакура дарахтлари экилган бўлиб, улар гуркираб ўсмоқда.

Ўзбекистонда япон фильмлари, бадий кўргазмалар, япониялик санъаткорларнинг концерт ва спектакллари намоиш этишни қамраб олган маданий тадбирлар дастури йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

*Япониянинг «The Japan Times»
газетасида босилган мақола*

2019 йил 18 декабрь

НАГОЯ УНИВЕРСИТЕТИ – СИНАЛГАН ВА ИШОНЧЛИ ИЛМИЙ ҲАМКОРИМИЗ

Мухтарам Мацуо жаноблари!

Ҳурматли профессорлар ва талабалар, университет жамоаси!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, Нагоя университети президентининг самимий дил сўзлари ва эзгу тилаклари учун чин қалбимдан ташаккур изҳор этаман.

Ўйлайманки, менинг Президент сифатида мамлакатингизга илк ташрифим ҳақида билдирилган фикрлар, мана шундай эътибор, бир-биримизга ҳурмат, илиқ муносабат ҳақиқатан ҳам Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, келгусида катта натижаларга эришиш йўлида ишончли замин яратади.

Биз Нагоя университетини дунёдаги энг нуфузли илм-фан ва таълим масканларидан бири сифатида эътироф этамиз.

Нобель мукофоти совриндорлари Рёжи Ноёри, Осаму Симомура, Макото Кобаяси, Тосихиде Маскава, Исаму Акасаки, Хироси Аmano ва бошқа машҳур олимларни етиштириб берган ушбу университетнинг фахрий доктори деган юксак шарафга муносиб кўрилганимдан ҳаятда хурсандман.

Бу унвонни мен аввало Ўзбекистон халқига кўрсатилган эътиром ифодаси, деб қабул қиламан ва бунинг учун Нагоя университети раҳбариятига, унинг илмий жамоасига чуқур миннатдорчилик билдираман.

Мен Нагоя университетининг фахрий доктори сифатида Ўзбекистонда унинг улкан илмий салоҳияти ва ютуқларини кенг тарғиб ва ташвиқ қилишга, таъбир жоиз бўлса, ушбу университетнинг ишончли вакили сифатида иш олиб боришга ҳаракат қиламан.

Бутун жаҳонга машҳур Нагоя шаҳри ҳақида халқ орасида шундай ибора бор экан: «Нагоя қалъаси бўлмаганида Нагоя шаҳри ҳам бўлмас эди». Мен бунга қўшимча қилиб: «Нагоя университетисиз Нагоя шаҳрини ҳам тасаввур этиб бўлмайди», деган бўлардим.

Маълумки, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар кўп асрлик тарихга эга. Япониянинг машҳур Нара шаҳри музейида суғд ёзувида битилган ёдгорликлар борлиги буни яққол тасдиқлайди.

Япон археологи, мархум профессор Като томонидан Кушон подшоҳлигининг дастлабки пойтахти бўлган Ўзбекистондаги Далварзинтепадан топилган будда ибодатхонаси ва қирққа яқин ҳайкаллар япон ва жаҳон илмий жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотиб келмоқда.

Шу ўринда ўзбек ва япон халқларини ўхшаш миллий ва ахлокий кадриятлар билан бирга илм-фан ва тафаккурга, камолотга доимо интилиб яшаш каби эзгу фазилатлар бирлаштириб туришини эътироф этмоқчиман.

Бизнинг улуғ боболаримиз – алгебра фани ва «Алгоритм» тушунчасининг асосчиси Ал-Хоразмий, Ернинг айланаси узунлиги ва радиусини илк бор ҳисоблаб чиққан Ал-Беруний, тарихда Авиценна номи билан машҳур бўлган, жаҳон тиббиёт фани ривожига улкан ҳисса қўшган Ибн Сино, ноёб расадхона ва 1018 та юлдузнинг жойлашуви аниқ акс эттирилган астрономик жадвал яратган Мирзо Улуғбек каби буюк ўзбек олимларининг илмий меросини, ўйлайманки, сизлар яхши биласизлар.

Қадрли дўстлар!

Биз Ўзбекистонда бундан уч йил аввал миллий тараққиётимизнинг янги Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик. Жамият ҳаётида ҳар томонлама очиқлик ва эркинликни таъминлаш, мамлакатни модернизация қилишга асосланган ушбу Стратегия доирасида беш устувор йўналишда изчил ислохотларни амалга оширмоқдамиз.

Бу жараёнда энг ривожланган давлатларнинг, хусусан, илғор япон тажрибасидан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Чунки Япония бизнинг вақт синовидан ўтган, ўзаро ишонч ва ҳурмат тамойилларига асосланган стратегик шеригимиздир.

Биз ушбу ташрифни ўзаро манфаатли ва узок муддатли ҳамкорлигимиз тарихида бошланаётган мутлақо янги даврнинг ўзига хос ифодаси деб биламиз.

Япония Ўзбекистонни халқаро майдонда доимий қўллаб-қувватлаб келмоқда. Айни пайтда иқтисодиётимизни ривожлантириш, устувор ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишда яқиндан кўмаклашмоқда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг 5 мингдан зиёд ёшларимиз Япония университетларини тамомлаб, ўз билим ва тажрибаларини Ватанимиз равнақи учун сафарбар этаётгани алоҳида эътиборга лойиқ.

Мен кўп йиллар олий таълим тизимида ишлаган инсон сифатида бу соҳанинг шарафли, шу билан бирга нақадар машаққатли ва масъулиятли эканини яхши биламан.

Биз бугун учрашиб турган Нагоя университети билан Ўзбекистоннинг ҳамкорлиги 20 йилдан зиёд тарихга эга. Сизнинг университетингиз 2010 йилда Тошкент шаҳрида ўз ваколатхонасини очганини биз юксак баҳолаймиз. Ҳозирга қадар мазкур даргоҳда 400 дан ортиқ ўзбекистонлик талаба ва тадқиқотчилар таҳсил олгани айниқса қувонарлидир.

Бугунги учрашувимизда Японияда ўқиётган кўплаб ёшларимизни кўриб турганимдан хурсандман. Сизлар ўз истеъдод ва салоҳиятингизни намоён этишингиз учун Ўзбекистонда барча шароит ва имкониятларни яратиб берамиз. Мен ҳозир сизларни кўриб, юзингиздаги, чехрангиздаги ўзингизга бўлган ишончингизни ҳис қилиб хурсанд бўлиб ўтирибман.

Сизларга қараб, барчангиз чиндан ҳам жонажон Ватанимизга муносиб ўғил-қизлар бўлишингизга ишонч ҳосил қилдим. Энг катта вазифангиз – вақтингизни бекор ўтказмасдан, аъло ўқиш, юқори технологияларни чуқур эгаллаш, Ўзбекистон ва Япония ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшишдан иборатдир. Шу йўлда барчангизга янги ютук, бахт ва омадлар тилайман.

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

Глобаллашув даврида жаҳоннинг кўпгина тараққий этган давлатлари «ахборот жамияти», «билимлар иқтисодиёти», «рақамли иқтисодиёт» йўлини танлаганига гувоҳмиз.

Замонавий дунёда инсон капитали, интеллектуал салоҳият, инновацион ғоялар, юқори технологиялар жадал ва барқарор тараққиётнинг фундаментал асосини ташкил қилмоқда.

Бундан ярим аср муқаддам пухта ўйланган, тараққиётнинг илм-фанга асосланган «япон модели» туфайли мамлакатингиз бугун барча соҳаларда етакчи давлатлардан бирига айланди.

Япония фани сунъий интеллект, нанотехнологиялар, биотехнологиялар, робототехника, космик тадқиқотлар, ядровий тиббиёт, «яшил энергетика» йўналишларидаги илмий изланишлар борасида оламшумул ютуқларга эришмоқда. Хусусан, мамлакатингиздан 28 нафар Нобель мукофоти совриндори етишиб чиққани ҳам бу фикрнинг ёрқин исботидир.

Ҳурматли дўстлар!

Биз замонавий тараққиётнинг калити айнан илм-фан ва таълимда эканини чуқур англаб, инсон капиталига инвестиция киритишни давлат сиёсати даражасига кўтардик.

Ўтган йили Ўзбекистонни инновацион ривожлантириш Стратегиясини қабул қилдик. Биз инновациялар соҳасидаги илғор мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллашни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйдик.

Бугунги кунда 33 миллионли юртимиз аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил этади. Креатив фикрлайдиган, фаннинг муайян соҳасида чуқур билимга эга, юқори интеллектуал салоҳиятли мутахассислар тайёрлаш устувор мақсадимиз ҳисобланади.

Бунга эришиш учун охирги уч йилда 36 та янги олий ўқув юртлари ташкил этилиб, институт ва университетларимиз сони 116 тага етказилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда АҚШ, Буюк Британия, Россия, Италия, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Сингапур ва бошқа давлатлар етакчи олий ўқув юртларининг 22 та филиали фаолият кўрсатмоқда.

Давлат кўмагида жаҳоннинг илғор илмий ва таълим марказларида етук мутахассислар тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимли асосда йўлга қўйилди. Бу жараёнларга муносиб ҳисса қўшиб келаётган Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЖАЙКА) фаолиятини миннатдорлик билан эътироф этишни истар эдим.

Япония ҳукуматининг ташаббуси – «Глобал-30» дастури бўйича Нагоя университетининг Марказий Осиё мамлакатлари учун масъул этиб белгилангани ғоятда самарали бўлмоқда.

Биз Нагоя университетининг президенти, ҳурматли Мацуо жанобларининг юртимизга бир неча марта ташриф буюриб,

илмий ҳамкорлигимизни ривожлантириш борасида қилаётган катта хизматларини алоҳида қадрлаймиз. Айниқса, у кишининг ўтган йили Нобель мукофоти совриндори, профессор Ноёри жаноблари билан биргаликда Ўзбекистонга ташрифи мамлакатимиз илмий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Хабарингиз бор, Нагоя университетининг мухтарам президенти Мацуо жанобларининг Ўзбекистон илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётганини эътиборга олиб, яқинда Тошкент давлат техника университети илмий кенгаши у кишини ушбу университетнинг фахрий ректори этиб сайлади.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Япониянинг «Кадрлар тайёрлаш» дастури доирасида мамлакатимизнинг 300 дан зиёд ёшлари юртингизда магистрлик ва докторлик илмий даражаларини олишга эришдилар. Ўзбекистон – Япония ёшлар инновация маркази орқали ҳам ўнлаб йигит-қизларимиз япон университетларида малака оширмоқдалар.

Мухтарам дўстлар!

Албатта, Ўзбекистон ва Япония ҳамкорлигида амалга оширилган ишларимиз эътирофга сазовор. Айни вақтда ҳали бу борада ишга солинмаган имкониятларимиз ҳам борлигини таъкидлаш лозим. Шу муносабат билан айрим таклифларни билдиришга ижозат этгайсиз.

Биринчидан, Нагоя университетининг ташаббуси билан мунтазам ўтказиб келинаётган Япония – Ўзбекистон университетлари ректорлари анъанавий конференцияси илмий ҳаётимизда катта роль ўйнамоқда. Биз ушбу ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида илмий-академик алмашувлар ва технологиялар трансфери бўйича Ўзбек-япон қўшма фондини ташкил этишни таклиф этамиз.

Мазкур фонд ўзаро илмий тадқиқотларни, икки мамлакат ёш олимларининг биргаликдаги илмий изланишларини молиялаштириш, талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмашуви бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Ушбу фонд фаолияти Ўзбекистонда айти шундай йўналишда иш олиб бораётган «Истеъдод» фондининг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Дастлабки қадамлар сифатида биз ҳар йили Нагоя университетининг 15 нафар профессор-ўқитувчисини Ўзбекистонда азиз меҳмонлар сифатида қабул қилишга тайёр эканимизни билдираман. Улар ўз фан йўналишлари бўйича мамлакатимиз олий ўқув юртларида маърузалар ўқиб, амалий машғулотлар, маҳорат дарслари ўтказиб берсалар, биз ниҳоятда миннатдор бўлардик. Айти вақтда ани шундай алмашувлар дастури асосида ҳар йили мамлакатингизнинг 50 нафар талабаёшларини 15 кун давомида Ўзбекистоннинг тегишли олий ўқув юртларида кутиб олишга тайёрмиз. Ўйлайманки, мана шу 50 нафар талабанинг 50–60 фоизи Нагоя университети талабалари бўлса, айти муддао бўлар эди.

Ишончим комил, бундай лойиҳалар икки томонлама муносабатларни юқори босқичга кўтаришга катта ҳисса қўшади. Нега деганда, ёшларимиз ўртасидаги алоқалар мустаҳкам бўлса, дўстлик ва ҳамкорлигимиз албатта самарали ва бардавом бўлади.

Иккинчидан, Нагоя университети ва Ўзбекистон Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамкорлигида мамлакатимиз Фанлар академияси қошида нанотехнологиялар асосида янги материаллар яратиш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишни тақлиф этаман.

Учинчидан, ўзбек-япон археологлари билан биргаликда юртимиз ҳудудида жойлашган буддавийлик тарихи ва

маданиятига оид археологик ёдгорликларни илмий ўрганиш ишларини давом эттиришимиз зарур. Биз бу борада япониялик дўстларимиз билан бирга, Термиз давлат университети қошида Ўзбек-япон илмий марказини ташкил этишдан манфаатдормиз.

Хурматли учрашув катнашчилари!

Биз яқинда Ўзбекистоннинг Япониядаги элчихонасида илм-фан ва инновациялар бўйича маслаҳатчи-вакил лавозимини жорий этдик. Нега десангиз, мен бу учрашувдан олдин хурматли президент Мацуо бошчилигидаги бутун илмий жамоа, Нобель мукофоти лауреатлари, проректорлар, профессорлар билан кўришганимда кўп-кўп масалаларни келишиб олдик. Мана шу масалаларни амалга ошириш бўйича бизнинг маслаҳатчи-вакилимиз Нагоя университети билан бевосита шуғулланади. Айтиш мумкинки, у Ўзбекистон Президентининг Нагоя университетидаги ишончли вакили бўлади.

Вакт ўтади, бугунги тарихий учрашувимиз натижалари икки олий ўқув юрти – Нагоя университети ва Тошкент давлат техника университети ўртасидаги алоқаларга, энг асосийси, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги муносабатларимизга катта ижобий таъсирини кўрсатади, деб ишонаман.

Мухтарам дўстлар!

Ўзбек халқи Япониянинг қадимий тарихи ва бой маданиятига катта ҳурмат ва қизиқиш билан қарайди. Бунинг амалий тасдиғи сифатида яқинда мамлакатимизда «Япония конституцияси», «Япон шеърляти гулдастаси», «Марказий Осиё маданий мероси Япония тўпламларида», «Ўзбекистон япониялик қалбида» каби бир қанча китоб ва альбомлар ўзбек ва япон тилларида чоп этилди.

Ижозатингиз билан, ушбу нашрларни Нагоя университети кутубхонасига тақдим этмоқчиман. Ўйлайманки, мана шу ки-

тоблар сизнинг кутубхонангиздан жой олиб, ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бугунги ҳамкорлигимиз, бугунги билдирилган фикрлар, катта-катта таклифларнинг натижаси сифатида икки-уч йилдан кейин таржима қиладиган китобларимиз янада кўпаяди, деб истак билдираман.

Мен боя учрашув пайтида ҳурматли Мацуо жанобларига айтдим: «Энди сизнинг жамоангиз фақат Нагояда эмас, балки Тошкентда ҳам катта илмий жамоа ҳисобланади, ўзбек олимлари, талабалари сизни ректор сифатида кутади», деб у кишини Ўзбекистонга ташриф буюришга таклиф қилдим.

Муҳтарам президент Мацуо жаноблари!

Ҳурматли университет илмий жамоаси!

Сўзимнинг якунида менга ва халқимизга кўрсатган юксак ҳурмат ва эҳтиромингиз учун ўз номимдан, делегациямиз номидан яна бир бор миннатдорчилик билдириб, барчангизни Ўзбекистонга таклиф этаман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

*Япониядаги Нагоя университети
профессор-ўқитувчилари ва талабалари
билан учрашувдаги нутқ*

2019 йил 18 декабрь

ДЎСТ БОҒИНИНГ БУЛБУЛИ

Азалдан тили, дини ва дили бир бўлган, тарих синовларида тобланган ўзбек ва турк халқларини теран тарихий илдизлар, муштарак маънавий қадрият ва анъаналар, мустаҳкам ҳамкорлик ришталари чамбарчас боғлаб туради.

Икки халқ ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик туйғуларини янада юксалтиришда узоқ ўтмишдан буён давом этиб келаётган адабий алоқаларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Туркияда Дада Қўркут номи билан машҳур бўлган адиб, шайх ва алломани ҳазрат Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асарида турк улуси орасида кенг шуҳрат топган авлиё сифатида эҳтиром билан қаламга олади.

Ўз навбатида, туркиялик атоқли шоир ва адабиётшунос, жамоат ва сиёсат арбоби Фуад Кўпрулининг: **«Туркийлар орасидан етишиб чиққан юзлаб шоирлар бутун турк дунёсини қалам билан бирлаштирган Алишер Навоий асарларидан таъсирланиб, ундан илҳом олиб улғайишган»**, деган эътирофи адабий ҳамкорлигимизнинг нечоғли қадимий ва мустаҳкамлигидан далолат беради.

Бугунги кунда юртимизда буюк турк мутафаккири Жалолиддин Румий ёки оташнафас шоир Юнус Эмро номини билмайдиган, уларнинг баркамол асарларини севиб мутолаа қилмайдиган китобхонни топиш қийин, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Хусусан, Шарқ халқларининг энг машҳур шоирларидан бўлган Юнус Эмро ижоди барча туркий халқлар қатори ўзбек халқи учун ҳам ғоят азиз ва қадрлидир.

XIII аср ўрталари – XIV аср бошларида яшаб ижод этган Юнус Эмро жаҳон адабиёти тарихида муҳим ўрин тутадиган юксак маърифатли шоир, илоҳий ишқ ва инсоний меҳр-муҳаббат куйчисидир.

Қуръон ва ҳадис илмларини чуқур ўрганган, ўз даврининг етук тасаввуф олими бўлган Юнус Эмро халқона ва равон шеърлари билан инсонларни, турли миллат ва халқларни ҳамиша маърифатга, одамийликка, яхшилик ва эзгуликка, меҳр-муҳаббатли бўлишга чорлади. «Дўст боғининг бул-булиман», дея дўстлик ва ҳамжиҳатлик туйғуларини улуғлади.

Бу жиҳатдан шоирнинг: «Биз дунёга манманлик учун келмадик. Биз севги учун, бошқаларнинг меҳрини қозониш, Аллоҳ яратган жамики нарсаларга шафқат, муҳаббат кўрсатиш учун келдик», деган фикрлари алоҳида аҳамиятга эгадир.

Юнус Эмро ижодидан намуналар Ўзбекистонда мунтазам нашр этиб келиниши, таниқли шоир ва таржимонларимиз томонидан ўзбек тилига қайта-қайта ўгирилиши бежиз эмас. Чунки, унинг манзумалари ўзбек бахшиларининг термаларига, машҳур сўфий шоирларимиз Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоёр, Сулаймон Боқирғоний, шунингдек, халқимиз орасида кенг оммалашган улуғ туркман шоири Махтумқули асарларига руҳан ва мазмунан яқинлиги билан эътиборни тортади.

Хусусан, Юнус Эмро барча туркий халқларнинг табаррук пири бўлган Хожа Аҳмад Яссавий таълимотининг давомчиси сифатида оламга танилганини барчамиз яхши биламиз.

Шу маънода, ЮНЕСКО қарори билан халқаро миқёсда 1993 йил – Хожа Аҳмад Яссавий йили, 1994 йил – Юнус Эмро йили деб эълон қилиниши ҳам ана шу маънавий силсиладан далолат беради.

Ўша вақтда бу саналар кўплаб мамлакатларда кенг нишонланган, нуфузли халқаро анжуманлар ўтказилган, илмий тадқиқотлар яратилган эди.

Айни пайтда, ҳазрат Яссавий издошларининг, жумладан, Юнус Эмронинг туркий халқлар маънавиятига кўрсатган ҳаётбахш таъсирини ўрганиш борасида олимларимиз олдида жиддий вазифалар турибди ва биз бу йўлда фаол ҳамкорлик қилишимиз зарур.

Маълумки, бутун дунёда улкан сиёсий, иқтисодий ва маданий салоҳиятга эга бўлган мамлакат сифатида танилган Туркия Республикаси Ўзбекистон ташқи сиёсатида алоҳида аҳамиятга эга давлат ҳисобланади. Туркия Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган, шу тариқа Ватанимизнинг дунё харитасида янги давлат сифатидаги эътирофини бошлаб берган эди.

Сўнгги йилларда халқларимиз ўртасидаги қадимий қардошлик, ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари тарихида мутлақо янги саҳифа очилиб, улар янгича маъно-мазмун билан бойиб бораётгани айниқса эътиборлидир.

Бу борада Туркия Республикаси Президенти мухтарам Режеп Таййип Эрдоған Жаноби Олийларининг улкан ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

Бизнинг кўнгилларимиз яқин, ниятларимиз муштарак. Икки қардош давлат халқаро майдонда ҳам, ўзаро алоқаларда ҳам бир-бирини доимо қўллаб-қувватлайди.

Йирик халқаро тузилмалар, хусусан, бугунги кунда Ўзбекистон тўлақонли аъзо бўлиб кирган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши доирасида қарор топаётган янги муносабатлар қардош халқларимиз ҳаётини янада обод ва фаровон этишга ижобий таъсир кўрсатишига ишончимиз комил.

Иқтисодиёт, инвестиция, инновация, транспорт ва коммуникация, илм-фан ва таълим, соғлиқни сақлаш, туризм каби

соҳалардаги ҳамкорлигимиз, шунингдек, парламентлараро дўстлик алоқалари муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатларимиз ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Ўзаро маданият кунлари юқори савияда ўтмоқда. Юртимиз санъаткорлари Туркиядаги дўстлик концертлари, кўргазмалар, халқаро театр фестивалларида фаол қатнашмоқда. Туркия кинофильмлари ва сериаллари ўзбек томошабинлари орасида кенг шухрат қозонган.

Турк санъат усталари Ўзбекистонда ўтаётган Халқаро мақом санъати анжумани, «Шарқ тароналари», Халқаро бахшичилик санъати ва Халқаро ҳунармандчилик фестиваллари каби йирик маданий тадбирлар, турли танловлар ва конференцияларда мунтазам иштирок этмоқда.

Юртимиз олимлари Туркия тарихи ва маданияти, унинг қадимий ва бой адабиёти ҳақида илмий тадқиқотлар олиб бормоқда. Тошкент давлат шарқшунослик институтининг туркийшунослик кафедрасида талабалар турк тили ва адабиётини чуқур ўрганмоқда.

Турк халқи бизнинг Ватанимизни «ота юрт» дея эъзозлайди. Ўзбеклар туркларга «қардошим» дея самимий эҳтиром кўрсатади. Бундай меҳрга тўла изҳорларни эшитганимизда, Туркиянинг гўзал ҳудудларида Амир Темур, Тошкент, Самарқанд номлари билан аталган боғ ва кўчалар, маҳалла ва маданият марказларини кўрганимизда қалбларимизда ўзгача ҳис-туйғулар жўш уради.

Самарқанд ва Истанбул, Бухоро ва Кўнё, Хива ва Бурса сингари шаҳарларимиз ўртасида биродарлик алоқалари йўлга қўйилгани халқларимизни янада яқинлаштиришга хизмат қилмоқда.

Ўйлайманки, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига аъзо давлатларда «Туркий адабиёт хазинаси» рукнида нашр этиладиган энг сара адабиётларимиз намуналаридан

иборат 100 жилдлик китоблар туркуми маданий ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Халқларимиз юрагида безавол яшаётган улуғ шоир Юнус Эмронинг ўзбек тилида нашр этилаётган мазкур янги китоби ана шу хайрли ишимизнинг илк самарасидир.

Мен ҳар гал Юнус Эмро шеърларини мутолаа қилар эканман, бу азиз авлиёнинг ахлоқи нақадар гўзал, инсонпарварлиги нақадар самимий, камоли нақадар олий эканини кўриб ҳайратга тушаман. Албатта, ул зотни бундай улуғ шарафга етказган омил – пок иймон-эътиқод ва чин исломий маърифатдир.

Мен бу ҳақиқатга шоирнинг «Ўлмас кўнгул» номли ушбу китобига Сўзбоши ёзиш жараёнида яна бир бор амин бўлганимдан беҳад бахтиёрман.

*Турк мумтоз шоири Юнус Эмронинг
«Ўлмас кўнгул» китобига ёзилган сўзбоши*

2020 йил 19 февраль

МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ

Азалий қардошликка асосланган Ўзбекистон – Туркия ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари кейинги йилларда янги босқичга кўтарилиб, жадал ривожланиб бораётгани халқларимизнинг асрий орзу-интилишлари ҳамда туб манфаатларига жавоб беради. Бу борада Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған Жаноби Олийлари билан мунтазамлик касб этган учрашув ва мулоқотларимиз, эришилган икки томонлама келишув ва шартномалар муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Тили ва дини, тарихи ва маданияти ўзаро муштарак халқларимиз ўртасидаги яқинлик ва қардошлик ришталарини мустаҳкамлашда адабий алоқалар азал-азалдан бекиёс ўрин тутиб келади.

Айниқса, ўзбек миллий давлатчилиги, илм-фани, маданияти, санъати ва адабиёти юксак босқичга кўтарилган XV асрда халқларимиз ўртасидаги адабий алоқалар ҳар томонлама ривожлангани яхши маълум. Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири, Шарқ Уйғониш даврининг ёрқин намояндаси Алишер Навоий ана шу жараёнда халқилувчи ўрин тутгани тарихий манбалардан яхши аён.

Бу ҳақда сўз юритганда, шуни алоҳида таъкидлашни истардим: илдизи, томири бир, ўзаро қон-қардош туркий халқларни руҳан ва маънан бирлаштириш Алишер Навоий ижоди ва фаолиятининг ўзак ғояларидан бирини ташкил этган. Улуғ шоир бобомиз ўзининг «Лисон ут-тайр» достонида ички

бир ғурур билан ёзган мана бу шеърий сатрлар ушбу фикрни исботлайди:

**Турк назмида чу мен тортиб алам,
Айладим ул мамлакатни якқалам.**

Қадимий туркий тилда баракали ижод қилиб, уни адабий тил, маданият ва салтанат тили даражасига кўтарган, барча асарлари умумбашарий гуманистик ғоялар билан суғорилган Алишер Навоийни шунинг учун ҳам барча туркий халқлар ўз шоири сифатида алоҳида меҳр билан ўқиб-ўрганади ва у билан фахрланади.

Сўнгги йилларда биз Ўзбекистонда миллий маънавиятимиз тарихида ўчмас из қолдирган буюк алломаларимиз, мутафаккир боболаримизнинг Ватан ва халқ олдидаги хизматлари, бебаҳо илмий ва ижодий мероси билан нафақат халқимизни, айни вақтда дунё жамоатчилигини ҳам кенг таништиришга алоҳида аҳамият бермоқдамиз. Жумладан, Алишер Навоий қаламига мансуб асарларнинг Россия, Германия, Япония каби мамлакатларнинг музей ва кутубхоналарида сақланаётган қўлёзмаларини ўрганиш, уларнинг нусхаларини юртимизга олиб келиш, атрофлича тадқиқ қилиб, халқимизга етказиш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, Ватанимиз ўз тараққиётининг янги босқичига кадам қўяётган бугунги кунда биз учун буюк тарихимиз ва маданиятимизга оид янги илмий тадқиқотлар ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Шунинг учун ҳам биз жаҳондаги илмий-маданий ташкилотларни Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, асраб-авайлаш ва тарғиб этиш жараёнларига кенг жалб этиб, дунёнинг турли мамлакатларидаги шу йўлда бирга ишлаш истагини билдирган олимларга ҳар томонлама ёрдам беришда давом этамиз.

Юртимизда амалга оширилаётган «Ўзбекистон маданий мероси – жаҳон тўпламларида» лойиҳаси жаҳон илмий

жамоатчилигини бирлаштиришнинг ёркин намунаси бўлиб, унинг доирасида халқимиз маданиятига доир ноёб китоблар, альбомлар нашр этилади, хужжатли фильмлар суратга олинади.

Шундай китоб-альбомлардан бири бугун сиз, ҳурматли ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинаётган **«Алишер Навоий асарларининг Истанбул кутубхоналаридаги тасвирий нусхалари»** тўпламидир.

Турк олими Жаҳон Оққуюжи томонидан берилган маълумотга кўра, Туркияда Алишер Навоий асарларининг 100 дан зиёд кўлёмалари сақланади. Хусусан, бу қадимий ва бетакрор ўлкада буюк шоир бобомиз «Куллиёт»ининг иккита мўътабар нусхаси мавжуд.

Туркий халқлар асрлар мобайнида Алишер Навоий асарларини асл нусхада ўқиб келганлари илмий манбаларда ҳам қайд этилган. Турк олими Юсуф Четиндоғ: **«Айникса, XVI аср – умумтурк оламида «Навоий асри» деб аталса, асло муболаға бўлмайди»**, деб эътироф этгани ҳам шундан далолат беради.

Чиндан ҳам, туркий адабиёт тарихи ва тараққиётини Алишер Навоийнинг бой ва ранг-баранг ижодий меросидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Бу фикрни таниқли турк олими Фуод Кўпрулининг куйидаги сўзлари ҳам тасдиқлайди: **«Алишер Навоий фақатгина Ўрта Осиё туркийларининг, яъни ўзбек адабиётининг буюк шоири бўлибгина қолмаган, унинг асарлари юз йиллар давомида турк дунёсининг ҳар тарафида, Онадўли ва Рум элида, Озарбайжонда, Эронда, Ирокда, Қримда, Волга бўйларида, туркманлар орасида, ҳаттоки Ҳиндистондаги турк саройларида ўқиб-ўрганиб келинган»**.

Тарихий китоблар шундан далолат берадики, Алишер Навоий асарлари Туркияга унинг ҳаётлиги давридаёқ кириб

борган. Чунончи, турк султони Боязид Иккинчи билан шахсан таниш бўлган Алишер Навоий 1481 йилда унга 33 та ғазалини юборади.

Турк султони уларни Бурсага – ўша даврнинг машхур шоири Аҳмад Пошога юбориб, ушбу ғазалларга назира ёзишни сўрайди. Ғазаллар шоирда кучли таассурот қолдиради ва уларнинг барчасига назира боғлайди.

XV–XVI асрларда 70 га яқин турк шоирлари Навоийдан илҳомланиб, унинг шеърларига назиралар ёзганлари адабий манбаларда келтирилган. Жумладан, Сайди Али Раис Котибий деган турк шоири Алишер Навоий ижодининг чинакам мухлиси бўлиб, унинг кўплаб ғазалларига назира ёзгани учун «Алишери соний» деган ном билан шуҳрат қозонган.

Маълумки, Алишер Навоий беш дostonдан иборат яхлит асар яратиб, туркий адабиётда «Хамса» ёзиш анъанасини бошлаб берган. Турк адабиётида Тошлижали Яхё ва Ҳамди Чалабий ана шу анъанани давом эттириб, «Хамса» яратганлар.

Алишер Навоий тимсоли турк халқ оғзаки ижоди намуналарида ҳам ўз аксини топган. Бунинг тасдиғини «Гул ила Алишер» номли машхур халқ достони мисолида кўриш мумкин.

Туркияда Алишер Навоий асарларини турк тилига таржима қилиш бўйича ҳам катта тажриба тўплангани бизни хурсанд қилади. Масалан, улуғ аждодимизнинг «Тарихи мулуки Ажам» номли тарихий асари Фаноий томонидан туркчага таржима қилиниб, 1792 йили Венада чоп этилган. XX аср бошида эса «Муҳокамат ул-луғатайн» асари турк тилига ўтирилган.

Биз Туркияда Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди юзасидан илмий изланишлар олиб бориш, буюк шоир асарларини нашрга тайёрлаш ишлари кенг йўлга қўйилиб, режали асосда қатор муҳим тадқиқотлар амалга ошириб келинаётганидан хабардормиз.

Туркия матбуотида Алишер Навоийга бағишлаб юзлаб мақолалар эълон қилинган. Дунё олимларининг шоир ҳақидаги тадқиқотлари таржима қилиниб чоп этилган.

Мазкур китоб-альбом Босфор университети профессори, Ўрта аср қўлёзма санъати тарихи мутахассиси Лале Улуч томонидан ўрганилган Туркиянинг тўртта йирик илмий маркази: Тўпқопи музейи кутубхонаси, Сулаймония кутубхонаси, Турк-ислом санъати музейи ва Истанбул университети кутубхонасида йигирма жилддан иборат мажмуада сақланаётган Алишер Навоийнинг 17 та қўлёзмаси нусхалари ҳақидаги тадқиқотларни ўз ичига олгани билан айниқса эътиборга сазовордир.

Шунинг учун ҳам бу муаззам тўплам шоир асарларининг Туркиядаги энг машҳур қўлёзмалари ҳақида кенг маълумот беради. Ушбу қўлёзмалар асосан XV аср бошларига мансуб бўлиб, шундан 13 таси Алишер Навоий яшаган даврга яқинлиги, яъни, 1520–1540 йиллар орасида кўчирилгани билан катта илмий қиммат касб этади.

Мазкур китоб-альбомнинг яна бир муҳим жиҳати бор. У икки мамлакат олимлари ўзбек ва турк адабиётининг муштарак тарихий илдизлари ва алоқалари, бардавом анъаналари, адабий таъсир ва бадий таржима масалалари, матншунослик ва манбашунослик муаммолари бўйича биргаликда тадқиқотлар олиб боришлари бугунги кунда қанчалик фойдали ва зарур эканини кўрсатади.

Имкониятдан фойдаланиб, буюк аллома ва мутафаккирларимиз, жумладан, Алишер Навоийнинг ноёб қўлёзмаларини асраб-авайлаб, ўрганиб ва тарғиб этиб келаётган туркиялик ҳурматли олим ва мутахассисларга чуқур миннатдорлик билдираман.

Биз Алишер Навоийга бундай юксак эҳтиромни ўзбек халкига, унинг бой тарихи ва маданиятига эҳтиром намунаси, деб қабул қиламиз.

Улуғ аждодимиз ижодига мансуб асарларнинг мукаммал нусхалари ва илмий-танқидий матнларини яратиш — навоийшуносликнинг муҳим вазифаларидан биридир. Шоир асарларининг Туркиядаги энг ишончли қўлёзмалари ҳақида маълумот берадиган мазкур китоб-альбом бу йўлдаги дастлабки амалий қадамдир.

Ўзбек ва турк навоийшуносларининг ўзаро ҳамкорлиги Ўзбекистон ва Туркиянинг турли соҳалардаги шериклик алоқаларининг узвий бир қисми бўлиб, келгусида бу йўналишда янада катта лойиҳалар амалга оширилади, деб ишонаман.

*«Алишер Навоий асарларининг Истанбул
кутубхоналаридаги тасвирий нусхалари»
номли китоб-альбом учун ёзилган сўзбоши*

2020 йил 19 февраль

КИТОБ ВА КУТУБХОНАЛАР – ИНСОНИЯТ ТАФАККУРИНИНГ БУЮК КАШФИЁТИДИР

Мухтарам Президент Жаноби Олийлари, азиз қардошим!
Ҳурматли тадбир иштирокчилари!
Хонимлар ва жаноблар!

Авваламбор, мана шундай ғоят муҳим ва шукуҳли маросимга тақлиф қилганлари учун Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған Жаноби Олийларига, мухтарама Эмине Хоним Олияларига, қардош турк халқига чин қалбимдан миннатдорчилик изҳор этаман.

Мухтарам дўстлар!

Дунёдаги ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат биринчи навбатда ўзининг интеллектуал салоҳияти, юксак маънавияти билан қудратлидир. Бундай енгилмас куч манбаи эса, аввало, инсоният тафаккурининг буюк кашфиёти – китоб ва кутубхоналарда, десак, адашмаган бўламиз.

Барчангизни қадрли биродарим Эрдоған Жаноби Олийларининг ташаббуси ва раҳнамолигида барпо этилган Туркия Президенти девонининг Халқ кутубхонаси билан самимий муборақбод этаман.

Қадимий ва замонавий меъморчилик анъаналари, муҳандислик санъатининг энг сўнгги ютуқларини, турк халқининг буюк ўтмиши, бунёдкорлик салоҳияти, бой маънавий оламини ўзида ёрқин мужассам этган бу маҳобатли қошона ҳар қандай юксак таҳсинга муносибдир.

Агар азим Анқара Туркия мамлакатининг тожи бўлса, ушбу кутубхона ана шу тожга ўрнатилган энг ёрқин, энг гўзал гавҳарлардан бири бўлибди.

Бу тенги йўқ маърифат қасри барчангизга, бутун Туркия халқига муборақ бўлсин.

Хурматли анжуман иштирокчилари!

Биз Туркия Республикаси Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олганини ҳамisha миннатдорлик билан эслаймиз.

Бугунги кунда гўзал мамлакатингиз улкан сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий салоҳиятга эга бўлган давлат сифатида дунёда тобора равнақ ва шуҳрат топиб бормоқда.

Замонамизнинг йирик давлат ва сиёсат арбоби Режеп Таййип Эрдоған Жаноби Олийлари раҳбарлигида Туркия халқи эришаётган барча ютуқлар замирида, авваламбор, инсон омилига, илм-маърифатга беқиёс эътибор мужассам эканини биз яхши биламиз. Сизларнинг бу борадаги ноёб тажрибангизни ўрганишга доимо интиламиз.

Сўнгги йилларда икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси ва халқларимизнинг қўллаб-қувватлаши билан дўстлик ва ҳамкорлигимиз тарихида мутлақо янги саҳифа очилди. Кеча бўлиб ўтган Олий даражадаги стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши бу йўлдаги янги амалий қадамдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига қўшилди. Биз барча аъзо мамлакатлар қатори Туркия билан муносабатларимизни янги босқичга кўтариш учун фаол ҳаракат қилмоқдамиз. Давлатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, транспорт ва коммуникация, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик жадал ривожланмоқда.

Илм-маърифат ва китобхонлик маданиятига бўлган катта қизиқиш ва эътибор халқларимизни ўзаро яқинлаштирадиган бебаҳо кадриятдир.

Мамлакатимизда 2020 йилни **«Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»** деб эълон қилганимиз **«Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари»** деган улуғвор ғоямизга тўла мос келади.

Азиз қардошлар!

Тарих саҳифаларига назар солсак, халқларимизнинг маданий ҳамкорлиги олис даврлардан бошланганига гувоҳ бўламиз. Рум элида туғилиб камолга етган Қозизода Румий буюк давлат арбоби ва аллома Мирзо Улуғбек расадхонасининг асосчиларидан бири бўлганини биз ифтихор билан эслаймиз.

Ўз навбатида, Мирзо Улуғбекнинг садоқатли шогирди, машҳур астроном ва математик Али Қушчи ҳаётининг сўнгги йилларини Туркияда ўтказгани ва бу юртда аниқ фанлар ривожига бекиёс ҳисса қўшганини ҳам барчамиз яхши биламиз. Али Қушчининг набираси Мирим Чалабий ҳам бобоси сингари атокли аллома бўлиб танилган ва бунда турк илмий-маърифий муҳитининг улкан хизматлари борлиги шубҳасиз.

Ўзаро маданий ҳамкорлигимиз ҳақида сўз борганда, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг бу жараёнда ғоят муҳим ўрин тутганини таъкидлаш лозим. Тарихий манбалар XV асрда турк ҳукмдори Боязид Иккинчининг Султон Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий билан мактублар ва элчилар орқали ўзаро мулоқотда бўлганидан гувоҳлик беради.

Туркиянинг машҳур олим ва адиблари Алишер Навоийни туркий дунёнинг энг буюк шоири, турк тилининг ҳимоячиси сифатида улуғлаб келадилар. Туркия китоб фондларида беназир шоиримиз асарларининг 100 дан ортиқ қўлёзмалари сақланаётгани ҳам шундан далолат беради.

Алишер Навоий бебаҳо ижоди билан бугун ҳам туркий халқларни маънавий жиҳатдан бирлаштиришга хизмат қилиб келмоқда.

Қадрли анжуман иштирокчилари!

Халқимиз тарихининг оғир ва мураккаб даври, яъни XX аср бошида жадид боболаримиз Ватанимиз мустақиллиги йўлида фидойилик билан курашганлар. Бу борада улар туркиялик маърифатпарварлар билан фаол ҳамкорлик

қилганлари, бу диёрда таълим олиб, янги ғоя ва қарашларга эга бўлганларини яхши биламиз.

Ўша йилларда Абдурауф Фитрат, Муҳаммадшариф Сўфизода, Саид Аҳрорий сингари атоқли адиб ва арбобларимиз Туркияда таҳсил олганлар. Маҳмудхўжа Бехбудий, Ибрат, Абдулла Авлоний, Чўлпон каби ўнлаб улуғ ватандошларимиз турк маданияти ва адабиёти руҳида тарбия топганлар. Минг афсуски, уларнинг аксарияти мустабид тузум даврида сиёсий қатағон қурбони бўлганлар.

Бугунги кунда биз Ўзбекистонда жади́дчи́лик ҳаракатининг ноёб меросини чуқур ўрганиш бўйича катта ишларни бошладик. Ўтган йили мумтоз адибимиз Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллигини кенг миқёсда ўтказдик. Бу йил машҳур жамоат арбоби, аллома ва адиб Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 145 йиллик таваллуд санасини нишонлаймиз. Биз бу аждодларимизнинг ибратли ҳаёти ва фаолиятини қанча кўп ўргансак, бизни ўйлантираётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз.

Айни пайтда ўзбек мумтоз адабиёти намояндалари билан бир қаторда замонавий шоир ва ёзувчиларимизнинг асарлари ҳам Туркияда мунтазам нашр этилаётганини биз юксак баҳолаймиз. Мамлакатингизнинг бир қатор олий таълим муассасаларида ўзбек тили ва адабиёти ўқитилаётгани, Истанбулда буюк бобомиз Абу Райҳон Беруний номидаги университет фаолият олиб бораётгани бизни мамнун этади.

Гўзал ва бетакрор турк диёрида ўзбек халқи тарихи ва маданияти билан боғлиқ ўнлаб жой номлари — маҳалла ва марказлар, тақялар юз йиллар давомида безавол сақланиб келмоқда. Бундай бағрикенглик ва дўстона муносабат учун Туркия раҳбарияти ва халқига яна бир бор ташаккур билдиришга ижозат бергайсиз.

Бизнинг юртимизда ҳам турк адабиёти ва санъатига кизиқиш тобора ортиб, улар илмий ва таълим масканларида кенг ўрганилмоқда. Мавлоно Жалолиддин Румий, Юнус

Эмро, Аҳмад Пошо, Сайди Али Раис Котибий, Тошлижали Яхё, Ҳамди Чалабий сингари буюк шоирлар ижодини халқимиз севиб ўқийди.

Шу билан бирга, замонавий турк адабиёти, халқ достонлари, антологиялар ўзбек тилида нашр этилиб, китобхоналаримизнинг маънавий мулкига айланганини таъкидлаш лозим.

Азиз қардошлар!

Биз илм-маърифатни кенг маънода тушунамиз. Шу сабабли юртимизда дунёвий таълим даргоҳлари билан бирга диний мактаб ва мадрасалар, илмий-маърифий марказлар ташкил этилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳрида кўп асрлик маърифат хазинасини ўзида мужассам этадиган, фундаментал тадқиқотлар олиб бориладиган Ислом цивилизацияси марказини бунёд этмоқдамиз.

Самарқандда Имом Бухорий, Сурхондарёда Имом Термизий номларидаги халқаро илмий тадқиқот марказлари фаолият кўрсатмоқда. Уларда бошқа фанлар қатори ҳадис, калом, ақида, тасаввуф, фикҳ илмлари чуқур ўрганилмоқда.

Бухородаги Мир Араб олий мадрасаси, Тошкент Ислом маъҳади, Ўзбекистон халқаро Ислом академияси сингари олий ўқув юртларида етук малакали мутахассислар тайёрланмоқда.

Бу йил ҳадис илмининг султони Имом Бухорий, ақида илмида мактаб яратган алломалар – Абу Мансур Мотуридий ва Абу Муин Насафийга бағишланган халқаро илмий конференциялар ўтказиш ниятидамиз. Шунингдек, улуғ аллома – насли-насаби туркиялик бўлган Абдуҳолиқ Ғиждувоний ҳазратларининг, Баҳоуддин Нақшбанд бобомизнинг таваллуд айёмларини, Мир Араб мадрасасининг 500 йиллигини ҳам юқори савияда ўтказишни ният қилганмиз.

2020 йил Бухоро шаҳри – Ислом маданияти пойтахти, Хива шаҳри – Туркий дунё маданияти пойтахти, деб эълон қилинди. Шу муносабат билан жорий йил давомида

мамлакатимизда бир қатор халқаро анжуманлар ташкил этилади. Туркиялик мухтарам олиму уламоларимиз ушбу маданий-маърифий тадбирларнинг азиз меҳмонлари бўладилар, деб ишонаман.

Қадрли дўстлар!

Ҳозирги кунда Ўзбекистонимизнинг китоб фондларида 100 мингдан зиёд ноёб қўлёзма асарлар сақланмоқда. Бирок, айтиш керакки, уларнинг аксарияти ҳамон ўз тадқиқотчиларини кутиб турибди. Бу маънавий хазинани ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва оммалаштириш олдимизда турган муҳим ва шарафли вазифадир.

Фурсатдан фойдаланиб, мен Ўзбекистон ва Туркия университетлари, илмий тадқиқот муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга даъват этаман. Бу жараёнларда Туркиянинг бугун очилаётган ушбу энг улкан кутубхонаси ва 150 йиллик тарихга эга бўлган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ташаббускор бўладилар, деб умид қиламан.

Қадрли анжуман иштирокчилари!

Бугун Туркияда катта шодиёна, таъбир жоиз бўлса, маънавият ва маърифат тўйи бўлиб ўтмоқда. Бизнинг халқимизда «Тўйга тўёна билан бормоқ лозим», деган ҳикматли сўз бор. Шунга кўра, биз Туркия Президенти девонининг Халқ кутубхонасига 350 дан зиёд турли мавзудаги китобларни келтирдик. Уларнинг орасида дунёда ўта ноёб бўлган, Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланаётган «Усмон Мусҳафи»нинг моҳир хаттотларимиз томонидан кўчирилган нусхаси ҳам бор.

Бутун ислом оламининг фаҳри бўлмиш мавлоно Жалолоддин Румий хазратларининг машҳур «Маснавий» асари қўлёзмасининг факсимиле нашрини сиз, азизларга тақдим этамиз.

Маълумки, буюк аллома Абу Бакр ар-Розийнинг «Касалликлар тарихи» номли асари бутун дунёда шуҳрат қозонган. Бу китобни XVIII асрда истанбуллик табиб, шоир ва хаттот Муҳаммад Рафиъ арабчадан турк тилига таржима қилиб, ўз қўли билан кўчирган. Биз келтирган китоблар ичида ушбу қўлёзманинг факсимиле нусхаси ҳам бор.

Айни вақтда «Алишер Навоий асарларининг Истанбул кутубхоналаридаги тасвирий нусхалари» номли китоб-альбом адабий ҳамкорлигимизнинг чуқур тарихий илдизларидан далолат беради.

Нафақат Туркия, балки бутун мусулмон оламининг оташ-нафас шоири бўлган Юнус Эмронинг «Ўлмас кўнгул» номли янги китоби яқинда мамлакатимизда ўзбек тилида нашр этилди. Мен ушбу китобга «Сўзбоши» ёзиш шарафига муяссар бўлганимдан бахтиёрман.

Ижозатингиз билан Юнус Эмронинг дўстлик ҳақидаги шеърий сатрларини келтирмоқчиман:

**Менинг тилим – куш тилидур,
Менинг қўлим – дўст қўлидур.
Мен – булбулман, дўст – гулимдур,
Билинг, гулим сўлмас менинг.**

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши доирасида «Туркий адабиёт хазинаси» рукнида 100 жилдлик китоблар туркумини нашр этиш ғоясини илгари сурган эди. Ана шу эзгу ташаббуснинг илк самараси ўлароқ, Юнус Эмронинг ушбу асарини ҳам Президент девони Халқ кутубхонасига тақдим этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Азиз дўстлар!

Сизларни бугунги тантанали маросим билан яна бир бор чин юракдан қутлайман.

Бу муаззам кутубхона Туркия халки, Туркия ёшлари учун, илм-маърифатни юксак қадрлайдиган барча инсонлар учун чинакам маънавият саройига айланишини қодир Аллоҳдан сўраб қоламан.

Эътиборингиз учун ташаккур.

*Туркия Республикаси Президенти девони
Халқ кутубхонасининг тантанали
очилиш маросимидаги нутқ*

2020 йил 20 февраль

**ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ҲАМКОРЛИК
КЕНГАШИНИНГ КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИГА
ҚАРШИ КУРАШГА БАҒИШЛАНГАН
НАВБАТДАН ТАШҚАРИ САММИТИ
(ВИДЕОКОНФЕРЕНЦИЯ)ДАГИ НУТҚ**

Ҳурматли Илҳом Ҳайдарович!

Муҳтарам давлат ва ҳукумат раҳбарлари!

Ҳурматли Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори!

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, Туркий Кенгашнинг бугунги навбатдан ташқари саммитини ташкил этиш ташаббусини илғари сурган Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев Жаноби Олийларига самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Ҳозирги вақтда бутун дунёда катта ташвиш ва хавотир уйғотаётган коронавирус пандемиясига бағишланган ушбу видео мулоқотимиз фавқулодда муҳим ва долзарб аҳамиятга эга.

Ҳурматли ҳамкасбларим тўғри таъкидлаб ўтганларидек, бу хатарли офат, жаҳоннинг барча мамлакатлари қатори, 160 миллиондан ортиқ аҳолига эга бўлган давлатларимизни ҳам четлаб ўтмади. Ва афсуски, бу касаллик тобора тарқалиб бормоқда.

Бу пандемия, ўзининг кўлами ва миқёсига кўра, мислсиз глобал инқирозга, бутун башарият тақдири ва жаҳон иқтисодиёти учун ғоят жиддий синовга айланди.

Маълумки, туркий халқларимиз ўзларининг кўп асрлик тарихида турли оғир синовлар ва мураккаб дамларни бошидан кечириб, уларни ҳамжиҳатлик билан мардонавор енгиб ўтишган.

Мазкур саммитимиз ҳозирги жиддий ва таҳликали вазиятда умумий ёндашувларни белгилаб олиш ва саъй-ҳаракатларимизни уйғунлаштириш, ҳамкорликда долзарб муаммоларни тезкорлик билан ечишга хизмат қилади, деб ишонаман.

Бунинг асосий йўналишлари:

– пандемиянинг кенг тарқалишининг олдини олиш, одамларнинг соғлиғи ва ҳаётини ҳимоя қилиш бўйича таъсирчан ҳамда кенг қамровли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

– ушбу хавф-хатарнинг давлатларимизнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсирини камайтириш;

– бу борада тизимли ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборатдир.

Азиз ҳамкасблар!

Ўзбекистонда коронавирусга чалинган беморларни даволашда Жанубий Корея, Хитой, Россия, Исроил ва Германиянинг юқори малакали шифокорлари билан мунтазам тажриба алмашиб, уларнинг энг илғор амалиёти телемедицина орқали кенг қўлланилмоқда.

Биз Ўзбекистонда эпидемиологик вазиятни назоратга олиш мақсадида, халқаро тажрибадан келиб чиқиб, барча зарур чора-тадбирларни амалга оширмоқдамиз.

Биринчидан, бутун мамлакат миқёсида қатъий карантин тизими жорий этилди.

Бу борада аҳолининг масъулиятини ошириш мақсадида қиска муддатда қонунчиликка тегишли ўзгартириш киритдик.

Иккинчидан, коронавирусга қарши курашиш учун барча вилоятларимизда махсус тиббиёт масканлари ва карантин ҳудудларини ташкил этдик.

Мисол учун, Тошкент вилоятида барча шарт-шароитларга эга бўлган махсус карантин ҳудуди ишга туширилди. 20 минг ўринли бу комплекснинг 10 минг кишига мўлжалланган биринчи босқичи фойдаланишга топширилди. Шунингдек,

10 минг ўринли замонавий модуль касалхона шу ойнинг охирига қадар қуриб битказилади. Улар зарур тиббий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланмоқда. Бу касалликнинг олдини олиш мақсадида ушбу тажриба бошқа ҳудудларда ҳам кенг татбиқ этилмоқда.

Шу билан бирга, бу кураш майдонида биринчи зарбани ўзига қабул қилаётган, фидойи ва жонкуяр тиббиёт ходимларини ҳар томонлама рағбатлантириш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш кафолатлари кучайтирилди.

Учинчидан, касалликни эрта жиловлаш мақсадида аҳоли ўртасида огоҳлантириш ва кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Тўртинчидан, таълим тизими узлуксизлигини таъминлаш учун бу соҳадаги барча муассасалар ўз фаолиятини тўлиқ онлайн тарзда амалга оширмоқда.

Бешинчидан, аҳоли озиқ-овқат, дори-дармон ва зарур тиббиёт воситалари, бошқа ҳаётий муҳим ашёлар билан мунтазам таъминланмоқда.

Бу борада имкониятлари чекланган, кам таъминланган ва кўмакка муҳтож аҳоли қатламларига беғараз манзилли ёрдам кўрсатиш тизими шакллантирилди.

Мазкур жараёнда кенг жамоатчилик, нодавлат ташкилотлари ва фуқаролик институтлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Олтинчидан, иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларини тўла қўллаб-қувватлаш механизмлари жорий этилди.

Шу мақсадда Инқирозга қарши кураш жамғармаси тузилди.

Бизнес ва тадбиркорлик субъектларига банк кредитлари фоизларини ҳисоблашда «музлатиш тартиби» ҳамда «солиқ таътиллари» жорий этилди. Солиқлар ва импорт божлари камайтирилди.

Кейинги масала — биз мамлакатимизда эпидемиологик вазиятни чуқур мониторинг ва прогноз қилиш бўйича миллий тизимни жорий этмоқдамиз.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Юзага келган қалтис вазият нафақат миллий, балки минтақавий ва халқаро миқёсда зудлик билан таъсирчан чора-тадбирлар кўришни талаб этмоқда. Шуларни инобатга олган ҳолда, ижозатингиз билан, қуйидаги таклифларни билдирмоқчиман:

Биринчи. Туркий Кенгаш доирасида доимий фаолият кўрсатадиган қўшма эпидемиологик кузатув тизимини шакллантириш зарур.

Иккинчи. Давлатларимизнинг соғлиқни сақлаш вазирликлари ўртасида ўта хавфли юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, диагностика, даволаш, эпидемиологик ҳолатни ўрганиш ва илмий изланишлар бўйича маълумот ва тажриба алмашувни кенг йўлга қўйиш лозим. Жумладан, ҳозирги вазиятдан келиб чиққан ҳолда, етакчи мутахассисларимиз иштирокида тез кунларда биринчи видеоконференцияни ўтказишни таклиф этаман.

Учинчи. Туркий Кенгаш котибиятида пандемияга қарши курашиш бўйича махсус мувофиқлаштирувчи гуруҳни тузиш лозим.

Ушбу гуруҳ давлатларимизда фаолият юритаётган миллий штаблар билан яқин амалий алоқалар ўрнатиши керак.

Мамлакатларимизда олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни тезкор ёритиш, ўзаро тажриба алмашиш ва ундан кенг фойдаланиш учун алоҳида маълумотлар базасини яратиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Тўртинчи. Ҳозирги ғоят мураккаб шароитда қардош халқларимизни зарур озиқ-овқат ва мева-сабзавот, доридармон, тиббиёт маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида юк ташиш ва транспорт коммуникацияларидан кенг фойдаланиш, чегара пунктларида транспорт воситаларининг ўзаро ҳаракатланишига амалий ёрдам кўрсатиш зарур.

Транспорт ва логистика соҳаларида юзага келаётган муаммоларни тезкор ҳал этиш ва самарали мувофиқлашти-

риш мақсадида транспорт вазирларимиздан иборат Ишчи гуруҳини ташкил этиш лозим.

Бешинчи. Коронавирус талафотларини юмшатишда халқаро ташкилотлар кўмаги жуда муҳимдир.

Бу борада Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мақоми ва ваколатларини янада ошириш, ушбу нуфузли ташкилот ва Туркий Кенгаш ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатишни таклиф этамиз.

Қадрли дўстлар!

Ҳаммамизга аёнки, бирон-бир давлат якка ҳолда ушбу пандемия балосига қарши самарали кураш олиб бора олмайди.

Биз бирдамлик, ҳамкорлик ва ўзаро ғамхўрлик тамойиллари асосида иш тутишимиз лозим. Биз биргаликда кўп нарсага қодирмиз.

Шу муносабат билан видео мулоқотимиз натижалари бўйича якуний декларация қабул қилинишини қўллаб-қувватлайман.

Азиз ҳамкасблар!

Шундай мураккаб вазиятда масъулиятли фаолиятингизни адо этиш учун барчангизга Яратгандан куч-ғайрат, мустаҳкам сиҳат-саломатлик, қардош халқларимизга омонлик тилаб қоламан.

Эътиборингиз учун раҳмат.

2020 йил 10 апрель

ТАБРИК ВА ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ҚУРБОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Муҳтарам ватандошлар!

Халқимиз бутун мусулмон уммати билан биргаликда катта шоду хуррамлик ила кутиб олаётган Қурбон ҳайити билан сизларни, гўзал диёримиздаги барча мўминларни чин қалбимдан самимий табриклаб, энг эзгу тилақларимни билдираман.

Асрлар давомида эл-юртимизнинг маънавий ҳаётида бекиёс ўрин эгаллаб, жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик тамойилларини янада мустаҳкамлаб келаётган ушбу қутлуғ байрам барчамизга муборак бўлсин!

Мана шундай шукуҳли ва саодатли айёмда ҳаммамиз аввало Аллоҳ таборака ва таолога беадад шукроналар айтишимиз табиийдир.

Сиз, азизларга яхши маълумки, Ўзбекистонда сўнгги йилларда миллий-диний қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш, эътиқод эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, турли миллат ва элатлар ўртасида тотувлик, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳити тобора юксалиб бормоқда.

Айниқса, халқимизнинг ислом маданияти ва цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасини мамлакатимиз ва дунё жамоатчилигига етказиш, табарруқ қадамжоларни обод қилиб, зиёратгоҳларга айлантириш, буюк аждодларимизнинг илмий-маънавий меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш борасида бошлаган хайрли ишларимиз илму маърифатнинг қадрига етадиган эл-юртимиз ва халқаро ҳамжамият томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланмоқда.

Фуқароларимиз учун яратилган янги имконият ва шароитлар туфайли ушбу мўътабар ва улуғ айём кунларида Маккаи мукаррамада муқаддас ҳаж амалларини адо этаётган 7 мингдан зиёд ватандошларимиз бугунги тинч-осойишта, эркин ҳаёт учун Парвардигори оламга ҳамду санолар айтиб, юртимизга равнақ, халқимизга хайр-барака сўраб, дуои фотиҳалар қилишмоқда.

Ҳожиларимизнинг барчасини самимий муборакбод этиб, уларнинг она диёримизга соғ-саломат қайтиб келишларини тилаймиз. Улар ўзларининг ибратли фазилатлари, жамият ҳаётидаги фаол иштироки билан ёш авлодимизни эл-юртга садоқатли ва фидойи, ҳидоят йўлидан борадиган ҳалол ва пок инсонлар этиб тарбиялашга муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонамиз.

Яратганнинг неъматлари зиёда бўлаётган ва шукроналик ҳислари қалбларимизни нурафшон қилаётган ушбу айёмда узоқ ва яқин ҳудудларда жойлашган барча мусулмон мамлакатларининг халқларини, хорижий дўст ва ҳамкорларимизни кутлаб, уларга тинчлик, бардавом тараққиёт ва фаровонлик ёр бўлишини тилаймиз.

Қадрли юртдошлар!

Қурбон ҳайитининг мамлакатимизда мустақиллик байрами арафасида кенг нишонланиши халқимизнинг руҳи ва кайфиятини янада кўтармоқда.

Айни шу кунларда эл-юртимизга хос бўлган меҳр-мурувват, шафқат ва саховат туйғулари яққол намоён бўлиб, барчамизни эҳтиёжманд, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронлар, ёлғиз кексаларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, зиёратгоҳлар, муқаддас қадамжолар ва қабристонларни обод қилиш каби савобли ишларга даъват этмоқда.

Бундай хайрли амаллар мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида рўёбга чиқарилаётган, инсонни азиз ва мукаррам деб билишга, жамиятимизда қонун ва

адолат устуворлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотларимизга ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳангдир.

Биз уларнинг замирида ислом динининг инсонпарварлик моҳияти ва қудратини кўрамиз, буюк маънавий мерос ворислари эканимиздан ҳақли равишда фахрланамиз.

Ўрнатили ватандошлар!

Барчангизни Қурбон ҳайити байрами билан яна бир бор чин юракдан муборакбод этаман.

«Дилинг – Аллоҳда, кўлинг – меҳнатда бўлсин», деган олижаноб эътиқод билан яшаётган халқимиз доимо омон бўлсин!

Жонажон Ватанимиз, хонадонларимиздан хотиржамлик, аҳиллик, файзу барака ҳеч қачон аримасин!

Эзгу интилиш ва ишларимизда Яратганнинг ўзи ҳамиша мададкор бўлсин!

*Тошкент шаҳри,
2019 йил 11 август*

**«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ»
XII ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИНГ
ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ
МАРОСИМДАГИ СЎЗ**

Ассалому алайкум!

Азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Ҳурматли фестиваль қатнашчилари!

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун сиз, азизлар билан гўзал Ўзбекистон диёрида, «Ер юзининг сайқали» деб ном олган қадимий ва бетакрор Самарқанд шаҳрида кўришиб турганимдан бахтиёрман.

Барчангизни «Шарқ тароналари» ўн иккинчи халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Мана, йигирма икки йилдирки, биз бу фестивални ЮНЕСКО раҳнамолигида ўтказиб келмоқдамиз.

Бугун ушбу ташкилотнинг Бош директори Одри Азуле хоним юртимизга шахсан ташриф буюриб, анжуманимизга алоҳида файз ва кўтаринки руҳ бағишлагани учун самимий миннатдорчилик билдираман. Шунингдек, тантанамизда қатнашаётган фахрий меҳмонларимиз:

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси Сергей Лебедевга, Россия Федерацияси Президентининг маданият масалалари бўйича маслаҳатчиси Владимир Толстойга, Қозоғистон Республикаси маданият ва спорт вазири Ақтўти Раимкуловага, Қирғизистон Республикаси маданият, ахборот ва туризм вазири Азамат Жаманкуловга, Тожикистон

Республикаси маданият вазири Шамсиддин Орумбекзодага, Туркменистон маданият вазири Атагелди Шамурадовга, Бангладеш Халқ Республикаси маданият вазири Муҳаммад Холидга, Бутан Қироллиги маданият ва ички ишлар вазири Шеруб Гйелтшенга, Польша Республикаси маданият ва миллий мерос вазири ўринбосари Павел Левандовскига, Буюк Британия Парламенти Лордлар Палатаси аъзоси Муҳаммад Илтоф Шайхга, Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси сенатори Екатерина Дуловага, Япониянинг Нара шаҳри мэри Мотонобу Накагавага, Корея Республикаси Андонг шаҳри мэри Квон Ёнг Сега, Лал Баходур Шастри институти раиси, Ҳинд – Ўзбек дўстлик алоқалари кенгаши президенти Анил Шастрига, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги мухтарам элчилари ва вакилларига, фестивалимизни жаҳон миқёсида ёритиш мақсадида юртимизга келган оммавий ахборот воситалари ходимларига чуқур ташаккур изҳор этаман.

Бугунги анжуманимизга дунёнинг барча қитъаларидаги 75 та давлатдан 340 нафар азиз меҳмонимиз иштирок этмоқда.

Биз ушбу таниқли маданият арбоблари, машҳур ижодий гуруҳлар ва истеъдод соҳибларини санъатнинг чинакам фидойилари, тинчлик ва эзгулик элчилари сифатида ҳурмат қиламиз ва юксак қадрлаймиз.

Хуш келибсиз, гўзал Ўзбекистонимизга,

Хуш келибсиз, муаззам Самарқанд шаҳрига!

Ҳурматли фестиваль иштирокчилари!

Ҳаммамизга яхши маълум, дунёнинг кўплаб қитъа ва минтақаларида турли санъат ва мусиқа анжуманлари ўтказиб келинади.

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали улар орасида ўзининг алоҳида ўрни, шуҳрати ва мақоми билан ажралиб туради.

Ушбу фестиваль сабабли бугунги кунда афсонавий Самарқанднинг узок ўтмишини акс эттирадиган мунаввар

кошоналари, муаттар ҳавоси билан бирга, бу муқаддас заминдан таралаётган дилбар ва мафтункор тароналар ҳам дунё аҳлини ўзига чорламоқда.

Ўтган салкам чорак аср давомида Самарқанднинг мовий гумбазлари, юлдузли осмони остида қанчадан-қанча сеҳрли наволар, ҳаётбахш оҳанглар янгради.

Фестиваль ўнлаб машҳур хонанда ва созандалар, ноёб ёш истеъдодларни кашф қилди, уларнинг парвозига қанот, куч ва илҳом бағишлади.

Энг муҳими, ушбу анжуман турли цивилизациялар, халқлар ва миллатлар ўртасида ўзига хос маданий ҳамкорлик ҳамда мулоқот майдонига айланди.

Биз бу фестивалнинг замирида улуғ ўзбек мутафаккир шоири Алишер Навоий бобомизнинг, **олам аҳли, ҳамиша бир-бирингизга дўст бўлинг, Ер юзини ўз меҳнатингиз, истеъдодингиз билан обод қилинг**, деган мазмундаги ўлмас даъвати мужассам эканини кўрамыз.

Айни пайтда буюк француз адиби Виктор Гюгонинг «**Эзгулик ва ҳамжиҳатлик – инсон маънавий оламининг қуёшидир**» деган ҳикматли сўзлари мана шундай юксак ғоялар билан уйғун ва ҳамоҳангдир.

Бу фикрлар бундан неча юз йиллар аввал айтилган бўлсада, бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмасдан, бизнинг қалбларимизда, юракларимизда акс садо бермоқда.

Мана шу юксак саҳнага – кўркам ва муҳташам Регистон майдонига кадам қўйган ҳар бир санъаткор, миллати, тили ва динидан катъи назар, башарият фарзанди сифатида дилларни дилларга, элларни элларга боғлайди.

Бунинг учун сизларга чин юракдан ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак, арзийди.

Имкониятдан фойдаланиб, бир масалага муносабатимни билдириб ўтмоқчиман.

Барчангиз гувоҳсиз, шу кунларда генератив мусиқа, сунъий интеллект ҳақидаги баҳслар кизғин тус олмоқда. Келажак

муסיқасини энди фақат техника яратади, деган башоратлар илгари сурилмоқда.

Лекин ҳаммамиз яхши биламизки, ҳар қандай мукаммал техника воситаси ҳам тирик инсон нафасини, унинг юрак нолаларини, жонли овоз жозибасини, чинакам санъат ўрнини ҳеч қачон босолмайди.

Ҳақиқий санъатни, соф ва боқий муסיқани фақат Парвардигори оламнинг марҳамати билан ҳазрати Инсон яратади.

Сайёрамизда турли келишмовчилик ва қарама-қаршиликлар, уруш ва низолар авж олган таҳликали замонда, одамзот тобора ўз дунёсига ўралиб бораётган бир шароитда муסיқа инсонга инсонлигини эслатиб, унинг қалбида келажакка умид ва ишонч уйғотади.

Муסיқа санъати маданий феномен сифатида янги авлодни тарбиялаш ва камолга етказиш борасида чексиз имкониятларга эгадир.

Санъат билан ошно бўлган ёшларнинг ҳаётга муносабати, миллий урф-одат ва умумбашарий қадриятларга ҳурмати баланд бўлади.

Ва мен ишонаман, улар дунёни маънавий таназзулдан қутқаришга қодир бўлган, ўзаро аҳиллик ва бирдамликни улуғловчи авлод бўлиб майдонга чиқади.

Шу маънода, муסיқа – ҳеч нарса билан ўлчаб, солиштириб бўлмайдиган беқиёс илоҳий таъсир кучига эга десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз.

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун биз мамлакатимизда миллий тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўймоқдамиз.

Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган жадал ўзгариш ва янгиланишлар маданият ва санъат соҳасида ҳам изчил давом эттирилмоқда.

«Шарқ тароналари» халқаро муסיқа фестивалида орттирган тажрибамизга таянган ҳолда, биз биринчи марта Шаҳрисабз шаҳрида Халқаро мақом санъати анжуманини, Термиз шаҳрида Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказдик.

Сентябрь ойида Қўқон шаҳрида Халқ амалий санъати халқаро фестивалини ўтказишга катта тайёргарлик кўрмоқдамиз.

Ушбу анжуманлар ЮНЕСКО, АЙСЕЕСКО, Халқаро фольклор санъати ташкилоти сингари нуфузли тузилмалар, сизлар каби санъат жонқуярлари томонидан кенг қўллаб-қувватланаётгани учун барчангизга раҳмат айтмоқчиман.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда юзлаб мусиқа ва санъат мактаблари, академик лицейлар, олий ўқув юртлари, кўплаб театрлар, тасвирий санъат ва концерт заллари фаолият олиб бормоқда.

Ўйлайманки, сизлар ана шу ижод масканларига ҳам ташриф буюриб, ёшларимиз учун маҳорат дарслари бўлиб хизмат қиладиган учрашув ва суҳбатлар ўтказасиз.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизга бир таклиф билан мурожаат қилмоқчиман.

Агар сизларда юртимиздаги консерватория ёки ўқув юртларида ёшларга сабоқ бериш нияти туғилса, сизларни шахсан ўзим қўллаб-қувватлайман.

Мухтарам фестиваль қатнашчилари!

Санъатни, куй-қўшиқни севадиган, ижод аҳлини муносиб кадрлайдиган эл-юртимиз ушбу анжуманни қувонч билан кутиб олмоқда.

Тубдан янгиланаётган Ўзбекистон билан яқиндан танишув, меҳнаткаш ва бағрикенг халкимиз билан учрашув ва мулоқотлар Сизларда, албатта, ўчмас таассурот қолдиради, деб ишонаман.

Фестиваль доирасида бўлиб ўтадиган «**Шарқ халқлари анъанавий мусиқа санъатини ривожлантириш истиқболлари**» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция ишига ҳам омадлар тилайман.

Бу ажойиб нафосат байрамини юқори савияда ўтказиш мақсадида фидокорона меҳнат қилган барча инсонларга, меҳмондўст ва олижаноб Самарканд аҳлига анжуман

иштирокчилари ва бутун халқимиз номидан самимий миннатдорчилик изҳор этаман.

Кадрли дўстлар!

Азиз меҳмонлар!

Муסיқа санъатига садоқатингиз, уни асраб-авайлаш ва ривожлантириш йўлидаги меҳнату маҳоратингиз, улкан ҳиссангиз учун барчангизга яна бир бор чексиз эҳтиромимни билдираман.

Янги ижодий ютуқлар, миллионлаб мухлисларнинг олқиши ва меҳр-муҳаббати сизларга ҳамиша ёр бўлсин!

Жаҳонда тинчлик, халқлар ўртасидаги мустаҳкам дўстлик ришталари барқарор бўлсин!

Эътиборингиз учун раҳмат.

*Самарқанд шаҳри,
2019 йил 26 август*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА САККИЗ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚ

Ассалому алайкум, қадрли юртдошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Мана шу қувончли айёмда сиз, азизларни, кўпмиллатли бутун халқимизни Мустақиллик байрами билан чин қалбимдан табриклашга ижозат бергайсиз.

Бундан йигирма саккиз йил олдин Биринчи Президентимиз, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримов халқимиз ва жаҳон ҳамжамиятига Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди.

Ўтган қисқа даврда жонажон Ўзбекистонимиз машаққатли, шу билан бирга, шарафли истиклол йўлини босиб ўтди.

Бугун бир ҳақиқатни катта ғурур ва ифтихор билан айтишга тўла асосимиз бор: мард ва матонатли халқимиз қанчалик қийин ва оғир синовларга дуч келмасин, ўзининг мустаҳкам иродасини намоён этиб, ўзи танлаб олган мустақиллик йўлига доимо содиқ бўлиб келмоқда.

Бугун Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичига дадил қадам қўймоқда. Мамлакатимизни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонун устуворлигини таъминлаш асосида Ўзбекистоннинг янги, демократик қиёфаси яратилмоқда. Бу борада Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган «Миллий тикланишдан — миллий юксалиш

сари» деган устувор ғоя биз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Миллий юксалиш деганда, биз мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини ҳар томонлама юқори босқичга кўтаришни тушунамиз.

Давлатимиз, эл-юртимизнинг салоҳияти ва куч-қудратига таяниб, табиий бойликларимиздан оқилона фойдаланиб, биз ўз олдимизга қўйган ана шундай мақсадлар сари изчил қадам қўймоқдамиз.

Ҳурматли анжуман қатнашчилари!

Биз бугун қандай ислохотларни, қандай ўзгаришлар, қандай янги лойиҳаларни амалга ошираётган бўлмайлик, уларнинг барча-барчаси ягона, улуғ бир мақсадга қаратилган. У ҳам бўлса, мана шу меҳнаткаш, заҳматкаш, олижаноб халқимизни рози қилиш, ҳаётнинг барча синовларини матонат билан енгиб яшаётган ватандошларимизнинг ишончини оқлаш, оғирини енгил қилишдан иборатдир.

Лекин ҳаммамиз яхши тушунамизки, бундай улуғ мақсадларга ўз-ўзидан, куруқ ва баландпарвоз гаплар билан эришиб бўлмайди. Бундай марраларга фақат тинимсиз, оғир ва фидо-корона меҳнат билан эришилади.

Шу мақсадда сўнгги йилларда давлат ва жамият бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, мамлакатимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, ҳақиқий бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Хусусий мулк ва тадбиркорлик учун кенг шароит ва имкониятлар яратиб берилмоқда. Макроиқтисодий барқарорлик таъминланмоқда.

Қишлоқ хўжалигида туб ислохотлар олиб борилмоқда. Бу йилги табиат қийинчиликларига қарамасдан, миришкор фермер ва деҳқонларимиз мардона меҳнат қилиб, кўплаб соҳаларда мўл ҳосил етиштирдилар.

Фурсатдан фойдаланиб, барча деҳқон ва фермерлар, дала меҳнаткашларини халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида эришаётган катта ютуқлари билан самимий табриклашни ўз бурчим, деб биламан.

Азиз дўстлар!

Юртимизда ижтимоий ривожланиш бўйича ўзига хос тизим шаклланмоқда. Бу борада «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла», «Ёшлар – келажагимиз», «Беш ижобий ташаббус» каби дастурларимиз аҳолини янгича фикрлаш ва ишлашга сафарбар этишда муҳим роль ўйнамоқда. Бунинг натижасида юзлаб туман, шаҳар ва қишлоқларнинг меъморий қиёфаси тубдан янгиланмоқда.

Илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт соҳаларида бўлаётган катта ўзгаришлар ҳам сизларга яхши маълум.

Биз умумтаълим мактабларида 11 йиллик тизимни тикладик. **Мактаб таълимини ривожлантириш масаласи буюк умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланмоқда.**

Бугунги кунда мамлакатимизда олий таълим соҳаси ҳам жадал ривожланмоқда. Фақат кейинги уч йилда 35 та янги олий ўқув юрти ташкил қилинди ва уларнинг умумий сони 112 тага етди. Буларнинг 13 таси нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари эканини алоҳида таъкидлаш лозим.

Соғлиқни сақлаш соҳасининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Юртимизда кўплаб янги шифохоналар, тиббиёт марказлари, оилавий ва хусусий клиникалар фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Кейинги йилларда кам таъминланган, ногиронлиги бўлган инсонлар, ёшлар, хотин-қизлар, кекса авлод вакиллари ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Бу борада Тиббий-ижтимоий

хизматлар агентлиги, Ногиронлиги бўлган инсонларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилганини қайд этиш лозим.

Аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлаш биз учун энг долзарб вазифа бўлиб келмоқда. Бизнинг барча иқтисодий ва ижтимоий дастурларимиз, йирик инвестиция лойиҳаларимиз, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларимизнинг марказида айнан шу муҳим масала асосий мақсад ва вазифа бўлиб турибди.

Узоқ вақт давомида ўтқир муаммо бўлиб келган аҳолини уй-жой билан таъминлаш бўйича ҳам юртимизда янги давр бошланди, десак, хато бўлмайди.

Мамлакатимизнинг маданий ҳаётида ҳам улкан ўзгаришлар юз бермоқда. Биринчи марта Шаҳрисабз шаҳрида Халқаро мақом санъати анжумани, Термиз шаҳрида Халқаро бахшичилик санъати фестивали катта муваффақият билан ўтказилди. Куни кеча Самарқанд шаҳрида юксак савия ва баланд руҳ билан ўтказилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали бетакрор мумтоз санъатимизни яна бир марта дунёга намоён этди. Сентябрь ойида эса Қўқон шаҳрида илк бор Халқаро хунармандчилик фестивалини ўтказамиз.

Биз маънавият ва маърифат ишини ватанпарварлик иши, виждон иши, деб биламиз. Виждони, маънавияти бор инсон Ватанни албатта яхши кўради. Виждон, маънавият дегани – халққа, Ватанга чин юракдан хизмат қилиш деганидир.

Мана шундай қараш бутун халқимиз, айниқса, ёшларимиз томонидан кенг ва қизғин қўллаб-қувватланаётгани маънавий тарбиянинг нақадар долзарб аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Азиз дўстлар!

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича мустақил сиёсатини қатъий давом эттирмоқда ва бу сиёсат халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда.

Мамлакатимизда махбусларни афв этиш институти жорий этилди. Кейинги уч йилда етти марта афв эълон қилинди. Натижада қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган 4 мингга яқин махбус жазони ўташ жойларидан озод этилди.

Куни кеча афв этиш ҳақидаги яна бир фармонга имзо чекдим. Унга кўра жазо муддатини ўтаётган 65 нафар фуқаро афв этилди.

Тасаввур қилинг, ўз уйига, яқинлари бағрига қайтаётган бу инсонларнинг, уларнинг ота-онаси, фарзандларининг қувончи, хурсандчилигини «ойнаи жаҳон» орқали кўрган одам, бу ҳақиқатан ҳам эзгу ва савобли иш эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилади.

Мустақиллик байрами арафасида Қорақалпоғистон Республикаси Жаслиқ кўрғонидаги жазони ижро этиш колонияси ёпилгани инсонпарвар сиёсатнинг яна бир ифодаси бўлди.

Бу тарихий қадам мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш вақтинчалик кампания эмас, балки давлат сиёсати даражасидаги узлуксиз жараён эканини кўрсатади.

Бугунги кунда Ўзбекистон ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини, улар қаерда бўлишидан қатъи назар, ҳимоя қилишга қодир мамлакат сифатида ўзини намоён этмоқда.

Чет элларда ишлаётган ва таълим олаётган ватандошларимиз билан алоқалар мустаҳкамланиб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланмоқда. Ўзбекистонга қайтиб, иш ёки ўқиш фаолиятини давом эттириш истагида бўлган фуқароларимиз учун зарур шароитлар яратилмоқда.

Бу йил 156 нафар ватандошимиз – асосан аёллар ва болалар жанговар ҳаракатлар давом этаётган Суриядан қайтариб олиб келинди ва уларнинг фуқаролик ҳуқуқлари тикланди.

Албатта, кечиримли, меҳр-окибатли бўлиш халққа ҳам, Худога ҳам манзур бўлади. Мана шундай эзгу фазилатлар бизнинг бағрикенг халқимизни янада улуғлайди.

Ҳурматли ватандошлар!

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ташқи сиёсат соҳасида ҳам фаол ва самарали фаолият олиб бормоқда. Узоқ ва яқиндаги барча давлатлар, халқаро ташкилотлар билан алоқаларимиз тобора кенгайиб, ривожланмоқда.

Аввало, Марказий Осиё давлатлари билан яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатилиб, ўзаро манфаатли алоқалар йўлга қўйилмоқда. Минглаб оддий одамларнинг чегаралардан бемалол ўтиши, минтақамиз бўйлаб эркин ҳаракатланиши, қариндош-уруғлари билан борди-келди қилишлари учун барча шароит яратилди.

Ўзбекистон минтақавий хавфсизликни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда, Афғонистонда тинчлик ўрнатишга қаратилган мулоқотларда фаол иштирок этмоқда.

Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишда, юртимизнинг дўстлари ва ҳамкорларини кўпайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатимиздаги демократик ислохотларни қўллаб-қувватлаб, хайрихоҳ бўлиб келаётган, бугунги тантанада иштирок этаётган хорижий давлатларнинг мухтарам элчиларига, халқаро ташкилотлар вакилларига, чет эллик шерикларимизга, Ўзбекистоннинг барча дўстларига самимий ҳурмат ва миннатдорлик билдиришга ижозат этгайсиз.

Мухтарам юртдошлар!

Ҳаётимизда тинчлик-тотувлик, миллатлар ва динлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик мустаҳкамланиб бормоқда. Биз буни барча ислохотларимизнинг кафолати, энг муҳим натижаси, деб биламиз.

Бугунги кунда амалга ошираётган ислохотларимиз, халқ билан мулоқот давлат сиёсати даражасига кўтарилгани туфайли жамиятимизда очиклик ва эркинлик муҳити тобора кучайиб бормоқда.

Одамлар ташаббус кўрсатиб, нафақат ўз шахсий муаммоси, балки кўпчиликнинг дарду ташвишларини ҳал қилиш учун давлат идоралари билан ҳамкорликда ишлашга ўрганмоқда.

Биласизлар, мен мамлакатимиз бўйлаб жуда кўп сафарларда бўламан. Жойларда, олис туман, қишлоқ ва овулларда бўлиб, янги-янги иқтисодий-ижтимоий лойиҳаларни жорий этишга, одамлар нима билан яшаяпти, уларнинг аҳволи, кайфияти қандай эканини яқиндан билишга, уларни қийнаётган муаммоларни ечиш учун ёрдам беришга интиламан.

Мана шундай очик, самимий мулоқотлар асосида бугун халқимиз билан кўп-кўп мураккаб, муҳим масалаларни биргаликда ҳал қилмоқдамиз. Ва бу одамларимиз қалбида келажакка ишонч уйғотиб, уларни янги, улкан марралар сари руҳлантirmoқда. Ҳеч шубҳасиз, бу – бизнинг энг катта ютуғимиздир.

Шу улуғ айёмда ҳар қандай оғир синов ва машаққатларда ҳам Ватанимиз мустақиллигини асраб, унинг барқарор тараққиётини таъминлаб келаётган мард ва бағрикенг халқимизга ҳалол ва фидокорона меҳнати, истиклол ғояларига садоқати учун чуқур таъзим қиламан.

Муҳтарам ватандошлар!

Албатта, ҳаёт бор экан, унинг ўткир талаблари, муаммолари бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади. Лекин ҳар қандай муаммони оқилона ҳал қилиш учун, аввало, бирлик, ҳамжихатлик зарур.

Барчамизга, айниқса, раҳбар ва етакчиларга чуқур билим, ақл-заковат, сабр-токат керак. Шунинг учун «Жаҳолатга

карши – маърифат» деган фикрда катта маъно бор. Бу ғоя фақат диний тарбия билан боғлиқ ишларда эмас, балки ҳаётимизнинг барча соҳаларида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ҳар бир масалани маърифат асосида чуқур ўйлаб, халққа ҳурмат билан, такрор ва такрор айтаман, одамлар фикрини инобатга олиб, фақат қонун ва адолат мезонига таянган ҳолда ҳал этсак, эл-юртимиз биздан албатта рози бўлади.

Бугун замон ўзгарди. Энди ҳаммамиз эркинлик, очиқлик, ошқоралик шароитида ишлашга ўрганишимиз лозим. Барча ривожланган давлатлар, дунё ҳамжамияти шундай яшамокда.

Даврнинг, ҳаётнинг кескин талабларидан орқада қолмаслик учун барчамиз ҳар куни ўқиб-ўрганишимиз, ўз устимизда ишлашимиз, билим ва савиямизни доимо ошириб боришимиз керак.

Бизнинг томирларимизда улуғ аجدодларимизнинг қони оқмокда. Буюк боболаримизнинг муносиб издошлари ва давомчилари бўлиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрга қўшиласиз.

Ўз Ватанини, она халқини равнақ топтириш учун ўзини аямасдан меҳнат қилиш: бу – жасорат ва мардлик, бу – она юртга муҳаббат ва садоқат, бу – тўғри тарбия ва амалий намуна демакдир.

Шу кунларда ўзининг фидокорона меҳнати билан мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб, барчага намуна бўлаётган юртдошларимизга марказда ва жойларда давлатимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари тантанали равишда топширилмокда.

Эл-юртимизга садоқат билан хизмат қилиб, халқимиз ўртасида катта обрў-эътибор топган ана шундай ватандошларимизни ўз номидан, сизларнинг номингиздан самимий табриклаб, эзгу тилакларимизни билдиришга рухсат этгайсиз.

Азиз дўстлар!

Бугун бир фикрни қатъият билан таъкидлашни зарур, деб биламан: Ўзбекистондаги демократик жараёнлар энди орқага қайтмайдиган, муқаррар тус олди.

Биз мана шу ёруғ кунлар учун курашиб, жон фидо этган ота-боболаримизнинг ҳаққи-ҳурмати, 33 миллионлик халқимизнинг ҳаққи-ҳурмати, бизга умид ва ишонч кўзи билан боқиб турган болаларимиз, набираларимизнинг ҳаққи-ҳурмати — мустақиллик ва истиқлол йўлидан ҳеч қачон қайтмаймиз!

Ўз мақсадларимизга албатта етамиз — келажаги буюк Ўзбекистонни барчамиз биргаликда барпо етамиз!

Қадрли ватандошлар!

Ҳаммамизга яхши маълумки, олдимизда катта сиёсий воқеа турибди. Шу йил декабрь ойида мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий кенгашларга сайловлар бўлиб ўтади.

Бу сайловлар миллий мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистонни дунёдаги ривожланган, демократик давлатлар қаторига кўтаришда яна бир муҳим амалий қадам бўлади.

Бу сайловлар бутун халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг орзу-интилишларини ифода этиб, улар учун янги имкониятлар очиб беради, деб ишонаман.

Бугунги кунда қанча-қанча билимли, нуфузли хорижий университетларда таҳсил олган, чет тилларни, замонавий бошқарув усулларини яхши биладиган навқирон ёшлар ҳаётимизга кириб келмоқда.

Улар бизнинг умидимиз, эртанги кунимиз. Шунинг учун ёшларга кенг йўл очиб бериш, эҳтиёж ва манфаатларини таъминлаш, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, ҳаётда ўз ўрнини топишига ёрдам бериш, уларга масъул ла-

возимларни ишониб топшириш бундан буён ҳам доимо эътиборимиз марказида бўлади.

Азиз фарзандларимиз эл-юртимизнинг ана шундай юксак эътиборига муносиб бўлиб, ўз салоҳияти билан, миллий ғоямизга садоқати билан Ўзбекистонимизни бутун дунёга тараннум этишларига ишонаман ва бу йўлда уларга бахт ва омад тилайман.

Муҳтарам ватандошларим!

Сизларни Ўзбекистон давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрами билан яна бир бор чин дилдан самимий табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, янги-янги ютуқлар, оилавий хотиржамлик ёр бўлсин, фарзандлар, набираларнинг бахту камолини кўриш насиб этсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, жонажон Ўзбекистонимиз омон бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

2019 йил 31 август

БИРИНЧИ ХАЛҚАРО ҲУНАРМАНДЧИЛИК ФЕСТИВАЛИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚ

Хурматли фестиваль иштирокчилари!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, сизларни сўлим ва мафтункор Фарғона водийсида, қадимий ва гўзал Кўкон шаҳрида қутлашдан бағоят мамнунман.

Барчангизни ЮНЕСКО раҳнамолигида ўтказилаётган биринчи Халқаро ҳунармандчилик фестивалининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Жаҳон ҳунармандлар кенгаши президенти, ҳурматли Рози Гринлис хонимга анжуманимизда шахсан иштирок этаётгани учун самимий миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсиз.

Фестивалимизга ташриф буюрган Россия Федерацияси маданият вазири Владимир Мединскийни, Қозоғистон Республикаси маданият ва спорт вазири Ақтўти Раимқуловани, Туркменистон маданият вазири Атагелди Шамурадовни, Тожикистон Республикаси маданият вазири Шамсиддин Орумбекзодани, Озарбайжон Республикаси маданият вазири Абулфас Гараевни, Қирғизистон Республикаси маданият, ахборот ва туризм вазири Азамат Жаманқуловни, Беларусь Республикаси маданият вазирининг биринчи ўринбосари Наталья Карчевскаяни, Арманистон Республикаси таълим, фан, маданият ва спорт вазирининг ўринбосари Нарина Хачатурянни чин дилдан қутлаймиз.

Бундан ташқари, Хитой санъат ва ҳунармандчилик уюшмаси президенти Ху Нианшага, Ҳиндистоннинг Харяна штати

туризм вазири ўринбосари Вижай Вардханга, Малайзия халқ амалий санъатини ривожлантириш корпорацияси бош директори Энчик Ибрагим бин Исмоилга, шунингдек, ЮНЕСКОнинг юқори мартабали вакиллари ҳамда Жаҳон хунармандлар кенгашининг Осиё-Тинч океани, Америка ва Африка минтақалари бўйича раҳбарларига самимий миннатдорлик билдирамиз.

Даврамизда хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги мухтарам элчилари ва халқаро ташкилотлар вакилларини кўриб турганимиздан хурсандмиз.

Фестивалимизда дунёнинг 78 та давлатидан 370 дан зиёд мохир хунарманд, таниқли маданият арбоблари, санъатшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этмоқда.

Барчангизни чин юракдан кутлаб, Ўзбекистонга, ушбу анжуманга бўлган катта ҳурмат ва эътиборингиз учун ташаккур изҳор этаман.

Ҳурматли фестиваль иштирокчилари!

Маълумки, умумбашарий маданиятнинг ажралмас қисми бўлган халқ амалий санъати дунёдаги ҳар бир халқ ҳаётида, унинг турмуш тарзи ва қадриятлари ривожига алоҳида ўрин тутди.

Инсониятнинг онгли ҳаётида хунармандчиликнинг пайдо бўлиши — бу цивилизация сари ташланган энг муҳим тарихий қадам, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз.

Башарият фаҳри бўлган буюк шаҳарлар, меъморий обидалар, тарихий ва археологик ёдгорликлар, минглаб музейлардаги нодир экспонатлар бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Ҳаммамизга аёнки, халқ амалий санъати — бу аввало, табиат билан уйғун бўлиб, табиатдан завқ ва илҳом олиб, бетакрор ижод намунасини яратишдир.

Ўзингиз тасаввур қилинг, оддий қора тупрокдан, бир бўлак темир ёки ёғоч парчасидан ноёб ва гўзал буюмлар яратиш, таъбир жоиз бўлса, уларга «жону тил» бағишлаш учун

хунармандга нафақат машаққатли кўл меҳнати, балки калб ҳарорати керак. Нозик дид ва маҳорат, сабр-тоқат, энг муҳими, ўз касбига чексиз меҳр ва садоқат, фидойилик керак.

Шу билан бирга, чинакам хунар соҳиби – у кулол бўладими, кандакор ёки тўқувчи бўладими, наққош ёки заргар бўладими – ўз ишини аъло даражада бажариш учун жуда кўп илмлардан, аввало, кимё, биология, тиббиёт, физика, геометрия, астрономия, тарих, фалсафа каби фанлардан хабардор бўлиши, уларни амалда қўллай билиши зарур.

Шу борада биргина мисол келтирмоқчиман.

Бутун дунёга машхур бўлган миллий каштачилик санъатимиз, қадимий сўзаналаримиздаги сирли, мўъжизали, илоҳий нақшлар, ранглар жилоси замирида фалакиёт илми, космогоник тасаввурлар мужассам экани ҳар қандай одамни ҳам ҳайратга солади.

Халқимиз азалдан ўз касбининг чинакам фидойиси бўлган моҳир хунармандларни «уста» ва «устазода» деган номлар билан улуғлаб, эъзозлаб келади.

Шу ўринда буюк мутафаккир Баҳоуддин Нақшбанд бобомизнинг **«Хунар шундай тулпорки, унга минган киши албатта ҳурмат-эътибор топгай ва саодат манзилига етгай»**, деган ҳикматли сўзларини эслаб ўтишни жоиз, деб биламан.

Келгуси йили таваллудининг 700 йиллиги нишонланадиган бу табаррук зот нафақат азиз-авлиё, аввало, ўзлари ҳам етук хунарманд, аҳли хунарнинг пири бўлганлар. Бу улуғ сиймонинг **«Дилинг – Аллоҳда, қўлинг – меҳнатда бўлсин»** деган эзгу даъватига амал қилиб, юртимиздаги минг-минг хунармандлар ўзларининг машаққатли, ҳалол меҳнати, инсоний фазилатлари билан халқимизга, ёшларимизга ибрат ва намуна бўлиб келмоқдалар.

Айни вақтда бугунги глобаллашув ва юксак технологиялар асрида халқ амалий санъатига шунчаки ўтмиш ёдгорлиги

сифатида беписанд қараш ҳолатлари ҳам, афсуски, учраб турибди. Агар бу нодир санъатни давлат ва жамият томонидан кенг қўллаб-қувватламас эканмиз, эртага кеч бўлади – хунаrmандлик соҳаси бугунги даврнинг кескин рақобатига бардош беролмайди.

Шу маънода, жаҳон халқ амалий санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, бу бебаҳо бойликни келгуси авлодларга безавол етказиш, бу йўлдаги саъй-ҳаракат ва имкониятларимизни бирлаштиришда мана шундай халқаро анжуманларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир.

Ўзбекистонда хунаrmандлар меҳнатини қадрлаш, уларнинг самарали фаолият юритишлари учун тегишли ҳуқуқий асос, имконият ва имтиёзлар яратиб берилмоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладиган, ўз сафларида минглаб усталарни бирлаштирган «Хунаrmанд» уюшмаси фаолият кўрсатмоқда.

Бухоролик машҳур зардўз Муяссар Темирова, самарқандлик таъмирчи уста Мирумар Асадов, фарғоналик ёғоч ўймаkori Абдуғани Абдуллаев каби юртдошларимиз мамлакатимизнинг энг олий мукофоти – Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлгани ушбу соҳа вакилларининг шарафли меҳнатига юксак эътибор ифодасидир.

Биз фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг замонавий билимлар билан бирга, халқ амалий санъати сирларини ҳам пухта эгаллаши учун кенг имкониятлар яратиб бермоқдамиз. Республикамиз пойтахти ва жойларда ушбу йўналишда ўнлаб фестивалъ ва ярмаркалар, савдо кўргазмалари, кўрик-танловлар ўтказилмоқда, ёшлар учун хунаrmандчилик мактаблари ташкил этилмоқда. Энг муҳими, бу соҳа вакиллари мамлакатимизда янги иш ўринлари яратиш, ёшларни ижтимоий меҳнатга жалб этиш, туризмни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда.

Биз тарихимиз, миллий ўзлигимиз тимсоли бўлган, қадимий ва бой анъаналарга эга хунаrmандчилик соҳасини

ривожлантиришга янада катта эътибор берамиз. Бу борада мазкур халқаро фестиваль давомида ўртага ташланадиган амалий фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар, ҳеч шубҳасиз, муҳим аҳамият касб этади.

Кадрли дўстлар!

Ўзбекистонда илк бор ўтказилаётган Халқаро хунармандчилик фестивали учун айнан Қўқон шаҳри танлангани албатта, бежиз эмас. Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган бу қадимий шаҳар ҳақли равишда «олтин водий» деб ном олган гўзал Фарғона водийсининг гавҳаридир.

Икки минг йиллик шонли тарихга, сўлим табиатга эга, қанча-қанча буюк воқеаларга гувоҳ бўлган Қўқонди латиф миллий давлатчилик, илму хунар, санъат ва адабиёт равангининг ёрқин тимсолидир.

Қўҳна Фарғона замини жаҳон илм-фани ва маданиятига Аҳмад Фарғоний, Бурҳониддин Марғиноний, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, Амирий ва Нодирабегим, Жаҳон отин Увайсий, Мавлоно Муқимий, Зокиржон Фурқат каби ўнлаб мутафаккир зотларни, улуғ шоир ва адибларни, Қодиржон Ҳайдаров сингари машҳур хунар усталарини етказиб бергани билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Биргина мана шу Фарғона вилоятининг ўзида миллий хунармандчиликнинг қандай машҳур брендлари бор. Бу ҳақда гапирганда, Марғилоннинг камалақдек товланадиган машҳур атлас ва адрасларини, Риштоннинг бетакрор кулолчилик санъатини, Қўқоннинг ёғоч ўймакорлиги ва наққошлик мактабларини, ўйлайманки, ортиқча таърифлаб ўтиришнинг хожати йўқ.

Бугунги кунда бутун юртимиз, бутун Фарғона вилояти каби Қўқон шаҳри, унинг киёфаси ҳам тубдан ўзгариб, ҳар томонлама обод бўлиб, мамлакатимизнинг йирик иқтисодий ва маданий марказларидан бирига айланмоқда.

Хабарингиз бор, ушбу фестиваль арафасида шаҳар ҳаётида яна бир муҳим воқеа юз берди. Жаҳон хунармандлар

кенгаши томонидан Қўқон шахрига «Жаҳон хунармандлари шахри» деган юксак унвон берилди. Яъни, Қўқон шахри дунё хунармандчилик харитасида ҳам муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.

Қўқон шахри Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида биринчи бўлиб ушбу рўйхатга киритилганини биз мамлакатимизда халқ амалий санъатини ривожлантиришга қаратилган ишларимизга халқаро микёсда берилган катта баҳо, деб қабул қиламиз.

Куни кеча Жаҳон хунармандлар кенгашининг Осиё-Тинч океани минтақаси президенти Гада Ҳижобий Каддумий хоним Қўқон шахрига ана шу гувоҳномани тантанали равишда топширди.

Мана шу қувончли айёмда мухтарам Қўқон аҳлини, бутун Ўзбекистон хунармандларини ана шундай юксак эътироф билан чин дилдан табриклайман.

Бундай улкан эътибор учун Жаҳон хунармандлар кенгаши ва унинг президенти, ҳурматли Рози Гринлис хонимга ўз номимдан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Мухтарам юртдошлар!

Азиз меҳмонлар!

Ушбу халқаро фестиваль нафақат кўпмиллатли Ўзбекистон халқи, балки жаҳон хунармандлари, бутун дунё усталарининг катта байрами, десак, тўғри бўлади.

Бу – олис тарих ва бугунги замон нафасини, турли кадрият ва анъаналарни ўзида яққол намоён этадиган, муштарак дилларни бирлаштирадиган чинакам дўстлик ва ҳамкорлик анжуманидир.

Аминманки, дунёда тинчлик ва ҳамжиҳатликни, гўзаллик ва нафосатни тарғиб этадиган бу фестиваль жаҳон майдонида албатта ўзининг муносиб ўрнини топади.

Барчангизни меҳмондўст ва саховатли Ўзбекистон зами-нида яна бир бор чин юракдан кутлайман.

Ушбу анжуманни юксак савияда ўтказиш учун сидкидилдан хизмат қилган барча юртдошларимизга, меҳнаткаш, оккўнгил, бағрикенг Фарғона элига, Қўқон аҳлига самимий ташаккур билдираман.

Фестивалнинг барча қатнашчиларига, мухтарам меҳмонларимизга сиҳат-саломатлик, янги ижодий ютуқлар тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

*Қўқон шаҳри,
2019 йил 14 сентябрь*

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарам устоз ва мураббийлар!

Аввало, сиз, азизларни, таълим-тарбия соҳасида меҳнат қилаётган барча педагог ходимларни Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан табриклаб, энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ушбу қутлуғ айёмда барчамиз бизга илм ўргатган, ҳаёт сабоғини берган жонкуяр, фидойи ўқитувчи ва домлаларимизга чуқур ҳурмат бажо келтириб, чин дилдан таъзим қиламиз.

Ҳақиқатан ҳам, ўзининг кўз нури, қалб кўри, бутун борлиғини ёш авлод тарбиясига бахш этадиган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнати, жасорати ҳар қандай юксак баҳоларга муносибдир.

Бу ҳақда фикр юритар эканмиз, улуғ маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудийнинг: **«Авлодларингизга фақат бугуннинг эмас, келгуси замоннинг илмини ўргатинг»**, деган сўзлари беихтиёр ёдимизга тушади.

Чиндан ҳам, дунё миқёсида рақобат янада кучайиб борадиган, ўта мураккаб бир даврда яшайдиган болаларимизни келажакка тайёрлаб, соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш таълим-тарбия соҳаси, ўқитувчи меҳнатининг туб моҳиятини ташкил этади.

Ана шу ўткир ҳақиқатни ҳисобга олиб, биз таълим-тарбия соҳасидаги ислохотларни давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши даражасига кўтардик.

Ўтган қисқа даврда мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, мактаб таълимида 11 йиллик тизимга ўтиш, академик лицей ва касб-хунар коллежларини оптималлаштириш, нодавлат таълим хизмати кўрсатиш бўйича кенг қўламли ишларни амалга оширдик.

Бугунги кунда сизларнинг, бутун эл-юртимизнинг қизгин қўллаб-қувватлаши билан мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланиб бормокда.

Буюк алломаларимиз, атокли шоир ва адибларимиз номи билан аталадиган ижод ва табиий фанларга ихтисослаштирилган мактаблар, «Темурбеклар мактаблари», Президент мактаблари каби мутлақо янги намунадаги замонавий ва инновацион таълим масканлари айна шу мақсадга хизмат қилади.

Бу борада умумтаълим мактаблари тизимини ривожлантириш масаласига устувор аҳамият берилмокда. Бунинг тасдиғини сўнгги икки йилда 238 та янги мактаб барпо этилганида ҳам кўриш мумкин. Ҳолбуки, 2010–2016 йилларда бу соҳага етарли эътибор берилмагани туфайли 99 та мактаб ёпилган эди.

Мазкур соҳани ривожлантириш учун ажратилаётган бюджет маблағлари ҳажми ҳам ортиб бормокда. Жумладан, жорий йилда мактабларга 2017 йилга нисбатан 81 фоиздан зиёд маблағ ажратилди.

Юртимизда боғча, мактаб ва олий таълим тизимида ишлаётган тарбиячилар, ўқитувчи ва домлалар меҳнатини муносиб кадрлаш, уларнинг иш ҳақини, жамиятдаги нуфузини ошириш бўйича муҳим қадамлар қўйилмокда.

Соҳа ривожига бўлган ана шундай эътибор мактабларда ўқув-тарбия жараёнларини сифат жиҳатидан ўзгартиришга, ўқитувчилар таркибини яхшилашга хизмат қилмокда.

Биз таълим-тарбия масаласига комплекс ёндашган ҳолда, боғча таълими билан бирга олий таълим тизимини ҳам узвий ривожлантиришга алоҳида эътибор бермокдамиз.

Шу мақсадда мамлакатимизда мактабгача таълим ҳамда олий таълимни ривожлантириш дастурлари қабул қилинди ва шу асосда туб ислохотлар амалга оширилмокда.

Хусусан, кейинги икки йилда мамлакатимизда 35 та, жумладан, 13 та хорижий олий ўқув юрти ташкил этилди. Юздан ортиқ янги бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда 94 та магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Ана шундай чора-тадбирлар натижасида ёшларни олий таълим билан камраб олиш даражаси уч йил бурунги 9 фоиздан 20 фоизга ошди. Биз яқин келажакда бу кўрсаткични 25 фоизга етказишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Яратилаётган имкониятлар туфайли Ўзбекистон ёшлари турли соҳаларда ўз билим ва салоҳиятини намоён этиб, Ватанимиз шуҳратини бутун дунёга тараннум этмоқда.

Куни кеча Россиянинг Екатеринбург шаҳрида дунёнинг 80 га яқин мамлакатидан моҳир спортчилар иштирок этган бокс бўйича жаҳон чемпионатида миллий жамоамиз вакиллари юксак азму шижоат ва маҳорат намунасини кўрсатиб, биринчи ўринни эгаллагани барчамизни қувонтириб, ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Бундай улкан ютуқларни биз аввало сизлар каби фидойи устоз-мураббийларнинг фидокорона меҳнати натижаси сифатида қабул қиламиз.

Қадрли юртдошлар!

Барчамиз яхши тушунамизки, бугунги шиддатли замон барча соҳалар қаторида таълим-тарбия тизимини ривожлантириш бўйича ҳам олдимизга ғоят муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда.

Албатта, ёшларимизнинг билим олишлари учун барча шароитларни яратиш, ўқув биноларини қуриш, уларни замонавий жиҳозлаш мумкин. Лекин фарзандларимизга юксак мезонлар асосида таълим-тарбия берадиган, янгича, инновацион фикрлайдиган муаллим ва ўқитувчиларни тайёрлаш – бу энг оғир вазифа бўлиб, жуда катта меҳнат ва масъулиятни талаб этади.

Шу маънода, бугунги кун ўқитувчиси универсал мутахассис, ҳам ўргатувчи, ҳам ўрганувчи бўлиши, яъни ўз устида тинимсиз ишлаши, доимо изланиб яшаши керак.

Энг муҳими, ўқитувчи чинакам ватанпарвар инсон бўлиши зарур. Қалбида ўз касбига, Ватанига меҳр ва садоқат кучли бўлган ўқитувчигина ҳақиқий ватанпарвар шахсни тарбиялай олади.

Бизнинг барча саъй-ҳаракатларимиз «**Ўзбекистонда энг обрўли инсон муаллим бўлиши керак**» деган ғояни амалга оширишга қаратилмоқда. Бунинг учун давлат ва жамият томонидан қанча маблағ, ресурс ва имкониятлар зарур бўлса, барчасини сафарбар этамиз.

Мактабларда хорижий тилларни, ахборот-коммуникация технологияларини ўргатишни такомиллаштириш, олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш, ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган чоратadbирларни самарали амалга оширишимиз лозим.

Профессional таълим соҳасида бугунги меҳнат бозори ва халқаро стандартларга тўла мос келадиган бутунлай янги тизимга ўтишни жадаллаштиришимиз керак.

Таълим муассасаларининг моддий-техник базаси, ўқитиш сифати ва педагог ходимларнинг билим ва малакасини оширишга қаратилган «**Замонавий мактаб**» давлат дастурини амалга ошириш доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Барчамизга аёнки, бугунги кунда ён-атрофимизда ёшларнинг қалби ва онгини захарлаб, уларни тўғри йўлдан оғдиришга қаратилган хавф-хатарлар тобора кучайиб бормоқда. Бундай мафкуравий хуружларга қарши миллий ғоя асосида барчамиз биргаликда курашмоғимиз, оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини мустаҳкамлашимиз зарур.

Айниқса, бу вазифа барча бўғиндаги раҳбарлар, ёшлар, хотин-кизлар, нуронийлар ташкилотлари, ижодкор зиёлиларимиз, диний уламолар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, бутун жамиятимиз учун виждон ишига айланиши керак.

Азиз ва мухтарам устозлар!

Бугун таълим-тарбия соҳасида, хурматли ўқитувчи ва мураббийларимиз, фарзандларимиз ҳаётида янги давр бошланмоқда. Бу даврни янада чуқур маъно-мазмун билан тўлдириб, миллий юксалишга эришиш фақат ва фақат ўзимизга, шу йўлда ҳамжиҳатлик билан каттиқ меҳнат қилишимизга боғлиқ.

Биз халқимизнинг энг катта бойлигини – миллионлаб фарзандларимиз, жондан азиз ўғил-қизларимизнинг тақдирини, Ўзбекистон истиқболини сизларга ишониб топширганмиз. Ва бу вазифани масъулият билан адо этиб келаётган сизлар каби фидойи инсонлар, келажак бунёдкорларига ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак, арзийди.

Сизларни ўқитувчи ва мураббийлар куни билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, шарафли ва масъулиятли фаолиятингизда катта муваффақиятлар, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

2019 йил 28 сентябрь

ЎЗБЕК ЎҒЛОНЛАРИ ЖАСОРАТИНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ

Мухтарам дўстлар!

Ҳурматли жаҳон чемпионлари!

Қадрли устоз ва мураббийлар!

Аввало, сиз, азиз спортчиларимизни, ҳурматли устоз ва мураббийларни, бутун халқимизни бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасининг тарихий ғалабаси билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Россиянинг Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида юксак мардлик ва матонат кўрсатиб, юртимизга шундай буюк ғалабани олиб келганингиз ҳар қандай таҳсин ва тасанноларга муносибдир.

Ўша кунлари кексаю ёш – бутун халқимиз сизларга зафар тилаб, катта ҳаяжон ва қизиқиш билан ўз нигоҳини Екатеринбург аренасига қаратди.

Элимиз ана шу улкан ишончни оқлаган сиздек жасур, ватанпарвар авлод билан ҳақли равишда фахрланади.

Сизлар АҚШ, Куба, Россия, Қозоғистон, Англия, Ҳиндистон каби бокс бўйича етакчи давлатлар вакиллари орада қолдириб, якуний босқичда биринчи ўринга кўтарилдингиз.

Бу сизларнинг нафақат жисмоний, балки руҳий ва маънавий жиҳатдан ҳам яхши тайёргарлик билан майдонга чиққанингиз натижаси, десак, айтиш ҳақиқат бўлади.

Зеро, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Пахлавон Маҳмуд каби ҳеч қачон кураги ерга тегмаган буюк аجدодларимизга муносиб ўғлонларгина ана шундай улуғ зафарларга қодир бўла олади.

Шунинг учун бутун мамлакатимиз сизларни чексиз олқишламоқда, бутун дунё сизларга тан бермоқда.

Сизлар миллий спортимиз тарихида янги ва ёрқин саҳифа очиб, жонажон Ўзбекистонимиз обрў-эътиборини юқори босқичга кўтардингиз.

Бугунги кувончли ва унутилмас кунда сизлардек паҳлавон йигитларни тарбиялаб, вояга етказган меҳрибон ота-оналарингиз, жонкуяр устоз ва мураббийларингизга раҳмат ва ташаккурлар айтамыз.

Даврамызда ана шундай жасур ўғлонларимизнинг ота-оналарини кўриб турганимиздан ғоят хурсандмиз.

Сизларга бутун Ўзбекистон халқи кагта ҳавас, ҳурмат ва эҳтиром билан қарамоқда.

Фарзандларингизга берилган эътироф бу – аввало сизларга берилган юксак эътирофдир.

Сизларнинг кўпчилигингиз ўз ҳаётини ёш авлод тарбиясига бағишлаган ўқитувчилар, эл-юртимиз фаровонлиги йўлида меҳнат қилаётган тадбиркорлар эканингизни алоҳида таъкидлашни истардим.

Сизлар мана шундай мард, мустаҳкам иродали, ватанпарвар фарзандларни вояга етказиб, кўпчиликка намуна кўрсатдингиз.

Инсон учун дунёда ўз фарзандининг камолини кўришдан ортиқ саодат йўқ. Мен барчангизни ана шундай улуғ бахт билан чин қалбимдан табриклайман.

Доимо соғ-омон бўлинг!

Ҳурматли юртдошлар!

Дунёдаги 80 га яқин мамлакатдан энг кучли чарм кўлқоп усталари иштирок этган, ғоят кескин курашлар остида ўтган халқаро беллашувда терма жамоамиз 3 та олтин, 1 та кумуш ва 1 та бронза медални қўлга киритгани улкан жасорат ва қаҳрамонлик намунасидир.

Бунинг учун зарур бўлган бекиёс куч-ғайрат, билим ва маҳорат, мустаҳкам ишонч манбаи аввало Ватанимиз, олижаноб халкимиз, унинг шонли тарихи ва бой маънавияти, десак, асло муболаға бўлмайди.

Ана шундай буюк кучга таяниб, миллионлаб ёшларимиз юртимизни ҳар томонлама тараққий топтириш учун зўр ғайрат ва шижоат билан майдонга чикмоқда.

Маълумки, 2016 йил Бразилияда бўлиб ўтган Олимпия ўйинларида ҳам боксчиларимиз ҳаммани қойил қолдириб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган эдилар.

Эришилган бундай ютуқлар тасодифий эмаслигини, Ўзбекистон том маънода бокс мамлакатига айланиб бораётганини сизлар бутун дунёга яққол намоён этдингиз.

Бу ғалаба «Ўзбекистон бокс мактаби», «Ўзбекистон боксчилари» деган сўзларни жаҳон спорти тарихига олтин харфлар билан муҳрлаб қўйди.

Энди Ўзбекистон боксчиларини, ўзбек бокс мактабини тан олган ҳам тан олади, тан олмаган ҳам тан олади.

Энди «Ўзбекистон», «ўзбекистонлик» деса, манаман деган боксчилар ҳам ўйлаб рингга тушадиган бўлади.

Биз, жисмоний тарбия ва спортга, хусусан, бокс соҳасига кўрсатилаётган эътибор, яратилаётган зарур шарт-шароитлар рўёбини аввало мана шундай ютуқларда кўрамиз.

Мамлакатимизда замонавий таълим-тарбия масканлари билан бирга, янги-янги спорт мактаблари ва мажмуалари, стадионлар, сузиш хавзалари барпо этилаётгани, болаларимиз қалбида спортга меҳр уйғотишга алоҳида аҳамият берилаётгани бу борада ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Айниқса, ҳурматли устоз ва мураббийлар меҳнати кадр топиб, уларнинг нуфузи ва макоми ошиб бораётгани ютуқлар гарови бўлмоқда.

«Ёшлар — келажагимиз», «Беш ижобий ташаббус», «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла», «Обод марказ» каби дастурларимизнинг барчасида фарзандларимизни баркамол этиб тарбиялашга, уларнинг спорт билан шуғулланишига жиддий эътибор берилмоқда.

Бу ғалабанинг яна бир муҳим томони шундаки, у мамлакатимизда бошқа спорт турларининг ривожига ҳам қудратли туртки беради.

Ўз навбатида, ёшларни барча соҳаларда маррани баланд олиб, доимо ғалаба сари интилиб яшашга ўргатади.

Хурматли дўстлар!

Терма жамоамиз қўлга киритган оламшумул ютукқа бекиёс ҳисса қўшган қаҳрамонларимиз ҳақида ҳар қанча ғурур ва ифтихор билан гапирсак, арзийди.

Шаҳобиддин Зоиров бир қатор кучли рақибларни, хусусан, финалда ҳиндистонлик машҳур боксчини енгиб, дастлабки олтин медални қўлга киритгани барча спортчи ва мураббийларимизнинг руҳини тоғдай кўтариб юборди.

Яна бир полвон ўғлонимиз Миразизбек Мирзахалилов финалда кубалик ўта кучли рақибни иккинчи раунддаёқ мағлуб этгани бокс тарихида камдан-кам бўладиган натижадир.

Алпомишлар юрти — Сурхондарё фарзанди, учинчи олтин медаль соҳиби Баҳодир Жалолов ўта оғир вазнда ҳам чемпион, ҳам «турнирнинг энг яхши боксчиси» деган эътирофга сазовор бўлгани республикамизнинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини янада оширди.

Ёш, истеъдодли боксчимиз Дилшодбек Рўзметов бундай нуфузли мусобақада илк бора иштирок этганига қарамасдан, кумуш медални қўлга киритгани — буям жуда катта натижа.

Бронза медалга сазовор бўлган Бобо-Усмон Ботиров ҳам жаҳон чемпионатида илк марта қатнашиб, фахрли натижага

эришгани унинг улкан қобилияти ва порлоқ келажагидан да-
лолат беради.

Ўзбекистонда ишқибозлар ҳар бир ўйинни диққат билан
кузатиб борди.

Сизлар рақибларингизга қарши фаол ишлаб, рингда
бир сония ҳам тўхтамасдан, қайта-қайта кучли зарбаларни
бериб, хато қилмасдан ва яхши ҳимояланиб, жангларнинг энг
охиригача қизгин кураш олиб бордингиз.

Ҳар бир раундни юқори тезлик ва шиддат, техник маҳорат
ва устунлик билан ўтказдингиз.

Бу барча мухлисларни, шахсан менинг ҳам юрагимни жуда
тўлқинлантириб, чексиз қувонтирди.

Бу ютуқлар – бизнинг миллий ғуруримиз, ифтихоримиз,
ўзбек ўғлонларининг ботирлиги, жасурлиги ва мислсиз
жасоратининг ёрқин ифодасидир.

Билагида кучи ва юрагида ўти бор, қалбида она Ватанига
муҳаббати ва миллатининг ор-номусини олиб юрган сиз
каби алп йигитлар юртимизнинг шуҳрати, шавкату шонини
бутун дунёга кўтардингиз.

Ушбу ғалабани таъминлашда мураббийлар таркиби, Бокс
федерациясининг салмоқли ҳиссаси борлигини таъкидлаб
ўтмоқчиман.

Кучли ва енгилмас жамоани тайёрлаш учун чинакам фи-
дойилик кўрсатган, тўғри тактика танлаган ва пухта машғулот-
лар олиб борган Марат Қурбонов, Раҳматжон Рўзιοхунов,
Тўлқин Қиличев, Истам Кабинов, Баҳодир Эркаев, Фаррух
Қиличев каби машҳур мураббийларни чин юракдан қут-
лаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни, сизлар орқали бутун
мамлакатимиз ўқитувчи ва мураббийларини қутлуғ касб
байрами билан яна бир бор чин қалбимдан муборакбод
этаман.

Кадрли дўстлар!

Сизлар ушбу мусобакада энг юқори шоҳсупадан ўрин олиб, келгуси йил Японияда ўтадиган Олимпия ўйинлари учун мустаҳкам пойдевор яратдингиз.

Жадал ривожланаётган, очиқ ва демократик мамлакатимиз ўзининг спорт соҳасидаги янги қиёфасини намойиш этиши учун бу Олимпиада жуда катта имкониятдир.

Буни ҳаммамиз чуқур тушуниб, унга жиддий тайёргарлик кўришимиз шарт.

Албатта, спортчиларнинг жисмоний шайлиги, профессионал маҳорати ва тажрибаси жуда муҳим.

Лекин энг зарур жиҳати бу – Олимпия жамоамизнинг рухий тайёргарлиги.

Спортчининг ўзига ишончи қанчалик кучли бўлса, натижаси ҳам шунча юқори бўлади.

Шу йил 4 сентябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида сизлар билан бу борада олдимизда турган долзарб вазифалар ҳақида атрофлича гаплашиб олгандик.

Биз бу Олимпиадада муносиб иштирок этиш учун 100 та лицензияни қўлга киритиш вазифасини қўйган эдик.

Ҳозиргача бор-йўғи 5 та спорт тури бўйича 8 та лицензияга эга бўлдик.

Шунинг учун яна бир бор айтаман, Токиода бўладиган ёзги Олимпиадага тайёргарлик ишлари бизни мутлақо қониқтирмайди.

Албатта, сўнгги пайтда спорт федерациялари ва ҳокимликлар Олимпия терма жамоасини шакллантириш ва спортчилар учун зарур шароитлар яратиш бўйича ишларни анча кучайтирди.

Лекин бу етарли эмас, қиладиган ишларимиз ҳали кўп.

Олимпиада ўйинлари бу – ҳар тўрт йилда бир марта ўтадиган, мамлакатни бутун дунёга машҳур қиладиган катта

ва ноёб имконият эканини барчамиз тушуниб олишимиз керак.

Биз ҳар бир имкониятдан самарали фойдаланиб, тайёргарликни ҳар томонлама кучайтиришимиз шарт.

Ўйлайманки, мамлакатимиз боксчиларининг катта ғалабасини кўриб, барчамиз «Бўлар экан-ку!», «Ўзбекистон спортини дунёга танитиш мумкин экан-ку!» деган кайфият билан яшамоқдамиз.

Сизлар бундан кейин ҳам ўзбек бокс мактабининг шонли анъаналарини муносиб давом эттириб, сайёрамизнинг энг нуфузли мусобақаларида байроғимизни баланд кўтарасизлар, деб ишонаман.

Биз энди боксни ҳар бир оиладан, мактабдан, маҳалладан, туманлару вилоятлардан шуғулланадиган шароит ва имкониятларни яратиш бўйича алоҳида концепция ишлаб чиқамиз.

Боксни умуммиллий спорт турига айлантириш бўйича алоҳида дастур ва чора-тадбирларни қабул киламиз.

Ана шу ютуқлардан руҳланган бошқа спорт федерацияларимиз ҳам ўз фаолиятини албатта Бокс федерацияси даражасига олиб чиқади, деб ишонаман.

Азиз дўстлар!

Хабарингиз бор, ғолиб ва совриндор боксчиларимиз ҳамда уларнинг мураббийлари давлатимизнинг юксак фахрий унвон ва медаллари билан мукофотландилар.

Бу мукофотлар сизларнинг меҳнатингиз, истеъдод ва маҳоратингизга ҳалқимиз ва Ватанимиз томонидан берилган энг олий баҳодир.

Аминманки, бу мукофотлар сизларга янги куч-ғайрат ва шиддат бағишлайди, янада юқори чўққиларни забт этишга даъват этади.

Қадрли фарзандларим!

Мухтарам устоз ва мураббийлар!

Улуғ мақсадларга эришиш йўлида сизларга сиҳат-саломатлик ва муваффақиятлар, шахсий ҳаётда эса оилавий бахт ва омад ёр бўлишини тилайман.

Яна бир марта сизларга катта раҳмат!

*Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳрида
бўлиб ўтган бокс бўйича жаҳон чемпионатида юксак
натижаларга эришган спортчи ва мураббийларга
мукофотларни топшириш маросимидаги нутқ*

2019 йил 30 сентябрь

«ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИГА

Кадрли дўстлар!

Сиз, азизларни Ўзбекистон рангли металлургия саноатининг етакчиси – Олмалиқ кон-металлургия комбинати ташкил топганининг қутлуғ 70 йиллик санаси муносабати билан чин қалбимдан табриклайман.

Комбинат тарихи республикамизда рангли, нодир ва қимматбаҳо металларни қазиб олиш ҳамда уларни қайта ишлашга қаратилган мутлақо янги тармоқнинг яратилиши ҳамда йирик ишлаб чиқариш қувватлари ва замонавий Олмалиқ шахрининг пайдо бўлиши билан бевосита боғлиқдир. Бу тарих замирида шонли анъаналарни муносиб давом эттираётган, бутун билим ва тажрибаси, маҳорати, қалб қўрини ўз ишига бахшида этиб, фидокорона меҳнат қилаётган минг-минглаб одамларнинг жуда катта машаққатли хизматлари мужассам.

Корхонанинг бунёд этилиши мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқлари учун стратегик аҳамиятга эга бўлган минерал бойликларни кенг қўламда ўзлаштиришга йўл очиб берди.

Сизларга маълумки, бугунги кунда юртимиз тараққиётининг янги босқичида биз саноат ва иқтисодий салоҳиятимизни ҳар томонлама ривожлантиришга устувор аҳамият қаратмоқдамиз.

Комбинат мисолида оладиган бўлсак, бу борада ўтган йили қабул қилинган «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти ишлаб чиқариш қувватларини реконструкция қилиш ва барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор корхона фаолияти учун катта имкониятлар яратиб бермоқда.

Ушбу улкан мажмуанинг кўп миллатли ва аҳил жамоаси республикамизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган чуқур таркибий ислохотлар жараёнида, бутун мамлакатимизни, миллий иқтисодиётимизни тубдан модернизация қилишда фаол иштирок этаётганини барчамиз яхши биламиз ва чексиз кадрлаймиз.

Ҳеч шубҳасиз, Ватанимизнинг куч-қудрати ўсишида, Ўзбекистонда қазиб олинаётган қимматбаҳо ва рангли металлларнинг юксак сифати бутун дунёда алоҳида эътироф этилишида иқтисодиётимизнинг локомотиви ҳисобланган комбинатнинг 35 минглик жамоаси салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Ҳозирги вақтда мажмуа томонидан Тошкент, Жиззах, Наманган ва Сурхондарё вилоятларидаги қимматбаҳо ва рангли металллар энг илғор технологиялар асосида, етакчи хорижий компаниялар ҳамкорлигида жадал ўзлаштирилмоқда, харидоргир маҳсулотлар ҳажми оширилиб, уларнинг 70 фоиздан ортиғи экспорт қилинмоқда.

Жаҳон бозоридаги кескин рақобат шароитида ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида комбинатнинг узок муддатли модернизация дастури ишлаб чиқилди.

Айни пайтда янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича йирик инвестициявий лойиҳалар амалга оширилаётгани айниқса эътиборга лойиқ. Хусусан, «Ангрен» эркин иқтисодий зонасида барпо этилган Ангрен қувур заводи, Жиззах вилоятида цемент заводи фойдаланишга топширилди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ҳудудида энг йирик – бир йилда 60 миллион тонна рудани қайта ишлаш салоҳиятига эга бўлган мис бойитиш фабрикаси ва бошқа замонавий ишлаб чиқариш қувватларининг қурилиши бошланди.

Энг муҳими, олиб борилаётган жадал ва тизимли бунёдкорлик ишлари натижасида маҳаллий аҳоли учун минглаб қўшимча иш ўринлари яратилмоқда.

Яқин йилларда комбинатни модернизация қилиш дастури доирасида 2023 йилга келиб ишлаб чиқариш ҳажмининг 2,5 баробарга ўсишини таъминловчи тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш режалаштирилмоқда.

Барчамиз яхши биламизки, ишлаб чиқаришни тубдан янгилаш ва илмий технологияларни жорий этиш масалалари юқори малакали кадрларни талаб қилади. Шу боис, белгиланган вазифалар ижросини тўлиқ таъминлашга қодир бўлган замонавий ва етук мутахассисларни тайёрлашга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Олмалиқда фаолият юритаётган Тошкент давлат техника университетининг филиали, шунингдек, ўтган йили ташкил этилган Россия Федерациясининг Миллий технологик тадқиқотлар университети Москва пўлат ва қотишмалар институти филиали ушбу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

Корхонанинг барча ишчи-ходимлар учун муносиб ҳаёт ва меҳнат шароитларини, уларга ҳамма қулайликларни яратиб бериш борасидаги ижобий тажрибасини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бугун бу ерда замонавий уйлар, маданият ва спорт масканлари, равон кўчалар, кўркам ва файзли гўшалар, бир сўз билан айтганда, зарур инфратузилмалар бунёд этилмоқда. Бу бекиёс рағбат ва эътиборнинг яққол мисолини – йилдан-йилга ривожланиб, хорижий меҳмонлар ва инвесторлар учун жозибадор бўлиб бораётган Олмалиқ шаҳрининг обод ва фаровон киёфасида ҳам кўриш мумкин.

Ҳурматли дўстлар!

Бугунги шиддатли даврнинг ўзи бутун халқимиз қатори комбинат жамоаси олдига ҳам миллий иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган муҳим ва стратегик вазифаларни қўймоқда.

Мажмуа базасида юқори технологик ва қўшимча қийматга эга харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, бу йўлда юртимизнинг табиий, меҳнат ва интеллектуал

ресурсларидан тўлақонли фойдаланиш масалалари ҳоятда долзарб бўлиб турибди.

Ишончим комилки, комбинатнинг юксак касбий маҳоратга, бой билим ва малакага эга меҳнаткашлари бу муҳим ҳамда дастуриламал вазифаларни шараф ва матонат билан ундайдилар.

Ушбу айём муносабати билан сизларни яна бир бор самимий муборакбод этиб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, жонажон Ўзбекистонимиз равнақи йўлида олиб бораётган бунёдкорона меҳнатингизда янги зафарлар тилайман.

2019 йил 24 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

Муҳтарам дўстлар!

Хурматли тиббиёт ходимлари!

Аввало, инсон соғлиғини асраш ва мустаҳкамлашдек олижаноб ишга ўз ҳаётини бағишлаган сиз, азизларни мамлакатимизда кенг нишонланаётган Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан чин қалбимдан табриклайман.

Биз сизларнинг тимсолингизда халқ саломатлиги йўлида ўз ҳаловатидан кечиб, кунни тунга улаб, фидокорона меҳнат қилаётган шарафли касб эгаларини кўрамиз.

Машҳур юнон табиби Гиппократнинг **«Табобат барча илму санъатлар ичида энг буюк илм ва санъатдир»**, деган сўзлари машаққатли ва эзгу фаолиятингизга берилган ҳаққоний баҳодир.

Қадрли юртдошлар!

Ўз аҳолисининг соғлиғини муҳофаза қилиш — ҳар қайси давлат ва жамият учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга долзарб масала саналади.

Юртимиз худудида қадимдан кўплаб шифо масканлари, тиббий мадрасалар фаолият юритгани, Абу Али ибн Сино каби мутафаккир боболаримиз яратган бебаҳо асарлар, уларнинг дори-дармон тайёрлаш ва даволаш усуллари бутун жаҳонда машҳур бўлгани аجدодларимизнинг бу соҳа ривожига қандай катта эътибор қаратганидан далолат беради.

Мамлакатимизда туб янгиланишларни аввало ижтимоий ҳаётимизнинг энг муҳим йўналишлари бўлмиш тинчлик ва осойишталикни сақлаш ҳамда аҳоли соғлиғини муҳофаза қилишдан бошлаганимиз бежиз эмас.

Чунки, тинчлик ва соғлиқ — бу ҳар бир инсон, бутун аҳолимиз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган буюк неъматдир. Фақат соғлом инсон ва соғлом халқ мислсиз ишларга кодирлигини ҳаммамиз яхши англаймиз.

Ўтган даврда соғлиқни сақлаш тизимида эришилган ижобий натижалар билан бирга, ечимини кутаётган камчилик ва муаммолар ҳам мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу сабабли, кейинги уч йил давомида юртимизда фуқаролар мурожаатлари, фикр-мулоҳаза ва таклифлари атрофлича ўрганилиб, тиббиёт тармоғини чуқур ислоҳ қилиш бўйича 170 дан зиёд ҳукукий ҳужжатлар қабул қилинди.

Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармон асосида 2019–2025 йилларда Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси ҳамда тегишли дастур тасдиқланди.

Буларнинг барчаси бирламчи тиббий санитария ҳамда шошилиш ва тез ёрдам бўғинидан тортиб, юқори тузилмаларигача иш фаолиятини ташкил этишда асосий эътиборни инсон омилига йўналтириш, тиббий хизматлар турларини кенгайтириш ва сифатини халқаро мезонлар даражасига етказиш бора-сида янги имкониятлар яратиб бермоқда.

Маълумки, касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олиш оила учун ҳам, давлат учун ҳам самарали ва фойдалидир. Шу боис мамлакатимизда профилактик тиббиёт ривожига устувор аҳамият қаратилмоқда.

Айни пайтда, тиббий-санитария ёрдамини кўрсатишни яхшилаш мақсадида юртимизда 817 та қишлоқ врачлик пункти, 798 та қишлоқ ва 178 та шаҳар оилавий поликлиникаларида аёллар маслаҳатхоналари, қизлар саломатлиги хоналари, ижтимоий дорихоналар, куну-тун ишлайдиган тез тиббий ёрдам шохобчалари ташкил этилди ҳамда 5 та тор соҳа мутахассисларининг фаолияти йўлга қўйилди.

Жисмоний шахслар энг кўп мурожаат қиладиган шошилинич ва тез ёрдам йўналишида марказлашган яхлит тизим яратилди. Тез ёрдам бригадаларининг сони 818 тадан 1666 тага етказилди ва улар аҳоли яшайдиган ҳудудларга яқинлаштирилди. Автотранспорт паркини янгिलाш учун 1500 дан ортиқ «Тез ёрдам» машиналари харид қилинди.

Яна бир асосий йўналиш – репродуктив саломатликни, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича миллий дастурлар амалга оширилмоқда. Ҳудудларимиздаги болалар даволаш муассасаларида илгари мавжуд бўлмаган неонатал хирургия, кардиохирургия, инвазив хирургия, қизлар гинекологияси каби янги бўлимларда мураккаб даволаш амалиётлари ўтказилмоқда.

Бундай улуғвор ўзгаришлар юртимизда хотин-қизлар соғлиғини мустаҳкамлаш, оналар ва гўдаклар ўлимининг кескин камайишида муҳим омил бўлмоқда.

Шунингдек, патронаж хизмати мутлақо янгича асосда йўлга қўйилди. Айниқса, ёлғиз, кекса, ногиронлиги бўлган, сурункали касалликларга чалинган шахсларни, бўлажак оналар ва болаларни патронаж хизматлари билан тўлиқ қамраб олиш борасида беқиёс ишлар амалга оширилмоқда. Ҳамшираларнинг уйма-уй юриб, ҳар бир шахснинг саломатлигини пухта ўрганишлари туфайли касалликларнинг олдини олиш, оилаларда тиббий маданиятни юксалтириш борасида салмоқли ютуқларга эришилмоқда.

Маълумки, ихтисослашган тиббиёт муассасалари асосан пойтахтда жойлашган бўлиб, кишилар даволаниш мақсадида вилоятлардан узоқ йўл босиб келишга мажбур эди.

Кейинги вақтда жойларда қўшимча муассасалар барпо этилиши ҳисобига аллергология, онкология, нефрология ва буйрак трансплантацияси, неврология ва инсульт, травматология ва ортопедия, нейрохирургия каби йўналишларга ихтисослашган марказлар сони 16 тага етказилди. Ҳудудларда

310 та ихтисослашган бўлимлар, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг 14 та филиали очилди.

Нафақат пойтахтимиз, балки Наманган, Хоразм, Фарғона, Бухоро, Қашқадарё ва бошқа вилоятларда кардиожарроҳликка оид энг мураккаб амалиётлар, етакчи марказларимизда буйрак ва жигар, ўзак ҳужайра трансплантациялари муваффақиятли бажарилаётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Тармоқда хусусий сектор улушини ошириш, давлат-хусусий шериклик ҳамда институционал ва ҳуқуқий механизмларнинг яратилиши, уларга кенг имтиёзлар тақдим этилаётгани натижасида бу йўналишдаги шифохоналар сони 5300 дан ошди.

Шунингдек, қисқа вақт ичида АҚШ, Россия, Хитой, Германия, Ҳиндистон, Туркия, Жанубий Корея, Исроил каби хорижий давлатлар билан ҳамкорликда 100 дан ортиқ замонавий хусусий клиникалар иш бошлади.

Айни пайтда, мамлакатимизда 7 та олий тиббий таълим даргоҳи ва уларнинг 4 та филиали, шунингдек, хориждаги нуфузли тиббий-илмий муассасалар ҳамкорлигида ташкил этилган 22 та халқаро факультет соҳага малакали ва етук мутахассисларни етиштириб бермоқда.

Республикамиз фармацевтика саноати ҳам изчил ривожланиб, арзон ва сифатли дори воситаларини кафолатланган тарзда етказиб бериш, уларга нарх белгилашнинг таъсирчан шакллари ишлаб чиқилмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш ҳажми бир неча баробарга оширилиши ислохотлар натижадорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Масалан, 2017 йилда соҳага 7,1 триллион сўм йўналтирилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 12,1 триллион сўмга етди. Бу ўтган йилларга қараганда 1,6 баробар кўп демакдир. Дори-дармонлар ва тиббий буюм-

лар харид қилиш ҳамда тиббиёт объектларини куриш-таъмирлаш ишларига ажратилаётган маблағлар ҳажми ҳам 3 баробарга ортди.

Сўнгги уч йилда 1300 дан ортиқ даволаш муассасасида курилиш-таъмирлаш ишлари бажарилиб, улар 2019 йилнинг ўзида 100 миллион АҚШ доллари миқдоридаги замонавий ва юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Давлатимиз томонидан шифокорларнинг залворли меҳнати-ни муносиб кадрлаш, уларнинг иш ва турмуш шароитларини яхшилаш, замонавий уй-жойлар билан таъминлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришга жиддий ёндашилмоқда. Бу каби ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишлари бундан кейин ҳам изчил давом эттирилади.

Муҳтарам юртдошлар!

Мазкур тармоқда бошлаган ислохотларимизни жадал давом эттириш, тиббий хизматнинг сифатини ошириш, соҳага инновациялар ҳамда энг сўнгги янгиликларни жорий этиш энг аввало соҳа мутасаддилари, олим ва шифокорлар, ҳамширалар зиммасига катта масъулият юклайди.

Мажбурий тиббий суғурталаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги фаолиятини самарали йўлга қўйиш, тиббий таълим ва илм-фанни юқори босқичга кўтариш сингари жуда муҳим вазифалар олдимизда турибди.

Ҳеч шубҳасиз, сидқидилдан ва жонбозлик билан меҳнат қилиб келаётган сиз, фидойи юртдошларимиз бутун салоҳият ва тажрибангиз, куч ва ғайратингизни сафарбар этиб, ана шундай улкан ва масъулиятли вазифаларни шараф билан адо этишга қодирсиз.

Барчамиз бир ҳақиқатни эсдан чиқармаслигимиз лозим: тиббиёт ходимлари – саломатлигимиз посбонларидир. Сизлар ўзингизнинг бой билим ва маҳоратингиз, илғор малака ва кўникма, беғараз хизматингиз, касбингизга меҳр ва садоқатингиз билан халқимизнинг ишончини янада чуқурроқ қозонасиз, деб ишонаман.

Қадрли тиббиёт ходимлари!

Сизларни қутлуғ касб байрамингиз билан яна бир бор
самимий муборакбод этиб, барчангизга сиҳат-саломатлик,
улкан зафарлар, оилавий бахт-саодат, хонадонларингизга файзу
барака ёр бўлишини тилайман.

2019 йил 9 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли ватандошлар!

Мухтарам деҳқон ва фермерлар!

Аввало, барчангизни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни қутлуғ айём – Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунин билан самимий муборакбод этаман.

Ҳаммамизга яхши аёнки, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг энг қадимий, ҳеч қачон ўз ўрни ва аҳамиятини йўқотмайдиган таянч тармоқларидан биридир.

Ана шундай муҳим соҳанинг залворли юкини ўз елкасида кўтариб келаётган миришкор деҳқон ва фермерлар, заҳматкаш чорвадор ва пиллакорлар, моҳир сувчи ва ирригаторлар, ўз ишининг ҳақиқий устаси бўлган механизатор ва агрономлар, жонкуяр олим ва мутахассисларни дунёдаги энг олижаноб касб эгаларидир, десак, айна ҳақиқат бўлади.

Чиндан ҳам, буюк мутафаккир шоиримиз Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, ҳар эрта баҳорда ерга уруғ қадаб, ризк йўлини очадиган, хонадонларимиздаги тўкинлик ва файзу барака сабабчиси бўлган сиздек фидойи инсонларга ҳар қанча тасаннолар айтсак арзийди.

Ушбу байрам муносабати билан сизларни қутлар эканмиз, бу йилги машаққатли меҳнатингиз, эришилган натижалар ва олдимизда турган режалар ҳақида атрофлича тўхталишимиз табиийдир.

Аввало сайёрамиздаги глобал иқлим ўзгаришлари ҳамда минтақамиздаги экологик муаммолар оқибатида қишлоқ хўжалигида ҳар йили илгари кўрилмаган янги-янги синов ва қийинчиликлар пайдо бўлаётганини қайд этиш лозим.

Лекин, кўпни кўрган, доимо ер билан тиллашиб, дардлашиб яшайдиган деҳқон ва фермерларимиз ана шундай мураккаб шароитда ҳам омилкорлик билан, бой билим ва тажрибаси, илм-фан ютуқларини ишга солиб, мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлмоқдалар.

Жорий йилда сизларнинг пешона терингиз билан 7 миллион 130 минг тонна ғалла, 2 миллион 845 минг тонна пахта, 19 минг 600 тонна пилла, 21 миллион тонна мева-сабзавот, 400 минг тонна шоли, 2 миллион 600 минг тонна гўшт ва 11 миллион тонна сут маҳсулотлари, 8,1 миллиард дона тухум олингани бу фикрни яққол тасдиқлаб турибди.

Ҳозирги вақтда дунё миқёсида озиқ-овқат хавфсизлиги, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш долзарб масала бўлиб бораётгани сир эмас.

Шунинг учун ҳам биз иқтисодиётимизни, жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасини модернизация ва диверсификация қилиш, озиқ-овқат экинлари етиштиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, кейинги тўрт йилда ҳосилдорлиги паст бўлган 300 минг гектар пахта ва ғалла майдонлари ўрнига мева-сабзавот ва озуқа экинларини етиштириш йўлга қўйилиб, жумладан, 32 минг гектар ерда интенсив боғлар, 15 минг гектарда тоқзорлар, 2 минг гектарда замонавий иссиқхоналар барпо этилгани, 114 минг гектарда сабзавот ва картошка, 72 минг гектарда дуккакли ва мойли экинлар, 52 минг гектарда озуқа экинлари етиштирилаётганини таъкидлаш лозим.

Бугунги кунда ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда бозор тамойилларини, фан ва техниканинг илғор ютуқларини жадал жорий этиш, экологик тоза ва экспорт-боп маҳсулотлар етиштириш орқали деҳқонлар даромадини кўпайтириш борасида олиб бораётган тизимли ислохотларимиз сизларга яхши маълум, албатта.

Натижада бу йил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан жами 217 триллион 700 миллиард сўм ёки ўтган йилга нисбатан 12 фоиз кўп фойда олинди.

Ерни ҳақиқий эгасига бериш, айниқса, маҳсулот етиштиришдан тортиб, уни сотишгача бўлган агробизнеснинг яхлит занжирини ўз ичига қамраб олган кластер моделини ва кооперация тизимини тўлиқ яратишга жиддий аҳамият қаратилмоқда.

Жорий мавсумда пахта ҳосилининг 73 фоизи пахта-тўқимачилик кластерлари ҳиссасига тўғри келгани, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Андижон, Хоразм, Наманган, Тошкент, Бухоро вилоятларида эришилган юксак марралар бу тизимнинг қанчалик самарали эканини амалда исботламоқда.

Шунингдек, Ёзёвон, Қўштепа, Риштон, Тошлок, Жалақудук, Қўрғонтепа, Пахтаобод, Амударё, Беруний, Элликқалъа, Хива, Хонқа, Янгибозор, Мингбулок, Поп, Чуст, Қуйичирчиқ, Чиноз, Окқўрғон, Қорақўл, Олот, Вобкент, Дўстлик, Нарпай каби ўнлаб туманларда ушбу тизим асосида пахтадан мўл ҳосил етиштирилди.

Шуларнинг барчасини ҳисобга олиб, биз кейинги йилдан бошлаб пахта етиштиришни тўлиқ – 100 фоиз кластер усулига ўтказишга қарор қилдик. Шу билан бирга, ғаллачилик, мева-сабзавотчилик, паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик ва пиллачилик кластерларини ташкил қилиш ишларини изчил давом эттирамиз.

Биринчи марта бошокли дон экинларидан юқори ҳосил етиштиришни рағбатлантириш тизими жорий этилгани ўзининг улкан ижобий самарасини берди. Андижон, Фарғона, Қашқадарё, Тошкент, Хоразм вилоятларида ҳосилдорлик гектарига 65–67 центнерга етгани ана шундай янгича ёндашувнинг маҳсули бўлди.

Энг муҳими, 3 миллион 800 минг тонна ғалла деҳқон ва фермерлар ихтиёрида қолдирилгани ушбу мавсумнинг асосий натижаси, десак, тўғри бўлади.

Сўнгги йилларда мева-сабзавотчиликда амалга оширилаётган ислохотлар ҳам ўз натижасини бермоқда. Бу йил 1,3 миллиард АҚШ доллари қийматидаги 1,5 миллион тонна мева-сабзавот экспорт қилингани, ҳеч шубҳасиз, тармоқ ривожига салмоқли ўрин тутади.

Дехқон ва фермерларимизни йиллар давомида ўйлантириб келаётган масала — бу етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини нобуд ва исроф бўлишига йўл қўймасдан, сифатли қайта ишлаб, ички ва ташқи бозорларга етказиб бериш билан боғлиқ.

Жорий йилда бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, 1 триллион 37 миллиард сўм инвестиция маблағлари жалб этилди. Бунинг ҳисобига 254 минг тонна қувватга эга бўлган 180 та мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва логистика марказлари барпо этилди. Бу орқали 54 минг қўшимча иш ўрни яратилди.

Ҳозирги вақтда юртимизда мева-сабзавот маҳсулотларининг 3,5 миллион тоннаси қайта ишланиб, 350 миллион долларлик тайёр маҳсулот четга сотилмоқда.

Биз келгуси йилда мева-сабзавот маҳсулотларининг экспортини 2,5 миллиард долларга, яқин уч йилда эса 5 миллиард долларга етказишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бунинг учун Испания, Нидерландия, Польша, Греция, Туркия, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Вьетнам, Индонезия каби давлатларнинг энг илғор тажрибалари кенг қўлланилмоқда.

Қимматбаҳо хомашё бўлган ипак етиштиришнинг янгича тизими йўлга қўйилиши натижасида бу йил биринчи марта пилладан йилига тўрт марта ҳосил олишга эришдик. Эндиги вазифа — бу муваффақиятли тажрибани кенг қўллашдан иборат.

Кейинги йилларда чорвачиликни ислох қилиш, жумладан, соҳанинг бошқарув тизимини янада такомиллаштириш борасида бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Шу

тариқа республика, вилоят, туман ва фермер хўжаликлари бўйича чорвачилик соҳасида вертикал бошқарув тизими яратилди.

Республикамизда сут ва гўшт ишлаб чиқаришга ихтисослашган мингдан зиёд йирик чорвачилик комплекслари ишга туширилди. Якунланаётган йилда эса бу йўналишда 1,2 триллион сўмлик 600 та лойиҳа амалга оширилди. Чорвачиликни ривожлантириш учун қулай бўлган Оҳангарон, Тахтақўпир, Қўнғирот, Бўзатов, Мўйноқ туманлари шу соҳага ихтисослаштирилди ва кластер усулида ривожланиши йўлга қўйилди.

Охириги 20 йилда эътибордан анча четда қолиб кетган балиқчилик тармоғига алоҳида эътибор қаратишимиз натижа-сида бу йил 580 минг гектар табиий ва 28 минг гектар сунъий қўлларда 200 минг тонна балиқ етиштирилди.

Яна бир устувор йўналиш – асаларичиликни ривожлантириш мақсадида тузилган Ўзбекистон асаларичилар уюшмасига 14 мингдан ортиқ тадбиркор аъзо бўлиб кирди ва жорий йилда 19 минг тонна асал етиштирилди.

Ирригация ва мелиорация тадбирларининг барча харажатлари тўлиқ давлат бюджети ҳисобидан қопланаётгани деҳқон ва фермерларимиз учун катта мадад бўлиб, экинлардан мўл ҳосил олиш имконини бермоқда.

Экин майдонларини сув билан кафолатли таъминлаш мақсадида бу йил давлат бюджетидан 1 триллион 328 миллиард сўм ёки 2018 йилга нисбатан 1,8 марта, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун эса 645 миллиард сўм ёки 1,2 баробар кўп маблағ ажратилди. Бундан ташқари, йил охиригача халқаро молия институтларининг 126,8 миллион доллар ёки 2018 йилга нисбатан қарийб 3 баробардан зиёд кредитлари ўзлаштирилади.

Жонажон Ўзбекистонимизни тараққиётнинг янги босқичига кўтариш вазифаси ва жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотларига талаб ошиб бораётгани аграр соҳани тубдан ислоҳ қилишни,

унга бозор механизмлари, айниқса, инновацион ва тежамкор технологияларни, инвестицияларни кенг жалб қилишни тақозо этмоқда.

Шундан келиб чиқиб, бу йил қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш Концепцияси ва соҳани келгуси 10 йилликда ривожлантириш бўйича Стратегияни қабул қилдик.

Қўлга киритилган ютуқлар ҳақида гапирганда, сиз, миришкор фермер ва деҳқонлар, соҳа ходимларининг сидқидил ва фидокорона меҳнатингизни, бутун умрини қишлоқ хўжалиги ривожига бағишлаган минглаб азиз ватандошларимизнинг номларини фахр ила тилга оламиз.

Шу ўринда 11 мингдан зиёд фермер хўжалиги 30 ёшгача бўлган ёшлар томонидан бошқарилаётгани, 5 минг 600 та фермер хўжаликларига хотин-қизларимиз раҳбарлик қилаётганини таъкидлашни истардим. Бу бизнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги улкан бойлигимиз, олтин фондимиз, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Келгусида соҳани барқарор ривожлантиришга қаратилган комплекс дастурларни татбиқ этиш, замонавий технологияларни қўллаган ҳолда маҳсулот етиштириш турлари ва экспорт ҳажмлари ортишини таъминлаш устувор мақсадларимиз бўлиб қолаверади.

Тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, соҳани зарур техникалар билан таъминлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш ишларини яхшилаш, илғор билим ва кўникмаларга эга мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш фаолиятини такомиллаштиришга эътиборни янада кучайтирамиз.

Мавсум охирида, йил якунлари сарҳисоб қилинаётган мана шу айёмда сизларга, барча қишлоқ аҳлига олижаноб меҳнатингиз учун яна бир бор чуқур миннатдорлик билдираман.

Ҳаёт синовларида тобланган, мард ва матонатли фермерларимиз, барча қишлоқ хўжалик ходимлари бундан буён

ҳам халқимиз фаровонлигини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдек ғоят масъулиятли вазифани адо этишда бутун куч-ғайрат ва имкониятларини сафарбар этадилар, деб ишонаман.

Мухтарам деҳқон ва фермерлар!

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳалол ва фидокорона меҳнат қилаётган азиз ва қадрли юртдошлар!

Сизларни яна бир бор ушбу шукуҳли ва файзли байрам билан чин қалбимдан табриклаб, энг эзгу ва самимий тилакларимни изҳор этаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат, масъулиятли ва шарафли меҳнат фаолиятингизда улкан зафарлар, хонадонларингизга қут-барака ва хотиржамлик ҳамиша ёр бўлишини тилайман.

2019 йил 6 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!

Мана шу қувончли лаҳзаларда сиз, азизларни, кўпмиллатли бутун халқимизни Янги йил байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман! Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт тилайман!

Ўтиб бораётган йил мамлакатимиз учун унутилмас воқеаларга бой бўлди. Турли қийинчилик ва синовларни ҳам бошимиздан кечирдик.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да улкан ютуқларга эришдик. Мамлакатимиз салоҳияти ва рақобатбардошлигини ошириш йўлида янги қадамлар қўйилди.

Иқтисодиётимизнинг етакчи соҳа ва тармоқлари жадал ривожланмоқда. Юқори технологияларга асосланган замонавий корхоналар, янги транспорт тизимлари ишга туширилмоқда.

Миришкор деҳқон ва фермерларимиз, мураккаб об-ҳаво шароитига қарамасдан, мўл ҳосил етиштирдилар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилди.

Йил давомида ҳудудларда аҳоли, айниқса, ёшларимиз, хотин-қизлар учун кўплаб янги иш ўринлари яратилди.

Давлат дастурлари асосида шаҳар ва қишлоқларимиз, юртимиз қиёфаси бутунлай ўзгармоқда.

2019 йилда минг-минглаб юртдошларимиз, жумладан, кам таъминланган оилалар шинам уй-жойларга эга бўлдилар.

Илм-фан, таълим ва тарбия соҳасида туб бурилиш даври бошланди.

Янги-янги боғча ва мактаблар, олий ўқув юртлари, етакчи хорижий университетларнинг филиаллари, шифохоналар, маданият ва спорт масканлари бунёд этилмоқда.

Энг муҳими, одамларимизнинг ҳаёт даражаси, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи тобора кучаймоқда.

Жамиятимизда демократия тамойиллари, очиқлик ва эркинлик муҳити чуқур қарор топмоқда.

Куни кеча Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар буни яққол тасдиқлади. Сайловлар Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлидан ортга қайтмаслигини яна бир бор исботлади.

Мустақиллигимиз, осойишта ҳаётимиз кафолати бўлган Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳияти мустаҳкамланмоқда.

Тинчликсевар ва амалий ташқи сиёсат олиб бораётган давлатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ортиб бормоқда.

Мухтасар айтганда, 2019 йил янги Ўзбекистон тарихида ҳар томонлама ёрқин из қолдирмоқда.

Ҳурматли юртдошлар!

Биз миллий юксалишнинг муҳим босқичига қадам қўймоқдамиз.

2020 йилда ҳам иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда кенг кўламли ислохотларимизни фаол давом эттирамиз.

Хусусий мулк, тадбиркорлик ва бизнес учун янада қулай муҳит яратишга, янги иш ўринлари ташкил этишга алоҳида аҳамият қаратамиз. Иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларни, аҳоли реал даромадларини кўпайтириш эътиборимиз марказида бўлади.

Одамларимизнинг яшаш шароитини, коммунал-маиший хизмат сифатини яхшилаш, арзон ва қулай уй-жойлар қуриш бўйича бошлаган ишларимизни янада кенгайтирамиз.

Фарзандларимизга муносиб таълим ва тарбия беришга, уларнинг қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқаришга барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган ишларимиз янги босқичга кўтарилади.

Нуроний фахрийларимиз, мунис опа-сингилларимизга эътибор ва ғамхўрликни янада кучайтирамиз.

Ижтимоий ҳимоя ва кўмакка муҳтож юртдошларимизни доимий қўллаб-қувватлашга биринчи даражали аҳамият берамиз.

Тинчлик ва барқарорликни, жамиятимизда ўзаро ҳурмат ва аҳилликни мустаҳкамлаш асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Бу борада дунё ҳамжамияти, аввало, ён қўшнилари билан самарали ҳамкорликни ҳар томонлама кучайтирамиз.

Азиз юртдошларим, кадрдонларим!

2020 йил ҳар бир оила, ҳар қайси хонадонга кут-барака, бахт ва омад олиб келсин!

Барча эзгу мақсадларимиз рўёбга чиқсин!

Жонажон Ўзбекистонимиз гуллаб-яшнасин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

2019 йил 31 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ
28 ЙИЛЛИГИ ВА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ
КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

Хурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар,
Қуrolли Кучларимиз фахрийлари!

Кадрли юртдошлар!

Ўз ҳаётини Ватанни ҳимоя қилишдек энг улуғ ва олижаноб ишга бағишлаган сиз, азизларни, бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари ташкил этилганининг 28 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу қутлуғ айёмда барчамиз аввало ўз жанговар постида доимо хушёр ва сергак туриб, юртимиз сарҳадларини кўз қорачиғидек асраб келаётган мард ва жасур, содик ўғлонларимизни, фидойи ота-боболаримизни, ҳақиқий ватанпарвар инсонларни шарафлаб, уларнинг шаънига энг эзгу тилақларимизни изҳор этамиз.

Ана шундай ботир ва жонкуяр фарзандларни тарбиялаб вояга етказган хурматли ота-оналарга, ҳарбий хизматчиларимизга ўз муқаддас бурчини адо этишда ҳамиша тоғдек таянч бўлиб келаётган уларнинг оила аъзоларига чуқур миннатдорчилик билдирамыз.

Армиямизнинг куч-қудрати ҳарбий хизматчилар билан бутун жамиятимизнинг бирлиги ва ҳамжихатлигида, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламыз.

Мана шундай буюк маънавий қудрат манбаи бор экан, ҳеч қандай ёвуз куч Ўзбекистон мустақиллигига, тинч ва осуда ҳаётимизга раҳна сололмайди, бизни демократик ўзгаришлар йўлидан ортга қайтара олмайди.

Мухтарам дўстлар!

Ватанимиз мустақиллиги, халқимизнинг тинч, эркин ва фаровон ҳаётининг мустаҳкам кафолати бўлган Ўзбекистон Қуролли Кучлари ўтган 28 йилда ғоят мураккаб ва айни пайтда шонли шаклланиш йўлини босиб ўтди.

Айниқса, кейинги йилларда олиб борилаётган туб ислохотлар натижасида миллий армиямиз ҳар қандай хавф-хатарга муносиб зарба бера оладиган қудратли, тезкор ва самарали кучга айланиб бормоқда.

Минтақамизда очиклик ва миллий манфаатларни ўзаро ҳисобга олиш тамойилларига асосланган янги сиёсатни амалга ошириш доирасида Қуролли Кучларимиз Марказий Осиёнинг барча мамлакатларидаги ҳамкасблари билан яқин шериклик алоқаларини ўрнатди ва мустаҳкамламоқда. Сўнгги йилларда биз бир қатор қўшма ўқув машғулотларини биргаликда ўтказдик. Шунингдек, юқори даражадаги ҳарбий делегацияларнинг ташрифларини ташкил этдик, тезкор ва жанговар тайёргарлик борасида тажриба алмашдик.

Бизнинг тобора кучайиб бораётган бундай ҳамкорлигимиз бугунги кунда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни, Марказий Осиё деб аталмиш умумий уйимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг муҳим омилига айланиб бормоқда.

Дунёдаги энг юксак стандартлар даражасида ташкил этилган узлуксиз ҳарбий таълим тизими изчил ривожланмоқда. Ҳозирги пайтда янгитдан тузилган, моҳият эътибори билан ноёб бўлган Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти мамлакатимизнинг замонавий олий таълим муассасалари қаторидан муносиб жой эгаллади.

Шу билан бирга, бошқарувнинг тезкор-стратегик бўғинида хизмат қиладиган офицер кадрларни тайёрлайдиган янги факультет ташкил этилди, Қуролли Кучлар академиясида қўшимча таълим инфратузилмалари фойдаланишга топширилди. Махсус вазифаларни бажарадиган бўлинмалар учун

ҳарбий хизматчилар тайёрлайдиган ўқув марказини ташкил этиш жараёни ниҳоясига етказилмоқда. Миллий гвардиянинг Ҳарбий-техник институти фаолиятини такомиллаштириш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда.

Жанговар тайёргарликнинг модернизация қилинган, мослашувчан тизимини жорий этиш билан уйғун ҳолда, Куролли Кучларнинг янги ташкилий тузилмага ўтказилиши миллий армиямизнинг жанговар тайёргарлиги ва жанговар қобилиятини бир неча баробар оширди.

Бугунги кунда бизнинг ҳарбийларимиз ўзларининг профессионал тайёргарлик даражаси бўйича жаҳондаги етакчи мамлакатлар армияларининг ҳарбий хизматчиларидан асло қолишмаслигини сўзда эмас, амалда исботламоқда. Халқаро ҳарбий ўқув мусобақаларида, армиялар ўртасидаги ва спорт беллашувларида Ўзбекистон вакиллари ўзларининг маҳорати, руҳан бақувватлиги, ғалабага бўлган иродасини намоён этмоқда, буюк аجدодларимизнинг муносиб ворислари эканликларини яққол кўрсатмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси бутун Ўзбекистон халқида, айниқса, ёшларимизда миллий армиямиз билан фахрланиш туйғусини, Ватан ҳимоячисидек шарафли касбга ҳурмат-эҳтиром ҳиссини уйғотмоқда.

Миллий армиямизни курул-яроғ ва бошқа зарур воситалар билан таъминлашга қодир бўлган муҳофаа-саноат комплексимизни янада ривожлантириш бўйича вазифалар босқичма-босқич ҳал қилинмоқда.

Чирчиқ авиация таъмирлаш заводи ва жанговар ўқ-дорилар ишлаб чиқарадиган корхонанинг модернизация қилингани ва техник қайта жиҳозлангани бунга яққол мисол бўла олади, уларда қайта ташкил этилган илмий-техник салоҳият эса мазкур тармоқларда илмий-ишлаб чиқариш кластерларини шакллантиришнинг асосига айланиб бормоқда.

Иқтисодиётнинг тўлақонли муҳофаа секторини шакллантириш бўйича амалга ошираётган ишларимиз яқин истиқ-

болда нафақат миллий армиямизни қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш, балки кўшимча иш ўринлари яратиш, шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиётини диверсификация қилиш имконини ҳам беради.

Халқ ва армия ўртасида ишончли кўприкка айланган ҳарбий-маъмурий секторлар фаолиятида муайян ютуқлар кўзга ташланмоқда. Ушбу секторлар ташкил этилганидан буён **«Халқ ва армия – бир тану бир жондир»** деган шиор остида ҳарбий инфратузилмаларни модернизация қилиш ва тўпланиб қолган ижтимоий муаммоларни ҳал этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Ҳарбий шаҳарчалар замонавий қиёфага эга бўлди, моддий таъминот хизматлари соҳасига аутсорсинг тизими жорий этилди. Ўтган уч йил давомида **8 мингдан** зиёд ҳарбий хизматчилар оилаларини қулай ва шинам квартиралар билан таъминлаш учун **275 та** кўп қаватли уй-жой барпо этилди, ҳарбий хизматчиларнинг аёллари учун қарийб **600 та** янги иш ўрни яратилди, **1 минг 900 нафар** ҳарбий пенсионер ишга жойлаштирилди.

Армиямиз униб-ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик ва она юртга муҳаббат, миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат, шонли тарихимизни чуқур билиш руҳида тарбиялаш борасидаги ишларга фаол киришганини алоҳида қайд этишни истардим. «Ватанпарвар» ва «Фахрийлар» сингари ташкилотлар, шунингдек, Мудофаа вазирлиги қошидаги Жамоатчилик кенгаши ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни янада кучайтириш ҳамда уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш бўйича ғоят зарур бўлган ишларни биргаликда давом эттиради, деб ишонаман.

Шу ўринда Қуролли Кучлар фаолияти устидан фуқаролик назоратини кучайтириш зарурлигини таъкидламоқчиман. Бугунги кунда мамлакатимиз парламенти ўзининг кенгайтирилган ваколатлари доирасида «Мудофаа доктринаси тўғрисида»ги қонун ва мудофаа соҳасидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар

ижросини назорат қилмоқда. Ўтган йили Олий Мажлис Сенати томонидан Қуролли Кучларнинг қурилиши ва ривожланиши, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташига доир долзарб масалалар юзасидан ҳарбийлашган вазирлик ва идоралар раҳбарларининг маърузалари бир неча бор эшитилганини таъкидлаш лозим.

Қадрли юртдошлар!

Жаҳондаги вазият шиддат билан ўзгариб, дунёнинг айрим минтақаларида аҳвол кескинлашиб, халқаро терроризм ва экстремизм хавфи ортиб бораётгани биздан халқаро ва минтақавий вазиятни ҳар томонлама таҳлил ва прогноз қилишни, мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, Қуролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлиги ва салоҳиятини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни кўришни талаб этмоқда.

Давлат чегараларини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш тизимини янада мустаҳкамлаш, қўшинларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, жанговар тайёргарликни ташкил этиш самарадорлигини ошириш, Қуролли Кучларни энг янги қурол-яроғ ва техникалар билан таъминлаш, мамлакатимиз муҳофаа-саноат комплексини ривожлантириш бўйича фаол олиб борилаётган ишларни изчил давом эттириш зарур.

Биз юқори малакали ҳарбий кадрлар тайёрлаш, ўқув-тарбия жараёнларига илғор хорижий тажрибаларни, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга, шунингдек, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ҳамда Қуролли Кучлар фахрийларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишга бундан буён ҳам биринчи даражали аҳамият қаратамиз.

Хурматли дўстлар!

Ватанимизнинг мард ва жасур ҳимоячилари!

Ушбу қутлуғ байрам кунларида ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигини нишонлаш арафасида ўз ҳаёти эвазига дунё халқларининг озодлиги ва

эркинлигини сақлаб қолишга эришган ғолиб аждодларимизга юксак ҳурмат ва эътибор кўрсатиш қанчалик муҳим эканини барчамиз ҳар қачонгидан ҳам чуқур ҳис этиб, бу борада катта амалий ишларни амалга оширмоқдамиз.

Сиз, ҳурматли ҳарбий хизматчиларга – аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийларига Ватанимизга сидқидилдан хизмат қилишдек шарафли вазифани адо этишда мустаҳкам соғлик, улкан муваффақиятлар, куч-ғайрат, оилаларингизга эса янги – 2020 йилда фойзбарака ва бахт-саодат ёр бўлишини тилайман.

2020 йил 14 январь

«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН» ГАЗЕТАСИ ЖАМОАСИГА

Аввало, сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда мамлакатимиздаги барча журналистлар ва оммавий ахборот воситалари ходимларини «Янги Ўзбекистон» газетасининг илк сони билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу ижтимоий-сиёсий нашр ўз олдига канчалик улкан мақсад ва режалар қўйгани унинг номидан ҳам яққол кўриниб турибди.

Ҳақиқатан ҳам, бугун Ўзбекистон ўз тараққиётининг мутлақо янги, янада юксак босқичига кадам қўймоқда.

Ҳаракатлар стратегияси асосида давлат ва жамият қурилишини тубдан такомиллаштириш, ошкоралик, қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш, иқтисодиётни либераллаштириш, ижтимоий соҳани ҳар томонлама ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш, шунингдек, ўзаро манфаатли, очиқ ва амалий шериклик руҳидаги ташки сиёсат олиб бориш каби йўналишларда амалга оширилаётган салмоқли ишларимиз, моҳият эътибори билан Ватанимизнинг бутунлай янгича қиёфасини яратишга хизмат қилаётгани барчамизга яхши маълум.

Ана шундай улуғвор ва тарихий ўзгаришларнинг ўзига хос кўзгуси бўлиб майдонга чиқаётган газета юртимиздаги демократик ислохотлар, ҳудудлардаги бекиёс бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларининг аҳамияти ҳамда натижаларини ҳолис ва ҳаққоний ёритишга, аҳоли вакиллари ва жамоатчилик фикрини шакллантиришга, мавжуд муаммо ва камчиликларни таҳлилий материаллар орқали дадил кўтариб чиқиб, ахборот маконида муносиб ўрин эгаллашига ишончим комил.

Глобаллашув ва мафкуравий курашлар шиддатли кўриниш олган ҳозирги мураккаб даврда янги шакл ва мазмунда чоп этила бошлаган «Янги Ўзбекистон» газетаси саҳифаларидан ҳар бир ватандошимиз энг зарур маълумотларни олиши, шу билан бирга, ўзини ўйлантираётган саволларга тўлиқ жавоб топиши, бугунги замон нафасини чуқур ҳис этиши кўзлаган мақсадларимизга ҳамоҳанг бўлур эди.

Бунинг учун таҳририят жамоаси ҳаётдан доимо бир кадам олдинда юриши, республикамизда ва халқаро майдонда рўй бераётган энг долзарб воқеа ва мавзуларни замонавий ижодий услуб ва илғор ёндашувлар орқали ўз муштарийларига тезкор тарзда етказа олиши, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг чинакам маънавий-маърифий ҳамроҳига айланиши зарур.

Ана шундай масъулиятли ва залворли вазифани сидқидилдан ва фидойилик билан адо этишда «Янги Ўзбекистон» газетаси ўз номига муносиб ҳамда миллий матбуотимиз учун ўрнак ва намуна бўлади, деб катъий ишонаман.

Жамиятимизда фикр ва қарашлар ранг-баранглиги, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, маънавият ва маърифат тарғиботи борасидаги ғоятда шарафли йўлда таҳририят жамоасига улкан муваффақиятлар ва ижодий фаоллик доимо ёр бўлишини тилаб қоламан.

2020 йил 24 январь

МУНИС ОНАЛАРИМИЗ, МЕҲРИБОН ОПА-СИНГИЛЛАРИМИЗ – ҲАЁТИМИЗ ГУЛТОЖИ

Ассалому алайкум, муҳтарама онахонлар!

Мунис опа-сингиллар!

Дилбар кизларим!

Аввало, сизларни, бутун Ўзбекистон хотин-қизларини гўзаллик ва нафосат айёми – 8 март байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Барчангизга ўзимнинг энг эзгу ва самимий тилакларимни билдириб, доимо оилангиз ва яқинларингиз, эл-юртимиз ардоғида бўлиш бахтини тилайман.

Азиз юртдошлар!

Ер юзида онгли ҳаёт пайдо бўлибдики, одамзот муқаддас Она сиймосини, аёл зотини улуғлаб, шарафлаб келади.

Оналаримиз шарофати билан Ватанимиз тупроғи жаннат боғларидек гўзал ва мўътабардир. Оналар дуосидан юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, ишимизда унум, ҳаётимизда барака бор.

Маълумки, муқаддас Қуръони каримнинг энг катта сура-ларидан бири – «Нисо», яъни, «Аёллар» деб аталади. Аллоҳ таоло ушбу сурада инсонларни аёлларга адолатли муносабатда бўлишга даъват этади ва бу илоҳий сўзлар замирида албатта теран ҳикмат мужассам.

Бир ҳақиқат аёнки, ҳар қандай халқнинг маънавий даражасини аввало шу юрт аёлларининг маънавий савияси белгилайди.

Буюк сиймоларнинг ҳаётига назар ташласак, уларнинг шахс сифатида камол топишида меҳрибон оналари, доно рафикалари ғоят муҳим роль ўйнагани аён бўлади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, гендер тенгликни таъминлаш, оила, оналик ва болаликни химоя қилиш, аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, улар учун янги иш ўринлари яратиш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Бугун сиз, азизларнинг чехрангизда хурсандчилик, шукроналик ифодасини кўриб, ана шундай ишларимиз натижасини оз бўлса-да, ҳис этмоқдамиз. Ва биз мана шу тўғри йўлни давом эттириш, унинг самарасини янада ошириш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Кадрли опа-сингиллар!

Бугунги кунда кенг кўламли демократик ислохотларимиз натижасида аёлларимизнинг сиёсий-ижтимоий жараёнлардаги иштироки тобора кучайиб бормоқда. Буни ўтган йил декабрь ойида мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар яна бир бор тасдиқлади.

Сайловлар натижасига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 150 нафар депутатнинг 48 нафари ёки 32 фоизини хотин-қизлар ташкил этди. Бу кўрсаткич Сенатда ва маҳаллий кенгашларда 25 фоиздан ошди.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллий парламентда аёллар сони Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди. Мамлакатимиз парламенти аёл депутатлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-ўринга кўтарилди. Ҳолбуки, – шунга эътибор беришингизни сўрайман – бундан 5 йил аввал биз бу борада 128-ўринда эдик.

Ҳозирги вақтда давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 380 нафардан зиёд хотин-қизлар раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилмоқда.

Муҳтарама аёлларимиздан 16 нафари Ватанимизнинг энг олий мукофоти – «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор

бўлгани барчамизни кувонтиради. Хотин-қизларимиз ўрта-сида фан докторлари, профессор ва академиклар, «Халқ ўқитувчиси», «Халқ шоири», «Халқ артисти» унвонларига сазовор бўлган юзлаб опа-сингилларимиз борлиги – бу бизнинг фахримиз.

Биз ҳозирги кунда ишлаб чиқариш, таълим-тарбия, тиббиёт, илм-фан, маданият ва спорт соҳалари ривожига ҳам аёлларимизнинг муносиб ҳиссаси борлигини юксак баҳолаймиз.

Барчангиз хабардорсиз, миллий парламентимиз тарихида биринчи марта аёл киши – ҳурматли Танзила Камаловна Нарбаева Сенат Раиси лавозимига сайланди.

Юртимизда аёл раҳбарлар – вазирлар, ҳокимлар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, банк ва компаниялар раислари, ҳуқуқ-тартибот идораларида, Қуролли Кучларимиз таркибида масъул вазифаларда хизмат қилаётган опа-сингилларимиз сони ортиб бормоқда.

Яқинда ташаббускор ва ташкилотчи аёлларимизнинг муносиб вакиллари ғоят масъулиятли вазифага – туман ва шаҳар ҳокими лавозимларига тайинландилар. Жумладан, Андижон вилоятининг Бўстон туманига – Садбархон Мамитова, Бухоро вилоятининг Олот туманига – Наргиза Неъматова, Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманига – Зулайхо Маҳкамова, Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳрига – Гавҳар Алимова, Сирдарё вилоятининг Боёвут туманига – Дилфуза Ўролова, Қашқадарё вилоятининг Қарши туманига – Махсуда Мустафоева биринчи раҳбар этиб тасдиқландилар.

Эл-юртимизнинг катта ишончини қозонган бу опа-сингилларимиз бугунги анжуманда иштирок этмоқдалар. Уларнинг барчасини самимий табриклаб, ишларига ютук ва омадлар тилашга ижозат бергайсиз.

Мамлакатимизда ўз фаолияти, эзгу ишлари билан кўпчиликка ибрат ва намуна бўлаётган хотин-қизларимиз кўпайиб бораётгани барчамизни хурсанд қилади. Шулар қаторида

Фарғона вилояти, Риштон шаҳрида яшайдиган тадбиркор аёл Израбу Усмонова ҳаж зиёратига атаб йиллар давомида йиғиб келган маблағини моддий шароити оғир маҳалладошларига бегараз ёрдам сифатида ҳадя қилгани матбуотда кенг ёритилди.

Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани, «Ўзбекистон» маҳалласида Гавҳар Хусанова деган фаол синглимиз бор. Айни вақтда у туман кенгашининг депутати этиб сайланган. Гавҳарнинг қайнонаси Гулбаҳор ая ўқитувчилик фаолияти давомида минглаб китоблар тўплаган экан. Гавҳар Хусанова уларнинг ёнига яна кўп адабиётларни қўшиб, қишлоқ аҳли учун ўз ҳисобидан «Мумтоз» деб номланган катта кутубхона барпо этгани таҳсинга лойиқ.

Яқинда оммавий ахборот воситалари орқали истеъдодли ёш олима Азиза Шоназарованинг Америка Қўшма Штатларидаги нуфузли Колумбия университетининг профессори этиб тайинлангани ҳақида хушxabар тарқалди.

Пойтахтимизнинг Қорақамиш даҳасида вояга етиб, Тошкент шарқшунослик институтида, кейинчалик Польша ва АҚШдаги машҳур университетларда таълим олган Азизахон 32 ёшида тарих ва диншунослик йўналишида фан доктори бўлгани, 500 та талабгор орасида конкурсда ғолиб чиқиб, ана шундай юксак илмий даражага эришгани олқишга сазовордир.

Бу синглимизнинг айни вақтда яхши оила бекаси ва она экани, араб, форс, турк, рус, инглиз, француз, немис, поляк тилларида эркин мулоқот қилиши, эришаётган юксак натижалари мамлакатимиз ёшлари учун чинакам ибрат намунаси бўлади, деб ишонаман.

Азизахон ўз хурсандчилигини юртдошлари билан баҳам кўриш учун олис йўл босиб, АҚШдан Ўзбекистонга етиб келди. Келинлар, ёш олимамизни самимий табриклаб, унга янада улкан ютуқлар тилайлик.

Айни вақтда бугунги тантанали маросимда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган Хитой Халқ Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор элчиси Цзян Янь, Миср Араб Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор элчиси Амани ал-Итр, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий координатори Хелена Фрейзер ва Тараққиёт дастурининг доимий вакили Матильда Димовска, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ваколатхонасининг раҳбари Лиан Куппенс, Халқаро Қизил хоч кўмитасининг минтакавий ваколатхонаси раҳбари Сангита Кёниг, Осиё тараққиёт банкининг доимий ваколатхонаси раҳбари Синтия Мальвичини хонимларни кўриб турганимиздан бениҳоя мамнунмиз.

Мамлакатимиз билан самарали ҳамкорликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган ана шу ҳурматли меҳмонларимизни Халқаро хотин-қизлар куни билан табриклаб, эзгу тилакларимизни билдиришга рухсат бергайсиз.

Қадрли анжуман қатнашчилари!

Юртимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг оғирини енгил қилиш мақсадида ўтган йили салмоқли ишлар бажарилди. Жумладан, аёлларимиз учун жами 170 мингга яқин иш ўрни яратилди. Тижорат банклари ва Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан 172 мингдан ортиқ опа-сингилларимизга 4,9 триллион сўм кредитлар ажратилди.

Республикаимизнинг барча ҳудудларида Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари ташкил этилди. Бугунги кунда улар томонидан 28 мингга яқин опа-сингилларимизга тадбиркорлик, хунармандлик, касбга қайта тайёрлаш, бандликни таъминлаш юзасидан амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Шунингдек, беш муҳим ташаббус доирасида 21 минг 500 нафар қизларимиз қисқа муддатли касб-хунар курсларида ўқитилди.

Ана шундай имкониятлар туфайли тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган аёллар сони бир йилда қарийб 45 минг

нафарга кўпайиб, улар томонидан минглаб янги иш ўринлари барпо этилмоқда.

Мамлакатимизда жамият негизи бўлган оила институтини, ижтимоий-маънавий муҳитни мустаҳкамлаш бўйича ҳам эътиборга лойиқ ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, хонадонлардаги ўзаро келишмовчилик ва низоларни бартараф этиш, оилавий ажримлар сонини камайтириш бўйича давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан кенг қамровли ишлар бажарилмоқда. Уларни ижобий баҳолаган ҳолда, бу ютуқлар биринчи қадамлар эканини, ҳали бу соҳада қиладиган ишларимиз жуда кўплигини ҳам таъкидлаш лозим.

Албатта, ҳаёт деган нарса синов ва машаққатларсиз бўлмайди. Лекин арзимаган қийинчиликка ҳам сабр қилмасдан, муқаддас оила кўрғонини бузиш, ажримларга йўл қўйишни барчамиз миллий урф-одатларимизга, меҳр-оқибатли, андишали халқимизга мутлақо ярашмайдиган ҳолат, деб баҳолашимиз зарур. Нега деганда, агарки биронта оилада нотинч вазият ҳукмрон бўлса, ўзаро низолар туфайли бегуноҳ болалар тирик етимга айланадиган бўлса, ёрдам ва кўмакка муҳтож инсонлар ўз холига ташлаб қўйилса, бундай ҳолатга қарши ҳаммамиз биргаликда курашишимиз керак.

Ҳозирги вақтда аёлларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга доир дастурларимиз ўзининг дастлабки самарасини бера бошлади. Хусусан, оналик ва болаликни ҳимоя қилишга қаратилган ишлар туфайли 2019 йилда оналар ва гўдаклар ўлими сезиларли равишда камайгани ҳам шундан далолат беради.

Хотин-қизларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича ҳам мунтазам иш олиб борилмоқда. Шу мақсадда 2019 йили 141 минг 500 дан ортиқ опа-сингилларимиз турли масъул идоралар ходимлари томонидан қабул қилиниб, улар кўтарган муаммоларнинг аксарият қисми ижобий ҳал этилганини айтиш зарур.

Ўтган даврда юртимиздаги 197 та туманда зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказлари фаолияти йўлга қўйилди.

Бугунги кунда билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган аёлларга нисбатан кечиримли бўлиш, уларни соғлом ҳаётга қайтаришда хотин-қизлар ташкилотлари фаол иштирок этмоқда. Бунинг натижасида 261 нафар хотин-қизлар ушбу ташкилотларнинг кафиллиги асосида суд залидан озод қилингани халкимизга хос инсонпарварлик намунасидир.

Ана шундай хайрли ишларимизнинг мантикий давоми сифатида мен кун кеча Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан яна бир муҳим тарихий фармонга имзо чекдим. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган 83 нафар хотин-қизлар афв этилди. Улар байрам арафасида ўз оиласи, яқинлари, фарзандлари бағрига қайтиш имконига эга бўлди.

Ана шу афв этилган аёлларнинг ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш кечириб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул идоралар томонидан тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда барча давлат ва нодавлат ташкилотлари, кенг жамоатчилик ҳам фаол иштирок этади, деб ишонаман.

Муҳтарам юртдошлар!

Барчангизга маълумки, январь ойида Олий Мажлисга йўлланган Мурожаатномада халкимиз, жумладан, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада самарали таъминлаш бўйича кўпгина долзарб вазифаларни белгилаб олдик. Ҳозирги вақтда уларни амалга ошириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга оид давлат сиёсати самарасини ошириш бўйича Президентнинг махсус фармони ва қарори қабул қилинганидан хабарингиз бор.

Оила, хотин-қизлар ва кексаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликни кучайтириш мақсадида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди.

Ҳеч кимга сир эмас, илгари маҳалла ва хотин-қизлар идораларига нисбатан талаблар кўп эди. Лекин, афсуски, бунинг учун уларда имконият ва ваколатлар етарли эмас эди.

Бугунги кунда хотин-қизлар манфаатларини оила, маҳалла ва жамият манфаатларидан ажратган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Ана шу масалаларни комплекс ҳал этиш, бу борада давлат сиёсатини янада юқори босқичга кўтариш – янги вазирликнинг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Маҳаллаларнинг мамлакатимиз ҳаётидаги катта ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, **22 март санасини юртимизда – Маҳалла тизими ходимлари куни** деб эълон қилдик. Насиб этса, бу янги байрамни биринчи бор шу йил Наврўз кунларида сизлар билан биргаликда кенг нишонлаймиз.

Қадрли дўстлар!

Ҳар бир ота-она ўз фарзандининг соғлом ва баркамол бўлиб, замонавий билим ва касб-ҳунарларни ўрганиб, жамиятда муносиб ўрин эгаллашини астойдил истайди. Айни шу эзгу мақсадларга эришиш учун мамлакатимиз таълим ва тарбия тизимида мисли кўрилмаган ислоҳотлар амалга оширилаётгани сизларга яхши маълум. Жумладан, жорий йилда таълим-тарбиянинг пойдевори бўлган болалар боғчалари сонини кескин ошириш бўйича кенг қамровли амалий ишлар олиб борилмоқда.

Қиёслаш учун бир мисолга эътиборингизни қаратмоқчиман. Агар ўтган йилнинг биринчи чорагида юртимизда жами 9 минг 700 тадан ортиқ боғча бўлган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 14 минг 50 тани ташкил этмоқда, яъни бир йилда 4 минг 350 тага ортиди.

Ана шундай саъй-ҳаракатларимиз билан бу йил болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш даражасини

ҳозирги 54 фоиздан 60 фоизга етказамиз. Натижада боғча тарбиясини олаётган фарзандларимизнинг сони бир йилда 400 мингтага кўпайиб, жами 1 миллион 800 минг нафарга етади.

Бу соҳада биз албатта катта иш қилдик. Аммо бу рақамлар ҳали бизни қониктирмайди. Нега деганда, биз бу масалада маррани баланд олганмиз. Бунинг замирида жуда катта маъно, мақсад бор. Чунки боғча тарбияси нафақат боланинг ўзига, балки унинг ота-онасига ҳам, қолаверса, бутун жамият ҳаётига ҳам кучли ижобий таъсир кўрсатади. Боласи боғчада, муносиб шароитда тарбия топаётганини кўрган аёл киши албатта хотиржам кайфиятда, шукроналик билан яшайди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда мактаб таълимини ривожлантириш умумхалқ ҳаракатига айланиб бормоқда. Шу кунларда «Замонавий мактаб» дастури ишлаб чиқилмоқда. Педагог кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан яхшилаш бўйича ҳам катта ишларни бошладик.

Бу борада биз таълимнинг барча босқичларида киз болалар тарбиясига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Буюк алломаларимиз, атоқли адибларимиз номларидаги мактаблар, Президент мактаблари барча ёшларимиз қатори илм-фан ва санъатга интилувчи кизларимиз учун ҳам кенг имкониятлар очиб бермоқда.

Албатта, ёш кизларимизни асраб-авайлаш, уларга тўғри тарбия бериш, мустақил ҳаётга тайёрлаш, халқимизга муносиб фарзандлар этиб камолга етказиш учун давлат ва жамият ўз зиммасидаги барча ишларни бажаради. Лекин бу ўта муҳим вазифани адо этишда оиланинг, меҳрибон буви-ларимиз, мунис оналаримиз, маҳалладаги кайвони аёллар-нинг ўрни ва таъсирини ҳеч ким босолмайди.

Шу ўринда рухсатингиз билан, машхур шоиримиз Муҳаммад Юсуфнинг икки қатор шеърини ўқиб бермоқчиман:

Қиз бор уйнинг файзи бўлак, дейдилар, Жаннат йўли – қиз бор йўлак, дейдилар.

Қаранг, қандай маъноли, қандай ҳаққоний сўзлар!

Шу муносабат билан бугунги даврамизда иштирок этаётган ва мени эшитиб турган мухтарама опа-сингилларимизга мурожаат қилиб айтмоқчиман: келажагимизнинг бахту иқболи бўлган қизларимизни энг гўзал фазилатлар, билим ва одоб соҳибалари этиб тарбиялашни ўз эътиборингизга, ўз масъулиятингизга олсангиз, давлатимиз ҳам, халқимиз ҳам сизлардан чексиз миннатдор бўлади.

Бу борада янги ташкил этилган Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, кўпни кўрган нуронийларимиз, хотин-қизлар фаоллари, ҳурматли муаллима ва мураббиялар, Ўзбекистоннинг барча жонкуяр аёллари ушбу ташаббусни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, ёш қизларимизга муносиб таълим ва тарбия беришдек ғоят машаққатли, аммо олижаноб ва савобли ишга улкан ҳиссаларини қўшадилар, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, мен бугун бир таклиф билан Сизларга мурожаат қилмоқчиман: мана шу эзгу ишларимизга камарбаста бўлиб, ёш қизларимизга устозлик қилиб, уларга таълим-тарбия берадиган ҳақиқий мураббийларни рағбатлантириш мақсадида келгуси йил 8 март байрамидан бошлаб ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан икки нафардан энг муносиб вакилни давлат мукофоти билан тақдирлашни таклиф этаман.

Ҳурматли тadbир иштирокчилари!

Таълим-тарбия масаласида кўп йиллар бизни қийнаб келган оғир муаммолардан бири – бу олий ўқув юртларига қабул квоталарининг чеклангани билан боғлиқ эди. Масалан, 2–3 йил аввал олий таълим муассасаларига қабул даражаси йилига 60–70 минг кишини, бошқача айтганда, мактаб битирувчиларининг атиги 9 фоизини ташкил этар эди.

Шунинг учун бу соҳада ҳам жиддий ислохотларни бошладик. Ўтган йили тарихимизда биринчи марта 150 минг нафар ёшларимиз талабаликка қабул қилинди. Шу тариқа мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини 20 фоизга етказдик.

Албатта, бу ишлар осонлик билан бўлаётгани йўқ. Бунинг учун мавжуд моддий-техник, ўқув-услубий базани мустаҳкамлаш, олий ўқув юртлари тармоғини кенгайтириш, профессор-ўқитувчилар, педагоглар, илмий ходимларнинг профессионал малакасини ошириш учун катта куч, маблағ ва имкониятларни сафарбар этишга тўғри келмоқда. Лекин қанчалик қийин бўлмасин, фарзандларимиз тақдири учун, келажагимиз учун биз бу ишлар кўламини янада кенгайтирган ҳолда, албатта амалга оширамиз. Олий таълимга қамров кўрсаткичини жорий йилда камида 25 фоизга, келгусида эса 50–60 фоизга етказамиз.

Аёлларнинг илмий ва маданий савиясини юксалтириш, уларни муносиб иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида бу йил қизларимиз учун олий ўқув юртларига алоҳида қабул квоталари жорий этилади. Буям тарихимизда биринчи марта қўлланаётган тажрибадир. Чунки ўқимишли, олий маълумотли аёл оилада ҳам, ишда ҳам, жамият ҳаётида ҳам ҳамма нарсага илм-маърифат билан, онгли ва фаол ёндашади ва муносиб иштирок этади.

Бинобарин, агар биз фарзандларимизни соғлом ва баркамол, Ватанга содиқ инсонлар этиб вояга етказиш ниятида эканмиз, аввало хотин-қизлар учун илм-фан ва касб-хунар йўлларини кенг очиб беришимиз керак.

Агар биз бўлғуси хоразмийлар, фарғонийлар, берунийлар, бухорийлар, улуғбеклар, навоийларни тарбияламоқчи эканмиз, биринчи навбатда, ҳар томонлама соғлом, юксак билимли ва маънавиятли оналарни тарбиялашимиз зарур.

Биз жорий йилга юртимизда Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили, деб ном бердик, бу

борада Давлат дастурини қабул қилдик. Ана шу дастурни ишлаб чиқишда биз аввало ҳурматли оналаримиз, опа-сингилларимизнинг орзу-истаклари, талаб ва эҳтиёжларини ҳам инобатга олдик. Бу борада ўз олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда ҳам, бутун халқимиз қатори, сиз, азизларнинг бой билим ва тажрибангиз, маданий ва маърифий салоҳиятингизга таянамиз.

Аёлларимиз ҳаётий муаммоларни, оила ва маҳалладаги ўтқир масалаларни, уларни бартараф этиш йўллари-ни, жамиятнинг томир уришини бошқалардан кўра яхшироқ биладилар. Улар ўзларининг меҳрибонлиги, юксак масъулият туйғуси, меҳнатсеварлиги билан барчага ўрнак бўла оладилар.

Биз давлат ва жамият бошқарувида, вазирлик ва идора-ларда чуқур билим ва малакага эга бўлган ташаббускор опа-сингилларимизга раҳбарлик лавозимларини ишониб топ-шириш бўйича бошлаган ишларимизни изчил давом этти-рамиз.

Бу масала шахсан Президентнинг назоратида бўлади.

Муҳтарама опа-сингиллар!

Хабарингиз бор, мамлакатимизда камбағалликни қисқар-тириш устувор вазифа этиб белгиланди ва бу йўналишда кенг қўламли чора-тадбирларни амалга оширишни бошладик.

Бир ҳақиқатни аниқ тушуниб олишимиз керак: кам-бағалликни қисқартириш учун биринчи навбатда иш-сизликни камайтириш керак. Аввало, аҳолини замонавий касб-ҳунарларга ўқитиш, уларнинг иқтисодий ва молия-вий саводхонлигини ошириш, одамларда, айниқса аёлларимизда тадбиркорликка иштиёкни уйғотиш зарур.

Биз бу борада жаҳон ҳамжамияти тажрибасини атроф-лича ўрганиб, халқаро ҳамкорликни йўлга қўймоқдамиз. Айни вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки каби нуфузли халқаро ташкилотлар, Хитой Халқ Республикаси ва бошқа давлатлар билан тадбиркорлик ва хусусий бизнесни

ривожлантириш, камбағалликка қарши кураш бўйича шу йилнинг ўзида 700 миллион долларлик дастурларни амалга оширишни кўзда тутмоқдамиз.

Шу кунларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси бошчилигида тузилган республика ишчи гуруҳи вилоятларда бўлиб, турмуш шароити оғир бўлган хотин-қизларнинг аҳволини ҳар бир ҳудуд бўйича аниқ таҳлил қилиб, уларга амалий кўмак бермоқда.

Ишчи гуруҳ томонидан қишлоқ жойларда яшаётган аёлларнинг, мустақил ҳаётга кираётган қизларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга ҳар томонлама ёрдам бериш бўйича ҳар бир маҳалла кесимида дастурлар ишлаб чиқилиб, ижроси ташкил этилмоқда.

Ишчи гуруҳнинг куну тун узлуксиз ишлайдиган, хотин-қизларнинг мурожаатларини қабул қиладиган «Ишонч телефонлари» ёки замонавий тилда айтганда, «Колл-сентр» фаолияти йўлга қўйилди.

Энди мамлакатимизнинг исталган шаҳар ёки қишлоғидан, чекка овуллардан ҳам аёлларимиз 1211 қисқа рақамини териб, ушбу марказга бевосита мурожаат қилиш имконига эга бўлдилар. Биз буни халқ билан самарали мулоқот олиб бориш йўлидаги бошлаган ишларимизнинг мантикий давоми, деб баҳолаймиз.

Ҳурматли ватандошлар!

Маълумки, юртимизда хотин-қизларнинг қобиляти ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларнинг меҳнатини муносиб кадрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, ҳар йили мамлакатимиз бўйича 28 нафар истеъдодли қизларимиз улуғ шоирамиз Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирланади.

Ҳозирги вақтда ушбу мукофотга сазовор бўлганлар сони 311 нафарга етди. Бу йил уларнинг сафига яна 28 нафар ўз соҳасининг энг иқтидорли вакиллари бўлган азиз фарзандла-

римиз қўшилмоқда. Улар ўзларининг самарали меҳнати, ёрқин истеъдоди, ибратли фазилатлари билан барча тенгдошларига ўрнак бўладилар, деб ишонаман.

Шу кунларда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича намунали фаолият олиб бораётган ҳурматли опа-сингилларимиздан 287 нафари «Мўътабар аёл» нишони билан тақдирландилар.

Фурсатдан фойдаланиб, уларнинг барчасини бундай эътироф билан самимий табриклашга ижозат бергайсиз.

Ушбу қутлуғ айём арафасида Президент Фармониға мувофиқ Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлиғи, соғлом ва баркамол авлод тарбияси, оила ва жамият асосларини мустаҳкамлаш йўлидаги муносиб хизматлари учун бир гуруҳ қадрли аёлларимиз юксак унвон, орден ва медаллар билан мукофотландилар.

Бугун сизларнинг ҳузурингизда ана шундай опа-сингилларимизнинг муносиб вакиллариға ҳамда Зулфия номидаги давлат мукофотиға сазовор бўлган қизларимизға давлатимизнинг юксак мукофотларини топшириш менга катта мамнуният бағишлайди.

Қадрли анжуман иштирокчилари!

Ҳаётимизнинг файзу фариштаси бўлган мунис оналаримиз, меҳрибон опа-сингилларимизға муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиб бериш, уларни рози қилиш – барча даражадаги раҳбарларнинг нафақат хизмат вазифаси, балки, энг аввало, инсоний бурчидир.

Биз ҳаммамиз – Президент, Ҳукумат раҳбарлари, вазирлар ва ҳокимлар, депутат ва сенаторлар – барча-барча етакчилар ана шундай юксак бурчни аниқ натижалар, амалий ишлар билан оқлашимиз зарур.

Азиз опа-сингиллар!

Ушбу шукуҳли айёмда бутун халқимиз дилидаги эзгу тилакларни мужассам қилиб, айтмоқчиман: янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги фидокорона меҳнатингиз учун Сизлардан чексиз миннатдормиз.

Ақл-заковатингиз, меҳр-оқибатингиз, сабру қаноатингиз билан барчамизга ибрат бўлиб, гўзал юртимизда тинчлик ва ҳамжиҳатликни сақлашга беқиёс ҳисса қўшиб келаётганингиз учун Сизларга минг бора ташаккур.

Сизларни гўзал байрамингиз билан яна бир марта табриклаб, барчангизга тинчлик-хотиржамлик, мустаҳкам саломатлик тилайман.

Дунёдаги энг улуғ саодат – оилавий бахт Сизларга доимо ёр бўлсин!

Эътиборингиз учун раҳмат.

*8 март – Халқаро хотин-қизлар кунига
бағишланган тантанали маросимдаги нутқ*

2020 йил 7 март

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА НАВРЎЗ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!

**Мухтарам отахон ва онахонлар, мунис опа-сингиллар, кадрли
ака-укалар!**

**Халқимизнинг келажаги, ишончи ва таянчи бўлган нав-
қирон ёшлар!**

**Авваламбор, барчангизни, кўпмиллатли бутун халқимизни
жонажон Ўзбекистонимизга кириб келган Наврўзи олам
билан чин қалбимдан самимий табриклаб, юксак ҳурмат ва
эҳтиромимни, энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.**

Ҳурматли дўстлар!

**Ҳаммамиз яхши биламиз, Наврўз тинчликни, сиҳат-
саломатликни кадрлаб, асраб-авайлаб яшашга даъват
этади.**

**Тинчлик ва соғлиқни асрасак, қолган нарсаларга ал-
батта эришамиз.**

**Лекин ҳозирги глобал дунёда бу жуда мураккаб вазифа
бўлиб қолаётганини барчамиз кўриб-билиб турибмиз.**

**«Йил йилга ўхшамайди», деган гап бежиз айтилмаган.
Ҳаёт ҳеч қачон бир текис кечмайди. Ҳаёт бор экан, синов бор,
кийинчилик бор.**

**Бу ҳақиқатни шу кунларда янада чуқур ҳис этмоқдамиз.
Бугун коронавирус инфекцияси деган жиддий бир хавфга
дуч келдик. Давлатимиз, ҳукуматимиз бу хатарни тезроқ
бартараф этиш учун барча зарур чораларни кўрмоқда.**

Гўзал диёримизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча юртдошларимиз янада жипслашиб, ҳар томонлама тартиб-интизомни сақлаган ҳолда, юксак онглилик ва масъулият кўрсатиб, мўътабар кексаларимизнинг дуои фотиҳалари билан бу синовдан эсон-омон ўтамиз, деб ишонаман.

Вужудга келган мураккаб шароитни ҳисобга олиб, бу йилги Наврўз байрамида оммавий тадбирлар ўтказишни тўхтатдик.

Фурсатдан фойдаланиб, вазиятни тўғри тушуниб, кўрилаётган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаётгани учун халкимизга яна бир бор раҳмат айтаман.

Насиб этса, тез орада бу ташвишли кунлар ортда қолади. Бундай сайил-томошаларни, тўю тантаналарни эл-юртимиз билан биргаликда ҳали кўп-кўп ўтказамиз.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Мавжуд қийинчилик ва синовларга қарамасдан, ҳаёт давом этади. Бу йил Наврўз айёми хонадонларда, оилавий давраларда кенг нишонланмоқда.

Бугун миришкор деҳқон ва фермерларимиз катта умид билан ерга уруғ қадамоқда. Ҳудуд ва минтақаларимизда **«Дарахт экиб, боғ яратамиз, юртимизни янада обод қиламиз»**, деган эзгу мақсадда миллионлаб кўчатлар экилмоқда.

Мана шу хосиятли кунда барчамиз йилимиз қутлуғ келсин, деҳқонларимизнинг бахтини, омадини берсин, ҳосилимиз мўл бўлсин, деб ният қиламиз.

Узоқ-яқиндаги мамлакатлар халқларини, Ўзбекистоннинг барча хорижий дўст ва ҳамкорларини шарқона янги йил – Наврўз айёми билан қутлаб, уларга самимий истакларимизни изҳор этамиз.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Илоҳим, дилимиздаги барча олижаноб орзу-интилишларимиз
рўёбга чиқсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Яратганнинг ўзи ҳаммамизни паноҳида асрасин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

2020 йил 21 март

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚ

Ассалому алайкум, кадрли ватандошлар!

Мухтарам уруш ва меҳнат фахрийлари!

Аввало, Ватанимизнинг ҳақиқий қаҳрамонлари бўлган сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда кўпмиллатли бутун халқимизни Иккинчи жаҳон урушида эришилган буюк Ғалабанинг 75 йиллик шонли байрами ҳамда Хотира ва кадрлаш куни билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Ҳурматли дўстлар!

Барчангиз хабардорсиз, сизлар билан бирга бундан роп-па-роса бир йил муқаддам азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида мухташам Ғалаба боғини барпо этишга қарор қилган эдик. Ушбу қароримиз замирида Ўзбекистон халқининг жанг майдонларида ва фронт ортида кўрсатган беқиёс жасорати ва матонатини тарих саҳифаларига муҳрлаш, ёш авлодимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсади мужассам экани сизларга яхши маълум.

Худога минг бор шукурки, эл-юртимиз дилидаги ана шу эзгу ният ижобат бўлиб, улуғ айём кунларида уруш ва меҳнат фахрийлари билан Ғалаба боғида ва «ойнаи жаҳон» орқали дийдор кўришиб турибмиз.

Буюк Ғалабанинг 75 йиллиги шарафига бунёд этилган бу бетакрор мажмуа қаҳрамон халқимизга муносиб бўлиб, ҳам меъморий жиҳатдан, ҳам тарихий-маънавий жиҳатдан ғоят ноёб ва маҳобатли обида бўлиб қад ростлади.

Мана шу улкан майдонда қисқа муддатда жуда катта ҳажмдаги курилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Ҳар жиҳатдан пухта ишланган лойиҳалар асосида Ғалаба боғи, «Шон-шараф» музейи, «Мангу жасорат», «Матонат мадҳияси» монументлари бунёд этилди. Халқимизнинг қонли жанглардаги мардлигини, фронт ортидаги машаққатли меҳнати ва фидойилигини акс эттиришга бағишланган кенг кўламли тарихий-бадий экспозициялар яратилди.

Агар вақт имкон берганда эди, уларнинг ҳар бири ҳақида соатлаб гапириш мумкин бўларди.

Уруш давридаги жанггоҳларни эслатадиган баланд тепалик устида афсонавий генерал Собир Раҳимов каби ҳарбий қўмондонларимиз, ўзбекистонлик барча ботир жангчиларнинг сўнмас хотирасига атаб «Мангу жасорат» деб номланган улуғвор монумент барпо этилди.

Замонавий музей санъати ва ахборот-коммуникация технологияларининг энг илғор ютуқлари асосида «Шон-шараф» музейи бунёд қилинди. Бу ерда намойиш этилаётган минглаб тарихий экспонатлар буюк Ғалабага буюк ҳисса қўшган халқимизнинг мислсиз жасоратини тараннум этишга, ёш авлодимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдек олижаноб мақсадга хизмат қилади.

Биз бугун уруш йилларида халқимиз кўрсатган бекиёс қаҳрамонликни улуғлайдиган, ўзида она Ватан тимсолини мужассам этган «Матонат мадҳияси» монументи пойига гулчамбар қўйиб, фидойи юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирдик. Шунини айтиш керакки, ушбу ёдгорлик мажмуасига қандайдир бадий образ эмас, балки ҳаётимизда чиндан ҳам бўлган тарихий воқеа – мўътабар бир инсон ва унинг оиласи тўғрисидаги ҳақиқат асос қилиб олинган.

Мен ўтган йили 9 май байрамида Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида яшаб ўтган Зулфия

Зокированинг ҳар қандай одамни ҳам ҳайратга соладиган инсоний жасорати ҳақида сўз юритган эдим.

Турмуш ўртоғи Холмат ака вафот этгач, Зулфия ая ёлғиз ўзи беш ўғил, бир кизни тарбиялаб вояга етказган. Иккинчи жаҳон урушида Исоқжон, Аҳмаджон, Маҳмаджон, Ваҳобжон, Юсуфжон деган бешта азамат ўғлидан жудо бўлган.

Ўзингиз ўйланг, азиз дўстлар, ҳар қандай инсонни ҳам яксон қилиб ташлайдиган бундай оғир зарбага чидаш мумкинми? Лекин матонатли, метин иродали ўзбек онаси бу чексиз кулфатга бардош бера олди.

Уруш туфайли Зулфия Зокированинг тўрт келини бева, беш набираси етим бўлиб қолди. Онаизор умрининг охирига қадар сув келса — симириб, тош келса — кемириб, қаҳрамон ўғилларининг азиз хотираси билан, келинлари, набираларининг ҳаёти, юртнинг ташвиш ва қувончлари билан яшади.

Зулфия аянинг меҳр-оқибатли келинлари ҳам ундан ўрнак олиб, унга мадад бўлиб, барчаси ўз ёрига, оиласига содик қолди — бошқа турмуш курмади.

Мана, бугунги даврамизда Зулфия ая Зокированинг қариндошлари — ҳурматли Раҳимжон Аҳмаджонов, Фарход Маҳмаджонов, Маърифат Аҳмаджонова, Саноат Маҳмудова, Мавлуда Холматова иштирок этмоқдалар. Бошларига тушган оғир қийинчиликларни мардона енгиб, Зулфия ая ва оталарининг хотирасини пок сақлаб, эл-юртимизга сидқидилдан хизмат қилиб келаётган бу юртдошларимизга барчамизнинг номимиздан чуқур миннатдорчилик билдиришга рухсат бергайсиз.

Мен ўтган йилги байрамда ўзбек аёллари, ўзбек халқининг мана шундай буюк жасорати, сабру бардошига бағишлаб, «Матонат мадҳияси» деган монумент барпо этишни таклиф қилган эдим. Кенг жамоатчилигимиз, халқимиз бу ташаббусни кизгин қўллаб-қувватлади.

Шу мавзуда ижодкорларимиз кўплаб мақолалар, шеър ва дostonлар яратмоқдалар.

Бу ҳақда гапирганда, мен «Ўзбеккино» миллий агентлиги томонидан яратилган «Илҳақ» бадиий фильми тўғрисида алоҳида тўхталмоқчиман. Истеъдодли ёш режиссёр Жаҳонгир Аҳмедов суратга олган ушбу ажойиб фильмни мен кеча жуда катта қизиқиш ва ҳаяжон билан томоша қилдим. Халқимиз ҳаётининг энг оғир, энг фожиали даврига бағишланган бу асар том маънода қаҳрамонлик қасидаси бўлиб, ҳар қандай одамнинг ҳам қалбини ларзага солади.

Даҳшатли уруш туфайли беш нафар баҳодир ўғлидан айрилган, умрининг охиригача фарзандларини илҳақ, яъни йўлларига кўз тикиб кутган Зулфия Зокирова сиймосида ўзбек оналари, ўзбек аёлларига мансуб энг буюк фазилатлар ниҳоятда теран ифода топган. Биз бу бадиий гўзал асарни бугунги улуғ байрам кунида барча телеканалларимиз орқали кенг намойиш этишга қарор қилдик.

Фурсатдан фойдаланиб, мен бутун халқимизни, айниқса, ёшларимизни мана шу фильмни оила даврасида кўришга, унинг қаҳрамонларидан ўрнат олишга даъват этаман.

Катта ғурур ва ифтихор билан таъкидлаб айтмоқчиман: Ғалаба боғининг марказида «Матонат мадҳияси» деб аталган муаззам обида барча Ўзбекистон оналарига қўйилган ҳайкал бўлиб, она Ватан рамзи бўлиб қад ростлади. Ҳеч шубҳасиз, ушбу ёдгорлик бутун халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун кутлуғ зиёратгоҳга, оила, севги-муҳаббат, вафо ва садоқат деган муқаддас тушунчалар тимсолига айланиб қолади.

Бу ерга қадам қўйган ҳар бир йигит-қиз миллатимизнинг қонида, суягида бўлган ноёб маънавий фазилатларни асраб-авайлаб, қадрлаб яшаш учун мана шундай улуғ инсонлардан тарбия ва ибрат олади, деб ишонаман.

Айтиш керакки, қисқа вақт ичида, айниқса, карантин шароитида Ғалаба боғи деб ном олган бу улкан мажмуани барпо

этиш осон бўлгани йўқ. Лекин, барча қийинчиликларга қарамасдан, моҳир курувчи ва меъморларимиз, муҳандислар, турли соҳа мутахассислари, рассом ва ҳайкалтарошлар, азамат ёшларимиз бу вазифани ўзлари учун савобли бир иш деб билиб, туну кун фидокорона меҳнат қилдилар. Халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти билан ушбу бетакрор мажмуа 9 май байрамига қуриб битказилди.

Фурсатдан фойдаланиб, бу ғоят эзгу ишга чин юракдан ҳисса қўшган барча-барча инсонларга ўз номидан, эл-юртимиз номидан чуқур миннатдорчилик билдираман.

Ғалаба боғи, Хотира, Қадр-қиммат боғи ҳаммамизга, бутун халқимизга муборак бўлсин!

Азиз фахрийлар!

Бугунги қутлуғ айёмда барчамиз, аввало, ўз жонини она юрт учун қурбон қилган ватандошларимизнинг руҳи поклари олдида бош эгиб таъзим қиламиз. Сизлар каби минглаб уруш ва меҳнат фронти катнашчиларини — азму шижоатли, довюрак ота-боболаримиз, сабр-матонатли оналаримиз, момоларимизнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Афсуски, карантин туфайли сизларнинг барчангизни бу гўзал масканга, бугунги тантанали маросимга олиб келолмадик. Лекин мана шундай мукаддас ва шукуҳли кунда ҳаммамиз руҳан, қалбан сизлар билан биргамиз.

Уруш ва меҳнат фахрийларининг аксарияти ҳозир вилоятларда, харбий округларда, бошқалари эса ўз хонадонларида оила аъзолари билан 9 май байрамини нишонламоқдалар. Улар «ойнаи жаҳон» орқали бугунги тантанали маросимни тўғридан-тўғри кузатиб бормоқдалар.

Сизларнинг ҳаммангизни — марказда ва жойлардаги байрам тадбирларида иштирок этаётган, шунингдек, ушбу тантанали маросимни уйларида «ойнаи жаҳон» орқали томоша қилаётган, менинг табрик сўзларимни эшитиб турган фидойи инсонларни улуғ айём билан яна бир бор табриклаб, ўзимнинг

юксак ҳурмат ва эҳтиромимни билдираман. Сиз, азизларнинг барчангизни ғойибона бағримга босиб, бугунги эркин ва озод ҳаётни таъминлаш йўлида кўрсатган мардлигингиз, Ватанга садоқатингиз учун ўз номимдан, халқимиз номидан раҳматлар айтиб, энг эзгу ва самимий тилакларимни изҳор этаман.

Биз сизларнинг тимсолингизда ўзининг доно маслаҳатлари, бой ҳаётӣй тажрибаси билан ҳаммамизга устоз ва дуогўй бўлиб юрган мўътабар инсонларни кўрамиз. Сизларнинг ҳар бирингиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Ҳаёт йўлларида дуч келаётган турли қийинчилик ва муаммоларни, ҳозирги кунда бошимизга тушган синовларни енгиб ўтишда биз сизларнинг мислсиз сабот ва матонатингиздан, қатъиятингиздан доимо куч ва ибрат оламиз. Ёш авлодимизни Ватанга, халққа садоқатли, жасур инсонлар этиб тарбиялашда биз сизларни доимо ўрнатқ деб биламиз ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолади.

Жонажон юртимизнинг файзу фариштаси бўлган сиз, азизларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш учун бундан буён ҳам сидқидилдан хизмат қиламиз.

Муҳтарам ватандошлар!

Бугун Ғалаба байрамининг 75 йиллигини нишонлар эканмиз, халқимизнинг уруш йилларида кўрсатган қаҳрамонлиги ҳақида такрор ва такрор ўйлашимиз албатта табиӣй-дир.

Мен аввалги чиқишларимда эл-юртимизнинг буюк Ғалабага қўшган ҳиссаси ҳали тўлиқ ўрганилмагани ҳақида гапириб, жамоатчилигимиз эътиборини шу масалага қаратган эдим. Бугун мамнуният билан айтмоқчиманки, кейинги йилларда ушбу йўналишда жуда катта ишларни амалга оширдик.

Аввало, илгари ёпиқ бўлган архив ҳужжатларини, илмий жамоатчилик учун маълум бўлмаган материалларни ўрганиш учун имконият яратилди. Бу борада собиқ Иттифок

республикалари ва чет эллардаги архив ташкилотлари, музейлар ва фондлар, тарихчи олимлар ва мутахассислар, кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик кучайтирилди.

Ана шундай илмий изланишлар натижасида халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки ҳақида, қаҳрамон аجدодларимиз ҳақида жуда муҳим янги маълумотларга эга бўлдик. Ҳозирги вақтда улар оммавий ахборот воситаларида, китоб ва альбомларда кенг ёритилмоқда.

Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги тарихимизни ўрганишда том маънода янги давр бошланди, деб айтишга бугун барча асосларимиз бор. Масалан, шу вақтга қадар уруш бошланган пайтда юртимиз аҳолиси 6 миллион 551 минг кишини ташкил этган ва уларнинг 1 миллион 500 мингга яқини урушда иштирок этган, деб ҳисобланар эди.

Янги топилган маълумотларга кўра, Ўзбекистондан 1 миллион 951 мингга яқин киши урушга сафарбар этилгани аниқланди. Демак, ҳар уч нафар ўзбекистонликдан биттаси кўлига курол олиб, фашизмга қарши жанг қилган.

Аёвсиз жанглarda мардона қатнашган қарийб 451 минг нафар юртдошимизнинг номлари ва тақдири шунча йиллар мобайнида эътибордан четда қолиб келганини албатта адолатдан, деб бўлмайди.

Шунингдек, ўша даврда «қулоқ» сифатида бошқа ўлкаларга сургун қилинган 59 мингдан ортиқ ватандошимиз ҳам ҳаракатдаги армияга сафарбар этилгани маълум бўлди.

Шу борада яна баъзи рақамларни келтирмоқчиман: илгари 396 минг нафар Ўзбекистон фуқароси урушда ҳалок бўлган, деб айтиларди. Аслида бу рақам 538 мингдан зиёд бўлган.

Бундан ташқари, фронтда бедарак йўқолганлар ҳақидаги маълумотлар ҳам тўлиқ эмасди. Ҳозирги вақтда 158 мингдан кўпроқ ҳамюртимиз урушда бедарак кетгани аниқланди.

Мана, даҳшатли урушда халқимиз қандай оғир йўқотиш ва талафотлар берган, қандай азоб-укубатларни бошидан кечирган!

Олиб борилган илмий изланишлар туфайли жанговар орден ва медаллар билан мукофотланган Ўзбекистон вакилларининг сони бўйича ҳам ойдинлик киритилди. Шу пайтга қадар бу кўрсаткич 120 минг нафар деб қайд этиларди. Янги маълумотларга асосан 200 мингдан зиёд аскар ва офицерларимиз жанговар давлат мукофотлари билан тақдирлангани аниқланди. Жумладан, илгари 280 нафар деб ҳисоблаб келинган ўзбекистонлик Совет Иттифоқи Қаҳрамонларининг сони 301 та экани, 70 нафар юртдошимиз учала даражадаги Слава орденига сазовор бўлгани ҳужжатлар орқали ўз тасдиғини топди.

Мен мана шундай бебаҳо ҳақиқатни юзага чиқариб, адолатни қарор топтиришга катта ҳисса қўшган тарихчи олимларимизга, илмий ва ижодкор зиёлиларимизга катта раҳматлар айтаман. Айни вақтда уларни бу борадаги изланишларни давом эттиришга, мана шу Ғалаба боғидаги «Шон-шараф» музейини доимий равишда янги маълумотлар билан бойитиб боришга даъват этаман.

Ота-боболаримиз жасоратини чуқур ўрганиш ва келгуси авлодларга етказиш мақсадида янги тарихий маълумотлар асосида ҳар йили 9 май байрами арафасида алоҳида китоб тайёрлаб, нашр этсак, ўйлайманки, айни муддао бўлади.

Оловли уруш йилларида бутун Ўзбекистон халқи «**Ҳамма нарса – фронт учун**», «**Ҳамма нарса – Ғалаба учун!**» деган ҳаётий эътиқод билан яшади. Мамлакатимиз фронт ортидаги мустаҳкам таъминот базасига айланди. Ўзбекистон халқи жанг майдонларига катта миқдорда қурол-яроғ, озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон ва бошқа зарур маҳсулотларни етказиб берди. Кўпмиллатли аҳолимизнинг фидокорона

меҳнати билан республикамиздаги 300 га яқин корхонада ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Шу даврда фронт ҳудудларидан юртимизга 151 та завод кўчириб келтирилди ва ғоят қисқа фурсатда ишга туширилди. Минг-минглаб уруш қатнашчилари мамлакатимизда ташкил этилган ҳарбий госпиталларда даволаниб шифо топдилар.

Янги аниқланган маълумотларга кўра, уруш ўчоғига айланган ўлкалардан Ўзбекистонга 1 миллион 500 минг киши, жумладан, 250 мингдан зиёд бола эвакуация қилинди. Халқимиз бу одамларнинг барчасига чинакам меҳр ва эътибор кўрсатди, сўнгги бурда нонини ҳам улар билан баҳам кўриб, юксак инсонпарварлик ғазилатларини намоеън этди.

Азиз дўстлар!

Инсоният тарихидаги энг даҳшатли қирғин – Иккинчи жаҳон урушининг тугаганига 75 йил тўлган бўлса-да, афсуски, ер юзининг турли бурчакларида, жумладан, минтақамизга яқин ҳудудларда қарама-қаршилик, қонли тўқнашувлар давом этмоқда. Шу сабабли биз доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишимиз, мустақиллигимизни мустаҳкамлаб, Ватанимиз қудрати, Қуролли Кучларимиз салоҳиятини янада оширишимиз зарур.

Бугун биз сизлар билан биргаликда янги Ўзбекистонни барпо этмоқдамиз. Янги ҳаёт, беқиёс ўзгаришлар ҳаммамиздан фидойилик ва бунёдкорликни, янада катта сафарбарликни талаб этмоқда. Бу жараёнда тинчлик ва осойишталикни асраш, жаҳон ҳамжамияти, аввало, қўшни давлатлар билан дўстлик ва ҳамкорликни кучайтиришни биз энг муҳим вазифамиз деб биламиз.

Бугунги улуғ айёмда фашизмга қарши курашга муносиб ҳисса қўшган қардош халқларни, барча эзгу ниятли инсонларни самимий табриклаб, уларга тинчлик, равнақ ва фаровонлик тилаймиз.

Ишончим комил, қаҳрамон аجدодларимизнинг жасоратига содиқ бўлган олижаноб халқимиз тинч ва фаровон ҳаётни

қадрлаб, уни янада мустаҳкамлаш йўлида бор куч ва имкониятларини сафарбар этади.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Барчангизни яна бир бор буюк Ғалабанинг 75 йиллик байрами ҳамда Хотира ва қадрлаш куни билан чин юракдан табриклайман.

Мана шундай мусаффо осмон, эркин ва озод ҳаёт учун курашларда ғолиб чиққан фахрийларимизга шон-шарафлар бўлсин!

Мард ва матонатли халқимиз ҳамиша омон бўлсин!

Ғалаба байрами барчамизга муборак бўлсин!

*Тошкент шаҳри,
Ғалаба боғи,
2020 йил 9 май*

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА РАМАЗОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Қадрли ва мухтарам ватандошлар!

Авваламбор, сиз азизларни, юртимиздаги барча мўмин-мусулмонларни, нуроний отахон ва онахонларимизни, қадрли ака-укаларимиз, опа-сингилларимизни, азму шижоатли ёшларимизни, иймон-эътиқодли халқимизни муборак Рамазон ҳайити билан чин қалбимдан табриклаб, самимий тилаklarимни билдираман.

Рамазони шариф эзгулик, хайру саховат ва меҳр-окибат оғи сифатида эл-юртимизнинг ижтимоий-маънавий ҳаётида азал-азалдан алоҳида ўрин эгаллаб келади.

Ушбу қутлуғ ойда сабру қаноат, шукроналик, руҳий пок-ланиш, меҳр ва кўмакка муҳтожларга янада эътиборли бўлиш, савобли амаллар қилишдек олижаноб фазилатлар бу йил юртимизда ҳар қачонгидан ҳам яққол намоён бўлди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Мард ва матонатли халқимиз коронавирус пандемияси, бошимизга тушган турли синовлар ва табиий офатлар шароитида **«Аллоҳ сабр-тоқатли инсонлар билан биргадир»**, деган илоҳий ўғитга амал қилиб, тушкунликка берилмасдан, янада аҳил ва бирдам бўлиб, инсонпарварлик, ҳамжихатликнинг юксак намунасини кўрсатганини жаҳон ҳамжамияти эътироф этмоқда. Бу билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди.

Асрлар давомида халқимиз онгида бағрикенглик, меҳр-мурувват, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, мустаҳкам ирода каби ибратли фазилатларни шакллантиришда табарруқ Рамазон оғига хос қадриятларнинг ўрни ва таъсири албатта бекиёсдир.

Бу йил карантин туфайли Рамазон амаллари ва ибодатларини адо этишда юзага келган маълум қийинчиликларни тўғри тушуниб, бу масалага оқилона ёндашган, айни вақтда «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракатида фаол иштирок этаётган ҳиммати баланд тадбиркорларимиз ва фермерларимизга, турли касб эгалари бўлган кексаю ёш барча ватандошларимизга шу улуғ айём кунларида яна бир бор чуқур миннатдорчилик билдираман.

Азиз дўстлар!

Маълумки, ҳозирги кунда бутун дунё аҳли каби биз ҳам коронавирус пандемияси билан боғлиқ мушкул вазиятни бошимиздан ўтказмоқдамиз. Шу ўринда бир ҳақиқатни эслатиб ўтишни зарур, деб биламан.

Карами кенг Аллоҳ таоло муқаддас Куръони каримда инсонларни масъулиятли синов кунларида сабр ва қаноатли бўлишга даъват этиб, **«Албатта, қийинчилик билан бирга енгиллик ҳам бордир»**, деб марҳамат қилади.

Чиндан ҳам, ҳар қандай ташвиш ортида енгиллик ва ёруғлик борлигини коронавирус касаллигидан соғайиб чиқаётган, табиий офатлар туфайли уй-жойидан айрилган, лекин давлатимиз ва эл-юртимизнинг катта ёрдами ва кўмаги билан ўз ҳаётини янгитдан йўлга қўйиб олаётган минглаб юртдошларимиз қалбдан ҳис этмоқдалар.

Шу маънода, бугунги қийинчиликлар албатта ўтиб кетади, ҳали қанча хурсандчилик кунлар, байрам ва хайитларни барчамиз биргаликда нишонлаймиз, деб ишонаман.

Шубҳасиз, ҳар қандай машаққатни меҳнат ва матонат, сабру чидам билан мардона енгиб ўтган олижаноб халқимиз бу синовлардан янада кучли ва қудратли бўлиб чиқади.

Ана шундай қатъий ишонч ва кўтаринки кайфият билан бугунги кунда юртимизни тараққий эттириш йўлида даврнинг ўзи талаб этаётган, биз бошлаган кенг қўламли ислохот ва ўзгаришларни бир ёқадан бош чиқариб, изчил амалга ошириб, олдимизга қўйган улкан марраларга албатта эришамиз.

Сиз, азиз ва мухтарам ватандошларимни эзгу ниятлар рўёбга чиқадиган, хайрли амаллар учун беҳисоб савоблар ёғиладиган, ўзаро бирдамлик, дўстлик ва аҳиллик туйғулари тараннум этиладиган шукуҳли Ийд-ул-Фитр билан яна бир бор чин юракдан муборакбод этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, жаҳондаги барча мўмин-мусулмон биродарларимизни ҳам халқимиз номидан самимий қутлаб, уларга тинчлик-осойишталик, файзу барака ва фаровон ҳаёт тилайман.

Нияти пок, мақсадлари улуғ халқимизнинг ушбу саодатли онларда қилаётган тоат-ибодатлари ва дуолари ижобат бўлсин!

Парвардигори олам доимо йўлимизни ҳам, юзимизни ҳам ёруғ қилсин! Юртимизни, элимизни турли бало-қазолардан Ўзи асрасин!

Ватанимиз тинч, халқимиз соғ-саломат бўлсин!

Рамазон ҳайити барчамизга муборак бўлсин!

2020 йил 24 май

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Мухтарам дўстлар!

Барчангизни 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий табрик-лаб, сизларга ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилакларимни билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб, жаҳон миқёсида юз берган пандемия туфайли вужудга келган бугунги мураккаб вазият ва қийинчиликларга қарамасдан, аҳолига тезкор ва ишончли ахборот етказиб бериш, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларни атрофлича акс эттириш йўлида ўз профессионал бурчини сидқидилдан адо этиб келаётган сиз, журналистлар аҳлига чуқур миннатдорчилик билдираман.

Ҳурматли оммавий ахборот воситалари ходимлари!

Сизларга аёнки, мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришда ахборот соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Кейинги уч йилда бу борада ўндан зиёд конун ҳужжатлари қабул қилингани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Хусусан, «Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарорига мувофиқ бу соҳада янги тизим яратилди.

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш мақсадида ўтган бир йил давомида кўплаб

вазирлик ва идораларда ахборот хизматлари замон талаблари асосида қайтадан, 201 та туман ва шаҳар ҳокимликларида эса биринчи марта ташкил этилди.

Ана шу хизматлар томонидан ижтимоий жараёнлар ҳақида ишончли ахборот бериш мақсадида матбуот анжуманлари, брифинглар, медиатурлар ташкил этилмоқда, ҳаётимиздаги муаммо ва ҳодисаларга тезкор муносабат билдирилмоқда, уларнинг веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлар, мобиль мессенжерлардаги саҳифалари янгилаб борилмоқда.

Охирги йилларда мамлакатимизда катта аудиторияга эга бўлган қарийб 290 та хусусий ва идоравий Интернет нашрлари ташкил этилди. Улар бошқа материаллар қаторида энг муҳим расмий ахборотлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўзбек, рус ва инглиз тилларида тарқатмоқда.

Энг асосийси, оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгариш ва янгиланиш жараёнларини ҳар томонлама таҳлил қилиб, жойлардаги ижтимоий муаммолар, хато ва камчиликларга давлат идоралари ва жамоатчилик эътиборини қаратаётганини алоҳида қайд этиш лозим.

Албатта, бугун биз ҳамма соҳада, жумладан, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш борасида ҳам излашнишдамиз. Бинобарин, бу йўлда ютуқлар билан бирга, камчилик ва нуқсонлар бўлиши ҳам табиийдир.

Бу ҳақда гапирганда, миллий медиа майдонимизда замоннинг ўткир талаб ва мезонлари, энг муҳим тенденцияларини очиб бериш, танқидий таҳлил, одамлар кутаётган мавзу ва муаммоларни дадиллик билан ўртага ташлаш ҳали ҳам етакчи ўрин эгалламаётганини айтишга тўғри келади. Афсуски, аксарият ахборот воситаларида ижтимоий салмоғи енгил бўлган, ҳисобот ва баландпарвозлик руҳидаги материаллар ҳануз устунлик қилмоқда.

Яна бир муҳим масала — айрим журналист ва блогерларимизда билим ва профессионал малака, баҳс маданияти етишмаслиги жамоатчиликни ташвишлантирмоқда.

Бу борадаги энг асосий вазифа — ана шундай камчиликларни чуқур ўрганиб, уларни бартараф этиш, мавжуд миқдор кўрсаткичларини сифат кўрсаткичларига айлантириш, оммавий ахборот воситаларининг самарадорлигини оширишдан иборат.

Биз бугун ҳуқуқий демократик давлат кураётган эканмиз, журналистиканинг бутун дунёда эътироф этилган, ўзгармас талаб ва мезонларига амал қилишимиз зарур. **Бу мезонларнинг энг асосийси — холислик ва ҳаққонийликдир.** Бинобарин, матбуот майдонига кирган инсон — у журналист бўладими, блогер бўладими, бундан қатъи назар — ана шу қоидаларга амал қилиши шарт.

Биз бўлғуси журналистларимиз чуқур билим ва касб маҳоратини, она тилимиз билан бирга чет тилларни, фаол фуқаролик позициясини, ахборот-коммуникация технологиялари, нотиклик малакасини пухта эгаллашларига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Ана шундай етук кадрларни тайёрлашда энг аввало ўзимизнинг бой маънавий меросимизга таянсақ, албатта натижа бўлади. Бу борада жадидлар, хусусан, бу йил 145 йиллик таваллуд санаси кенг нишонланаётган улуғ аллома ва публицист Маҳмудхўжа Бехбудийнинг миллий журналистика мактаби айниқса муҳим аҳамиятга эга.

Сиз азизларнинг бугунги касб байрамингиз баҳона бир эзгу таклифни илгари сурмоқчиман. Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабалари учун **Маҳмудхўжа Бехбудий номидаги стипендияни** таъсис этсак, ўйлайманки, бу ҳам ёшларимизни миллий ғоя руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Шунингдек, айти вақтда жаҳондаги етакчи медиа компанияларининг кадрлар тайёрлаш ва улар билан ишлашга оид тажрибасини чуқур ўрганиб, чет эллик журналистлар билан тажриба алмашиш, халқаро ҳамкорликни кучайтиришимиз зарур.

Мухтарам матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари!

Сизларни ва сизларнинг ижод маҳсулингиздан баҳраманд бўладиган жамики муштарий ва мухлисларингизни касб байрамингиз билан яна бир бор самимий муборакбод этаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, янги ютуқлар, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

2020 йил 27 июнь

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Азиз ўғил-қизларим!

Барчангизни юртимиз ҳаётидаги қутлуғ байрам – Ёшлар куни билан самимий табриклаб, ўзимнинг чуқур меҳрим ва эзгу тилакларимни билдиришдан ғоят мамнунман.

Бугунги кунда мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотларни амалга оширишда азму шижоатли ёшларимизнинг ўрни ва таъсири тобора ортиб бораётгани ҳаммамизни қувонтиради.

Ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида, Ватан ҳимоясидек шарафли вазифани адо этишда миллионлаб ёшларимиз садоқат ва фидойилик билан хизмат қилмоқда. Сиёсий савияси етук, мустаҳкам фуқаролик позициясига эга юзлаб йигит-қизлар парламентимиз ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг аъзоси сифатида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий ҳокимият идораларида раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатмоқда.

Республикаимизда самарали ишлаётган 227 мингга яқин ёш тадбиркор ва фермерлар, моҳир хунармандлар иқтисодиётимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда. Юртимизда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун зарур шароитлар яратилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, биргина «Ёшлар – келажагимиз» дастури доирасида ёш авлод вакилларининг 7 минг 775 та бизнес лойиҳасига 1 триллион 635 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли кредит маблағлари ажратилиб, шу асосда 40 мингга яқин янги иш ўрни ташкил этилганини қайд этиш лозим.

Ана шундай эътибор ва ғамхўрлик туфайли ҳудудларда 27 та «Ёш тадбиркорлар» коворкинг-марказлари ҳамда 157 та

«Ёшлар меҳнат гузари» фойдаланишга топширилди. Ушбу мажмуаларда 2 минг 200 нафардан ортиқ ўғил-қизларимиз ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлагани эътиборлидир.

Шу билан бирга, «**Ҳар бир ёшга – бир гектар**» лойиҳаси бўйича барча ҳудудларимизда 65 мингга яқин ёш деҳқонларга 54 минг 232 гектардан зиёд ер ажратилди.

Ана шундай муҳим чора-тадбирлар туфайли сўнгги уч йилда 560 минг 200 нафарга яқин ёш фуқаро иш билан таъминланди.

Бу йил коронавирус пандемияси ҳамда Бухоро ва Сирдарё вилоятларида рўй берган офатлар бутун эл-юртимиз қатори ёшларимиз иродасини ҳам синовдан ўтказди. Ана шундай оғир вазиятларда минг-минглаб ўғил-қизларимиз чинакам мардлик ва жасорат кўрсатиб, барча тенгдошларига ўрнак бўлдилар.

Хусусан, мамлакатимизда ташкил этилган «**Саховат ва кўмак**» умумхалқ ҳаракатининг асосий иштирокчилари ҳам ёшларимиз экани, Ҳаракат доирасида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг 4 минг 500 нафар аъзоси кўнгилли сифатида фаол иш олиб бораётгани таҳсинга лойиқдир.

Сардоба сув омборидаги тошқиндан талафот кўрганларга ёрдам ва кўмак кўрсатиш мақсадида Ёшлар иттифоқининг хайрия карвони ташкил этилиб, аҳолига кийим-кечак, санитария воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, катта миқдордаги ўқув қуроллари ва спорт анжомлари, бадий адабиётлар етказиб берилди.

Ўз навбатида, бундай эзгу ишлар Бухоро вилоятининг кучли довулдан зарар кўрган Олот ва Қорақўл туманларида ҳам амалга оширилгани сизларнинг ватанпарварлик ва олижаноблик фазилатларингиздан далолат беради.

Фурсатдан фойдаланиб, оғир синов кунларида халқимизга ҳақиқий таянч ва суянч бўлиб майдонга чиққан Қуролли

Кучларимизнинг мард ва матонатли ҳарбий хизматчиларига, жонкуяр шифокорлар, бунёдкор қурувчилар, саховатли тadbиркорларимизга, илм-фан, маданият ва спорт соҳаси вакилларига, Ёшлар иттифоқининг фаол аъзоларига – барча Ўзбекистон ёшларига чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Ватанимиз, эл-юртимиз сизлар каби фидойи ва жасур фарзандлари билан ҳамиша фахрланади!

Мухтарам ёш дўстларим!

Бугунги кунда замонавий илм-фан ва юқори технологияларни мукаммал эгаллаш ҳар қандай давлат ва жамият тараққиётининг ҳал қилувчи шартига айланиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Ана шу ҳақиқатни чуқур англаган ҳолда, биз навқирон авлодимизнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етиши учун бор куч ва имкониятларни сафарбар этмоқдамиз.

Шу мақсадда улуғ алломаларимиз номидаги ихтисослаштирилган мактаблар, Инновацион ривожланиш вазирлиги қошида Ёшлар академияси, Фарғона шаҳрида «Лойиҳалар фабрикаси» фаолияти йўлга қўйилгани, Президент ва ижод мактаблари бўйича дастурларимиз изчил давом эттирилагани сизларга яхши маълум.

Иқтидорли ёшларни янада қўллаб-қувватлаш учун ҳар бир ҳудудда Ёшлар технопаркларини барпо этишни бошладик. Умумий қиймати 30 миллиард сўмдан ортиқ бўлган «Ёш олимлар» амалий ва инновацион лойиҳалар танлови эълон қилинди.

Карантин шароитига қарамасдан, 6 миллиондан ортиқ мактаб ўқувчилари, 468 минг талаба ўқув дастурларида белгиланган дарсларни ўз вақтида ва сифатли ўзлаштирди. «Online-maktab» лойиҳаси доирасида 17 та фан бўйича 4 мингдан ортиқ телемашғулотлар ўтказилди. Бу жараёнга энг малакали

педагоглар жалб этилди, жумладан, Тошкентдаги Президент мактабининг хорижлик мутахассислари томонидан ҳам маҳорат дарслари олиб борилди. Имконияти чекланган болаларни ўқитишга алоҳида эътибор қаратилиб, барча дарслар сурдопедагог ва сурдотаржимонлар томонидан тушунтириб борилди.

Ўзбекистоннинг бу тажрибаси ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, Жаҳон банки каби халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда.

Бугунги шиддатли замонда, глобал миқёсда рақобат кучайиб бораётган мураккаб вазиятда юксак интеллектуал салоҳиятга эга кадрларга эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам ортиб бормоқда. Шу боис биз ўз олдимизга қўйган улкан ва масъулиятли вазифалардан келиб чиқиб, мамлакатимиз олий таълим тизимида туб ўзгаришларни амалга оширмоқдамиз.

Жумладан, кейинги уч йилда республикаimizдаги олий ўқув юртлари сони 60 фоизга ошиб, 116 тага етди. Улар орасида нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари борлиги алоҳида эътиборга лойиқ. Мамлакатимизда олий таълим муассасаларига қабул квоталари сони изчил ошириб борилмоқда. Агар 2016–2017 ўқув йилида бу рақам 58 мингтани ташкил этган бўлса, жорий йилда 150 мингтага етади. Яъни, бу йил мактаб битирувчиларининг 25 фоизи олий ўқув юртларида ўқиш имконига эга бўлади. Ҳолбуки, 2017 йилда бу рақам 9 фоизга тенг эди.

Миллат генофондини сақлаш ва давом эттиришнинг муҳим омили бўлган ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш масаласи доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Сўнгги уч йилда 2 минг 668 та ёш оилага уй-жой учун 121 миллиард 244 миллион сўм бошланғич тўлов маблағлари 20 йил давомида фоизсиз қайтариш шарти билан тўлаб берилди.

Барчамиз гувоҳмиз – бугун дунё мисли кўрилмаган суръатлар билан кескин ўзгариб бормоқда. Ижтимоий ҳаётимизда

кўплаб ижобий жараёнлар билан бирга, ёш авлоднинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган маънавий таҳдидлар ҳам тобора хавфли тус олмоқда.

Бундай мураккаб вазиятда фарзандларимизни зарарли таъсирлардан асраш, доимо хушёр ва огоҳ бўлиб яшаш энг долзарб вазифамиз бўлиб қолмоқда.

Ёшларимизни она Ватанимизга, мустақиллик ғояларига муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг истеъдод ва қобилиятини, эзгу интилишларини рўёбга чиқариш йўлида бошлаган катта ишларимизни бундан буён ҳам қатъият билан давом эттирамиз.

Айни шу мақсадда юртимизнинг барча вилоят ва туманларида, шаҳар ва қишлоқларимизда янги-янги таълим даргоҳлари, маданият ва санъат масканлари, спорт иншоотлари барпо этилиб, ёшлар ихтиёрига берилмоқда.

Шулар қаторида пойтахтимизда бунёд этилган муҳташам Ғалаба боғи, «Шон-шараф» музейи, Тошкент шаҳрининг тарих музейи, бетакрор Адиблар хиёбони фарзандларимизни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида камол топтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Ёшларимизни жисмоний соғлом, маънавий етук инсонлар этиб тарбиялаш учун беш муҳим ташаббус доирасида кўплаб стадионлар, сув ҳавзалари, спорт мажмуалари ва саройлари барпо этилмоқда.

Энг муҳими, фарзандларимиз ўртасида спорт билан мунтазам шуғулланадиган, соғлом турмуш тарзини ўз ҳаётий мақсадига айлантирган йигит-қизлар сафи кенгайиб бормоқда.

Қадрли ватандошлар!

Бугун жонажон Ўзбекистонимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт қуриш йўлида биз бошлаган улкан ишларни давом эттиришга қодир бўлган янги авлод шаклланмоқда.

Азиз ўғил-қизларим, ҳеч қачон унутманг, халқимиз, Ватанимиз сизлардан буюк ишларни кутмоқда.

Шу муқаддас ишонч ва масъулиятни ҳар томонлама оқлаш, унга муносиб бўлиш – дунёдаги энг улуғ бахтдир. Шундай бахт, шундай шараф барчангизга насиб этсин!

Сизларни севимли байрамингиз, азму шижоат, гўзаллик ва камолот айёми – Ёшлар куни билан яна бир бор самимий табриқлаб, барчангизга сихат-саломатлик, бахт ва омад тилайман.

2020 йил 30 июнь

МУНДАРИЖА

ХАЛҚИМИЗНИНГ ҲАЁТ ДАРАЖАСИ ВА СИФАТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ – ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИ <i>2020 йил 24 январь</i>	4
ПАРЛАМЕНТ ХАЛҚ ИРОДАСИНИНГ ҲАҚИҚИЙ КЎЗГУСИ БЎЛИШИ ЗАРУР <i>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисидаги нутқ 2020 йил 20 январь</i>	51
СЕНАТОРЛИК ТАШАББУСКОРЛИК ВА ФИДОЙИЛИК ДЕМАКДИР <i>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлисидаги нутқ 2020 йил 20 январь</i>	72
БОШЛАГАН ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИ ЖАДАЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ – УСТУВОР ВАЗИФАДИР <i>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқ 2020 йил 21 январь</i>	90
КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ЭНГ МУҲИМ МЕЗОНИ <i>Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза 2019 йил 7 декабрь</i>	105
ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИНИ КУЧАЙТИРИШ – ДОЛЗАРБ ВАЗИФАМИЗДИР <i>Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишидаги нутқдан 2020 йил 10 январь</i>	128

**МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БИЗ УЧУН
УМУММИЛЛИЙ МАҚСАДГА, УМУМХАЛҚ ҲАРАКАТИГА
АЙЛАНИШИ ЗАРУР**

*Халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси
ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини
юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги
нутқ*

2019 йил 23 август 142

**МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИМИЗ ВА МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ
ТИМСОЛИ**

*Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз
йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ*

2019 йил 21 октябрь 161

**ЯНГИ ФИКР, ЯНГИ ҒОЯГА, ИННОВАЦИЯГА ТАЯНГАН
ДАВЛАТГИНА ЮКСАК ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШАДИ**

*Ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фан-
ларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослашган Муҳаммад
Хоразмий номидаги мактабда ёшлар билан учрашувдаги нутқ*

2019 йил 27 декабрь 175

**ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ИРОДАСИ
ВА МАТОНАТИГА ТАЯНИБ,
СИНОВЛАРДАН МУНОСИБ ЎТАМИЗ**

**КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ КУРАШ ТАРТИБ-ИНТИЗОМ ВА САБР-
ТОҚАТНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ**

*Маҳалла ва оила масалаларига бағишланган видеоселектор
йиғилишидаги нутқдан*

2020 йил 18 март 199

**ШИФОКОРЛАРНИНГ ЎЗ КАСБИГА САДОҚАТИ ВА ФИДОКОРОНА
МЕҲНАТИ – ҲАҚИҚИЙ ЖАСОРАТ НАМУНАСИ**

*Мамлакатимизда коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши
куралишни кучайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор
йиғилишидаги мурожаат*

2020 йил 26 март 206

ХАЛҚИМИЗНИНГ АҚЛ-ЗАКОВАТИ ВА МЕТИН ИРОДАСИГА ИШОНАМАН

Коронавирус пандемияси келтириб чиқарган инқирозга қарши курашиш шароитида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишидаги маърузадан

2020 йил 3 апрель 211

УЛУҒ ХАЛҚ ҚУДРАТИ ҲАР ҚАНДАЙ ТЎСИҚ ВА ҲОВЛАРНИ ЕНГИШГА ҚОДИР

Глобал инқироз ва пандемия шароитида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги олдидан турган долзарб вазифалар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги нутқдан

2020 йил 14 апрель 218

«САХОВАТ ВА КЎМАК» УМУМХАЛҚ ҲАРАКАТИ ҲАҚИДА

Саноат, қурилиш ва инфратузилма тармоқлари корхоналарининг тўлиқ ишлашини таъминлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишидаги маърузадан

2020 йил 20 апрель 221

ХАЛҚИМИЗНИНГ ОЛИЖАНОБ ФАЗИЛАТЛАРИ ЯНА БИР БОР СИНОВДАН ЎТМОҚДА

Аҳоли бандлиги масаласига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилиши аввалида коронавирус инфекциясига қарши кураш доирасидаги сўз

2020 йил 22 апрель 229

ҲАМЖИҲАТЛИК ВА МЕҲР-ОҚИБАТ БИЛАН

Аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш ва нарх-наво барқарорлигини сақлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши аввалида коронавирус пандемиясига қарши кураш борасидаги сўз

2020 йил 29 апрель 233

ОФАТ ВА МАТОНАТ

Коронавирус инфекциясига қарши кураш ҳамда Бухоро ва Сирдарё вилоятларида юз берган фавқулодда ҳодисалар бўйича ўтказилган видеоселектордаги нутқдан

2020 йил 5 май 240

**ДЎСТОНА АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК – БАРҚАРОР
РИВОЖЛАНИШ КАФОЛАТИ**

- КОНСТРУКТИВ ТАШҚИ СИЁСАТ ЎЗБЕКИСТОН
ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ**
*Хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасига тайин-
ланган Фавқулодда ва мухтор элчиларидан ишонч ёрлиқларини
қабул қилиб олиш маросимидаги нутқ*
2019 йил 20 сентябрь 248
- МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИНИ ИҚТИСОДИЙ
РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ТАЙЁРЛАШ –
ДОЛЗАРБ ВАЗИФА**
*Туркменистон пойтахти Ашхобод шаҳрида МДҲ давлат
раҳбарлари кенгашида сўзланган нутқ*
2019 йил 11 октябрь 255
- ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ҲАМКОРЛИК
КЕНГАШИНИНГ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ АЪЗОСИ**
*Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида Туркий тилли давлатлар
ҳамкорлик Кенгашининг еттинчи саммитида сўзланган нутқ*
2019 йил 15 октябрь 258
- ИНТЕГРАЦИЯ ВА ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДАГИ ЯНГИ
ИМКОНияТЛАР**
*Туркий Кенгашининг 10 йиллик юбилейи санаси муносабати билан
Туркиянинг «Hurriyet Daily» газетасида чоп этилган мақола*
2019 йил 15 октябрь 263
- МАРКАЗИЙ ОСИЁ – ЯГОНА ЎТМИШ, УМУМИЙ КЕЛАЖАК**
*Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашу-
вида сўзланган нутқ*
2019 йил 29 ноябрь 269
- МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ
МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА
БРИФИНГДАГИ БАЁНОТ**
Тошкент шаҳри, 2019 йил 29 ноябрь 275

ЎЗБЕКИСТОН – ЯПОНИЯ: ХАЛҚЛАР ВА МАДАНИЯТЛАР МУЛОҚОТИ

«Марказий Осиё маданий мероси Япония музейларида» номли китоб-альбомга ёзилган сўзбоши

2019 йил 16 декабрь 279

ЯПОНИЯНИНГ АДАБИЙ МЎЪЖИЗАСИ

«Япон шеърляти гулдастаси» китобига ёзилган сўзбоши

2019 йил 16 декабрь 283

ЎЗБЕКИСТОН ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК УЧУН ОЧИҚДИР

Япониянинг «Nikkei» газетаси мухбири саволларига жавоблар

2019 йил 17 декабрь 292

МИЛЛИЙ СИЁСАТ ВА САВДО МУНОСАБАТЛАРИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНМОҚДА

Япониянинг «The Japan Times» газетасида босилган мақола

2019 йил 18 декабрь 297

НАГОЯ УНИВЕРСИТЕТИ – СИНАЛГАН ВА ИШОНЧЛИ ИЛМИЙ ҲАМКОРИМИЗ

Япониядаги Нагоя университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашувдаги нутқ

2019 йил 18 декабрь 304

ДЎСТ БОҒИНИНГ БУЛБУЛИ

Турк мумтоз шоири Юнус Эмронинг «Ўлмас кўнгул» китобига ёзилган сўзбоши

2020 йил 19 февраль 313

МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ

«Алишер Навоий асарларининг Истанбул кутубхоналаридаги тасвирий нусхалари» номли китоб-альбом учун ёзилган сўзбоши

2020 йил 19 февраль 318

**КИТОБ ВА КУТУБХОНАЛАР – ИНСОНИЯТ ТАФАККУРИ-
НИНГ БУЮК КАШФИЁТИДИР**

*Туркия Республикаси Президенти девони Халқ кутубхонасининг
тантанали очилиш маросимидаги нутқ*

2020 йил 20 февраль 324

**ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИНИНГ
КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИГА ҚАРШИ КУРАШГА
БАҒИШЛАНГАН НАВБАТДАН ТАШҚАРИ САММИТИ
(ВИДЕОКОНФЕРЕНЦИЯ)ДАГИ НУТҚ**

2020 йил 10 апрель 332

ТАБРИК ВА ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ҚУРБОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 11 август 338

**«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» XII ХАЛҚАРО МУСИҚА
ФЕСТИВАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН
ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗ**

Самарқанд шаҳри, 2019 йил 26 август 341

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТА-
ҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА САККИЗ ЙИЛЛИГИГА
БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚ**

2019 йил 31 август 347

**БИРИНЧИ ХАЛҚАРО ҲУНАРМАНДЧИЛИК ФЕСТИВА-
ЛИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚ**

Қўқон шаҳри, 2019 йил 14 сентябрь 357

**ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА БАЙРАМ
ТАБРИГИ**

2019 йил 28 сентябрь 364

ЎЗБЕК ЎҒЛОНЛАРИ ЖАСОРАТИНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ <i>Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган бокс бўйича жаҳон чемпионатида юксак натижаларга эришган спортчи ва мураббийларга мукофотларни топшириш маросимидаги нутқ</i> 2019 йил 30 сентябрь	369
«ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИГА 2019 йил 24 октябрь	377
ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҶАСИ ХОДИМ- ЛАРИГА 2019 йил 9 ноябрь	381
ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИГА 2019 йил 6 декабрь	387
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ 2019 йил 31 декабрь	394
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 28 ЙИЛЛИГИ ВА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ 2020 йил 14 январь	397
«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН» ГАЗЕТАСИ ЖАМОАСИГА 2020 йил 24 январь	403
МУНИСОНАЛАРИМИЗ, МЕҲРИБОН ОПА-СИНГИЛЛАРИМИЗ – ҲАЁТИМИЗ ГУЛТОЖИ 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ 2020 йил 7 март	405

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА НАВРЎЗ ТАБРИГИ

2020 йил 21 март 420

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА ХОТИРА ВА
ҚАДРЛАШ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ
МАРОСИМДАГИ НУТҚ

Тошкент шаҳри, Ғалаба боғи, 2020 йил 9 май 423

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА РАМАЗОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

2020 йил 24 май 433

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ
ХОДИМЛАРИГА

2020 йил 27 июнь 436

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

2020 йил 30 июнь 440

Расмий нашр

Шавкат Миромонович Мирзиёев

**МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН –
МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ**

4-жилд

Мухаррир *И. Аҳмедов*

Бадий муҳаррир *Ш. Ходжаев*

Техник муҳаррир *Т. Харитонова*

Кичик муҳаррир *М. Салимова*

Мусахҳихлар: *М. Ишонхонова, А. Умирова*

Компьютерда саҳифаловчи *А. Сулаймонов*

Нашриёт лицензияси АІ № 158.14.08.2009.
Босишга 2020 йил 9 июлда рухсат этилди.
Бичими 70x100 $\frac{1}{16}$, Офсет қоғози.
«Times New Roman» гарнитурасида офсет усулда босилди.
Шартли босма табағи 37,05. Нашр табағи 28,89.
Адади 10 000 нусха. Буюртма № 20-39.

«O‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100011. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20.
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz

Мирзиёев, Шавкат Миромонович

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари. — Тошкент:
М 54 «Ўзбекистон» НМИУ, 2020. — 456 б.

ISBN 978-9943-6481-2-8

УЎК 323.(575.1)

КБК 66.3(5Ў)

